

М.Ю. ЛЕРМОНТОВ



ПОЭМАЛАР

«ТОШКЕНТ» БАДИИЙ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ

1964

Жаҳон адабиёти классиклари сафида Михаил Юрьевич Лермонтов номи алоҳида ўрин тутadi. Унинг чуқур фалсафий, дардли, псёнкор, хаёлкаш шеърларини, поэмаларини ким севмайди дейсиз. Инсон буюклигини, инсон бебаҳолигини куйлаб ўтган шоирнинг туғилганига бу йил бир юз эллик йил тўлди.

Қўлингиздаги «Поэмалар» китоби шоирнинг шу катта тўйига туҳфадир.

Жамоатчи редактор
ХАМИД ҒУЛОМ
таҳрири остида

Шеър ўқийдиган ва уни севадиган кишининг ҳамма вақт ўз шоири бўлади, бу шоирнинг шеърини энг яқин йўлдошидай ўзи билан муттасил олиб юради. Лекин киши умрининг йиллари билан унинг сеvimли шоири ҳам ўзгариши, яъни киши бошқа шоирга муҳаббат қўйиб унинг шеърларини севиб қолиши мумкин, ёхуд сеvimли шеърларнинг ижодкори бир неча бўлиши ҳам мумкин. Поэзия хазинаси туганмас ва бой, унинг сахий денгизидан фақат бир жавоҳирнигина олиш билан киши қаноат ҳосил қилмас.

Мен учун ҳам шундай бўлган эди. Рус поэзиясининг ўлмас жавоҳирлар булогидан баҳраманд бўла бошлаган ёшлик йилларим аввал менинг шеърга чанқоқ дилимнинг йўлдоши Некрасов бўлди. Мен ундан айрилмадим, ўқидим, уқдим, йиғладим, кулдим унинг қаҳрамонлари ёнига кириб. Кейин мен Лермонтов, Михаил Юрьевич Лермонтовни топдим.

Муҳаббатнинг туғилишини одамларга баён қилиб бериш мушкул эканлиги ҳаммага аён. Лекин жуда яхши ёзилган, шеърятнинг ҳамма талабига, қондасига жавоб берадиган, ҳатто гўзал кўринган бир хил шеър ўқиш сизда фақат шавқ тугдиради ва у тезда унутилади, бошқаси эса, балки унча дабдабали ҳам бўлмас, чиройли сўзлар ва ажойиб ўхшатмаларга унча бой ҳам бўлмасу уни ўқиш сизнинг қонингизга қайноқ тўлқин қуйиб, ҳаяжонли шодлик қанотида парвоз эттиради, сизга инсоният муҳаббат деб атаган ажойиб куч бахш этувчи ҳамма гўзаллик ва қудратга йўлдош этади.

Мен сафарга чиқаман танҳо...
Туман ичра ярқирар тош йўл —

мисраларини ўқишининг билан у сатрлар сизиники, сизнинг қалбининг нидосидай бўлиб қолади. Сиз ўша ҳаво ранг эиёда ухлоқ тупрокни кўрасиз, ҳис қиласиз ва жуда яхши биласизки, ҳаяжонли бу сўзлар ҳайрон қоларли даражада аниқ ва ўта самимий.

Бунча мушкул менга, нечун бунча дард
Не кутаман? Недан пушаймон?

Рус адабиёти тарихида икки буюк ном муттасил ёнма-ён туради — Пушкин ва Лермонтов. Рус адабиётининг нозик билимдони Виссарион Белинский бу ҳақиқатни биринчи бўлиб абадий ўртага ташлади.

«Пушкин ўзига ворис қолдирмасдан кетмади»... «Русияда янги қудратли истеъдод пайдо бўлди — бу Лермонтов» деб ёзди у. Белинскийни буюклик ва моҳиятни мукамал, тўла ифода этган бу хулоса ҳам қаноатлантиргани йўқ. У ўзига хос образлилик ва самимият билан Лермонтов ижодининг бадий хусусияти ва услубини шундай таърифлади:

«Ажойиб покиза хушбўйлилик, бадий шаклнинг кўркамлиги, образларнинг шойропа нозик латофати ва олжаноб соддалиги қатъият ва ғайрат, тилнинг бақувват ихчамлиги, шеърнинг олмосдек мустаҳкамлиги ва металлдек жарангдорлиги, ҳис-ғуйғуларнинг тўлиқлиги, ғояларнинг чуқурлиги ва ранг-баранглиги, мазмуннинг бепосёнлиги — буларнинг ҳаммаси Лермонтов поэзиясига насл қолган характерли белгиларнинг асл маъноси ва унинг келажакдаги буюк тараққиётининг гаровидир».

Белинский фақат бир бобда янглишди: У бу мақоласини 1840 йилда ёзди, бир йил ўтар-ўтмас Михаил Юрьевич Лермонтов ўзининг буюк соҳибининг фожиаи тақдирини тақрорлади — худди Александр Сергеевич Пушкин сингари у ҳам дуёлда ҳалок бўлди. «Келажакдаги буюк тараққиёт»нинг жарангли ёниқ тори узилди.

Ким билади, бу улуғ рус шоири дунёда йигирма етти йилдан эиёд умр кўрса ушнинг ижодий камолоти поэзиянинг қандай чўққиларига кўтарилиши мумкин эди.

Лекин ажойиб шоирнинг мумтоз адабий мероси кишилар юрагининг тўридан мустаҳкам ўрин олади, кишиларни гўзалликнинг чўққилари сари етаклайди.

Лермонтов ўз ижодини жуда эрта — ўсмир ёшидан бошлади. У йиллар ижодида тақлидчилик шогирдликнинг аён излари бор, албатта. Лекин Лермонтов таълим олган устозлар кимлар? Шоирнинг устозлари ҳар бир сатрни ўқиган кишининг руҳи ва дунёсини алғов-далгов қилиб юборишга қодир қалам эгалари, жаҳон адабиётининг ги-

гантлари, чексиз фантазия ва исёнкор руҳга тўла ижодий жасорат эгалари бўлган Шиллер, Байрон...

Ёш ижодкорнинг илк эътиборини тортган куч ҳам ана шу сифатлар бўлиши ажаб эмас.

Лермонтовнинг илк асарлари қаҳрамонлари кучли эҳтиросли кишилар, улар ўзларининг жасур фикрлашлари ва ҳаракатлари билан ўзларини ўраган муҳитга қарши, бутун бир жамиятга қарши ихтилофга кирадилар. Лекин кўп ўтмаёқ Лермонтов ижодидаги демонизм ва байронизм белгилари ўрнини реал гражданлик хислатлари эгаллаб боради, унинг овози ҳаётий жаранг кашф этади.

Бу — буюк Пушкин шеърлятининг ажойиб таъсири эди. Пушкин ижодининг ҳаётбахш таъсири ёш санъаткор ижодига янги оҳанглар олиб киради: бу — гражданлик оҳанглари, бу — шоир ўзи туғилиб ўсган, тарбия олган олий табақанинг ҳаёт кечириши қондаларига танқидий муносабатдир.

Лермонтовнинг шеърлари ва поэмалари, унинг прозаси ва драматик асарлари мардона бадий образлар, жуда турли-туман қаҳрамонлар сафи, киши қалбининг энг нозик ва муқаддас инсоний туйғуларининг ажойиб ифодаси манбаи, сира туганмас булогидир. Лермонтов ижодининг кучи ва буюклиги ҳам шунда, Лермонтов шеърлятининг кучи ва буюклиги ҳам кишилар характерини чуқур билиш, инсон қалбининг энг нозик ҳаракатини ўқиб, унинг торларини черта билиш, фикрлари, хаёллари, орзулари қанотини кузата билиш ва унга янада парвоз бахш эта билишдадир. Бу меннинг назаримда Лермонтовга, айниқса Лермонтов ижодига хос ажойиб фазилатдир.

Сиз шоирнинг «Васият» шеърини яна бир ўқиб кўринг-чи. Сиз бу шеърни ўқиганингизда танҳоликка чўккан ғариб кишининг тарихи нақадар чуқур ва мулоим бир гусса билан ифода этилганини, фақат бир неча мисрагина бу шеърнинг ёзилган вазиятидан хабар бериб ўтганини дарҳол ҳис қиласиз. Бу ажойиб шеър 1841 йилда ёзилган. Аммо биз учун, 1964 йил кишилари учун бу шеър жуда тушунарли, ҳамон зўр куч билан жаранглаб турувчи қўшиқ сингари яқин.

Классик шоирларнинг кишига таъсир этадиган ажойиб кучи ва киши билмас сирини бор чоғи. Масалан, сиз Пушкиннинг «Тунги туман ухлар Грузия тепалигида» мисрасини ўқинг. Оддий, жуда оддий сўзлар. Лекин бу ерда, бу сўзларнинг танасида қанча шеърят ва теран маъно. Бу манзарани, табиатдаги шу кайифиятни ёлғиз худди шундай сўзлар билан, фақат шундай ибора билангина ифода этиш мумкиндай гўё. Бу ерда гўё ҳамма нарса аниқ ва тўла айтилган, содда, чуқур ва жонли.

Худди ана шундай сирли ва номаълум ажиб бир куч билан Лермонтов шеърлари жаранглаганига қулоқ солинг:

Тилга ололмайман номингни,
Ёзиш менга ундан ҳам мушкул,
Таниш, сирли, дардли оҳангги
Дилни ўртаб қилади чил-чил.

Хатто насрда ҳам, назмда ҳам, айниқса лирикада ишлатилавериб сийқаланиб кетган кекса иборалардан бўлган «сирли», «дил» бу тўртликда худди шоир томонидан, худди шу ҳис-туйғуни ифода этиш учун шу кун яратилган, шу кун кашф этилган каби жаранглайди ва ўқувчи ўз юрагига шодлик қалбининг энг муқаддас, яширин сўзларини шу қадар аниқ ва муайян ифодалаб берган шоирга миннатдорлик туйғуларини ҳис қилади.

Лермонтов поэзияси ўқувчи учун ҳеч қачон эскирмайди. Утилган давр бўлиб қолмайди. Бонси унинг темасида, темасининг абадийлиги ҳаётийлигида. Шоир нима ҳақида ёзди, у ўзининг ёлқинли нозик қўшиқларида нимани куйлади?

Шоир эркинликка ташналик ва муҳаббатнинг кучи ҳақида, ватан ва садоқат ҳақида, бахтга чанқоқлик ҳақида, ёрқин шодлик ва мунгли алам билан куйлади. Бу туйғулар абадий туйғулар, ҳамиша тирик ҳислар. Бу туйғуларнинг ҳаммаси ҳамма даврга хос, ҳамма даврда ҳам кишиларни бир хилдаги янги куч билан ҳаяжонга солади. Улар бизнинг ажойиб давримиз кишиларининг қалбини ҳам ҳаяжонга солади. Мана шунинг учун ҳам Лермонтовнинг ажойиб асарлари тўпламларини деярли ҳар уйда топиш маҳол эмас. Алишер Навоий айтганидек, киши қалбининг доимий йўлдоши бўлиб қоладиган шеърлардир, Лермонтов қўшиқлари. Олимнинг китоблари орасида ва янги ерларни ўзлаштираётган ёшларнинг ёстиқлари ёнида, қурувчиларнинг ён киссаларида ва қизларнинг қўлларида ҳамиша Лермонтов китоблари ҳамроҳдир.

Буюк рус шоири Михаил Юрьевич Лермонтовнинг туғилганига 150 йил тўлиши таятанаси кунлари сизнинг қўлигизга тегадиган бу китобда шоирнинг ажойиб поэмаларидан ўн тўққизтаси дасталанган. Шоир ўзининг жуда қисқа ҳаётида бундай поэмалардан ўттизга яқин ёзди. Лермонтов романтик поэмалар ёзишдан бошлади, бу — Пушкиннинг таъсири эди, шубҳасиз. Хатто бир поэмасининг номини худди Пушкин сингари «Кавказ асири» деб атади ҳам. Лекин бу асар Пушкинга тақлидчилик самараси эмас. Шарқ поэзиямизга назар ташланг. «Лайли ва Мажнун» афсонасини неча шоир мадҳ этмади? Лекин буларнинг ҳаммаси мустақил, янгича талқин этилган, янги бўёқ ва ҳароратга эга бўлган бир-бирига сира ўхшамаган янги асарлар. Ҳар бири янги кашф, янги дунё.

Пушкин поэзиясининг ҳаётбахш таъсирини Лермонтовнинг шу китобга кирган «Кавказ асири», «Икки асира», «Калли», «Бостунчи овули» каби поэмаларда ҳам кўриш мумкин.

1830 йилда Михаил Юрьевич Лермонтов буюк инглиз романтик шоири Байрон поэзияси билан танишди. Лермонтов Байрон шеърларини шеър муаллифининг ўз она тилида эър мароқ билан берилиб ўқиди ва бу ажойиб шоирнинг шеърятига бўлган муҳаббатни ҳаётининг охиригача юрагида сақлади.

Байрон руҳидаги қаҳрамонлар Лермонтов поэзиясида янги социал оҳанг кашф этди.

Бу қаҳрамонлар гоҳ исёнкор, гоҳ танҳоликка маҳкум, гоҳ атрофини ўраган муҳит, жамият билан келиша олмайдиган, кўпинча бахтсиз муҳаббат кучли туйғуларининг тўлқинлари у қирғоқдан бу қирғоққа ташлайдиган кишилар, катта ҳис-туйғу кишиларидир.

Лермонтовнинг бир неча поэмаларида эса бу қаҳрамон бошқа қиёфада намоён бўлади, «Исмоилбек» ва «Эркинликнинг сўнгги фарзанди» поэмаларидаги сингари у қаҳрамон-граждан озодлик, эрк учун курашувчи.

Лермонтовнинг ўзига хослиги ва кучи яна шундаки, у ўз ёниқ ва ниҳоятда поэтик лирикасини поэмаларининг ҳаммасида сақлаб қолади. «Мен ҳозиргина «Боярин Орша»дан сероб бўлдим,— деб ёзди Белинский ўз дўстига бу поэма ҳақида —унинг бутун оҳанги, қандайдир ғалати лаъзатга тўла. Унинг маст қилувчи даҳшатли кучидан қутулиш менга маҳол. Бундай шеърлар ҳар бир ўқиган кишини ҳар қандай шаробдан кўра кучлироқ маст қилади».

Лермонтов поэмаларини ўқир экансиз, сиз унинг поэзиясида реализм борган сари чуқурроқ ўрин олиб борганини, албатта, ҳис қиласиз. Бу реализм Лермонтовда халқ ижодида, халқ оғзаки адабиётига ва қадим рус маданиятига бўлган қизиқиш ва уни ўрганишга бўлган қўнтардан келиб чиқди, «Савдогар Калашников ҳақида қисса» ва шунга ўхшаш бошқа асарлар шу ижодий бойишнинг мевасидир.

Лермонтовнинг «Мциря», «Демон» каби сўнгги поэмаларида эса биз романтикани ҳам, реализмни ҳам кўрамыз, манзаралар, турмуш, кишилар ҳаётининг тасвирлари бу поэмаларда жуда ёрқин ва муфассал. Лекин қаҳрамонлар ҳамон ўша танҳо, бутун бир жамиятга қарши оёққа турган исёнкор. Менинг назаримда, бу шеъринг лирик қаҳрамон баъзи жиҳатдан шоирнинг ўзига жуда уйғун. Мен Ираклий Андронниковнинг «Мен сизларга ҳикоя қилиб беришни хоҳлайман» деган ажойиб китобини ўқигандан кейин, бу фикр яна ҳам чуқурроқ сингиб кетди менга. Бу китобда Лермонтовнинг ижодини ўрганишга бағишланган чиройли, мароқли ажиб ҳикоялар бор.

Қачон ўтган бўлишига қарамай, буюк шахсларни, маданиятимиз, халқимизнинг фаҳри бўлган истеъдод эгаларини ўтмишдан бизнинг замонамизга олиб келадиган кишилар бўлади. Мана шундай кишилардан бири бўлган Андронников жуда кўпчилик ўқувчилар учун Михаил Юрьевич Лермонтовни янада яқин, тушунарли қилиб берди.

Буюк сўз санъаткорларини халқнинг дилига яқин қиладиган бошқа кишиларнинг олижаноб меҳнати ҳақида гапирмай бўладими? Булар таржимон шоирлар.

М. Ю. Лермонтовнинг жуда кўп асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб бир неча бор нашр этилган. Лекин бундай китоб, фақат поэмаларни ўз ичига олган китоб ўзбек тилида илк дафъа нашр этилмоқда.

Лермонтов асарларини ўқиш давом этади. Бу китобга кирган поэмаларни уларнинг бутун гўзаллиги ва туйғу-ҳиссларнинг ёниқлиги, образларнинг ёрқинлиги ва фикрларнинг чуқурлигини — ҳуллас, Лермонтов поэзиясини, ўзига хос кучи ва латофатини бизгача етказиб берган шоир таржимонларимиз бу улуг ишларини давом эттирадilar. Бу асарлар ўзбек адабиёти хазинасига дурдоналар бўлиб киради.

ЗУЛФИЯ

КАВКАЗ АСИРИ

Jeniesse und leide!
Dulde und entbchre!
Ziede, haß und glaube!

С о н з*

БИРИНЧИ ҚИСМ

I

Тоғ тагида катта бир овул,
Кулбалари олдида одам.
Оқшом. Тутун бурқийди нуқул,
Гурунглашар черкаслар бу дам:
Мерганликдан, арғумоқлардан,
Талон бўлган юрт-қишлоқлардан,
Казак берган зарбу асардан,
Русга қарши жангу жадалдан.
Қанча-қанча асир ва тутқун,
Қонли сафар ва низолардан,
Ҳоказо-ю ҳоказолардан
Ҳангамада сўз кетар бутун.
— Тамакини чекишиб беғам,

* Лаззатлан ва азоблан!
Бардош беру бўйсунгин!
Сев, умид қил ва ишон!

К. Ф. К о н ц.

Совуришар ҳавога тутун,
— Шарақлатиб қиличларини,
Янгратишар тоғ куйларини.
Бир хиллари отланар жадал,
Аммо жўнаб кетмасдан аввал
Қўл беришиб олишар шу он.

II

Черкаснинг ёш қизлари чаққон
Югуришиб чиқар тик тоққа,
Тикилишар қараб йироққа.
Аммо йўлда қўзғалмас тўзон;
Қимир этмай ётар ковиллар
Бежавотир, жимжит овуллар.

Узоқларда тўлғанар Терек,
Қирғоқларга уриб ўтар тўш,
Кўпикларга йўқ эди ҳеч чек,
Ўрмонлар тинч, ҳеч ким йўқ, бўм-бўш...
Ҳар замонда кенг саҳро бўйлаб
Ҳурккан кийик ўтиб қолади.
Ё йилқилар гижинглаб ўйнаб,
Сукут бузиб шовқин солади.

III

Ўша тоғнинг этакларига
Чечаклардан тўшалмиш гилам.
Ярқирашиб тоғ тағларида
Оқиб ётар тошқин сувлар ҳам.

...Қизлар чопиб тушиб, осуда,
Ювинарди топ-тоза сувда.
Шўхлик қилиб черкас қизлари
Қимматбаҳо узукларини
Иргитишар тиниқ сув сари.
Сўнгра баҳор чечакларини
Қалин сочларига тақишар,
Сой кўзгуси узра ноз ила
Ўзга оро бериб, боқишар,
Майингина жўр овоз ила
Шарқ нағмасин аста тўқишар.
Ён бағирда, овулга яқин
Майса узра қуришар йиғин;
Хур куйлари янграб барала,
Акс садо берар дарада.

IV

Куннинг сўнгги олтин шуъласи
Кумуш музда ёнар оловдай,
Эльбруснинг баланд қояси
Тўсар уни бир булут-ғовдай.

.
Маъраб қайтар даладан пода,
Кишнаб қайтар йилқилар яйдоқ,
Аммо нега янграб ҳавода
Оғир кишан шарақлар бу чоқ?
Нега бунча чўпонлар маъюс?
Бу — ёш тутқун асирлар, афсус,
Йўқотмишлар олтин йилларин,
Оғир заҳмат эгиб белларин
Тоғ, ўрмонда, Терек бўйида —

Мол боқишиб юрарлар ҳамон.
Лекин, доим булар ўйида —
Қайтмайдиган бахтиёр замон.
Бахт уларни сийламиш бир вақт.
Аммо яна тарк этмиш зинҳор,
Хаёл бўлиб қолмиш ўша бахт!..
...Уларга йўқ бирон ғамгузор...
Улар қуллар, улар кишанбанд,
Хира тушдай хаёли мавҳум,
Қалблар карахт, танлар — дардманд.
Кўз ўнгида тобут ва ўлим,
Бечоралар! Ғариб, бегона!
Ғойиб бўлди дил орзулари;
Кўз ёшлари ва қайғулари;
Қувонч эрур энди ягона.

V

Йўқ ватанга қайтиш умиди,
Аммо қалблар ҳеч тинармиди?
Дил толпинар юртга ҳамиша.
Бошида нуқул шўрлик андиша.

.....

Подалардан, бедов отлардан
Бурқиб чиқар тепаликка чанг,
Ҳорғин қайтар асирлар шу дам
Саланглашиб, судралиб аранг.—
Кўппаклар ҳам ҳурмаслар энди,
Кўп ғалвали табиат тинди.
Фақат қизлар куйлар пайдар-пай.
Тоғдан қайтар бу мунгли овоз,
У латифдир қуш сайрашидай,
Ва жилғалар товушидек саз.

I

Мудҳиш момақалдирок
 Қарағайни эккандай,
 Бўкиртириб арслонни,
 Қалбига ўқ теккандай,
 Бизникилар зарбидан
 Майдонда рус йиқилар,
 Дадил чечен у русдан
 Тортиб олар мардона:
 Олтин совут яроғин,
 Пўлат қилич-қалқонин
 Ва тоққа жўнар яна.

II

На ҳарбий карнайлардан
 Қизган сипоҳ бедови,
 На жанглардан баногоҳ
 Ҳурккан ваҳший-бадавий
 Асло шунча қўрқмайди:
 Нохосдан ялтираган
 Ханжар қўрқитган каби.

У асирлар ҳўмрайиб тинглар
 Бу дилозор мунгли нағмани,
 Юрак эса ўртаниб инграр.
 ...Хўжайинлар ҳайдаб ҳаммани
 Деворларга боғлаб қўйдилар.
 Ва кетдилар.— Ўт ловиллади;
 Аммо, эвоҳ, на уйқу келар,
 На бу алам унутилади.

VI

Ой оҳиста шуъла қуяди,
Мард черкаслар бедор-беуйқу,
Мажлислари ғалвадор, шов-шув,
Русга ҳужум улар нияти.

Теваракда эгарлик отлар,
Кумуш совутлари ялтирар;
Ҳар қайсида ёй, ханжар, садоқ,
Арқон ҳамда икки тўппонча,
Қайиш қилич, чўгурма папах,
Милтиқ узра қора ёпинча.
Босқинга шай қариси, ёши.
Эшитилар йилқи товуши.
Бирдан тоғда чанг кўтарилар,
Эшитилар дукур-дукурлар;
Ҳар ким дейди: ким экан, қарай?
Ҳа, кўринди чавандоз Гарай!

VII

Бор кучи-ла ниқтаб бу тоғлиқ
Силтаб-силтаб отни сурарди,
Орқасида арқонга боғлиқ
Битта асир ёшни судрарди.
Яқинлашиб Гарай, отидан
Тушди, боғлиқ асир рус, нимжон;
Черкас эпчил қўллари билан
Кесди бандни, узилди арқон.
Тош устида ётар ёш ўғлон,
Ажал туши уради жавлон...

.
Отланишган черкаслар энди
Довон оша нарёққа инди,
Ярим кеча... Ҳамма ёқ тинди.

VIII

Раҳм қилиб ўлдирмадилар,
Рус ўғлонга бердилар омон,
Шериклари томон элтдилар,
Ўз ғамларин унутиб тамом,
Ҳамдард бўлиб унга, барчаси —
Ўтиришди бутун кечаси...

.
Қути ўчган, юзи-кўзи қон,
Аранг нафас оларди ўғлон.
У ўлимнинг совуқ дастида,
Ётар эди кўкат устида.

IX

Қиём вақти, қуёш шу нафас
Авжга чиқиб кўм-кўк осмонда —
Ялтирар, ўз жамолига маст.
Подаларга адир томонда
Жўр бўларди дайди елларнинг
Кўп ўйноқи нафаси, сарин,
Ва сойларнинг саси-шиқваси,
Бутазорда қушлар нағмаси.
Баланд Кавказ тоғлари қатор
Тешиб ўтган осмон бағрини.
Қоплаб ётмиш қалин ўрмонзор
Кунгурали жарлар барини.
Бошдан оёқ бу тоғлар буткул
Гилам каби чаман-чаман гул.
Унда кўҳна дубнинг тагида
Сояликда кишанга банда
Гиёҳ узра ётарди асир.

Ёнбошида хуноб, мунтазир,—
Ҳамдардлари қилишиб хизмат,—
Жон кирсин деб пуркар эди сув;
(Лекин эвоҳ, бир кетган омад
Қайтармиди? Мумкин эмас бу...)

.
Ана қалқар, чекиб оғир оҳ,
Қарай дея ташлайди нигоҳ!
Ана боқар!.. Қалтирар... Эвоҳ!
Булар ошна дўстлар-ку, асир!—
Қимирласа шақирлар занжир.
Шум товушдан шўрлик англади:
Не балога қолган!.. Йиғлади,
Ва йиқилди дўстлар кўксига,
Бўзлаб кетди келмай ўзига.

Х

Унинг дардин ўртоқлашгали
Дўстлари бор. Бахтли у ҳали.
...Аммо кимки, бу тасаллидан
Маҳрум экан, ҳаётда абгор,
Ким ёшликнинг қизгин фаслида —
Армонлардан айрилса ночор,
Чопқир йиллар совурса тагин
Умидларнинг гул-қувонч чоғин,—
Ким иқболи бўлса афтода,
Яшамасин у бу дунёда.

ХІ

Ҳа, тутқуним туғишган элга
Видо!— деди, деярлик мангу,

Утмиш хаёл доғ бўлди дилга.
Хотирлайди азиз ерни у:
Олтин ёшлик ўтган ерларни,
Ҳаёт завқин тотган ерларни,
Бўлар экан севгида хушвақт,
Шодлик, азоб кўрган ерларни.
Аромонларни дилда бу бебахт —
Ҳароб қилиб юрган ерларни
“ ”

XII

У эшитди бир сўз: *умрбод!*
Қисмат уни хор-зор қилиб,
Тутқунликка кўникиб ношод.
Шерикларга бир ҳамкор бўлиб —
Боқар эди черкас подасин,
Тикиларди қорлар тўдасин —
Тоғдан қулаб гулдирашига,
Уюм-уюм ялтирашига,
Уваларни тўлдиришига;
У кишандбанд бўлса ҳам, якка —
Борар эди тез-тез Терекка.
Тўлқинларнинг тунд увуллашин,
Қоя тубин ўйиб қовлашин
Кўрар эди чангал оралаб,
Терек оқар тошларни ялаб.
...Тепаларда гулханлар ёниб,
Унда соқчи казаклар юрар,
Найзаларга гоҳо суяниб
Лойқа сувга — оқимга қарар.
— Сузиб ўтсам дейди,— қани,— оҳ;
Кишанланган ва лекин, э воҳ!..

XIII

Айни қиём, тепада қуёш
Ёнар эди, бизнинг ёш тутқун —
Ҳароратга беролмай бардош,
Ғор ичига кириб опти тин.
Йилқи юрар тоғ-дара кечиб,
Сояликда ўзга чўпонлар —
Чанқоқ босар сойдан сув ичиб
Ва ётишар, ҳар ёқ чаман, жар,
...Асир гоҳо кўрарди беҳос —
Кўкда бургут қилганин парвоз.
Елга ростлаб қанотин силтар,
Кўриб қолса ўлжа, шу маҳал
Шўнғиб бориб соларди чангал.
Сўнг қийқириб самога элтар...
...Ўйлар эди асир шу замон:
— Мен ҳам ўша ўлжадай қурбон.

XIV

Баъзи вақтлар буталар аро
Ёки кўм-кўк дала, тоғу тош —
Узра елиб ўтарлар бежо
Оқ қуйруқлар, ҳуркович, бебош.
Баъзан кийик ёки оҳулар
Қуш сайрашин эшитиб, ҳайрон —
Қотиб қолиб тинглайдилар, мот,
Сўнгра ғойиб бўлишади бот,
Қўзғатиб хўп қум билан тўзон.

XV

Кўрар эди: тоғликлар елар,
Жангга дадил от қўйиб келар.

Дам тўхтатиб шўх арғумоғин,
Дам депсиниб «чу-ҳо!» деб тагин,
Гоҳо соҳил узра тўхталиб
Тикилади, гўё бирпасга,
Гоҳо яна ёйин ўхталиб
Шўнғийдилар қоядан пастга —
Ва
... Шалпиллаб сувда йўқолар,
Сўнг тўғрига қараб йўл олар,
Етиб олгач нари қирғоққа,
Кўрмасин деб соқчи казаклар,
Бекинишар ўрмонзор ёққа.
...Эй, казаклар, турибсиз нега?
Кўрмайсизми, дарё қўйнида —
Оқ кўпиклар кўпириб тошди,
Кўрмайсизми, бирдан ҳовлиқиб,
Дублардаги қарғалар қалқиб,
Қийқиришиб қирларга қочди!
Йўловчини черкаслар бойлаб
Дара томон етаклаб кетар...
Тун туманда пайтини пойлаб,
Кишан солиб қийноққа тутар.

XVI

Кўп вақт қочар кўзидан уйқу,
Тун қўйнига тикилади у;
Ташланади кўзга шу нафас
Мешда Терек кечувчи черкас.
Сойда тўлқин қайнар, уринар,
Туман аро соҳил кўринар.
Бир тўнкада ётар қуроғлар;
Жанг ўқлари, садоқ ва камон;

Белидаги кескир, беомон
Қиличи ҳам аста жаранглар.
Тўлқин ичра ташланар кўзга,
Дам йўқолиб кўринмас ўзга:
...Ана чиқди соҳилга тўғри,
Қурир бегам казакнинг шўри!
Унга насиб бўлмас она-Дон,
Черковнинг ҳам жоми чалмас сўнг!
Мана чечен тоғ этагида,
Темир совут ялтирар жуда;
Ей жаранглаб, ўқи дириллар,
Машъум зарба, ана урилар...
— Казак! Казак! Афсус, эй бебахт,
Нечук еди у баттол, бошинг?
Ёнингдаги мудҳиш қўрғошин —
Нега уни енгмади барвақт?..

XVII

Шундай қилиб шўрли кишанбанд
Тутқунликда бўлса ҳам гарчанд
Казакларнинг кўрди ҳалокин.
— Тун чироғи ёниш онда,
Ёнбошлар у девор ёнида,
Кўзин юмар, уйқулар локин
Сийрак қўнар кўзларга, афсус,
Шериклар-ла бирга ҳар туни
Эслар азиз она юртини;
Ҳаммадан кўп бироқ у маъюс.
...Юртда қолмиш дилором гаров,
Юртда қолмиш бахт, севги, ҳурлик,
Сафар қилди мажҳул эл тараф,
Ва... бу элда куйди умрлик.

XVIII

Яна бир кун у хаёл суриб
 Ұтирганди кеч тун чоғида,
 Янги, беранг ой эса юриб
 Липилларди кўк қучоғида.
 Унинг титроқ шуъласи бенур
 Яшил майсаларга тўкилур,
 Дарахтларнинг сояси лип-лип...
 Ұйнаб худди шарпадек бўлиб,
 Фақир черкас томига чўжар.
 Чироқ ёнди кулбада ана,
 Мис лампадан ёйилди нурлар.
 Ғира-шира ёриди хона:
 ...Ухлар дара, дарё, адирлар.

XIX

Лекин, тунда липилаган ким?
 Буталардан енгил соядай,
 Қўрқа-писа, ўзин билдирмай
 Қадам босиб типирлаган ким?..
 Гоҳи босиб, гоҳи олиб тин,
 Яқин келар... Яна ҳам... Яқин...
 ...Бирдан тушиб, пайқайди, кўзи:
 Мурувватли табассум билан
 Рўпарада ёш черкас қизи
 Тиз чўкади кўп таъзим билан!
 Ғамхўр қўл-ла асирга бу қиз
 Тутади нон ва яхна қимиз.
 Қарашида бўларди зоҳир

Ўйнаган дил, асаб, ҳаяжон,
Таом олиб, раҳматин асир
Имо билан айлади баён.

XX

Анча узоқ, соқовдай сўзсиз,
Рўпарада тек турди ёш қиз.
Боқишлари айтарди гўё:
«Чекма озор, севикли тутқун;
Ҳали умид сўнмаган асло»
Шунда бир оҳ маъюс ва сўлгин,
Ёш сийнадан чиқди ташқари;
Қиз юзланиб ҳовлиси сари
Кўтармадан, сўқмоқдан ўтиб,
Ногоҳ бўлди сояда ғойиб,
Гўристонда арвоҳ сингари.
Йироқ кетди ёш черкас қизи,
Фақат ҳали унинг чодраси
Чалинарди липиллаб кўзга,
Орқасидан узоқ у томон
Боқиб қолди асирим ҳайрон,
Айланмайин қолди тил сўзга.
Ўйлар эди у, нега, нечук —
Шўр бахтимга куйиб бу санам
Шунча шафқат кўрсатди бу дам?
Ухлолмади тун бўйи бутун
Ухлаб кетди тонгдан сал бурун.

XXI

Қиз тўрт кеча келмоқда давом —
Этди, ҳар гал келтирди таом;

Ҳасратларга солмасди қулоқ,—
Асир, сукут этарди кўпроқ.
Оҳ, юракни эса қайғулар,
Ёт кўринар янги туйғулар;
Йўқда қизни севмакка хоҳиш,
Лааззатсиздир севги ғурбатда,
Бу лойиқми шум асоратда?
Йўқ, эсидан чиқмайди ўтмиш.
...Истар эди бўлса миннатдор,
Аммо чўмар ҳароратли дил —
Соқов ғаму дардга муттасил;
Туманларда кўмилиб ночор,
Акси садо эшитмас кўнгил!..
...Бу ҳол қилар безовта уни,
Ҳар дам қувар кўздан уйқуни.

XXII

Қизнинг порлоқ кўзларида у
Сердиққат бир андиша билан —
Дўстни кўрар меҳрибон мангу.
Қиз лутф ила ширин сўйларкан.
Овозидан пайқайди уни..
Ва шарпага чўзар қўлини;
Эслайди-ю ҳаммасин шу вақт,—
Чақиради ошно юзни..
...Аммо, бирдан ҳушга келди-ю,
Яна кўрди жар ичра ўзни;
Энди ҳаёт гулламас мангу.—
У сўлар ва сўнар бекарам.
Гўё тонгнинг сўлим ранглари;
Меҳробдаги ёнаётган шам
Ўчиб хароб бўлган сингари!!!

XXIII

У уқмади қизнинг тилагин,
Унинг алам, ташвишларини;
Қиз ачиниб келса ҳам, лекин —
Англамади келишларини;
У англамас эдики, шу тоб
Муҳаббатда қиз қалби хуноб;
Асир ваҳма, ҳайратда эди...
Аммо, шу тун кутарди уни...
Машъум тун ҳам кирди ва бедор,
Кўзларидан қувиб уйқуни —
Асир, горда ётар интизор.

XXIV

Аммо шу пайт қўзғолиб дарҳол
Дарахтларни тебратди шамол.
Тун ярмида кулган бойқушдак,
У ғувуллаб чаларди ҳуштак,
Барглар аро сизарди ёмғир,
Юмаларди кўкда қалди роқ,
Яшин чақнар, ундан оққан нур
Ёритарди ғору дарани,
Шўрли тутқун дийди раб бу чоқ,
Безилларди изиб бадани...

...
...Тинар момақалди роқ секин;
Дарахтлардан сув томар лекин;
Унда-бунда адирлар бўйлаб
Югурарди бўтана селоб,
Томчиларин сачратиб ҳар ён
Қуйиларди Терекка томон.

Йўқ далада черкаслардан из,
Тарқалишар булут пойма-пой,
Унда-бунда милтиллар юлдуз,
Тез фурсатда кўринади ой.

XXV

Ана, оппоқ булутлар бўйлаб,
Балқиб сузиб чиқди ой тўлин.
Олтин шари юмалаб ўйнаб
Кўк ойнаси узра ўз йўлин —
Тиним билмай олар эди у,
Ғарқ этарди оламни ёғду.
Адир, чаман, ўрмон ва дарё —
Кумуш чойшаб ёпинди гўё.
Лекин, босиб қайғули одим
Тоғ-сўқмоқдан келаётган ким?
Ўша... Ханжар, арра қўлида,—
Нега керак бўлибди ханжар?
Тушмоқчими кураш йўлига,
Ёки махфий жанггами борар!..
Йўқ, йўқ, уни босган ҳаяжон,
Эўр ташвишда кўринар бу он.
Ғорга яқин келди-ю, қиз, боз —
Жаранглади у таниш овоз;
Гўё тушдан уйғонди асир...
Тор ғор ичра ўтиришдилар,
...Узоқ муддат ҳомуш мунтазир,
Чурқ этмасдан жим туришдилар...
Бирдан босиб журъатсиз қадам,
Унга қараб юрди қиз шу дам,
Бир хўрсиниб, қайғуга тўла,
Шафқат ила қўлин ушлади,

Қайнаб-тошган туйғуга тўла,
Кўп ғуссали сўзин бошлади:

XXVI

«Ўрус ўрус, не бўлди сенга?
Нега лолсан, нега хафасан?
Гапларимга бирор дафъа сан
Нега жавоб қилмайсан, нега!..

Ҳали дўстинг борку оламда,
Бору йўқдан бўлмадинг жудо,
Мен сен билан фурсат топганда
Хамдамликка тайёрман! Аммо,
Менга айтдинг: сен ўзга бир қиз —
Ўзга ёрга бўлмишсан мафтун.
У ёрингнинг сояси тун-кун
Соя каби менинг пайимдан
Қувиб юрар энди изма-из.
Шунинг учун қайғуриб яккаш
Мен йиғлайман, дилим бўлар ғаш...
Мен тайёрман... ёрингни унут!
Унут уни, бўлгин мен билан,
Қайга десанг, борай сен билан.
Инон менга, кел қўлимдан тут!»
Ўз дардини айтишга ожиз
Чуқур ғамга ботмишди асир,
Шаҳло кўздан ёш тўкса ҳам қиз,
Қилмас унинг қалбига таъсир...
«Сен қутулдинг, энди менга айт,
Нима дейсан: ҳаёт ё мамот?
Ё умидим узишгами пайт?
Ё кўз ёшим артайинми шод?»

XXVII

Шунда асир ўрнидан турди,
Ва кўзлари ёниб барқ урди,
Киприкларда маржон-маржон нам,
Ялтиради мисоли шабнам.
«Йўқ, ўйлама, севинчингдан кеч,
Эрким учун уринмагин ҳеч!
Менга ахир гўр бўлгай бу чўл,
Шонли жангда жасадим эмас,
Балки банди суягим буткул —
Чириб кетгай кишанга пайваст!..»
У жим бўлди. Ва ҳўнграйди қиз:
Охир қалқиб кучин жамғарди,
Бир қўли-ла арра ҳамда тез,
Сўл қўл билан ханжарни берди.
Узилади кескир аррадан,—
Кўп ўтмайин, ғарчиллаб темир;
Жаранглайди ялтироқ занжир,
Тия олмай ўзин ноладан,
Қиз асирга йиғлаб шундай дер:

XXVIII

«Мени... асир... унутарсан-ку!
Алвидо!.. Оҳ, алвидо, мангу!
Ҳа, абадий сенга алвидо!
Эсла мени бахтли чоғингда...
Балки, тор гўр ичида у кез
Ором олиб ётади мурдам,
Балки... «Мени бир вақтлар у қиз —
Севарди» деб хўрсинарсан ҳам.
Қизнинг ранги қув ўчиб кетиб,

Нигоҳлари тортади хира.
Дийдоридан ғамни даф этиб,
Ёритолмас кўз ёши сира!..
Алам азар кўксин беомон...
Асир қўлин тутгани кўйи
У ошиқар зулмат-чўл бўйи
Қоя аро кетган йўл томон.

XXIX

Юра-юра тўхтаб бир замон
Хўрсинишиб боқар орт томон.
Аммо шу пайт машъум вақт етди,
Ўқ узилиб, кўксин чок этди...
Қулаб тушди менинг асирим,
Ва ғижимлаб қолди кўксини.
Алам эмас, тутқин кўзини
Ўлим боскан кўйи юмди жим.
...Шундай, зотан оҳиста сирғиб,
Тоғ бағирлаб, кунда барқ уриб,
Қулаб тушар уйим-уйим қор.
Худди бирга ўқ егансимон
Қиз ҳам беҳуш йиқилди шу он.
Гўё шум ўқ иккисин бирдан
Бир лаҳзада бир зарба билан
Ҳалок этди мисоли бир тан.

.

XXX

Совуқ қўл-ла ажал ҳам энди
Асир руснинг кўзларин юмар,

Сўнгги нафас чиқди-ю тинди,
Ортиқ у йўқ — совуқ томирлар
Ичра қонлар секин қотади.
Ялтиллаган дудама ханжар
Қарахт қўлда сиқиқ ётади:
Баданида йўқ жондан асар,
Умр ўти сўниб абадий,
Шодлик мангу ташлаб кетади.

XXXI

Шу вақт чиқди черкас дарахтлар —
Орасидан, заҳарли кулиб,
Бўри каби ваҳший қарашлар...
Тикилади... сўзсиз... без бўлиб,
Черкас мағрур боқиб, бемалол
Тепиб кўрди жасадни шу ҳол...
Лекин, кетипти деб ўқ бекор,
Тоғ ортига яширинди такрор.

XXXII

Ана, бирдан очди қиз кўзин,
У, тутқунни излади боқиб.
Черкас қизи! Қани юлдузинг?
...У энди йўқ.—

Ёшлари оқиб,
Айтолмайди ўз фиғонини,
Юволмайди дўстнинг қонини.
Қарашлари девонамисол,
Ишқ ўтида ўртанарди у.
Жон азобда... Гувиллар шамол,
Ҳилпиради чодраси гув-гув!..

...Турди... ва тез илгари шошиб
Жўнаб кетди солиб бош тубан,
Чимзор ўтиб, адирдан ошиб,
Ниҳон бўлди сояда бирдан...

XXXIII

Қиз Терекка яқинлаб борар;
Эвоҳ, нега, нега ахир, у —
Ҳадиксираб атрофга қарар?
Сийнасида мудҳиш ғам, қайғу!..
...Чопаётган тўлқинларга қиз
Узоқ қараб, нигоҳлар тилсиз
Тунда худди юлдуздай порлар,
У, тош қоя устидан зорлар, —
«Ўрус! Ўрус!!!» — деб қилар фиғон..
Ой нурида тўлқин чайқалди,
Қирғоқларга сачраб тарқалди..
Бу шовқинда қиз бўлди ниҳон,
Сувда оппоқ чодра қолди,
Тўлқинларда қолди овора, —
Қиздан қолган ғамли нишона,
Кафан янглиғ совуқ, бегона
Ғойиб бўлди қоялар аро.

XXXIV

Оҳ, ким эди булар жаллоди?
У эди бир оқ соқолли чол;
Қора кўзни пайқолмай қолди,
Ўрмон ичра йўқолди дарҳол.
Ота эди! Бу бадбахт, эвоҳ!

Қизининг ҳам, балки, қотили;
Унинг йиртқиш ўқидан ногоҳ
Нобуд бўлди қизининг ҳам дили!?
Қиз йўқолди отаси билмас,
У тундан сўнг қиз уйга келмас.
Қани қизинг! Кутасан черкас!
Лекин энди фарзандинг қайтмас!

XXXV

Эртасига, музлаган жасад
Топилипти соҳилда, ҳайҳот,
У, суякдай қотганди абад:
Кўрган ҳар ким, лабида фарёд —
Қотиб қопти дейиши аён:
Гўё инграр алам сасида,
Гўё овоз тинмаган ҳамон.
Барча аён. Аммо жуда кеч!
Ота! Сенсан қизингга жаллод;
Қани армон? Қийнал умрбод!
Бу дунёдан бебурд яшаб кеч!..
У энди йўқ, бир шарпа сўзсиз,
Қувиб юрар сени изма-из.
Ким кўрсатур: гўри қайси ер?
Югур! Ахтар бутун дунёни:
«Қизим қани?...» Акси садо дер:
Қани?..

1828.

КОРСАР

Денгиз қароқчиси

Бу хатарли касбда уни кўп маҳал
Бахту омад қўллаб, қўйиб келди йўл.
Хайҳот! У бағоят бўлмоқда дағал,
Чунки, унинг бахти ҳаддан зиёд мўл!

Лагари

БИРИНЧИ ҚИСМ

Боқинг аҳволимга, боқингиз дўстлар!
Оздим, ранги рўйим заъфарон бўлди.
Шодлик нурдай ўчиб, киртайди кўзлар,
Кўпдан гул ёшлигим хазондай сўлди.
Кўпдан тугаб кетди рўшнолик, сафо,
Кўпдан умидларим сўнди беомон!..
Бари барҳам топди!.. Ёлғиз бир жафо
Ўтдай ўртаб турар бағримни ҳамон.

*

Отам ва онамдан қолгандим етим,—
Мен асранди ўсдим, болалик чоғим
Ёт эшикда ўтиб, сарғайди бетим.
Бисотимда ёлғиз суянган тоғим,
Ёлғиз шавқу-завқим укам бор эди.
Гарчи мендан хийла ёш бўлса ҳам у,
Бироқ, кўнгли билан кўнглимга тенгу,
Мендай меҳрибону ғамғузор эди.

Зулмат кечалари, эл мизгиган дам
Куйиб ҳасратлашиб биз икки сирдош,
Ғам-қайғуни кўриб ўртада баҳам,
Йиғлаб баббаробар тўкар эдик ёш...
Гоҳо жазб этувчи бахт ўз дийдорин
Имлаб кўрсатаркан, топардик далда!—
Эвоҳ! Билмас эдик биз бу маҳалда
Таҳликали куннинг қисматда борин.

*

Укам вафот этди. Ёндириб алам,
Ўтли кўз ёшимдан, куйиб ёноғим,
Йиғлаб оёғида ўтирган чоғим
Менинг кўз ўнгимдан кетмас ҳали ҳам,
Бу хил осойишта жон талвасасин
Учратмаган эдим ҳеч бирор бора;
Қўлин кўкрагига бола бечора
Қовуштириб қўйиб, узди нафасин;
Ожиз нигоҳ билан юмулди кўзлар,
Аста ҳароратсиз лаблар муз қотди.
Ич-ичига чўккан чакаклар, юзлар
Ғам-ҳасратдан сўлиб, ёстиққа ботди.—
Эвоҳ укам ўлди!— кўтардим фиғон,
Бутун вужудимда зирқироқ турди.
Энди севги эмас, томиримда қон
Аянч ва афсусли аламдан урди.

*

Ўз маконим эмас, эҳ, у фаслда
Ёт эшикда эдим, сўлдим паришон.
Шу-шу, ҳеч кимга ҳам, алданган дилда
Ишонч-эътимоддан қолмади нишон.

Йўқ, қолмади энди итоат, бардош:
Гердайишу, таҳқир, мазахларга ҳам
Ёввош кулки билан эгмай қўйдим бош...
Фақат севалардим ёниб чинакам.
Ўзим ризо бўлмай ўзимдан, ҳар он
Эрку фароғатни ахтариб кетдим,
Ва ўрмонлар ичра санғиб сайр этдим,
Шундагина топти оромини жон.
Чуқур хаёлларга ғарқ бўлиб туриб,
Баланд дарахтларга қададим кўзни,
Унда барглар аро яшириб ўзни
Эрку шавқ куйчиси гоҳ чақ-чақ уриб,
Гоҳо чўзиб-чўзиб чуриллай кетиб,
Гоҳ авжидан аста пастлаб тушганда,
Гоҳо мовий кўкка бирдан «пир» этиб,
Енгил қанотини қоқиб учганда,
Мен ўз юрагимда ажиб ҳаяжон,
Алланечук мавҳум бир кучни сездим.
Ёлғизликнигина ёқтирган ҳамон,
Бebурд бу ҳаётни тушундим, бездим:
Бездим ғам-ғуссадан, жонимдан тўйиб,
Бездим ғала-ғувур босган оламдан.
Зарра вафо топмай ҳеч бир одамдан,
Ҳаёт рўшнолигин йўқотиб қўйиб,
Хаёлатлар ичра гангиди бошим;
Тушкунликка тушиб қаҳр ила тўлдим.
Ситамларга ортиқ қолмай бардошим,
Бирдан ҳайё-ҳув деб қочмоқчи бўлдим.

*

Тун ҳам чойшаб ёйди... ҳушим паришон,
Лоҳас, оғир тортиб тўшакдан турдим.
Ҳамма маст уйқуда, бутун атроф жим.

Ва мен паноҳида — хилватда ҳар он
Фароғатда яшаб беташвиш, беғам
Умр кечирганим юртимга, сўнг бор
Видолашар пайти бир дам бўлса ҳам,
Тўйиб тикилмоқни қилдим ихтиёр.
Ханжаримни олдим, тасмамда шунда
Бир жуфт пистолетим шарақлаб қолди,
Вазмин сокитликда — мудраган тунда
Ой ёғдуси дилга ваҳима солди...

*

Бироқ, ёш юракнинг ҳаяжонлари
Мени судраб кетди кекса қоя тош,
Ва тик қирғоқ аро ўшқирган бебош —
Дунай дарёсининг оғуши сари.
Мен у ерда тошга бош эгиб тубан,
Тек ўлтириб қолдим, сутдай ёғдуси
Бош устимдан ёғиб ой сузди бу он;
О, мунча у сузгун, оқариб туси,
Ҳил-ҳил ёйган кўйи кумуш кокилин,
Ювар чакалакзор дарё соҳилин.
Бу ерларнинг бари менга қадрдон,
Бари ёшлигимни солди хотирга.
Бари шодлигимнинг шу ерда, ерга —
Буткул кўмилганин айлади баён.
Жигаримнинг жисми жо бўлган ҳокин
Кўриб, видолашмоқ учун йўл тутдим,
Чуқур бир жарликдан югуриб ўтдим,
Ва қабристон бўйлаб санғидим сокин:
Мудроқ қабрларга чўккан сокитлик
Ҳавр ўтимни босди, лол қотган кўйи
Қабр тоши узра узоқ вақт бўйи
Бошни қуйи эгиб турарканман тик,

Худди ер қаъридан ўрлади мубҳам
Аллақандай совуқ рутубат, ситам.

*

Сўнг... довдираб қолиб, паришонхотир
Энтак-тентак босиб узаб кетдим ман.
Аммо соя каби шарпа қандайдир
Келаётган каби бўлди кетимдан.
Оvloқ чакалакда тунаб қолдим, тун —
Аста терар экан хира юлдузин,
Тонг бўзара бошлаб, шафақ лолагун —
Шуъласига ювди тепалар юзин.
Оғирлашган бошни қошимда турган
Бир тўнғакка эгиб, ўтириб қолдим.
Бироқ, қўзғалдиму, қайнаб кўпирган,
Узоқ-узоқларда инграб ўкирган
Дунай соҳиллари сари йўл олдим.
У ҳансираб оққан дарёни сузиб
Мен ўтмоқчи эдим Юнонистонга:
Токи, бераҳм қўл бўясин қонга,
Токи, турк шамшири калламни узиб,
Барҳам топсин дердим ёвуз қисмат-ғам.
(Минг хил хаёлотлар кезди бошимда),
Мана қарасамки, ёйилиб кун ҳам
Жўшиб пишқирмоқда Дунай қошимда,
О, у қандай улуг, о у қандай шўх,
Мовий кўзгусида кўрк бениҳоя.
Тошиб тўлқинланиб, бирдам тинчи йўқ,
Қирғоқларда ўйнар қояма-қоя.
Бунда из қолдирмиш ўтган даврлар,
Ўтган шонлар билан дарёйи азим
Ҳамон фахр қилар, ҳамон шовуллар.
Қирғоғига чўжиб ташларкан разм,

Тезоб бир ерига тикдим кўзимни,
Кейин тўлқинларга отдим ўзимни.
Бурқ-бурқ қайнаб кетди қўл остимда сув,
(Шўх дарё ҳам менга келолмади бас);
Қирғоғига чиқдим дам ўтар-ўтмас.
Ҳамма нарса қўзғаб кўнглимда гулу
Дунай кўпигидай жўш урди шу чоқ.
Сокин соҳил узра ўз она қучоқ
Ўз юртимга томон кўзни тикдиму,
Дедим: эй, олтиним, юртим, алвидо!
Балки сўнгги бора боқишимдир бу,
Балки қайтиб кўрмай бўларман жудо.
Аммо эй азизим, бу ғанимат он
Ва бу сўнгги сўнмас хотиранг сенинг
Бир умрга кезгай кўксимда менинг.
Сўнг олислаб кетдим ҳушим паришон.

*

Сўнгра не-не кунлар кечмади бошдан,
Дўстлар, этолмайман барини баён,
Хулосаси шуки, алданган бу жон,
Алаmidан чиқмай, ёниб оташдан,
Умид рад айлаган дардчил юракка
Ишонч аввалгидай бўлолмасдан ёр.
Кўнглим ўксиб қолиб, етимдай якка
Сарсон санғиб кездим ҳар ерда абгор.
Бу ёт олам билан келиша олмай,
Ва бу пуч ҳаётнинг қизиғи қолмай,
Кўрдим, кўрдим гўзал Юнонистонни,
Аммо унинг кўрки яна бу жонни,
Заҳар-заққум бўлиб, ўртади ёлғиз,
Қувалашиб ўтди кунлар изма-из...
Болқон чўққиларин устига ошиб,

Юнон водийларин кўрдим ўнгимда,
Шарқнинг қуёшига товланиб тошиб,
Жилоланган денгиз мунглиқ кўнглимда
Тоғлар шалоласин садоси йўсин
Шавқу мароқ қўзғаб юбордим ногоҳ...
Аммо бандасида қани илож, оҳ,
Қутқаролса экан қисматдан ўзин!
Зотан неки севдим, ҳаммасини ҳам
Шунда топиб, шунда бердим мен барҳам.

И К К И Н Ч И Қ И С М

Асов тўлқинлари ўйнаб тўлғаниб
Кекса кенг Геллеспонт¹ қайнаб жўш урар.
Ва у ерда ўрмон ичра чулғаниб
Ёлғиз Афос² ўйчан-хаёлчан турар.
Баланд қоялардан, атрофига у,
Йўлаб бўлмас тарзда кўтармиш девор.
Бебош шамолларнинг кучли зарби-ю,
Зўр тўлқинлар унга қилолмайди кор.
Ўт ва йўсин босмиш унинг манглайин.
Агар кемасини шамолнинг зўри
Элтиб бунга урса, йўлчининг шўри!—
Унинг шу лаҳзада офати тайин!
Жарлар, бутазорлар оралаб ошиб
Уни кесиб ўтмиш тор-тор сўқмоқлар.
Унинг этагига етиб, туташиб
Шарқдан ўрқач-ўрқач чўзилмиш тоғлар.
Ва Летоснинг³ унда мағрур, баҳайбат

¹ Геллеспонт — Дарданел бўғозининг қадимги номи.

² Афос — Греция тоғи.

³ Летос — шу ердаги бир тоғнинг исми.

Чўққилари томон тушганда нигоҳ,
Бирдан қўзғалади кишида ҳайрат.
Кемалар ҳам агар бу ердан гоҳ-гоҳ
Ўтиб қолар бўлса ваҳмага тушар,
Ва тараддуд кўрар эҳтиёт чора:
Оқ елканли кема ороллар ора
Оққуш қанотида учгандай учар.
Бу ерларда энди ўтмиш замондан,
Бир чин воқеликдан хотира қолмиш
Цареград йўли, ана, майдондан
Қора чизик тортиб бунга йўналмиш.
(Сен эй, Юнонистон, кўрдиму сени,
Сенинг аҳволингга тушди-ю кўзим,
Зўр ҳаяжон қуршаб гангитди мени,
Нақ йўқотаёдим ўзимни-ўзим!.)
Кўрдим, мана энди бир замонлари
Бахтли Фракия паҳлавонлари
Қувнаб базм қурган қоялар ора
Чангалзорлар ўсиб ҳувуллаб қолмиш,
У даврлар ёди тугаб тобора
Замон оқимида оқиб йўқолмиш.
Бир вақт мардлиги-ю, эркин васф этиб
Юнонлар куйлаган бир юрт бу чоқда
Ёвуз қўлга тушиб, футурдан кетиб
Ёлғиз азоб ичра инграр сиртмоқда.
Бироқ бу қисматни у пайт юнонлар
Ухлаб кўрмаганди тушда ҳам бир қур.
Бунда ҳамма нарса у ўтган шонлар,
Жанглар ёди билан тин олар мағрур.

*

Гоҳ юнонлар бирдан ғазабга тўлиб,
Туркни қийма-қийма қилгудай бўлиб.

Жанг қиличин чархлаб, даст тутардилар;
Тоғ бургути каби тўпланиб шунда
Қоя тошлар аро ғорларда тунда,
Ботир шайка тузиб, пайт кутардилар.
Ва зим-зиё хилват қирғоқда ҳар вақт
Кучли ёв полкидан қочмоқ учун тахт
Кема турар эди, уларни асти
Асов тўлқинлар ҳам қўрқитолмасди.
Мен ҳам у ғорларда кўпинча тунда
Ҳордиғимни ёзиб ўтирар эдим.
Қисматимни қарғаб юрак хузунда,
Кечмишимни эслаб, ўй сурар эдим.
Ва қандайдир янги истакдан — ўтдан
Бетажриба қалбим ёниб кетарди.
Учқур қуюнлардай тутқизмай ўтган
У кунларнинг ёди мафтун этарди.
Эўр жангларда кезсам майдон аро мард,
Азм денгизларда сузсайдим дердим.
(Бироқ, дилга монанд бир ҳамкор, ҳамдард
Сирдош тополмасдим) дўстлар ёш эрдим!
Зотан нега энди бу қадар қайғу,
Руҳан қаримоқнинг не кераги бор.
Шодлик ёшликданки кетдими, бас у,—
Қайтиб насиб бўлмас деявер зинҳор...

*

Корсарларни топиб бўлсайдим ҳамлам,
Ва сузсайдим,— дедим,— денгизда бирга,
Аммо бир ўй кечди мулоҳазамдан:
Жо этса-чи жанглар унда қабрга?—
Майли, ўлим хавфин кўриб турсам ҳам,
Қарши олмас, дедим,— балки унда ғам,
Ва у соҳил билан хўшлашдим сўнг бор,

Денгиз оламини ихтиёр этдим;
Сувчиликда моҳир бир тажрибакор
Қора мавр билан йўл тутиб кетдим;
Қадамларим шошиб, гуллаб кўкарган,
Кекса океан узра кўкрак кўтарган,
Оролларга томон энтикдим ғоят.
Корсарларни кўрдим, унда ниҳоят
Бизни жўшқин тўда қаршилаб олди,
Менга мансаб бериб қилди атаман,
Мен амалга миндим, шу-шу батамом
Тақдирим ҳам энди ҳал бўлиб қолди:
Энди ҳаётнинг ҳам ва ўлимнинг ҳам
Менинг учун фарқи йўқ эди ҳар дам.

*

Дўстлар! Нақадар гашт кенг денгизларда
Ййраб қулоч отиб очсанг баҳри-дил.
Бироқ, иқрорманки, ёшлик кезларда
Қадр қимматига етмай, муттасил
Исроф айлаганим у давру даврон,
У хазондай сўлган гулбаҳоримни
Қайтиб ололсайдим, жон-жон деб шу он
Унга бахш этардим йўғу боримни.
У тақдирда менга сув ҳам, адир ҳам
Дала, ўтлоқ, ўрмон, хуллас, неки бор
Татиб, топа олур эди эътибор,
Кўрина олурди кўзимга кўркам.
Бироқ, беқарормиз, аввал бир ҳавас
Бир умидни қўмсаб дард чекамиз-ку,
Аммо, кейин унга эришдикми, бас,
Дарров эсдан чиқиб қолади-да у,
Яна ўзга тилак туғилиб ўйда,
Жонни жабрлаймиз етишмоққа зор.

Буткул тахликадан чиқмай, шу кўйда
Умр адо бўлар, эй парвардигор.

*

Соҳилларга тез-тез чиқиб турардик,
Дашту саҳроларда дайдиб юрардик,
Араб аргумоғи остимда ўйнаб,
Ҳайё-хув деб чексиз, ҳайҳот, чўл бўйлаб,
Елдай учар эдим йироқдан-йироқ.
Кўринмасдан ортда қоларди қирғоқ.
Денгиздаги каби, қақроқ чўлда ҳам
Қувноқ тўда билан кезардим ҳар дам.

*

Ёки тун ярмига оғанда роса,
Кайфу сафо қилиб бизда уйқу йўқ,
Сузиб айланаркан даврани коса,
Ялпи алёр айтиб, ҳангама қуюқ.
Хилват пано топиб ўрмон ўнгури,
Чақ-чақлашар эдик сипқариб бода.
Ва тўлин ой сузиб мовий самода
Булут ичра бошдан сочарди нурин.
Шу кўй маишатда ўтар эди тун,
Соат-соатлардан олар эди гал,
Милт-милт гулхан ёниб, яллиғлаб сал-пал,
Чирс-чирс отиларди кўкимтир учқун.

Кейин кемаларни ҳайдаб кенг денгиз —
Тўлқинлари узра ҳукмрон бўлиб,
Юрак алланечук гурурга тўлиб,
Зўр бир шиддат билан сузарканмиз, биз —
Ҳатто шаҳаншоҳнинг аркига бу дам
Унинг бир мавжини алишмасдик ҳам.

Ҳаргиз зарда билан кўзга тўлиб қон,
 Бебош тўпонларда сарсон учардим.
 Бироқ, ёш юракда ўзга бир пинҳон —
 Туйғу ўти ёниб, қийнарни дардим.
 Аллақандай мудҳиш даҳшатни бу чоқ
 Кутиб, орзиқардим, танда тоқат тоқ.

Шунда, денгиз аро қувноқ тўданинг
 Мардлик қўшиғини эшитиб қолдим
 Ёшлигимни эслаб, ҳатто худонинг
 Шукрини ҳам қилмай, кўзга ёш олдим.
 Менинг ҳаёт йўлим оқмасди равон,
 Мен бу йўлда мункиб борардим, дўстлар
 Мен бу мавжудотдан бахтсиз, нотавон
 Тирик ўлик эдим, юмулмай кўзлар.
 Машъум қисмат билан тинмасдан кун-тун —
 Олишгандай бўлиб, бу дардчил дилим
 Исён, ғазаб билан тўлиб лиммо-лим,
 Ўзелигимни ўзим унутиб бутун,
 Ғамгин яшар эдим, қийноққа дучор.
 У дастлабки даҳшат кунларги йўсин
 Ўта серқайғи-ю, ўта исёнкор
 Ишончсизлик билан тўлган келгусин
 Кутдим, яна бари сўнди ўнгимдан
 Худди шом олдидан сўнган кундуздай,
 Бир лаҳзалик ором тугаб кўнглимдан,
 Яна пора юрак ачишиб туздай
 Оғир ингроқ билан чекди азият.
 Яна мурғак хаёл, муқаддас ният,
 Кучли ва энг нозик тасаввурлар ҳам
 Ширин туйғуларим топдилар барҳам.

Қора булут чиқди осмонга бир тун,
 Бор оламни тутиб гулдирак турди.
 Булут галасини қувган зўр қуюн
 Кучли шиддат билан инграб ўкирди.
 Чақмоқ тун бағрини қиларди тилка,
 Тўлқин ҳамласидан кенг, бениҳоя —
 Денгиз тебранарди ва лекин дилга
 Ҳеч на соломасди ваҳимдан соя.
 Сув тўшини тилиб, қолдирардик из,
 Виш-виш, қайнаб турган оқ кўпиклардан
 Кема оқарарди. Шиддатли зарбдан
 Изимизда инграб қоларди денгиз.
 Гоҳ қўққисдан сапчиб осмонга етиб,
 Ўйнаб чиқар эди асов пўртана.
 Қалқиб чайқаларкан, қорайиб кетиб
 Пўртанага қайтиб урарди яна.
 Гўё денгиз ҳозир ҳаддан тиш жоҳил,
 Осмон уфқин юмдаб, қиларкан ваҳшат,
 Ва зарбидан инграб тебраниб соҳил
 Борган сайин авжлаб дағдаға-даҳшат,
 Кучли гулдураклар тинмай ўкириб,
 Бири-бирисига қарши очиб ўт,
 Дув ёпирилиб ёғиб булутга булут,
 Қуюн қуюнларга тўқнашиб уриб,
 Жаҳолати қайнаб асов денгиз ҳам
 Ўз нам туби билан олишар эди,
 Ва ялт этиб ёнган чақмоқдан бир дам
 Зулмат-қоронғилик ёришар эди,
 Гоҳо кемамиз ҳам қалқиб тебрана,
 Қора булут бўйи тиклаб турарди.
 Ва қарсиллаб кетиб қўққисдан яна
 Зўр тўлқинлар ора қайтиб урарди.

Даҳшат эди... аммо мен қўрқмай бу кез
Ботирикни қўлда сақлардим омон
Оломоним билан бирликда ҳамон
Палубада туриб, зарб билан тез-тез
Замбаракни узиб, бир дам тинчим йўқ,
Мудҳиш ҳалокатдан берардим хабар.
Мўлжалланган ерга тегди бизнинг ўқ!
Фақат жала қуйди атрофда шар-шар,
Фақат гумбурлади момақалди роқ.
Бирдан узоқ ердан ўқ отилди-ю,
Зим-зиёлик ичра мачтада чироқ
Ялт этгандай кўзга чалинди-да, у
Зумда ғойиб бўлиб, тим қора тунда
Қуюқ туман билан қоришиб кетди.
Яна зўр гулдурак ўкириб, шунда
Атроф чақмоқлардан ёришиб кетди,
Юнон кемасини кўрдик шу замон,
Сузиб ошиқарди у бизга томон.
Англаб бўлмас эди бунинг барчасин,
Улар тўлқинларга чўмиб, толарди,
Мадад сўрар эди, уларнинг сасин
Шамол эшитдирмай кўмиб қоларди.
«Тездан қайиқларга! Қутқарингиз тез!»—
Деди кимдир, товши янгради пастда.
Қоя тошга уриб «қарс» этиб, бу кез
Кема чўкар эди денгизга аста.

*

Тездан биз уларга улгуриб етдик,
Қутқарилган қисмин кемага элтдик;
Улар жиққа сувга ботган эдилар,
Нақ мурдадай ҳушсиз ётган эдилар
Аста-секин тинди бебош шамол ҳам,

Гулдураклар тинди, тинчланди олам,
Фақат тўлқингина баъзи бир чоқда
Тоғ-тоғ бўлиб ўрлаб, тушарди яна.

.

Кемамизга бирдан урди пўртана,
Чиқиб туриб қолдик, саёз қирғоққа.

*

Тонгда, балқиб чиқиб, булутларни кун —
Нурга юганида, кўрмоқлик учун
Кирдим қутқарганим кишилар томон:
Ҳайҳот! Кимни кўрдим, бу ўнгми ё туш?
Еш бир юнон қизи термулиб беҳуш
Икки кафти ора бош солиб бу он,
Зарра қони қолмай ранги рўйида,
Маъюс ўтирарди. Ушандан буён
Уни ёд этаман, куйиб кўйида,
Бир дам ором билмас жисмим аро жон.
(Унинг юрти йироқ, у бечора қиз
Келтирилмиш эди бунга йироқдан.
У ўз гулбаҳорин эслаб, фироқдан
Ўксиб ўртанарди ғурбатда ёлғиз.
Бахмал кечаларнинг сиёҳлиги-ю,
Кундуз ёруғлиги билан кўзлари
Менга термуларкан, назаримда у
Боққан каби эди кўпдан кўк сари.
Ва у кўкда юлдуз, кўнглини ёқиб.
Эзиб-ўртаб турган неки дарди бор,
Шу тўғрида унга йилтираб боқиб,
Берган каби эди, юпатиб, ахбор,
Аммо жоҳил булут тўсди-ю, э воҳ,
Юлдуз сўниб кетди, шу-шу энди қиз

Аламидан чиқмай, қайғуси чексиз)...
Шу-шу, энди мен ҳам оҳ чекаман, оҳ...
Шу-шу, тақдирим ҳал тинчлигим битиб,
Дарднинг гирифтори бўлиб қолганман.
Юрак тош-метинга айланиб кетиб,
Нозик ҳислар учун ўлиб қолганман.

ЖИНОЯТЧИ

Қисса

«Гапир бизга ростин, атаман,
Юртингдаги саргузаштингдан!
Чамамизда, сенда сўнмаган
Ёшликдаги ғуруринг ҳамон.
Чўлда эман соясида сан
Мард йигитлар кўнглин оласан!»

— Отам мулкдор ва донгдор бўлган...
У қариган чоғида, такрор,
Қирчиллама, тўлин ҳусндор
Иккинчи бир рафиқа олган;
Кўп йилларнинг зарби, оҳига
Бардош қилган бир кекса лочин.
Бир гўзалга очиб қулочин,
Олар экан ўз никоҳига,
Оқибатда ўзи маломат
Бўлишини англамайди-да,
Жононини севади фақат;

Эркаланар ёрига у-да.
Кузатади ҳатто уйқуда.
Еш йигитни кўрса у бир бор
Ишқ ўтида йўқотар ўзин,
Сақламасдан зарра номус, ор.
Чўқиб кекса лочиннинг кўзин,
Уясини шу кун тарк этар,
Узоқларга учару кетар!

.

Мен унутиб ишрат онимни,
Қадаҳларда тоза май тутган,
Сархуш этиб қоним қизитган
Туғилганим хушмаконимни,
Ўгай онам тиззасига бош
Қўйиб, кўп вақт ором олганман.
Кечалари у билан йўлдош
Бўлиб, отагинамга қарши
Қанча макр, қутқу солганман.
Унинг олов бўсаларин ман
Шимирганман, дилга ютганман,
Эсимдадир орзу, эҳтирос —
Кечалари афсун, илтижо,
Лекин энди кўздан доимо
Азоб ёшин тўкаман, холос!..
Эҳтимол, у севгандир мени,
Ёки сохта ишқ баён этган?
Зарб бериш-чун дилда риёни
Фусункорлик билан беркитган?
Севиклиман, деб муҳаббатсиз
Ёлғон энтиккандир бутунлай?
Ким билади, аёллар шундай
Қалби тилсим, чуқур бир денгиз!..

Кунлар ўтди. Келди он, фурсат!
Ёшликданоқ гуноҳкор мен — шум
Маҳкум каби титрадим беҳад!..
Қулоғимда янгради машъум
Аччиқ қарғиш, лаънат, ҳақорат.
Сўнгра, бутун воз кечиб уйдан
Қочишга ҳам рози бўлганман.
О, не кулфат! Не шармандалик!
Ор-номуснинг барбод бўлмоғи!
Гадолигу, уят ва севги,
Беомон ўч туққан душманлик
Ва отамнинг ғазаби!.. Ташга
Етимчадек қочиб чиққанман.
Сўнгра, ортга қайрилиб бир бор,
Ғамга тўлган, ҳувуллаб қолган
Савлатли уй, ҳовли томонга,
Жимжит ҳовуз, сукутга тўлган
У кенг гулзор боғи-майдонга
Лаънат кўзи билан боққанман!..
Истар эдим, телба ва ғамгин
Соқовликда йўқ қилса яшин:
Дўстлар ила атрофи мудом
Банд этилиб, шодлик майини
Нўш этганим столимни-да,
Йилқиларга тўла у беном
Кичиккина дарё қошида
Ул ўқ зарбин еган жойини.
Ва даҳшатли баланд жарларни,
Ва тош юрак отам бошида
Ўсган маккор оқ талаларни;
У илоҳий кўзу киприкни,
Қадду қомат, ажиб кўкракни,
Унинг сирли завқин ва баҳрин;
Лабларининг давосиз заҳрин;

Унинг иссиқ бўсаларига
Қонган жойим — хиёбонларни
Ўша ўғай онам-ла бирга
Етганимиз... ў маконларни!..

Ўз ҳолимга қувғин, сар-сари
Бўлиб юрар эдим ўрмонда,
Мени қабул қилдилар шунда
Икки жуҳуд, улардан бири.
Олиб сотар, фирибгар, судья
Экан, ҳамда ҳокимиятдан
Норозидир, шериги яна —
Хоруннинг¹ бир муҳлиси — ёри.
Қадим қонуннинг талабгори,
Олмосларин сотиб тугатган
Мендай қувғин ва гадо экан.
Мен каби бахт излар жаҳонда,
Лек муштлашиш-ёқалашишга,
Пулга ширин бўса олишга
Бир зиқналик бор энди ўнда,
Ўзи асло сир бермайдиган,
Илтимосни тингламайдиган.
У дўзахи сақлар шубҳа, кек,
Шафқати йўқ, қалби бутун берк!..

Ғамли, қора кеч кирганданок
Ҳозир эдик йўл бўйларида;
Ундан ўтиб турарди йироқ
Юртдан почта тройкаларда².
Ўқ овози чиқди. Қўрғошин

¹ Хорун — тавротда ривоят қилинишича, яҳудийларнинг биринчи авлиёси, Мусонинг акаси.

² Илгари йўлчилар қатнайдиган уч отли почта араваси.

Учар экан мисоли яшин,
Дилга урар ўлимнинг тошин!..
Ямшик ранги қув ўчиб, бирдан
Қулаб тушди! Ҳуркди отлар ҳам!
Бу ўрмонда қувгин зарбидан
Кутулганлар жуда камдан-кам.
Ой самода шубҳали ёниб,
Шуъла сочар кўп ғуборланиб.
Йўл четида кўрдикки шу он,
Ётар эди отилган йўлчи;
Эвоҳ, юзи жуда қўрқинчли,
Кўзларидан оқар эди қон!
Тикилдим мен... У менга таниш,
Ким бу, хира ойдинда ётган,
Танийманми?.. Улуғ яратган!
Танидим... О, қандай хунук иш?
Ҳалокатга йўлиққан ким бу?
Кимга қабр қазилур дарҳол?
Ким бу, сочи қонга ботган чол?
О!.. Дўстларим!..

Менинг отам-ку!..

Беҳуш бўлиб йиқилдим шунда:
Эсим йиғиб тинглаганимда;
Ўхшудча сўз эшитилар!.. Ҳайҳот!
Янги қабр турар чўққидак.
Унда ётар болта-ю курак,
Эман дарахтига боғлиқ от,
Икки жуҳуд ўтириб шунда
Тилла санар, гулхан ёнида!..

.
.

Учди кунлар. Бир биродарим
Дарё гирдобиди йўқолди.

Шундан бери кўрган кунларим
Оғирлик ва хўрликка қолди:
Қорчмаларда* ётқизмас сира,
Бир бошпана йўқ эди бизда.
Қайга борса сурбет Иуда
Қуваларди, чакалак ичра —
Бекинардик. Ва лекин эркин
Ётолмасдим, тушимда сиртмоқ,
Гоҳ қоронғи зиндон ва қийноқ,
Гоҳ кўрардим жаллод даҳшатин!..

Бутун маблағ, пул одоқ бўлди.
Энди фақат қишлоққа бориб,
Хукмдорлар уйин ёндириб,
Қий-чув ичра кайф суриш қолди.
Ҳалокатли ёнғинда шундай
Кул бўлди у ўсган маконим,
Гоҳ қалтираб, гоҳ ёнди жоним,
Вужудимни яшин ургудай!..
Ўғри жуҳуд ортиқ бўғилиб,
Вужудига ҳаяжон тўлиб,
Бир хотинни беомон ўтдан
Сургаб олиб чиқди тўсатдан.
Гўзал юзи, сарғиш ипакдек
Сочларини ўт тапти чалган.
Кўзларига жиққа ёш тўлган,
Босқинчига қарарди у тек.
На ўғрининг дўқ-пўписасин,
На хотиннинг ёлборган сасин
Эшитмадим, э, биродарлар.
Кўрдим, хотин кўкида ханжар!..
Ҳайҳот! Титрар эди тизлари,

* Кўчма меҳмонлар турадиган ва овқатлар сотиладиган чойхона.

Бўздек оқарганди юзлари,
Сийнасидан оққан қон билан
Айтилмайин қолган сўзлари
Каби кўпик чиқди лабидан.

Иуда ҳам тортди зўр жазо:
Шу баҳорда корини қилиб,
Қарағайнинг шоҳига илиб
Қарғаларга ем қилдим. Тоза
Халос бўлдим азоб-кулфатдан.
Ўша жонон, ғамли жарларни
Ўрмон, дарё, хуш водиларни,
Унутилмас у ёдгорларни
Сайр этгани борар эканман,
Қарағайда осилиб турган.
Чала-чулпа чириб кўкарган
Скелетга қарадим бир бор.
Кўзларидан хок сочиларди,
Ҳозир шундан учган бир шунқор
Қўл суягин олиб қочарди...

Учди йиллар, ёшлигим ўтди,
Сўнди ҳисим, шодлигим битди.
Ётар энди кўксим аро жим
Фақат ҳаста, ғам, эҳтиросим.—
Қалбда фақат совуқ бир ёдгор:
Бадбахт ҳаёт босган муҳр бор.
Ажиб қисмат, олтин саодат —
Учун бўлган меҳримни поймол —
Қилмаган, мен жинойткор чол
Ҳаммасидан узоқман фақат.
Агар баъзан ботир йигитлар
Даврасига кириб кайф сурсам,
Озодлик-чун қадаҳ кўтарсам,

Қайта ёнар босилган ўтлар.
Кўтараман шу унутилган
Ёшлик ҳаққи, қилмишим учун.
Шунда қонли пичоғим учин —
Стол узра санчиб куламан!..

1829

ИККИ АСИРА

Beware, my lord, of jealousy!
Othello. W. Shakespeare*.

I

«Мен севаман сени, Заирам!
Эй, румий қиз, севгили танноз,
Шу хазина, шу боғи-эрам,
Ислом мулки сенга поёндоз!
Сен у мовий кўзларинг сузиб,
Солганингда атрофга назар,
Эргашаман пойингдан, кезиб,
Мисоли қул, дунёдан безиб,
Тангрисини хаёлда излар.
Қўй, рақс этсин Гулнора чаққон,
Торни чертсин оқ қўли. бегам,
Испан сози таралсин равон,
Ҳасад қилма, менинг фариштам!
Ўтли Гулнор айтган нағмалар,
Титроқ созда ёнган пардалар,
Шарқнинг хушбўй атргуллари,

* Эҳтиёт бўлинг, милорд, рашк балосидан.
В. Шекспир. «Отелло».

Инжулари, лаълу гавҳари —
Барчасидан мен — Султон Аҳмад,
Бир бўсангининг лаъзати учун,
Бир нигоҳинг иззати учун
Кечар эдим, «хўб» десанг фақат! —
— Гарчи фақир бўлсам-да эй, шоҳ,
Туғилишдан қалбимда ғурур,
Тутқун ва хор бўлсам-да бу чоқ,
Сенга нафрат қилишга мен ҳур.
Унут, эй, чол, шу талабингни:
Нафсингни тий, эй, султон, ортиқ!
Ўзга эркак сўрган лабимни,
Мен ўша илк севгимга содиқ!
Буюраркан ёвуз ҳукмдор,
Рад этишга йўқдир ихтиёр.
Аммо сенинг ялинишларинг,
Қийнаб дилга илинишларинг
Муз юракда севги туғдирмас.
Мен тайёрман, қани жаллод? — Бас! —

II

Тун палласи. Сокит. Нуроний.
Жаннатдан ҳам ҳашаматли ул.
Атр ҳидлар тутган ҳавони,
Уйқудадир улкан Истамбул.
Фақат тикка деворни ялаб
Шовлар тўлқин кўпиклар сочиб.
Ой шуъласи ўйнар липиллаб,
Ҳарамда бир дераза очиқ.
Гулдор ойна ярқираб турар,
Гўё совуқ олов тўкилар,
Ялтирайди зарбоп деворлар,

Ялтирайди юмшоқ диванлар,
Ялтирайди олтин попуклар.
Туннинг салқин ҳавосин олиб
Деразага гўзал суялиб,
Оёқларин йиғиб ўлтирмиш
Қорамағиз Гулнора, хомуш.
Ҳамма ёқ жим, тиниб овози,
Оқ қўлидан испанча сози
Секин тушди диван устига,
Қиз қарайди... Қаерга? Нега?
Денгиз оша боқади кўзи,
Қаерларга хаёли учар?
Балки шу дам дилбарнинг ўзи
Эркин ҳаёт тушини қучар?
Балки тутқун қизнинг хаёли
Қўнган ўлка: Водийўл — Кабир*,
Унда хушбўй лимон, шафтоли
Соҳил бўйлаб гуллаб ўсадир.
Йўқ! Бу нафас қўрган тагига,
Кўпикланган сув этагига
Ўтла кўзлар нигоҳи инар,
Испан қизи ҳавони тинглар,
Ой нуридан чеҳраси ёрқин:—
Шу учундир, балки, қиз сўлғин?

Хаф! Ейилди бўғиқ бир нидо...
Соҳилдаги сувлар чайқалди,
Оч тўлқиннинг биллур қўйнида
Қаср сояси тебраниб қолди.
Бир оқ буюм ялт этиб сўнди,
Ғойиб бўлди!— ҳамма ёқ тинди.

* В о д и й ў л — Кабир (Буюк води)— Гвадалкивир. Испанияда катта бир дарёнинг номи.

Деразадан қайтарди Гулнор,
Юзда мағрур рашк хандаси бор,
Яна созин қўлига олар,
Бахтли испан нағмасин чалар,
У жазм ила куйлайди куйин,
Овоз саркаш, қайноқ, беором;
Нақаротин қайтарган сайин
Такрорлаган сўзи: интиқом.
Ёш дилбарнинг кўзлари бетинч.
Унда порлар ёвуз бир севинч!—

1829—1830.

КАЛЛИ*

Черкас қиссаси

I

«Энди келди насиҳат они,
Ошкор этай бир сирни сенга.
Кенгашларим — худо фармони;
Жони-дилдан онт ичгин унга.
Қотил қўли ўлим сочаркан,
Худо амрин бажо келтирмоқ,
Зўравондан интиқом олмоқ —
Учун аранг омон қолгансан;
Умрингдаги ҳар соат, ҳар он
Сенга насиб эмас азалдан.
Сен ўч олиш қуроли — жаллод,
Асл тақдирида Оқбўлат
Сенга насиб этилган қурбон! —
Ота-онанг, аканг тўкиб қон,
Ёв қўлида бўларкан барбод,
Худовандга қилдилар фарёд:
Ки шулардан бирор зурриёт

* К а л л и — черкас тилида қотил дегани.

Ёвни қилсин хонаи вайрон!—
Бемеҳр ҳам даҳшатли бўл сан,
Ташла қуруқ раҳмдилликни.
Қонун, қасам ва тақдир сени
Даҳшатли бир ишга буюрган.—
Ўтмишдаги барча ёвузлик
Эвазига, у маҳкум, ўлик
Оилани асло аяма;
Оқ фотиҳа, пўлат дудам
Берайин ман — югур, мард ўғил,
Пайти келган, қўйма, яксон қил!»—
Деди тошқалб мулла атайлаб,
Шаҳло кўзли кабардин тинглаб,
Ханжарини покизаларкан,
Ўч дарсини ўрганди ундан.
Унда ҳали ёшлик ҳисси бор,
Лек, қўрқишни билмайди асти,
Боболарнинг одатин, ростин,
Сўзсиз ижро этишга тайёр.
У бир тунда рақибни яксон —
Қилмоқ учун аҳд этди шу он.

II

Сўнди кундуз. Ҳожи дарбадар
Уй ёнида кезар хафақон...
Тоққа сукут чўккан, зимистон;
Осмонда ой сариф доғсимон
Булутлардан-булутга кўчар,
Шиддат билан совуқ ел учар.—
Йигит келар эди ваҳмдек
Аҳд этгани манзилга қараб,
Чарм қиндан секин мўралаб

Чиқди шунда ханжар истаб кек...
Ҳожи бирдан эшитди-ю тин,
Ва шу зумда режани олди,
Ухлаб ётган рақибнинг кўксин
Мўлжал қилиб ханжарин солди,
Ғазаб билан буради бирдан.—
Ҳар ким қотил бўлса азалдан,
Охирига етказсин уни;
Бири ўлди; ва лекин фарзанд
Хуни билан ота қонини
Қўшмоқ учун ичган эди онт.—
Қаршисида мўйсафид ётар!
Чеҳрасида осойишталик.
Лабларини ўсиқ мўйлаблар
Яширганлар гўёки попук!
Ибодатга қўли ростланган!—
Ҳожи, нега нигоҳинг сўнган?
Эшитдингми ўч хитобин сан.
Тингла... нидо қилмоқда отанг!—
Қонга ботган мўйсафид шу дам
Тўшагидан сирғаниб кетди,
Ажал ўпган қонсиз юзи ҳам
Ажиб даҳшат ваҳм касб этди.
Қотил боқди ёни-бериға...
Янги қурбон изларди яна!—
Уй ичини қидирди қат-қат,
Ҳечна топмай, тентиракларкан,
Ўз қалбининг шиддатли тепган
Овозини эшитди фақат.
Наҳот, бари ўлиб битади?—
Оқбўлатнинг қизи қаёқда?
Ўн еттига киргани чоғда
Уни ота кўрган оқибат,
Туғишгани йўлиққан қисмат —

Машъум қора тақдир кутади...—
Шунда ойдан титрак нур тушиб,
Уй ичини ёритди равшан.
Икки мурда ер қучоқлашиб
Чўзилишган, қиз тўлиб-тошиб,
Ноз уйқуда ётар эди шан.

III

Уйқудаги фариштадек қиз,
Ўз қотили олдида ёлғиз
Беихтиёр ётарди; фақат
Уйқудаги фитна ва туғён
Қиз кўксига солиб ҳаяжон,
Нафасини сиқарди беҳад.
Ҳаёти сўнг дамга етаркан,
Очилди у шаҳло кўзлари,
Шум ўлимнинг сирли излари
Кўз ёшида акс этди равшан.
Лекин, тундан ҳайиққансимон
Қора кўзлар юмилди шу он...—

Ҳайҳот! Уни на ёш, на севги
Ва на шодлик оча олгуси!
Саросима қараб қолди у.
Руҳий хаёл ичра чўмаркан.—
Ким инграйди? Кимнинг доди бу,—
Ҳаётда сўнг фарёдмасмикан?
Бу фиғонни эшитган инсон,
Ўлмай наҳот унута олсин?
Ўлим товуши, кулфат ноласин
Фарқин англаш нақадар осон!—

IV

Ўтирарди мулла такаббур
 Масъуд эрон гиламларида,
 Тутун-булут сузар сарида,
 Чилим чекар эди баҳузур,
 Лек бир шарпа эшитди шу он,
 Кўзи бежо, либослари қон
 Ҳожи чопиб келар дарбадар:—
 Бир қўлда соч... бирида ханжар,
 У не учун аёл сочидан
 Бир тутамин келтирди мулла?—
 Қиздан сенга совғами бу ё?—
 «Қандай тўғри мўлжаллайман, о!—
 Мудҳиш овоз билан гапирди —
 Ҳожи:— кучим кўрдингми э чол?»—
 «Кўрсам нима?»— мана, билиб ол!»
 Ҳиссиэ дилга ханжарин урди...

V

Муқаддас бир тоғнинг бошида,
 Шуълаланиб кеч қуёшида,
 Баланд тоққа ягона посбон
 Каби турар бир ҳайкал ҳамон.
 Аллақандай устун устига
 Қўндирилган оқ салласимон,
 Тўрт тарафи кўм-кўк дарахтзор;
 Кўринади унда саҳролар,
 Узоқдаги паст-баланд тоғлар,—
 Эркинликнинг бу қароргоҳин —
 Кўрса, йўлчи очар нигоҳин.
 Аллақачонлар унутилган,

Дўст қўлида дафн этилган
Мулла ухлар бу тош тагида
Бутун кирдикори-ла бирга.
Унинг севган хотини яна
Бежавотир, бировга хуштор;
Унда на бир ёвуз рашк, ва на
Сирли қатлларнинг хавфи бор!..

VI

Бир овоза чиқди у чоқда,
(Ривоятлар тарзида) тоғда
Номаълум бир киши юрганмиш,
Тинчликда-ю жангда хавфлимиш;
Ёввойидек қочармиш юртдан;
Маҳрум эмиш ишқ-муҳаббатдан!—

.
Умрбод жим юрди у, лекин
Шундай бўлиб халқнинг кўзига
Қуруқ шов-шув, беҳуда диққат
Тортиш-чунмас!— тоғда ўзига
Қотил деган бадномнинг нега
Берилганин билади фақат.

1830—1831

ЭРКИНЛИКНИНГ СЎНГГИ ФАРЗАНДИ

Повесть

Н. С. Шенинга бағишланади

I

Бир вақтлар, болалик ўйи шошириб,
Анчайин эрмак деб тебратдим қалам;
Бир вақтлар, ишқ дардин ҳаддан ошириб,
Ҳажрда ўртаниб, куйиб-ёндим ҳам —
Хаёлий ёр васлин дилга яшириб,
Ҳавойи шеърларда мадҳ этдим ҳар дам,
Бироқ у даврлар қайтмас ўзга бор,
Илк севги рад этиб айлади абгор.

II

Дўст излаб, дўст топмай, ўксиб бир ўзим
Бу жаҳон даштида қолмиш эдим тоқ;
Аммо, сен ечдингу боғланган кўзим,
Меҳрингдан баҳр олиб, очилди у чоқ.
Қабул эт, дўстликнинг ваъдаси — сўзим,
Ватаним қўшиғин қабул эт, ўртоқ,
Балки эй, азизим, бу куй — бу садо
Узилган торимдан энг сўнгги нидо!..

Куз келади, кирар олтин тус
 Эманларнинг барг чамбарига.
 Эзиб ёғиб ёмғир, устма-уст
 Утлар ётмиш ернинг бағрига.
 Овчи чарчар қирма-қир юриб,
 Бироқ бекор ўтар, ўлжа йўқ.
 Йўлиқса ҳам, шамол учириб,
 Зойи кетар узилган ҳар ўқ.
 Шамол бунда музда туғилган,
 У Ильмендан қиргоққа урар
 Ва зарб билан, қовжираб сўлган —
 Наъматакни тебратиб турар.
 Кўкда, мовий булутлар бўйлаб
 Оқ турғалар аргумчоқ солар,
 Жануб ёққа қараб йўл олар,
 Кўл қушлари чирқ-чирқлаб куйлаб,
 Тиниқ сувга тўш уриб ўйнаб,
 Ортларидан кузатиб қолар.
 Қоп-қоронғи намхўш ҳавода
 Кўринмайди йилт этган юлдуз.

Куз келади, келар олтин куз,
 Яйловлардан қайтади пода.
 Туман ичра ёниб ботар жун.
 Йўқ, у асти таратмасин нур,
 Тарқалмасдан турсин бир умр
 Новгородни буркаган тутун.
 Славянлар дарёси бўйлаб
 Илиқ шамол эсмасин асти!

* Яна қачон бундай қаҳрамон туғилади?
 Б а й р о н «Гяур»

Балиқчининг елкани ўйнаб
Тўлқинларда кезмасин асти!
Ҳайҳот! Топтаб босди келгинди,
Мағрур ватан бош эгди қуйи.
Эзгу эркнинг қўшиғи-қуйи
(Гарчи қандай бўлса ҳам) энди
Унутилар бўлди шу қуйи.
Славянлар тангриларин ҳам
Ёвуз Варяг заптига олди.
Беихтиёр, бежо бир қадам
Озод юртни кишанга солди.
Бироқ, ҳали чўллар, ўрмонлар,
Саҳроларда, йироқ-йироқда
Кун кечириб огир фироқда
Юртга содиқ қолган ўғлонлар,
Ботирлар бор, бор бир мард гуруҳ,
Юрт бошида яшин урган ғам —
Маломатни кўра туриб ҳам,
Йўқ, сўнмади улардаги руҳ.
Улардаги ғоялар омон,
Писанд қилмай даҳшат дастини,
Эрки қайта тиклаш қастини
Улар қатъий тутаркан ҳамон.
Қуёш балқиб, бўронли сел ёш
Булут ичра чарақлаб кетиб,
Туман буркаб олган тоғу тош
Ва уфқни нурга ғарқ этиб,
Қандай кулса оқ тонг маҳали,
Шундай туйиб келажакни ҳам,
У содиқ мард эрларнинг ҳали
Юрак тўла ишончи бардам.

Қаердан у? Мисоли устун
Осмон бўйи бурқсийди тутун?

Шовқин солган сувнинг қошида,
Тик қаққайган тепа бошида
Чарч-чурс этиб ҳар ғўласидан
Учқун питраб гулхан ёнади,
Аланганинг акс шуъласидан
Атроф ўрмон яллиғланади.
Ўт қошида доира олиб,
Така бўри терисин солиб,
Сукут сақлаб гапсиз-сўзсиз тек,
Худди ғамнинг кўланкасидек
Ўтиришар паришонхаёл
Олти йигит ва бир кекса чол.
Таҳқирланган славян улар,
Улар дўстлар васлидан йироқ.
Бошга тушиб жудолик-фироқ,
Бу ғурбатда кўп вақтки бўлар;
Азизларин кўролмайдилар,
Ҳоли аҳвол сўролмайдилар.
Улар мангу қайғуга тўлиб
Ўтмасин деб кулфатда кунлар
Боболари безовта бўлиб,
Арвоҳлари чирқираб тунлар,
Гўрларидан қалқиб, бош эгиб
Ер кезишиб юрмасин учун,
Дили ранжиб, уйқуда тегиб,
Қарғишлари урмасин учун,
Ёт ҳокимнинг ҳоки пойига
Тиз чўкишни истамай буткул,
Видо айтмиш ўз уй-жойига,
Узоқларда қолмиш она Кўл.
О! Чернобог*, ўч олмоққа, ўч!
Агар ўзи берсайди ёрдам!..

* Жанг тангриси.

Бироқ, афсус, тенг эмасди куч...
Мана жангу, мана қисмат ҳам.

Бир ёш йигит деди: «эх, нега,—
Эҳ, нега ҳам суғурдим қилич?
Нега ёшлик қилдим? Энди ҳеч
Бўлолмасмиз зафарга эга.
Эҳтимолки энди умрбод
Унутилиб кетар отимиз.
Йўқ, элу юрт бизни қилмас ёд,
Кўрсатилмай жасоратимиз,
Шу-шу энди сўниб кетар, ҳа!
Унутилармиз: битмасдан туриб,
У саҳройи қуюн созуриб,
Тўс-тўс бўлар бу чала қапа!»

Бир деди: «бу маломат ғам
Тангриларнинг қаҳридир ғоят!—
Шояд энди ёв бошига ҳам
Яшин уриб тушгай бу, шояд —
Жанг даҳшати ичра қолгай ёв.
Ўз бошига ўз ўқи етгай,
Кўкрагини тешиб беаёв,
Тиғи паррон қилиб чок этгай!»

Суҳбат энди шу хилда ўтди.
Ана бири сачраб турди-ю
Мушт тугунлаб, қўлларини у
Қовуштириб, кўксига тутди.
Ранги ўчиб, серқайғу, серғам,
Тек термулиб қотгани йўсин
Кўриб турди водийда бу дам
Тўлқинланган тун қоронғусин.
Ва ниҳоят чолга паҳлавон

Шивирлади: «куйла, отахон!
Қўшиқ товши нозанин ёрнинг
Сийпалаган қўлига ўхшар.
Тинглаб кўнгил зардобдан бўшар,
Заҳри қолмас дилда ғуборнинг,
Нима ҳақда бўлса ҳам бир оз
О Ингелот, куйлаб бер, авж қил!
Алам-афсус, ҳасрат тўла дил,
Кўкракларнинг чигилини ёз.
Ўзгаларга куйлаб берсанг бас...
Менда, ота, уларникидек
Болаларча шикоят эмас,
Менда кек бор! Мендаги бу кек
Ҳар нарсадан турар устикор.
Шундай кекки, келажаклару
Ўтмиш, ҳозир барча неки бор
Ўзурида тиз чўктиргай у!»

«Вадим! Нега сен учун эмас?—
Чол жавобан унга тикди кўз.—
Бу қўшиқни бас қиламиз, бас;
Менга бўлган ишончинг ҳануз
Кўкрагимдан чиққан эмас, йўқ!
У қалбимда ётар,— деди чол.—
Қўшиқ айтай, ўзга бир қўшиқ.
Ўлтир, Вадим, ўлтир, қулоқ сол!»

Оқ сочини ел ўйнаб, бирдан —
Жўшиб-жўшиб куйлаб кетди чол.
Ва зўр жангнинг олис бир ердан
Келиб турган гув-гуви мисол
Дам секинлаб, дам авжлаб кетиб,
Кўлкаланиб кўкларга етиб,
Содда қўшиқ таралиб учди.

Тош-тўнгаkning мўхини юлиб,
Нола қилиб шов-шов қуюлиб,
Сув ҳам пастдан бунга жўр тушди.
Хатто ўша жанговар ўртоқ —
Марҳумларнинг арвоқлари ҳам
Дуд булут ичидан шу дам
Бу қўшиққа осдилар қулоқ.

Ингелот қўшиғи

1

Донишманд кишилар бўлди жамулжам
Бемор Гостомисл* ёстиғи узра!
Ажал калхат каби учар бошида —
У бедармон қўлин силкиб қўйди-да,
Дўстларига қилди шундай васият:

2

«Эҳ, сиз Новгород аҳли, эҳ сизлар!
Орангизда нифоқ-илон вишиллар.
Чақиринг ёт юртдан биронта князь,
У, юртни тартиб-ла бошқариб турсин»,
Ва бемор, кўзларин юмди шу замон.

3

Кривичлар, славянлар, чудлар** барчаси
Кўк денгиз ортига элчи йўллади,

* Гостомисл — Новгороднинг сўнгги князи.

** Иилномаларда айтилган шимол қабиласи.

Варяглар элидан чақирди князь;
Сўйлади вакиллар ёт князларга:
«Юртимиз гўзалу, бироқ, тартиб йўқ!»

4

Сарбозларин бошлаб келмаслик учун
Онт ичди Трувор, Рюрик ва Синав.*
Бироқ, тонг отарда кўриниб қолди
Мовийланаётган туман ичидан
Денгизда оқ елкан, ўткир найзалар!..

5

Славян ўғиллар, алдандингиз сиз!
Шаҳар четида у кимнинг лагери?
Эртага, эртага, келгинди варяг
Князлик қилади Новгородда,
Эртага сиз унинг қули бўласиз!..

6

Жамулжам бўлишар ўттиз навқирон,
Дилларда интиқом, кўзларда, даҳшат.
Тепага тун чўкиб, чиқар тўлин ой.
Ғафлат босган ёвнинг қароргоҳига
Жанговар йигитлар кириб боришар!

* Ака-ука князь Варяглар.

Қалқонга бош солиб ухлар варяглар;
 Жингалак сочларда ўйнар ой нури.
 Ана қон отилди, талвасада ёв,
 Қанақа овоз бу? Кимнинг найзаси
 Кимнинг қалқонига тарс этиб тегди?

Ғафлат уйқусидан сачраб турар ёв,
 Питирлаб қолар ёв, титраб, дарғазаб;
 Ёшлар жанг қилишар, кўплар бериб жон,
 Фақат олти йигит қолар барҳаёт:
 Тангри ярлақасин у марҳумларни!

Новгородда Рюрик князлик қилар,
 Чўллар, ўрмонларда тентирар ёшлар,
 Улар ора кезар бир кекса чол ҳам,
 У куйлар муқаддас она юртини,
 У куйлар севикли эркини ҳар дам.

*

«Наҳот, қўшиқ айтишу басми?!
 Юрт номуси бўларкан поймол,
 Қараб турмоқ умидсиз ва лол,
 О, бу қайси виждоннинг азми?!
 Йўқ ёронлар!— деди Вадим!— Йўқ!
 Онт ичаман илк ва сўнгги бор,

Онт ичаман улуғ Чернобог,
Варягларга зинҳор-базинҳор
Сигинмайман, онтим қатъий, чин,
Ўзгаларга ибрат учун ҳам
Ё мен, ё у кетар ерпарчин,
Топар албат бир томон барҳам,
Ва насллар аро айланиб
Бу овоза бўлар ҳикоят.
Сўнгиги гача қасос! — деб, яниб
У лаб тишлаб, тиз чўкди. Ғоят —
Ғазабидан титраб қалтираб,
Мушт тугунлаб ёнди, тутоқди.
Кўзларида даҳшат ялтираб,
Бош кўтариб осмонга боқди,
Ва метеор ярақлаб кетиб,
Қип-қизариб ёнган лахча ўт
Ров кўриниш бериб, «ғиз» этиб,
Учиб ўтди булутма-булут.

Улар туриб сўқмоқдан юрди.
Тепаликдан ўрлаб қуюқ дуд
Кўп узоқ вақт буруқсиб турди.

Аста ёниб милтиллаган ўт
Тўнгалардан питратиб учқун
Беғам чўпонларни жалб этди,
Қуён, бойқуш, қалдирғоч учун
Ваҳим бўлиб кўриниб кетди.

Шом булути ора сийғаниб,
Денгиз узра қонли нур ётар.
Нақ қалқондай, қизариб ёниб,
Кун сув ости уйига ботар.
Бир тўп варяг кузатиб уни,

Мароқ билан ташлайди нигоҳ.
Эич тортишиб шивирлашар гоҳ,
Гоҳ эшитилиб қолар шовқини.
Узоқларда ёввойи эчки
Тик қояда қотиб жин гўё
Шом бағридан қорайиб, кечки —
Шафақларга боқар маҳлиё.

Бир кекса чол, олти ўспирин
Ўтирдилар қайиққа бугун.
Ва қирғоқдан жилиб, оқ елкан
Шамол билан тезлаб, йўл юрди.
Мовийланиб ўшқариб келган
Долғаларга эшкак зарб урди.
Вадим денгиз арвоҳи мисол
У қайиқда қотиб турарди,
Қувғин дўстлар ичра ғоят лол,
Ғоят ғамгин, хаёл суарди.
У не ҳақда қайғулар бу дам,
Ўз кўнглида не гаплари бор!

Асрорини ҳатто чолга ҳам
Очмас эди дард этиб изҳор.
Кўзларида, видолашар чоқ
Шундай бир ҳол эдики аён,—
Бунини энди сўз билан, мутлоқ —
Айтиб, қилиб бўлмасди баён.
Елкан кетди, кўк денгиз бўйлаб
Кўпиклардан оқ излар солди.
Қирғоқлар ҳам олислаб қолди.
Вадим ҳамон бош солиб ўйлаб
Қотган кўйи турарди; балки
Ўтган даври-давронлар бу дам
Хотиридан бир-бир ўтарки,

Ғарқ қилмишди уни тубсиэ ғам.
Қайси узоқ элларга томон
Нима излаб кетди қувғунлар?
Ким айтолур? Улар йўқ, ҳамон
Қувиб ўтар кунларни кунлар!..

Хатто қаттиқ тош аро, кўркам —
Гул чечакнинг ўсган они бор.
Тош қаҳрли жанговарнинг ҳам
Юрагида ишқ ошғени бор.
Вадим севди, шонига ҳар дам
Содиқ бўлиб турганисимон,
Қиз ҳиссини қозонмоққа ҳам
Ишонганди бешак, бегумон.
Ким севмаган? Ким у, қайси дил
Бир ақлнинг тутиб райини,
Муҳаббатнинг мерос найини —
Сайратмасдан ўтган муттасил?
Йўқ, ҳеч ким ҳам ўтган эмас лол,
Куйламасдан севги қўшиғин,
Ишқ бу менинг юртимда жўшқин
Чўллар мисол, денгизлар мисол...

Гўзал эди у ёш Леда қиз,
У нозанин, у пари висол,
Ёлғиз эди ҳуснда, ёлғиз —
Тонг кўкининг ҳулқари мисол,
Нақ жанубда баҳор эди у,
Чиройида қитдай губор йўқ.
Ўз эркида учар қушдай шўх,
Саҳродаги гулдай мағруру,
Ғам ташвиши билан ҳам ҳар он
Ёш эркатой боладай азиз,
Болаликнинг қўшиғисимон

Серзавқ эди, сершавқ эди қиз.
Вадим уни севди, севди-ю
Бироқ, унга севилдими у?
Йўқ! У танноз қиз кўнгил овлаб
Бир қайрилиб боқмай маъшуққа,
Муз босгандай бўлди нақ ковлаб
Қалб қаърини ўртаган чўққа.
Юз ўгирди ундан паҳлавон.
Ўша-ўша ҳали ҳам ҳамон
Пинҳон дардин дилга жо этиб,
Енса ҳамки, доим эрта-кеч
Қиз қошида илтижо этиб,
Тиз чўкишни истамади ҳеч.
Паҳлавонда тақдир зарбига
Дош берарлик иродаки бор.
Ўз дардини солиб қалбига
Юроларди қилмасдан ошкор.
Яна ўзга дардда куйди у,
Ўзга бир ишқ бўлди муроди.
Аммо, у кўп ўтган йиллару
У йилларнинг ҳеч сўнмас ёди.
Кўз ёшлар-чи, қайноқ ёшлар-чи?
Ким буларни эта олур рад? —
Туюлишда авваллар гарчи
Енгил бўлган яра-жароҳат
Эндиликда зўрлаб кундан-кун,
Юрагида газак олди-ю,
Тасаллилар, юпанчлар учун
Қулоғини солмай қолди у.
Муҳаббат ва эрку интиқом
Бари бирдан қўшила кетди.
Шулар билан ёнган ҳирсу қон
Томирида жўш ура кетди.
Ингелот ҳам тиришди ҳар дам

Авжлатмоққа унинг ҳирс кучин,
Ва чол бундан она юрт учун
Наф етар деб умид қилди ҳам.
Йўқ, мен сени айбламайман, чол,
Эй, славян кекса Ингелот!
Тарбиянгда шу муқаддас ўт
Удминг сингиб топмишди камол.
— Ўша онки, денгизда уми
Тўлқин суриб кетаётган он,—
Қалб қаърини тутган қайғуни
Қилса ҳамки кўзлари аён,
Бироқ, оҳ, деб, у видо, оҳин
Бой бермади ҳатто елга ҳам.
Ва хиралаб ғамгин нигоҳин,
Йилт этмади кипригида нам.
Киндик қони тўкилган тупроқ,
Тарки ватан этган ерини,
Вафо қилмай умидлар мутлақ,
Алдаб ўтиб кетган ерини
Тиклаш учун қайтадан такрор
Бу оламда фақат бир асос,
Бир мумкинлик, битта илож бор;
Бу қасосдир, бу — ёлғиз қасос!

*

Ўтлоқларга чойшаб ёйди қиш,
Нуқра либос кийди тоғу тош.
Жанг кучини жамғариб, ёндош
Ёв юртига Рюрик йўл солмиш.
Илк қор қалин, шохларда қиров,
Муз ғирчиллар сув бетин ёпиб;
Бир тўп қашқир тунни пайт топиб,
Тинч қишлоққа кирар, излаб ов.
Изгиради қаҳратон совуқ,

Қор бўрони ўкириб юрар.
Арчаларнинг бир дам тинчи йўқ,
Бош солишиб тебраниб турар.
Кўк ярмига оғаркан авжи,
Қуёш туман ортига шошар.
Саҳро аро гангиб йўловчи
Йўл йўқотиб излар, адашар...
Йўқ, кўролмас дўстлар васлин у,
Шунда унинг куни еткуси.
Бежаноза жасади мангу
Ғурбат қорда чириб кетгуси,

Қаердан у шафақ-аланга?
Ев шаҳрими ёнар беомон?
Рюрик унга ўт қўйди. Жангга
Дам бермоққа яқинми замон?
Тезми князь ўлжага мўл-кўл,
Ортиб-тортиб юртга йўл олар?
Тезми тинчлик? Тезми қонли қўл —
Қиличини қинига солар?

Тун. Қиш туни, атроф уфқлар
Зулмат қоплаб мудраб туради.
Новгород тинч қотиб ухлар,
Вазмин сукут ҳукм суради.
Ҳамма ёқ жим, ҳамма ёқ сокин,
Гоҳ-гоҳ ҳовли итлари ҳурар,
Товши йиртиб кечанинг чокин,
Шамол билан таралиб юрар.
Фақат битта ҳужранинг ёлғиз
Жин чироғи ўчгунича йўқ,
Ярим тунда, нурда Леда қиз
Ғир-ғир қилиб қўлида урчуқ,
Юнг чийириб гапсиз-сўзсиз лол
Мижжа қоқмай ўтирар ҳамон.

Кампир чиқди эшикка томон
 Қор устида кўрмоқ учун фол.
 Ва ниҳоят қайтиб кирди у,
 Ҳасрат билан ташлади нигоҳ.
 Юзларида қон йўқ, серқайғу,
 Ич-ичидан тортди оғир оҳ.—
 Сиёҳида ваҳима-ваҳшат,
 «Шўрим,— деди қалтираб қўли,—
 Наҳот, ғамдир умрнинг йўли.
 Наҳот, тақдир, солади даҳшат?!»
 Сирли санъат маҳорат билан
 У қор узра очар экан фол,
 Келажакнинг бир туни яққол —
 Аён бўлди бадҳолат билан.
 Лол ва ғамгин қалтираб дир-дир,
 Сўз қотмоққа ботинолмас қиз.
 Ўз ғамидан, сеҳргар кампир,—
 Ўзи ортмай қийналар ёлғиз.
 Хўроз ҳали чақирмай, она
 Алаҳлаб оҳ тортган ҳамона
 Леда сачраб кўзини очди,
 Қисқа уйқу беором қочди.

Саҳнини кенг олиб чизилган —
 Ичида қор топтаб, эзилган —
 Доирани кўрдилар, тонгда —
 Деразанинг рўпарасида
 Шу-шу кўп вақт хунук оҳангда
 Миш-миш кезди эл орасида.

.

Ҳилол туғмиш кўкда олти бор.
 Тугаб кетмиш кўпдандир жанг ҳам.
 Сарбозлару Рюрик хотиржам

Пайт пойлайди, қутилар баҳор.
Шаррос қуйиб баҳор ёмғири,
Оппоқ қорлар эриб оққанда,
Юртнинг ғамгин ўтлоғи, қири
Гилям тўшаб чечак таққанда,
Ва буталар сув қирғоғида
Яшил япроқ ёзган чоғида,
Оқ кўпиклар таратганда кўл,
Лад* ўрмонин хуштори кўйи,
Оғушида кечалар бўйи
Авж қилганда чақчақлаб булбул,
Яна такрор кирмоқчи жангга,
Қўшни юртда оқизмоқчи қон.
Осмон бўйи қуйиб аланга,
Қўрқитмоқчи метеорсимон.

Қўлга қайтиб берилар деб эрк
Славянлар кутдилар зор-зор.
Мана келиб гул очди баҳор,
Бироқ эрк-чи? Эрк эшиги берк!
Халқ алданди, умид, миш-миш гап
Оқибатда тушга йўйилди.
Ҳоким Варяг таҳқирлаб, топтаб,
Ҳуқуқ, қонун чеклаб қўйилди.
Сарбоз ичра Рюрик муттаҳам
Халқ олдида туриб бетма-бет,
Зафарларин санаб кетма-кет,
Авом халқни алдарди ҳардам.
Ёлғон-яшиқ сўзлар эди у,
Найрангига лақиллатарди.
Ўз ичида қолиб ўз дарди
Халқ ҳам махфий чекарди қайғу...

* Славян мифологиясида гўзаллик тангриси.

Бугун Лада байрами етиб,
Бутун атроф шодлик ичра гарқ.
Нақ баҳорда ғувуллаб кетиб
Индан тўзган бол аридай, халқ —
Новгороддан ёприлиб келар,
Қўшни ўрмон огуши сари,
Ниҳоллардан гулчамбарлари
Бошларида барқ уриб турар.
Етдилар ҳам, жўшқин куйлари
Тангриларга шараф бахш этди.
Мадҳиялар кўкларга етди,
Янграб кетди Ильмен бўйлари.
Князь липа остидан жилмай,
Асар қилиб жексалик унга,
Қош-қовоғи кулмай, очилмай
Ёшлар хори-давра ўйинга
Боқмоқни ҳам эп кўрмай ўзга,
Бир чеккада, кўринмай кўзга,
Паришонҳол турарди ўйлаб,
Ман этмайди қарилик унга,
Гўзал Леда ҳақида куйлаб
Қўшилса гар нақаротига...

Ана ой ҳам гўё олтин шар,
Ўрмон узра таратар ёғду.
Хотиржамлик равшанликда у
Бу пайт Леда кўнглига ўхшар.
Бироқ, Рюрик липага нега
Тўртинчи бор суялиб қолмиш?
Нега қизга оч назар солмиш,
У не ёвуз ниятга эга?
Нега бу пайт бежо урган қалб
Ёлғиз шу бир давра билан жалб?

Сен ундан қўрқ, эй бегуноҳ жон,
Қўрқ, ҳирс билан тортилган оҳдан.
Қўрқ, бу очкўз-ташна нигоҳдан,
У ачинмас сенга ҳеч қачон.
Писанд қилмас у, кўз ёшингни,
Ерга букар адил бошингни.
Қўрқ, сен уни ўз кушанданг бил,
«Севаман деб қўймасин» де у!
У хавфлидир, тил тагида тил,
Сўзларида оғу бор, оғу!
Князларда зарра шафқат йўқ,
Ишқ уларда — ёвузлик ва дўқ.
Ишқ уларда аввал, қонингга
Қонгунчалик ўтган бир дамдир.
Иффатингни булғаб, номингга
Умр бўйи исноддир, ғамдир.

Шом қорайтар дераза кўзин;
У сеҳргар кампир жонсарақ.
Тишга қараб тоқ, кутар қизин,
Бироқ Леда ҳамон бедарак,
Пойлаб чарчар унинг йўлини,
Тун ҳам тушди, энди нечора?
Ана, балқиб булутлар ора
Сузиб юрар ойнинг тўлини.
Кўча тўла халқ ҳам йўл олиб
Ўтиб борар, кўз узмас кампир.
Сукут қилиб, бўзариб қолиб
Ваҳим босиб титрайди дир-дир.
Хаёл сурар, васваса хаёл
Минг томонга ёзғириб кетар.
Едга тушиб ҳа, бир тунги фол
Дил ортига тортиб «шув» этар.
Муздай терга чўмар ташвишдан.

Қотиб ойга термулар маътал.—
Соатлар ҳам ўтар галма-гал!..

Оёқ товши эшитилди тишдан,—
Леда жирди югуриб ногоҳ.
Ваҳим босган юзи-кўзини;
«Шўрим қурсин, оҳ, онажон, оҳ!»
Оёғига урди ўзини;
Ер тишлади, сочи паришон,
Елкасида тўлғонар эди.
«Оҳ, онажон, энди ҳеч қачон
Рўшноликни кўрмасман,— деди.—
«Бизнинг князь... Унга минг лаънат,
У туширди ифғатимга доғ,
У айлади ўтинчимни рад,
Оҳ-воҳимга солмади қулоқ.
О, ақалли сен раҳм эт бу он,
Ўлдир мени!.. Ўлдир, онажон!..»

«Неки ёзмиш қисмат бошида,
Иложи йўқ кўрмай пешона,
Биз ким эдик князь қошида,
Болам!»— деди хўрсиниб она.
Ҳасрат босиб нигоҳи ҳаста
Сабр этолмай ўрнидан турди.
Сукут ичра калавлаб юрди,
Узоқлашди қизидан аста.
Ўша-ўша кучли келиб ор,
Ўз дардини солиб ичига,
Ҳасрат қилиб, бирор қишига
Лаб очмайди бечора зинҳор.

Хўр этилган ғамгин Леда қиз
Оғир туйиб иснод тошини,

Кўтаролмай ердан бошини
Ўз ўтида қоврилар ҳар гез.
Қиз қирғоқдан термулган кўйи
Туман босган Ильменда кўзи,
Юксак қоя узра бир ўзи
Паришонҳол турди кун бўйи.
Кўрган уни танимасди ҳам:
Бечорани адо қилиб ҳам,
Қиёфаси ваҳимдор эди,
Дили тўла қайғу бор эди.
Умид билан ололмай нафас,
Олам унга гўё тор қафас,
Кўзларида шавқ йўқ, гурур йўқ,
Илк тонг каби юзида нур йўқ,
Ўша фахру-кулгини билмай,
Ғам асири бўлмиш эди у.
Ўн гулидан бири очилмай,
Ғунча туриб сўлмиш эди у.

Қизлар қизни олди мазақка,
Сирин очиб юзига солди.
Она қувди, қувгин қиз якка
Кун-тун бўйи тентираб қолди.
Ўроқчига унутилиб қолиб,
Бугдойзорда мисоли бошоқ,
О, бошоғим, бўрондан толиб,
Букилади титраб танҳо-тоқ.

Бир кун, мовий туманли бир кун
Бир йўласи ғойиб бўлди қиз.
Соясини йиғиб ўтди тун,
Тонг ҳам отди. Бироқ, эҳ эсиз,
Уйга элтиб келмади тонг ҳам
Илҳомимнинг гўзал малагин.

Элу юртда билмас бир одам,
Унинг ўлик-тирик дарагин.

Йигитлар ҳам кайфи ғоят суст,
Дилда нафрат ўқиб ёвузга,
Ачинишиб куйдилар қизга.
Бироқ, энди эҳ афсус, афсус,
Аввалгидай ҳамият учун
Бирор юрак қизишмади ҳеч.
Хўр этилган номуснинг ўчин
У чоқ жангда оларди қилич,
Аммо, ўчга қодир забардаст,
Бир довюрак барҳаёт ҳамон.
Етказолмай ёт юрт ҳам шикаст,
Унинг ишқи дилида омон.

Умид нури, булутлар кўмиб,
Ҳали буткул сўнгунча йўқ ҳам.
Ҳали кўзлар ёш ичра чўмиб,
Киприкларни беихтиёр нам,
Макрли нам этиб турар банд,
Ва ҳозирча бир мишжалик оз —
Дақиқага бўлса ҳам гарчанд.
Ўтган йиллар, ўтган аҳтирос,
У, қай хилда севиб ёнишлар,
У, қай хилда қалб уришларин,
У, вафодан четлаб тонишлар,
У, саргузашт, ҳолларнинг барин
Унут қилиб туроламиз ҳам;
Ҳар қалайдир ҳали зўр даҳшат
Ўйимиздан олисда. Ваҳшат —
Бергунча йўқ ғафлатга барҳам.
Бироқ, у бор! Ҳо эрта-ҳо кеч
Муқаррар бир вақту соат бор.
У келарки, раҳм этмасдан ҳеч,

Ҳолимизни айлайди абгор;
Уйғотади бу ғафлат уйқу,
Бу макрли кўкнори тушдан.
Ва ниқобни йиртиб ўтмишдан,
Келажакни заҳарлайди у.
Ва у бизни (биз учун у ҳол
Гарчи оғир бўлса ҳам ғоят)
Бу кунги ўй, бу кунги хаёл,
Умидни куч билиб ниҳоят,
Ўқинишга мажбурлар қастдан.
Ўша соат, ўша шикастдан
Жароҳатга йўлиқаркан дил,
Шу-шу энди тасаллилар ҳам,
Юпанчлар ҳам мутлақ, муттасил
Бўла олмас дардига малҳам.
Тепа ҳусни дуб дарахти-да
Қор олдидан кузак вақтида
Тўкса ҳамки олтин баргини,
Яна баҳор билан кўрк олар.
Ва яшнатиб теварагини
Ёз кунлари соясин солар.
Ўз майлидан ошириб ҳаддин,
Урса ҳамки ўкириб бўрон,
У зўр дубнинг буколмас қаддин.
Бироқ, яшин-даҳшатли қирон
Илдизига зарб ўрсами бор,
Шу-шу, у дуб кўкармай такрор,
Бир умрга қовжирар, қураар.
Одамзод ҳам шу таҳлит юрар.

*

Уфқларда нуқра тонг отар,
Шафақланар тоғлар қояси.
Қирғоқларнинг акси сояси

Кўл кўзгуси — сув узра ётар.
Мовийланар ўрмон тобора.
Ботқоқликдан буталар ора
Кўкимтир нур — хира, газ нури*
Кун нуридан яширинар — қўчар.
Қушлар уйғоқ, қушлар кўз очар.
Қамишзорда бошланар жўри.
Олақарға учар осмонга
Ва ёввойи йиртқич ҳайвон ҳам
Нимадандир хавфсираб бу дам
Паноҳ тортиб кирар ўрмонга.
Қайсики у, бир умр бўйи
Қадам бориб етмаган ерда
Ҳеч кимса сайр этмаган ерда
Сужут сақлаб мудраган кўйи,
Тошлар ғамга чўмиб қоп-қора —
Мох ичига чулганиб турар.
Унда туман тўлганиб турар
Ўркач-ўркач қоялар аро!!!

Тонг нега ҳам таради ёғду? —
Еришди-ю, нега ҳам нега
Бир фожий ҳолни ҳаммага
Макри билан ёриштирди у:
У ёритар, биз мангуликка
Чўкаётган жаҳаннам қаърин,
Кўзлар тушар янги ўликка,
Кўрар янги йўқотганларин.
Маҳрум бўлар ҳар қалб, ўтмишнинг
Лаззатига у бериб барҳам,
У додига етмас ўксишнинг,
Хотирани ўлдиролмас ҳам...

* Ботқоқлик жойларда метан газининг ёнишидан ҳосил бўлган хира, кўкимтир нур.

Тонг ёришар паллада авжи,
Ўрмон ичра сўқмоқдан ҳамон
Босиб келар икки йўловчи
Юрт тоғлари, даралар томон:
Ана унда қарт қарағайлар,
Қайинларнинг зич апоқ-чапоқ —
Шохларида рақс этган шафақ
Гул-гул ёниб нигоҳ жазб айлар.
Кийинишиб хорижий уст-бош,
Улар келар даралар сари.
Бири — сочи оқарган қари,
Бири — ҳали умри билан ёш.
Унда занглаб кетган дубулға,
Елкада ёй, садоқда ўқи.
Ва пайдарпай таралар йўлга
Қиличининг шарақ-шуруқи.
Юзларида бурунги алам,
У жангларнинг касри — асорат —
Ҳали-ҳали ҳоким бўлса ҳам,
Бироқ унда сўнмай жасорат,
Шу жанговар совут остида
Муқаддас ўт ёниб туришин,
Довюракнинг қасос қасдида
Шиддат билан депсиб уришин
Қарашлари, ўткир кўзлари,
Ҳаракати айтарди ҳар гез.
Улар жиддий, қадамлари тез,
Ва серҳасрат эди сўзлари:

«Ўтинаман, шавқу тантана,
Қувончимни камситма эй, чол!
Мана келдим, қайтиб мен яна,
Юртим билан жўришдим висол.
Қирмиз шафақ каби нур сочиб,

Умид дилга лиммо-лим тўлди,
Она-ватан бағрини очиб
Қувғин ўғлин қабул этар бўлди.
Еттипуштим ўз зоти билан
Суяк суриб ўтган ердаман,
Боболарим навбати билан
Базм қуриб ўтган ердаман.
Ҳали бўйим ўсмасдан, ҳали
Қилич тенги келмасдан туриб,
Шарақ-шуруқ товши, нашъали
Машқига маст бўлиб, жўш уриб,
Қилич ўйнаб ўсган ерим бу.
Мен бу ерда ақлимни билдим,
Мен бу ерда илҳомлариму
Ҳақларимни ҳимоя қилдим.
Агар у пайт эътибор этиб,
Тингламасам эдим сени, чол,
Эрк, деб қулаб ерпарчин кетиб,
Эрк, деб, топган бўлардим завол.
Қани ўша, эҳ ота-ота,
Сен кўзлаган режалар қани?
Ёдингдами, узоқ гурбатда
Славянлар қонин оққани?
Ёт халқ қадр қилмади, қопди,
Ёт у асли ётлигин қилди.
Чин ҳаққоний сўзни важ топди,
Меҳрибонин душман деб билди.
Ётти ухлаб тушда кўрмаган
Не кунларни кўрди бу бошлар!
Ким ўйларди аҳвол сўрмаган —
Гурбат юртда азиз — йўлдошлар!
Дўстларимга қазо етишин,
Йироқларда бир сиқим хоки
Ном-нишонсиз қолиб кетишин,

Ким ўйловди, кимнинг идроки,
Кимнинг ақли етганди бунга?
Ким ўйловди, осмон остида
Ҳаёт қолган икки қувғинга —
Ўз эркини тиклаш қасдида
Меҳри-мерос юртнинг дийдорин
Қайтиб кўрмоқ қисматда борин?
Бироқ энди нима бўпти бу?
Эҳтимолки, бизни кўрган дам
Халқ қалбига тушмас ҳам гулу,
Кўзларига қалқмас қатра нам.
Эҳтимолки, ҳаққоний, қасос,
Ҳаққоний ўч топмай инобат,
Тақдир алдар учинчи навбат,
Яна умид сўнар беасос!..»
Деди, шу он беихтиёр ёш
Кипригида милт этиб кетди.
Қарашлари қарағай, тоғ-тош
Ва туманлик кўкни сайр этди.
— Майли, бироқ Вадим,— деди чол,—
Йиллар ўтиб, бир давр етиб
Юрт номингни, шараф бахш этиб,
Қилиб олар эркига тимсол.
Ҳа, номингни янграиб ҳардам
Князларга даҳшат солар халқ,
Насиҳату далилида ҳам
Доим сени тилга олар халқ,
Дер: Вадимдан ибрат ол, ибрат!
Она юрт деб у жанговар эр
Муҳаббат у бахтни этди рад,
Ўз юртим деб, қонин тўкди, дер.—
У шунчайин илжайган ҳамон
Шошиб чолдан ўгирди бошин.
Қайгу гўё оғир қўрғошин,

Ёш кўкракни эздн беомон.
Ҳуши кетди севган ёрига,
Бирдан шу вақт титраб кетди дил.
Агар ҳозир дилда бориға
Таржимонлик қилолсайди тил,
Қўрқмасайди агар жанговар,
Дудуқланиб гунг қолишидан;
Сўз ўрнига чор атрофни зор,
Нола-фиғон, мунг олишидан —
Қўрқмасайди, гезариб кетиб,
Титраб турган шу лаблар шу он,
Дил дардини очиб, фош этиб,
Тўкиб солган бўларди чунон.
Бироқ, қўрқди, қайғули йўлдош
Жавоб қилмай, гапсиз-сўзсиз лол,
Ерга қуйи эккан қуйи бош,
Жадал босди паришонхаёл.

Улар борар атроф — теграсин —
Тикан босган тепа, наридан,
Эрталабки туман бағридан
Мовийланиб очди чехрасин.
У тепада қимир этмай қотиб,
Оқ бир нарсa ташланар кўзга,
Гиёҳ узра ястаниб ётиб,
Жалб айларди диққатни ўзга.
Тепасида, тўнгахда калхат,
Бамисоли ўрмон жини у,
Учиб тушиб турарди, фақат
Шундан узмай илинжини у.
Бироқ, дарахт оралаб, ногоҳ
Келаётган шарпадан огоҳ,
Тик оёқда чўзилиб боқиб,
Қанотини бир силкиб қоқиб,

Кўтарилди кўкка, ниҳоят
Булутларнинг бағрига етди,
Эўр денгизда қайиқдай ғоят
Кичрайди-ю, қорайиб кетди.

У тепада ўт ичида лол,
Оқ либосли мурда ётарди.
Ҳатто унга раҳм этмай шамол
Сочларини ўйнаб тортарди.
Гув-гув эсиб, қиш қоридан ҳам —
Ўта совуқ, ўта бокира —
Пок ва оппоқ сийнани сира
Ўз тинчига қўймасди бир дам.
Қаттиқ даста заптига олиб
Ҳоким экан ўлим уйқуси,
Кўзлар юмуқ, тош қотиб қолиб,
Кўкарганди қўлларнинг туси.

Вадим келди мурда қошига...
О, у нега бўзарди, не ҳол? —
Титраб ерга йиқилди беҳол...
Ва ёнма-ён қоя тошига —
Қандайдир бир чўзиқ оҳми, ё —
Чўзиқ аччиқ ингроқмиди? у, —
Сўнгги сасдай бу аччиқ нидо
Жон-жаҳдидан чиқиб, урди-ю
Янграб туриб таралди шу чоқ...
Бирор кимса, бирорта қулоқ
Агар буни эшитсами бор,
У, ўзича балки: «Нақ шу дам
Юракдаги энг-энг муҳим тор
Чирт узилиб кетди!..» дерди ҳам.
Агар шу бир ишқнинг ўзини
Деса эди у жанговар дил,

У тақдирда шу-шу муттасил
Очолмасди қайтиб кўзини.
Аммо ишқни енгиб чиқди кск!
Кек қўзғади қалбида гулу!
Ерда кўп вақт ётган кўйи тек
Ажиб сўзлар пичирлади у.
Чол бу тилни тинч қулоқ осиб
Энди англай олар ҳам эди.
Ва ниҳоят оёққа босиб
У жафокаш: «чинданми,— деди,—
Бу фироққа дош беролдим мен?...
О Ингелот, севармидинг сен?
Боқ... Бу ухлоқ кўзларига боқ...
Боқ, бўзарган юзларига боқ,
Ледага боқ... қани айт?.. Йўқ! Бас —
Бас, бўлар иш бўлди, жим, о жим!
Энди ҳеч на фойда беролмас,
Мен айрилдим, мен жудо бўлдим,
Умидларим кўкка соврилди,
Юрак-бағрим ўтда қоврилди,
Жудо бўлдим жигарпорамдан,
Муҳаббатим сўнди беасос.
Қасос учун бораман! Қасос!
Умидим йўқ энди оламдан:
Неки севдим, неки изладим,
Шунда топдим, шунда йўқотдим.
О, мусибат қаърига ботдим...»
Қиличини суғурди Вадим,
Ерга суқди, қизни кўммакка
Чоҳ қазиди, қазий кетди чоҳ.
Беихтиёр тортиб оғир оҳ,
Чол ҳам энди тушди кўмакка.
Мана тор уй, ўлимнинг уйи...
Битирдилар зах ерни кавлаб,

Чол ва Вадим унга икковлаб
Эгасини топширган кўйи,
Тупроқ тортиб, бостирдилар чим.
Қабр устига ўрнатдилар тош.
Қалтирамай, тўкмай қатра ёш.
Сўнгги бурчин ўтади Вадим.
Севги-умид енгил тутундай
Бугун энди учди фалакка.
Жаҳон дашти ичра бутунлай
Ўксиб қолди у ўзи якка.
Ўтирди-да, қабр тошига
Манглайини сийпалади у.
Бироқ энди ғоят зўр қайғу
Ҳоким келиб, чиқди бошига.
Қат-қат ажин излари бу он
Манглайдан ёзилмай турди.
Аммо юрак енгилмай, омон,
Юрак яна депсиб зарб урди.

«Эй марҳума! Тинчиб ором ол!
Ярлақасин қодир эгам!»
Аста-секин шивирлади чол:
«Ким ўлмапти? Йўқ, ҳамманинг ҳам —
Қисматида бир ўлим бордир!
Қазо амри парвардигордир!
Ундан нолиш нодоннинг иши,
Ахир унга банда-ку киши.
Чораси йўқ бандасининг ҳеч,—
Буйруғини келтирмай бажо.
Кўни битиб, ҳо эрта, ҳо кеч
Шу ҳужраси ичра бўлган жо!»

Улар туриб аста, йўл олди,
Мовий уфқ ичра йўқолди!..

.

Қуёш порлар, ҳаво беғубор,
Сузиб ўйнар олтин булут ҳам,
Қўм-қўк тиниқ шўҳ дарё бу дам
Худди Ильмен кўзгусича бор.
Бугун дарё қирғоғи томон
Новгороддан халқ борар дув-дув.
Унда тепа устида ҳамон
Сўррайган бир маъбуд борки, у
Жанг тангрисин ифода қилиб,
Олислардан оқариб турар.
У маъбудни халқ эзгу билиб,
Қўп йилларки, саждага юрар.
Ва яқинда князь Рюрик ҳам
Ғолиб қайтиб қонли сафардан,
Мамнун бўлиб ўлжа, зафардан,
Варягларни бошлаб жамулжам,
Келиб тутди маъбуд қошини.
Эътиқодда лол қотиб, бином —
Ҳурмат билан эгиб бошини,
Жанг ўлжасин айлади инъом.
Тангриларнинг шарафли мадҳи
Авжлаб янграб учди ҳар ёнга,
Тўлиб кетди тепанинг сатҳи
Турли-туман хайру эҳсонга.

Халқ таралиб тўзди ниҳоят,
Гулхан ёнар, суронли базм.
Давра аро князь шод ғоят,
Сарбозлари унга сертаъзим...
Бироқ, ким у? Ким нидо қилмиш?
У ким ўзи, ким у бақирган?
Еш жангчи ким? Қаердан келмиш?
Ким Рюрикни жангга чақирган?

Улим учун туғилган у ким?
Дубулғаси занглаб бошида,
Ваҳшат билан князь қошида
Қиличини даст тутди Вадим:
«Варяг,— деди,— нақ илон худди
Елкасида сочи тўлғанди.—
Чиқ ўртага!— Интиқом ўти
Кўзларида гувиллаб ёнди.—
Чиқ ўртага, эркесвар бу дил
Кўкрагимда депсир шиддаткор,
Евузлигинг қанчаларки бор,
Сўнггичага кўрсат муттасил!
Ҳалок бўлар бир жангчи, бироқ
Бутун юртим бўлмагай ҳалок.
О, шундай ҳам бу табаррук хок,
Боболарим бош қўйган тупроқ
Хор бўлди-ку, хор этди малъун,
Оёқ ости қилди келгинди.
Унутилди ўтган шонли кун,
Ғалабалар унутилди энди.
Новгород аҳли! Мен ўлсам
Йиғламангиз, мен юртга кирдим!
Бахт келтирдим, ҳаёт келтирдим..
Эрк кўз ёшдан ҳосил бўлмас ҳам!»

Қиличини силтаб солди у,
Нақ чақмоқдай ялтираб кетди.
Нутқ ларзаси ичра қолди-ю
Барча бирдан қалтираб кетди.
Бироқ энди дадил ён босиб
Йўқдолмади Вадимни ҳеч ким.
Барча бирдай қолаверди жим.
Сачраб турди қовоғин осиб,
Сачраб турди дарғазаб кибор,

Бўронларнинг қонли йўлида
Шиддат солган қилички бор,
Қиндан тортиб тутди қўлида,
Ёш жангчига қарши ташланди.
Қайнаб кетди Вадим ҳам шу чоқ.
Жанг бошланди, даҳшат бошланди.
Ялт-ялт ёнди қўлларда яроқ,
Зўр денгизда қайиққа гўё
Ҳалокатнинг гирдоби чопар,
У, қайиқни ҳалок этар, ё —
Унинг ўзи ҳалокат топар.

Давом этди жанг узоқ авжлаб;
Яшин-чақмоқ ялтираб турди.
Томошабин юрак ҳовучлаб
Боққан кўйи қалтираб турди.
Ҳамма ёқни даҳшат олганди,
Ҳамманинг ҳам ўчганди қути.
Бироқ маълум бўлиб қолганди
Ёш жангчининг қатл минути!..

Сарбозларнинг қаҳқаҳи учди,
Мамнун нигоҳ ташлади қотил.
Мағрур бошга машъум зарб тушди.
Ёш паҳлавон, матонатли дил
Ерга аста ташлади ўзин.
Оҳ тортмади, инграмади ҳам
Сўнги эркин славян бу дам
Мағрур юмди қон узра кўзин.

Салқин тушиб, шом қоронғиси
Тепаларнинг тутганда бетин,
Юлдуз чиқиб олдинма-кетин,

Кўрк олганда кечанинг туси,
Кўл мавжини ой шуъла тараб,
Нуқралаган пайтида авжи,
Туман босган дала оралаб
Ўтиб кетди кечиккан овчи.
Кулбасига етгач ниҳоят,
Рафиқаси билан ёнма-ён,
Дўстлар аро ўтирган ҳамон,
Ходисани қилди ҳикоят:
«Қараб қотдим таажжуб қилиб:
Тепаликнинг нари ёғида
Кимдир биров ерга эгилиб
Турар эди. Ўз қучоғида,
Ниманидир кўтарди у чол,
Манглайида тўзиб сочи оқ
Ва юкини ўнглаб олибоқ
Елкасига ортди-да дарҳол
Жўнаб кетди, мен унинг юкини
Мурда жасад дедим, нақ мурда.
Кўринарди қорайиб нурда.
Ой ёритиб, сутдай ойдин тун,
Мен изидан боқардим ҳамон,
Нарироққа бориб бир замон
Йўлин буриб, жадал босди-ю
Қўшни ўрмон ёққа шошди чол,
Ва ниҳоят тонгги туш мисол
Куздан ғойиб бўлди кетди у...»

Сен эй, содда қишлоқи ўртоқ,
Боққанмисан кўлнинг қошига,
Боққанмисан у яшил ўтлоқ
Ва баҳайбат қоя тошига?
Кунни тўсиб, у баланд қоя
Ўтлоқ узра ташларкан соя,

Ғам-ҳасратда сарғайиб, толиб,
Гуллар, совур арчалари ҳам,
Шамол тегмай, бебаҳра қолиб,
Захлаб ўсар барчалари ҳам.
Ва у жойда тупроққа ботиб,
Ер тишлашиб қолган икки тош,
Кул ранг тошлар, сўррайиб қотиб
Гиёҳ ичра кўрсатади бош.
Тош тагида, ерга ўз қилич,
Ўз қалқони билан жо бўлиб,
Славянлар ўлкасига ҳеч
«Ёд этилмай, унутилиб, ўлиб,
Эрк мухлиси паҳлавон фарзанд
Сўнгги совуқ уйқугадир банд.

*

A tale of the times of old!..
The deeds of daus of other years!..*

1831

* Утиб кетди кўп йиллар ғоят,
Бу қадимдан қолган ривоят.
(А. С. Пушкин «Руслан ва Людмила»)

БОСТУНЧИ ОВУЛИ

Бағишлов

1

Сенга Кавказ, эй, дунёнинг сипоҳ султони,
Бағишлайман яна шеърим таронасини,
Фарзандим деб фотиҳа бер унга, нуруний
Устига сол қорли тоғлар кўланкасини!
Ҳароратинг ва исёнкор руҳинг бўрони —
Ёшлигимдан ёқар қоним алангасини:
Гарчи шимол тарафлари сенга бегона,
Юрагимда сенинг ишқинг бўлди ягона.

2

Сенинг юксак кунгирали тизма тоғларинг
Кўп кездирди мени тўфон салтанатида,
Гоҳо мени авайларди кенг қучоқларинг
Кўм-кўк мовий туманларнинг пар қанотида.
Мен завқланиб сайр этардим: оқшом чоқларинг
Зирваларнинг этагида дев қоматида —

Ётар эди у азалий тоғлар мужассам,
Йўсин босган кўкатзорда, чўлда муаззам.

3

Гўдакликда булутларинг айланиб ҳар чоқ
Бошим узра ўраларди гулчамбарсимон.
Улар узра гур-гур чопса момақалди роқ,
Ғорлар бирдан уйғонишиб мисли посбон,
Бир ғулғула кўтарганда барала ҳар ёқ,
Мен уларнинг шум суронинг англардим шу он,
Миниб момақалди роқнинг аравасига,
Учар эдим завқдан гўё кўк ўлкасига...

4

Оҳ, руҳимни асти дунё англай олмади,—
Зотан, унга руҳни англаш лозим ҳам эмас.
Руҳим туби — мангуликнинг сирли зулмати,
Одамзоднинг тирик кўзи уни кўролмас,
Ақлларга сиғмайдиган кунлар ҳурмати,
Эсда яшар узоқ элат, азиз, муқаддас,
На шов-шув на киборлар ишрати ҳеч вақт
Сўндирилмас; мен сеники! Сеники фақат!..

Б И Р И Н Ч И Б О Б

I

Маъшуқ — Бештов орасида ўттиз йил бурун —
Ўрнашганди бўронлардан яширинган овул.

Эрки эди бу овулнинг бойлиги бутун,
Энди у йўқ. Ўрнида қум, чакалак ва кул;
Моғор босган оқ тошларда чирмашиб бу кун
Узун думли ёввойи ток ўрмалар нуқул...
Бу тошларни атрофдаги тик чўққилардан
Қалдироқлар ўмаради иргитиб тубан!

II

У ерларда эшитилмас жангу тўполон,
Эшитилмас черкас қизнинг ширин яллasi,
Жазирама ёз кунида кезар саргардон
Бебош, асов йилқиларнинг яйдоқ галаси!
Бу пайкалда пинак бузмай қилади жавлон
Отлик казак, орқасида осик найзаси!
Кўкда эса давра чизиб бургут пайдарпай
Мағрур боқар тинч увага ҳадиксирамай.

III

У ерларда тоғлар бошин оқшом алвони
Сўнаётган қизғиш рангга кийинтирганда,
Шу паллада тош остидан саҳро илони
Кўринади. У билонглаб чиқиб келганда
Унинг чипор тангалари кумуш мисоли
Товланади қилич каби ялтираб шунда;
Бир қилички, синиб қолиб шум чўлда ётар,
Гўё уни ўт ичига ташлапти аскар.

IV

«Ёниб кетди овул, ўчди номи диллардан,
Авлодлари тарқаб кетди ғариб-дарбадар...

Фақат гоҳо болаларга ўтмиш йиллардан
Черкас гулхан атрофида ҳикоя айтар —
Ёғингарлик кунларида. Баъзан чўллардан
Ўтиб қолса ёт ўлкали мусофир агар —
Сўрар кўрган казаклардан: «Менга айтинг-чи,
Билмайсизми, қайда экан овул Бостунчи?»

V

У овулда, дўст-ёрсиз, ўткан замонда
Яшар экан оға-ини икки биродар.
Дейдиларки, ботирликда, Бештов томонда
Ҳеч йўқ экан Оқбулатга тенгу баробар.
Иниси кўп нозик, майин, гўё чаманда
Кечки қуёш нуридаги чечакдай дилбар!
Йигит ўсар ёмонликка қонга бегона.
Аммо кутар қалбидаги учқун... ягона.

VI

Ғурбатларда ўлдирилди ота номурод,
Она ўлди туққанида Салимни, бевақт,
Кўпларида жинойт-ла тугаса ҳаёт
Жинойт-ла бошлаганди умрин бу бадбахт!
У ҳеч кимнинг юрагини қилолмасди шод,
У ҳеч кимнинг этолмасди кайфини хушвақт;
У илк марта бу дунёга кўзин очган чоқ,
Табассумин кутиб олди момақалдироқ.

VII

Ўсди ёлғиз ва бепарво... ҳаётга кўп маст,
Ер ва кўкнинг ўртасида қушлар сингари!

Булутларни, юқоридан кўрмоққа ҳавас —
Қилиб, чиқиб борар эди чўққилар сари;
Боши узра фақат чексиз самовий гумбаз;
Хаёл дарёсига чўмиб у гоҳилари
Саҳаргача ўтирарди бир ўзи хомуш,
Атрофида учар эди фусункор бир туш.

VIII

Элатийлар не сабабдан? — худо билади —
Булар билан гапиришдан қиларди ҳазар,
Йилқилари алоҳида ўтлашар эди,
Эшикларин қоққан киши дил ғашлик сезар;
Гарчи Салим, келишса ҳам сарв қомати,
Бўлса ҳамки пешмат шоҳи, кумушдан камар, —
Бу тўёна саруполар, либослар асти
Ойимқизлар ҳандасини туғдиролмасди.

IX

Мард йигитлар чиқар экан йилқи ўсмоққа,
Ёки жанглар хуморида балки йўл олар
Уйларини ташлаб яна ўлжалик ёққа,
Ортларидан икки қардош кулишиб қолар,
Гўё баъзан қояларнинг ортидан тоққа, —
Чиқиб олиб икки бошли ғалат булутлар, —
Кузатгандек тўлин ойнинг ортидан хомуш,
Қараб қолар аччиқ кулиб жим ва фаромуш.

X

Қардошларнинг дўстлигига одамлар ҳайрон,
Аммо ҳеч ким қўймас экан уларга ихлос...
Балки важи шу бўлганки, ҳеч кимни сирдон —
Қилишмасди ишларига; ўзлари шоввоз,
На қулликни билар ва на бўлар қадрдон!
Билолмайман,— асрорлари кўп мужмал, холос,
Гўё йўлчи қабр тоши устига битган
Сирли хира сатрлардай муаммо экан...

XI

Овулда энг кичик кулба уларникидир,
Пастак томин чулғаб опти қалин чирмовиқ,
Эски девор узра арқон, эгар ва ўткир —
Икки шамшир, икки қалпоқ турар осифлиқ.
Яна унда порох тутунидан қорамтир
Оғзи очиқ ғилофида иккита милтиқ.
Стволи қирралидир иккисининг ҳам,
Иккиси ҳам жун ғилофда ётади бу дам.

XII

Бир кун... Салим Оқбулатни овдан кутарди,
Вақт кеч эди, водийларга қўнарди туман;
Туман айнан шаффоф тутун каби тутарди,
Қуюқ зулмат чакмонини ёпиниб олган
Пахмоқ бошли қояларни босиб ўтарди,
Ўйчан Бештов зирвалари жасорат билан
Қўрар эди Бештов кўкнинг соф лавҳасини,
Она юртнинг у ваҳшатли манзарасини.

XIII

Уфқларда қуёш билан хайрлашаркан,
Қорли тоғлар саф тортишган гул ранг девордек.
Маъшуқ бўлса солиб тақир бошини тубан,
Подкумокнинг сувларига боқар эди тек,
Гўё оғир қадамлар-ла мовий оқиндан —
Босиб ўтиб ўзга мулкка кетгуси бордек.
Овул мудрар: чиқиб кетди имом масжиддан,
Милтилларди чироқ узоқ кулба ичида.

XIV

Оғасини кутар Салим. Бир... Икки... соат,
Тоғлар ели дала бўйлаб кезади бўзлаб,
Деразанинг хокрезиди чайқалар кўкат,
Чу! Аллаким чопаетир отини тезлаб...
Ана келди; от пишқирар ва кишнар... Шу вақт —
Биров тушди отдан, яна... биттаси... ажаб?
Бу на бўри, на оққуйруқ, на ваҳший ҳайвон!
Йўқ! Сувори олиб келган ўлжа; бир жонон.

XV

Келиб кирди жим Оқбулат кулбага кушод,
Сафаридан ғоят мамнун, ялтирар кўзлар.
Салим дейди: «Ҳаялладинг, кўринасан шод!
Овинг ўрмон қушимасга ўхшар, биродар...»
Ва қайрилиб боқар Салим: мисли паризод
Остонада қараб турар ёш черкас дилбар,
Нозанин қиз, фаришталар сингари сўлим,
Беихтиёр ранги ўчиб оқарди Салим.

XVI

Уни кўргач Салим гўё уйғонди тушдан,
Юрагида пайдо бўлди ширин бир туйғу,—
Оғаси дер:— Бош тортмагин ихлос қўйишдан,
Ҳурмат қилгин, хотинимдир шу Заҳро бону.
Ўзи кечди овулидан, қавмидан-ҳешдан,
Энди фақир кулбамизга ғамхўр бўлур у.
Заҳро! Боқгин, мана шунда барча давлатим,
Бору йўғим, хонимоним, юртим-элатим!..»

XVII

Заҳро шунда хушнуд бўлиб кулумсиради
Истадики, қутлаб қилгай у муборакбод,
Аммо тинди. Манглайига бирдан ғалати —
Хаёлларнинг изи чўкди соядай, ҳайҳот!
Гўё шоир айтганидай, қадди-қомати
Зулмат билан нурдан қориб қуйилган ҳурзод.
Эрталабки булутдан ҳам оқ ва покиза,
Маммалари дўппайганди ўртукда тоза.

XVIII

Қора бўлар ёш оҳунинг кўзлари ғоят,
Аммо Заҳро кўзлари-чи, тагин ҳам қора;
Киприк аро ваъда қилиб ҳузур-ҳаловат,
Дилга жонлар бахш этарди, жонларга ора!
Моҳир қўлнинг санъати-ла хушбичим қомат
Осонгина ясатилган, бўлмай овора;
Хипча белда қора белбоғ эшилма шоҳи,
Ичда эса ялтирарди кумушлар гоҳи.

XIX

Елкаларда тўлғанарди кокиллар ҳамон,
Олтин лента қўшиб ўрган мисоли баргак,
Мармар тусли елкалари оқариб ҳар он
Кўк томирлар берар эди уларга безак.
Шу лаҳзада сўлим эди у дилбар жонон,
Сўлим эди асов эркнинг соддалигидак,
Жануб ёқда хушбўй шабнам сепилган маҳал
Хуш мевалар товланади шунингдек гўзал.

XX

Қизга қараб турар экан Салим бечора,
Янги ҳислар талпинарди дилин қилиб танг.
О, у қизгин пешонасин қўйсайди, зора,
Қизнинг садаф сийнасига эҳтирос билан!
Титраб кетди, уйдан чиқди... Маъюс, дилпора,
Сиқиб қўйди ханжарининг дастасин тажанг.—
Оқбулат-чи: чилим чекар ва хаёл сурар,—
Ипак гилам узра ётиб... Оҳ! Билсами гар!..

XXI

Ўтди бир кун, тагин бир кун... Тагин кўп кунлар;
Улар яшар аввалгидай одамларга ёт.
Аммо бир кун... Даҳшат солди бўрон, тўлқинлар,
Қояларни қоплаб олди қора зулумот.
Қопқир итлар қувиб борган дайди, дарбадар
Жониворлар галасига ўхшаб шошиб бот
Югуришиб қочар эди булут пайдарпай.
Аскарларнинг қалпоғида пахмайган пардай.

Фақир кулба эшигида туриб Оқбулат
 Хаёл суриб булутларни кузатар эди.
 Тўсатдан бир шарпа сизди; қараса, шу вақт
 Салим турар боши яланг, бадқовоқ, жиддий,
 Белда ханжар жиринлайди, бераҳм, бешафқат
 Сопи узра бармоқлари секин силжийди.
 Лабларида бесаранжом гап-сўзлар қайнар,
 Гўё кўпик соҳилларга урилиб ўйнар.

XXIII

Раҳми келиб укасига Оқбулат дейди:
 — «Айт, не бўлди? Нега бундай турибсан гаранг?
 Айта қолгин!» Хира кўзлар жавдираб дайди,
 Салим айтар: «Азобдаман, аҳволим кўп танг!..
 Кеча-кундуз оғир ташвиш мени қийнайди!
 Куймоқдаман!.. Биламанки, рашкинг зўр, тажанг!
 Қутқазмоқни хоҳламассан мен девонани...
 Мен гуноҳкор... Лекин кечир!.. Кечиргин мани!..»

XXIV

— «Қани айт-чи, нима, сени сўкдими биров?
 Ким бўлмасин, ғазабимга бўлади дучор!
 Ёки отинг йўқолдими? Қўй, унут дарров!..
 Сенга тоғдан топиб берай ажойиб тулпор!..
 Ё кўксингни ёқмоқдами муҳаббат-олов?
 Ё ёт қизнинг бўсасига бўлдингми хуштор?..
 Ҳеч гап эмас уни тунда ўғирлаб қочиш...
 У сеники!.. Айт, дилингда қанақа ташвиш?..»

XXV

— «Сұраш осон... Аммо оғир бермоқлик жавоб!..
Менинг ўтли кўзларимга қатрагина нам
Фаришталар келтирса-ю ва топса савоб,
Бу ниятда пайғамбарга ёлвордим ҳар дам!..
Кўрасан-ку: кўзда ёш йўқ, дил эса хуноб!
Оҳ, беҳуда дуоларни ўқима сен ҳам!..
Дод кўтардим ёруғ шарққа ва ғарбга қараб...
Аммо қалбда ғам қимирлар илондай, ёраб!..

XXVI

«Мен фалакка куфр қилдим — отландим бедов;
Биёбонда жавлон урдим саёқ-саргардон,
Кеча демай, кундуз демай изгидим асов,
Аммо мени қувиб юрди хаёллар ҳамон!
Қалбинг ахир, пўлат эмас қаттиқ, беаёв,
Ўляпман, оҳ қардошим!.. Менга киргиз жон!
Гўдак чоғим мени ғоят севар эдинг-ку!..
Эсингдами меҳринг, ёки унутилди у!..

XXVII

«Менга қара!.. Менда ёшлик шавқи-эҳтирос
Қайнаб турар гўё маъшуқ бағрида булоқ!
Аммо сен-чи: оқ сочларинг кўрсатгани рост:
Сен ҳаётдан безган киши, ҳорғин, эринчоқ,
Гарчи отни минишда сен уста чавандоз,
Янгроқ ўқни ёйга тортиб узасан йироқ,
Буғуларга етоласан, ёвни енгасан...
Лекин... Мендай севолмайсан, севолмайсан сан!..

«Ахир, сен-ку соат бўйи боқолмайсан жим
 Кўп бепарво сенга боққан ўйноқи кўзга,
 У кўздаги равшанликка бўлмайсан таслим,
 Юракда ишқ оловига эмассан ага!
 Сен Заҳрони қучганингда, кўрганман ўзим:—
 Зериккандай ўтирасан, эс-хаёл ўзга!..
 У бўсага бағишлардим бутун бир ҳаёт,
 Иккинчи бир умрим бўлса, уни ҳам... Ҳайҳот!..»

XXIX

Тепадаги булутлардай, қора, бадқовоқ
 Хираланди Оқбулатнинг сипоҳий юзи.
 Оқ муртидан сапчиб ўтди ёмон қалтироқ,
 Ботаётган кун нуридай қизарди кўзи.
 —«Нималарни дединг, Салим, шунчалар шалоқ!?»
 Ҳайқирди у. Ва лекин кор қилмади сўзи.
 Оғасининг оёғига йиқилди қулдек.
 Аламларга, ўтинчларга қўйиб берди эрк.

XXX

— «Кўрасанки, ҳалок бўлдим! Менга йўқ нажот...
 Ҳамма ёқда умидсизлик, муҳаббат... нуқул!..
 Оҳ! Бурунги дўстлигимиз ҳақин... қилиб ёд —
 Сен Заҳрони менга бергин! Сенга бўлай қул!..
 Менга бергин!.. Ачинмайсан инингга, наҳот?..
 Йўқ!.. Сен мени кўҳна идиш сингари буткул
 Ҳазар қилиб иргитарсан эшикдан ногоҳ...
 Аммо мана: ханжарим бор, тепада оллоҳ!..

XXXI

«Хоҳласайдим, аллақачон бўлиб бахтиёр,
У муқаддас удумларни қилардим пайҳон!
Аммо қайта ўйладимки: ваҳший жонивор —
Янглиғ тагин тирнамасин ёш қалбни такрор,
Пушаймонман, аммо лекин, кечикдим такрор,
Янглишибман, бир эмасу мен икки чандон,
Оқибатда бу дунёда якка-ю ёлғиз,
Нодон бўлдим муҳаббатсиз ва дўсту ёрсиз!..

XXXII

«Мен тайёрман — ўйланишга сира йўқ ўрин!
Бир зарба-ю иккимиз ҳам тинчиймиз шу он.
Эвоҳ, Заҳро билан бир дам — жаннатдан ширин!
Усиз ҳаёт — гўрдан мудҳиш, бемаъно, ёмон!
Оёғингга йиқилибман... Ҳал эт ва билгин:
Севги рашкдан ва ғазабдан ҳийлагар шайтон.
Мен оламан чангалингдан Заҳрони! Билки:
У меники! У албатта бўлур меники!»

XXXIII

Салим тинди. Оппоқ эди нозик сиймоси;
Жазавали кўз ёшлари титрашар эди,
Лабларида чалишганди сўзи — садоси,
Ўша садо изтиробга кўп ўхшар эди...
Ачингандай бўлди шу вақт баттол оғаси:
«Ўтиб кетар бу хатолар, бу янглиш,— деди —
Юлдузлар кўп бир-биридан равшан ва афзал;
Кўп қизлар бор менинг хотинимдан ҳам гўзал!..

XXXIV

«Уни менга берган экан қудратли оллоҳ,
Мен бировга ўтказмасман. Аҳдимни тингла!
Фикримдан ҳам, сўзимдан ҳам пайғамбар огоҳ!
На ўтинчлар кор қилади менга, на тилла!..
Хайр сенга... Аммо агар... борди-ю...»— Э воҳ,
Ахир, уни севаман-ку!» изтироб ила
Салим деди юрагида адоват зайли:—
«Мен ялиндим, сен йўқ дединг, эсда тут майли!»

XXXV

Унинг лабин бужмайтирди совуқ бир ханда;
Давом этиб деди: «Энди битди ҳамма гап!
На дўстлик бор, на овунчоқ менга оламда!..
... Сенга раҳмат! Фарзанд каби мени авайлаб
Ғамхўр бўлиб асрагансан. Ҳаққинг бор менда...
Даштда эрка гул ўстирдинг ўзинг атайлаб,
Ўзинг юлиб олдинг эркин баргларин бу дам...
Буни асти унутмайман, унутма сен ҳам!..»

XXXVI

Ўгирилди-ю, ғойиб бўлди мисоли соя.
Қимирламай қотиб қолди Оқбулат хижил,
Худди яшин урган дарахт — бир тўнкапоя.
Довул ҳамон ғувуларди ва ғижир-ғижир
Ғарчилларди четан девор ярим вайрона;
Гоҳо эса фақир уйда ғоят бетаъсир.
Беғам, майин, эркин қўшиқ эшитиларди,
Аммо уни зўр қалдироқ босиб кўмарди!..

XXXVII

Айнан шундай, баъзан чўлда, ўзга тупроқда,
Жануб қуши, келгинди қуш адашиб қолар,
Сўнгра қўниб сайрар экан қуруқ бутоқда,—
Теваракда қор бўрони қайнаб авж олар.—
Йўлчи эса ҳасрат билан ўйлаб бу ҳақда
Дўст овози эмасмикин деб қулоқ солар!
Балки, дейди, жаннатдаги дўстим арвоҳи
Дардлашгали келган бўлса керак, дарвоқи!..

XXXVIII

...Салим жадал эгарлайди вафоли отин,
Сўнгра ёлин мис тароқ-ла текис тарайди,
Тиэгинларга қадаб қўйган кубань бисотин,
Айиллари маҳкамми деб тортиб қарайди,
Узангилар баб-баравар, қайишлар метин,
Ипак дарра илинганда эгарга энди.
Қийғоч боқиб хириллару тепинар бедов,
Вақт етди... Отингга мин, чавандоз, дарров!..

XXXIX

Сенинг ўзлук аргумоғинг абжир ва кўркам!
Кўмир чўғи каби порлар унинг кўзлари!
Дум диккайган хода янглиғ, оёқлар илдам,
Тўлқин ювган сийқа қора тошлар сингари
Ялтирайди баланд сағри, бағоят ихчам,
Кенг чўлларда уни чопса эпчил сувори,
Чигирткадай енгил учиб бора олар тез,
Сенинг «чу-хо!»нг унга бўлар қадрлик шу кез...

Аргумоққа минди Салим асабий, чаққон,
 Узангига босиб қалқиб қамчи силкитди...
 Типирлади тез қадам дўст, эски қадрдон,
 Пишқирди-ю... Сўнгра бирдан сакради — кетди...
 Бурун катагидан бурқди буғ тутунсимон...
 Учиб борди от, ошно йўллардан ўтди,
 Худди яшин узган ва чанг босган бир япроқ —
 Зангор чўлда учган каби енгил ва саёқ.

XLI

Елдай учиб борар эди саҳрода тулпор,
 Тошни янчиб сачратарди сув қатрасидай,
 Жарангловчи тақаларнинг зарби шиддаткор,
 Нам тупроқни топтар эди улар пайдар-пай.
 Дукур-дукур товушларни, гўёки ҳамкор
 Бир-бирига ўтказарди даралар тинмай,
 То бир зумда йироқларда, жуда ажойиб —
 Чавандозу тулпори от бўлдилар ғойиб...

XLII

Салим кўздан ғойиб бўлди бир иблиссимон,
 Пардаси-ла ёпди уни тутундай туман!
 Йилқи боқиб юрган черкас бўлиб кўп ҳайрон,
 Қирда узоқ қараб қолди унга ҳангу манг...
 «Эй, худованд! Оламингда муъжиза бесон!..
 Аммо шайтон лаънатида кўп экан найранг! —
 Бу чопогон отни минган қайсарга қараб
 Ким айтарки, у ҳам мендай бир банди, ёраб!»

I

Тинч овулдан жилла узоқ бўлмаган жойда
 Тиниқ чашма тошлар оша оқиб ирмоққа,
 Токзорлардан шовқин солиб чопарди сойда.
 Шарқ самосин мовий кўзи қарар булоққа,
 Тўлқинида қизгин шуъла бўларкан пайдо,
 Ҳусн бўлиб тушар эди чашма бу тоққа,
 Соҳилдаги дарахтлардан кумуш чечаклар
 Майда ёмғир бўлиб совуқ сувга тўкилар.

II

Мана, жимжит, осойишта — тинч сув ичгани
 Югуришар ҳадиксираб ҳуркак кийиклар,
 Улар келар шитирлатиб барғни-майсани.
 Мана махфий чўмилгани ёш черкас дилбар
 Келар ёлғизоёқ йўлдан, кўрмай кимсани.
 У ечиниб либосларин, ирмоққа тушар,
 Қалтирайди ва кулади... Сувда айланиб —
 Ҳар ён боқар... Барқ урарди кўзларда жануб!

III

Қўрқма, Захро! — Хотиржам бўл! Сокитдир атроф;
 Утириб ол тош устига! Пардангни кўтар!
 Булоқ суви шунча совуқ, шунчалар шаффоф,
 Шўх қалбинингнинг ҳаяжонин босар, тинчитар,
 Қорамағиз баданингни бу сув қилур соф.

Чул! Қулоқ сол! Бу хайрсиз соатда... Хатар!..
Ким экан у? Чаққон босиб келар тўқайда?
Ё пирим эй!— Жадал тургин, ўртигинг қайда?..

IV

Аммо шу пайт, аллакимнинг қўли кўп қаттиқ
Ушлаб олди Заҳро қўлин бағоят зийрак,
Йигит қўли аҳтироснинг ўтидан иссиқ...
Кулба анча йироқда-ку... Не қилмоқ керак?—
Мерган ўқи янглиғ ботди бағрига совуқ,
Гурс-гурс бўлиб тепинарди болғадай, юрак!—
«Бу сенмисан, Салим?— Сени келтирмиш шайтон
Нега келдинг?— «Менми? Сенга муродим аён!»

V

«Салим!.. Эвоҳ!.. Мен жувонмарг бўлдим!...—
«Эҳтимол;
Нима қипти!»— «Шафқатинг йўқ бир зарра? Наҳот
Нима керак сенга, ахир»—«Севгинг, ой жамол!»
Сени севмак — хоҳишим шу! Ғамли ҳиссиёт —
Мени буткул хароб этди. Сабрим йўқ, бу ҳол,
Ваҳшийлардай ёлғиз юрмак — кўп жирканч ҳаёт!
Битди тоқат! Бу ердадир армоним, жазмим!
Сеникиман: мангу сенинг шу руҳим, жисмим!—

VI

«Билардимки, пирим эмас сизнинг авлиё,
Қардош эмас бу одамлар менга, бегона,
Биёбонда дайдиб юрдим бадқовоқ, танҳо,

Қарғиш урган малъун девдай маъюс — ягона!
Аллақачон кирар эдим гўрга мутлақо,
Бўлмасайди ер қўйни зах, совуқ музхона...
Оҳ! Истардим мен: лоақал, бир лаҳза — бир зум
Кўкрагингга бошим қўйиб ётсам, азизим...»

VII

«Тарк эт фақир кулбангни, кел... қочайлик: тез бўл!
Мен ёш йигит, эринг бўлса кекса, бадқовоқ!
Ҳал эт жадал: бу ёқда бор яширин бир йўл,
Милтиғимдай рост уролмас ҳаттоки чақмоқ,
Ханжаримда ялтирайди ҳалокат нуқул,
Кўзлардан ҳам, сўзлардан ҳам қўлларим тезроқ;
Анов тоғда топиб қўйдим ўзимга паноҳ,
У томонда бизни фақат тополур оллоҳ!—

VIII

«Қояларнинг орасида менинг масканим:
Мендан аввал унда турган икки дўст қоплон,—
Мени кўргач у ғазабли икки оч ғаним
Қутургандай даф қилишди, олишди ёмон...
Мен уларни ўлдирдим уша кун кўрдим:
Бургутларга емиш бўлди қонли устихон;
Териларин осиб кўйдим соядек, ғорга,
Ибрат бўлсин дея бўлак жониворларга,—

IX

«Унда чечак ва ўтлардан ясадим ётоқ,
Тошлар аро ширин чашма биқирлаб қайнар;

Озиқ олар булутларнинг наmidан булоқ,
Унинг тутқун оқимлари шовуллаб ўйнар.
Кел қочайлик! Жонажоним, дашт аро мутлоқ,
Изловчилар топа олмас изингдан асар!
Фақат олтин қуёш билан ойгина халос
Билар кимни севиб, нучук қўйгансан ихлос!..»

X

У, Заҳронинг ярим яланг қоматин қучиб
Лабни лабга қўймоқ эди дилида армон.
Салим жавоб кутар эди ваҳмага тушиб:—
Заҳро эса тек турарди, тепада бу он
Титратарди бутоқларни шамол тегишиб.
Япроқларнинг шарпалари қўниб ёнма-ён —
Кезишарди манглайида Заҳронинг шу чоқ,
Юзи мармар санам каби рангсиз ва оппоқ.

XI

«Хўб де, Заҳро! Кутолмайман, ўзинг бир ўйла!..
Рангинг ўчди?.. Бу нимаси? Кўз ёшинг жиққа?
Сен ёвнингми дастидасан бу ерда, сўйла!?
Е ўшарми муҳаббатнинг сўзлари дўққа
Е севмайсан мени? Йўқ-йўқ, бу ёлгон! Ана —
Дудоқларинг гўё эрон гулидай юпқа:
Бу нав сўзни у дудоқлар айтолмас мангу!..
Ҳай, йўқ экан муҳаббатинг... Шафқатинг бор-ку!

XII

«Оҳ, сен билан бўлар эдим қандай бадавлат,
Худованднинг оламида азиз, бахтиёр!..

Эътироф қил: севмас сени, севмас Оқбулат?
У баттолнинг қалби тўла рашк билан ғубор,
Суҳбатлари ханжардан ҳам совуқ, жасофат!
У кўнглингга урган-ку... Юр мен билан, дилдор...
Ана, ўзинг бошгинангни чайқаяпсан жим...
Севганинг у эмас экан!! Бўлмаса, айт, ким?

XIII

«Гапир: у ким? Узи қайдан? Қайда макони?
Машъум исмин айтгин менга, ёдлаб олгайман...
Ва босаман қучоғимга оғамдек уни,
Ҳам қон билан бўсамизга муҳр солгайман.
Ким экан у, шу ишқингнинг бахтли султони?
Майли келсин, мен ўртаниб абгор бўлгайман...
Кўз олдимда эркаласин, сени сийласин...
Худо ҳақи, мен томоша қилай шод, сокин...»

XIV

Беқарор ва гаранг бошин солди у тубан,
Қўли билан ёпиб олди юзларини ҳам,
Лекин панжа аро кўрди: кўкатга бирдан
Икки юлдуз томди кўздан — икки қатра нам.
Лабларида на товуш бор, на маъно деган,
Тушда қаби алаҳлади уни енгиб ғам —
Заҳ тупроққа йиқилди у, тутолмасдан қад,
Ўша тупроқ қаби совуқ ва жим, ниҳоят.

XV

Заҳро ахир ачинди-ю, деди Салимга:
«Йиғлама, қўй!.. Тушунаман, ситаминг оғир.

Буюк сипоҳ ном қўйганди эл падаримга:
Шимолу шарқ ва жанубда эди у машҳур,
Дўстга содиқ, бераҳм эди аммо ганимга,
Елғон гаплар туюларди лабига манфур...
Отам шаънини қўриқлайман, чунки қизиман,
Бевафолик қилолмайман, ўлсам розиман!..

XVI

«Мени тинч қўй! Ўзга билан бахтлиман энди!»
— «Бўлмагур гап!»— «Унга меҳрим қўйганман лекин!»
— «Ҳа, биламан!!! Оғам менинг ёвим ашаддий!!»
— «Салим, Салим, ким айбдор? «— У ҳақлимикин?»
— «Сиз наҳотки ярашмайсиз, шундай абадий?»
— «Мен ярашай?.. У билан? Мен биласанми, ким?»
— Фалак гашини келтиргучи тентак»— «Сен золим!»
— «Не қилайин, яратгандир шундай толеим!»

XVII

«Хайр, вақт кеч! Тангри ўзи ҳукм этсин бу дам!
Аммо, билки, сени Заҳро, учратсам тагин,
У мулоқот сўнгги бўлур, эслагин маҳкам!»
Салим энди секин қалқди очмай дудоғин,
У оҳиста жўнаб кетди.— Ботди қуёш ҳам;
Фақат кучсиз шуълагина Бештовнинг сиртин
Ғира-шира ялтиратиб хайрлашарди,
Ва Заҳронинг манглайига оқиб тушарди!

XVIII

Салим сира кўринмайди.— Оға хотиржам.
Аммо сира пайқамаски, Заҳронинг равшан—

Нигоҳини баъзан қоплар беихтиёр нам,
Пайқамаски, кўзлар эмас бурунгидай шан.—
Бир кун овдан қайтар эди Оқбулат беғам;
Овул мудрар сояликда эриб иссиқдан;
Фақат жоми эшигидан чиққан пир имом
Мўйлов қилиб кулиб қарар Оқбулат томон;

XIX

Имом дейди: «Шошмоқ нега? Вакт шунча тигиз?
Ярашади кенг даштларда кезмоқлик эрга!
Софдил черкас қайда бўлса доимо ёлғиз,
У ҳамиша хизматкордир ватанга, эркам!
Энди қўрқмас у бегона душмандан ҳаргиз,
Черкас эга бўлиб қолди кўкка ва ерга;
Аммо менга агар солса мард черкас қулоқ,
Хотинини ташлаб, сотиб олар аргумоқ!»

XX

«Пайғамбарга сен беш вақт намозинг ўқи,
Бировларга даҳл қилма, ноинсоф мулла.
Кўзингдан ҳам бехатороқ ёйимнинг ўқи,
Алишмасман хотинимни йилқингга, тингла!»
Имом дейди: «Сенга менинг ғаразим йўғу —
Насиҳатим бир кун эслаб қолурсан, жилла!»
Кўзин ерга тикиб бўлди Оқбулат ҳайрон,
Ва отига қамчи босди шошилиб шу он.

XXI

У, юраги ўйнаб кирди, кирди кулбага,
Ва кўрди у: ўрин-тўшак тўс-тўс, мижғалоқ,

Таниш ханжар тушиб ётар, қинсиэ, кўрпага!
Севикли от кишнамайди, тепмайди туёқ;
Пешвоз чиқмас Захро кутиб олгани, нега?
Атроф бутун ҳувулаган. Фақат ўт-ўчоқ
Сал ялтирар. У довдираб гангиди, ҳайҳот.
На дилоро хотини бор, на севимли от!!!

XXII

Мурда каби қимирламай, ўйсиз, бедармон,
Орқасидан номард ўқин еган бенаво,
Ўлимини кўриб дадил жутолган ўғлон
Аста чўкди остонага маъюс, не даво?
Худо билар сийнасида не-не ҳаяжон!
Вақт-соат югуради. Қорайди ҳаво;
Шудринг тушди, жимжитликка чўкди дала-сой,
Пахмоқ сочли булутлардан сузиб чиқди ой.

XXIII

Унинг юзи ойдан сўлгин, ўтирарди мот.
Бирдан дукур-дукур товуш яқинлаб келар,
Ана чўлда югуради тулпори бир от.—
Ели худди енгил тутун бўлиб пириллар;
Сағрисида оқ бир нарса қилпира бот-бот,
Бу ўртук-ку... Бедов учиб югурар-елар..
Таниш тулпор, яқин келди, нафас тикилди,
Қалтиради, хириллади, бирдан йиқилди.

XXIV

От ётади ўлик, қимир этмасдан андак,
Ялтирайди эгарга банд ўртук қалтираб,
Черкас ўқи тешиб ўтган юпқа бўз кўйлак,

Қип-қизил қон қотиб ётар унда ялтираб!—
Отга қараб югурди у, ўйнади юрак,
Юзда яна қайта умид, қайта изтироб:—
«Раҳмат дўстим, унутмабсан, чин ўртоғингни!..»
Ва сийпайди ҳаром ўлган арғумоғини.

XXV

Оқ ёпқининг бир чеккасин бетоқат, якбор
Қўли билан кўтарди-ю боқди Оқбулат;
У энгашди — ой ёриди — ё парвардигор,
Кимникидир кўз ўнгида бу сўлгин жасад?
У хотиннинг кўкрагида чаёндай хунхор
Ўқ — қўргошин сўриб олган ёш қонни беҳад;
Унинг нозик қоматини танғиган камар
Узилмасин деб туйилган эгарга чамбар.

XXVI

Эрта қишнинг қорларидай совуқ ва оппоқ
Беҳис қўли ётар эди карахт ва маъсум,
У қўл қонга беланганди... Ой эса шу чоқ —
Унинг силлиқ манглайида кезарди маҳзун.
Тушнинг хира шарпасидай омонат, саёқ
Учар эди рангсиз лабдан сўнгги табассум;
Ҳамда руҳсиз қарашини ёпган попуқлар —
Каби кўзин юмиб қўйган узун киприклар.

XXVII

Танидингми у дилбарни, Оқбулат бебахт?
У — хотининг, сенинг жекса умринг йўлдоши!
Тилсимотли сеҳр билан қилган каби банд

Унинг ширин товушлари, қувноқ қараши
Кечагина сени қилган эди-ку хушвақт!..
Ўлик Заҳро оёғида тинди бардоши,
Уст-бошини йиртиб ташлар, кўксин чок айлар,
Ёрки ундар — аммо қаттиқ ухлар ўликлар!

.
.

XXVIII

Инсонларнинг лаънатига қолсин, илоҳий,
Салим умри ҳеч бўлмасин унга муяссар
Чўлаганда сув, топмайин ўрласин оҳи.
Тушиб кетсин жанг пайтида қўлидан ханжар,
Гурунгларда хираланиб равшан нигоҳи,
Кўзларини босиб қолсин изтироб — кадар!
Қоп-қоронғи кечаларда кезаркан ёлғиз,
Сезсин: кимдир пойлаб юрар уни изма-из.

XXIX

Ёғдирилсин худованднинг лаънати буткул
У инсофсиз ёш қотилнинг бору йўғига!
Жанг вақтида ўлим топмай эрга ўхшаб ул,
Қурбон бўлсин тунда номард ўғри ўқига!
У чала жон уч кеча-ю уч кундуз нуқул
Қолиб кетсин бир қояда, ёлғиз чўққида!
Кун жиёгинак қилсин уни, ва яшин урсин
Йиртқич калхат кўзларини титиб чўққисин!

XXX

Оқибатда унинг руҳи, тоғлар чўққисин
Ташлаб тамом, беҳишт томон келганда сурбет,

Ҳақ пайғамбар ундан юзин ўгириб десин:
«Менинг сендек умматим йўқ, танимайман, кет!»
Бадбахт Салим бу таънадан пушаймон есин
Ва ўқирсин: «Ёлвораман, мени афу эт!»
Пуноҳқорга шунда айтар пайғамбар фақат:
«Сен шафқатсиз эдинг, мен ҳам сенга бешафқат!»

XXXI

Ва шу кеча, тонготардан бир соат аввал
Тарқаб кетди масжид ёқдан офат ваҳмаси,
Оломон тез чошиб келди:— бамисли машъал
Ёнар эди Оқбулатнинг эски кулбаси.
Деворларин олов қучган илондай, зарҳал,
Ушқун бўлиб кўкка сачрар олтин шуъласи.
Шунда кимдир изтиробда ва аччиқ кулар,
Бу кулгидан тутунлар ҳам, ўт ҳам сочилар.

XXXII

Ҳовлиқан халқ ерга чўкди, юзала ётди.
«Дуо ўқинг болаларим, бу — шайтон феъли!»
Сўнгра имом аллақандай сирли сўз айтди
Нажот сўраб қуръондаги оят туфайли.

Олов эса лангиллади, ловуллаб, кетди,
Бўрондан ҳам қаттиқ эди оташнинг ели.
Нолалару фарёдлару ялиниш бекор,
Олов кўчар томдан томга, деворма девор.

XXXIII

Йироқдаги тепаларда қирмизи-алвон
Яллиғларнинг бўёқлари титраб товланди;

Чангалзорда пинак кетган ҳуркович жайрон
Эшитиб қий-чуввосларни ҳуркди — сесканди.
Устидаги шудрингларни қоқиб саргардон
Ваҳма билан тумтарақай чўлга йўлланди;
Қояларнинг соясида ётган бургутлар
Қийқирди-ю парвоз қилди ошиб булутлар.

XXXIV

Ениб кетди овул — ўчди номи диллардан,
Авлодлари тарқаб кетди ғариб дарбадар
Фақат гоҳи болаларга ўтмиш йиллардан
Черкас чуқур ҳасрат билан ҳикоят айтар —
Ёгингарлик кунларида. Баъзан чўллардан
Ўтиб борса ёт ўлкали мусофир агар,
Сўрар кўрган казаклардан: «Менга айтинг-чи:
Билмайсиэми, қайда экан овул Бостунчи?..»

1832—1833

ҲОЖИ АБРЕК

Жемат деган овул ғоят бадавлат, кўркам,
У ҳеч кимга тўламайди хирожу ўлпон;
Унинг қалъа деворлари пўлатдай маҳкам;
Масжиди ҳам жанг майдони ичра қурилган.
Унинг эркин ўғиллари — ботир эрлари
Ҳарбу зарбнинг оташида чиниққан бари.
Бу эрларнинг қилган ишин бутун Кавказда
Узоқ ва ёт халқлар аро гулдирози бор.
Улар отган ўқ учарак эркин фазода
Рус қалбини ялаб ўтмиш неча бор такрор.

Қизгин кун ҳам осмон бўйлаб кечмоқда аста,
Қайнаган буғ чўзилмоқда қояда, пастда:
Лочин учар қимирлатмай қанотин таранг,
Булутларда кўринади қораси аранг;
Далаларни чулғаб олган уйқу — қалин дуд:
Овулда бир ҳукмронлик қилмайди сукут.
Овул бу дам бўшамоқда ҳаяжон билан,

Бироқ тоғнинг этагида шамол ўйнаган
Ва ирмоқлар отиб чиққан даралар ора
Тўпланмишдир эҳтиёткор бир гурунг давра.
Жемат овул эрларида нима кенгаш бор,
Не тўғрида сўз боради, қандай маслаҳат?
Ё бўлмаса тоғлар ошиб, қайгадан такрор
Ёт йилқини қилмоқчими шоввозлар ғорат?
Ёхуд, ҳатто қонигача ширинкор бўлган
Қўноқларни — рус отрядин кутадиларми?
Йўқ, назарлар қандайдир бир ҳасратга тўлган,
Ҳаммада бор алланучук малолат ғами.
Бировларнинг жулдурига олган чулғаниб
Шу гурунгнинг ўртасида тошга чўнқайиб
Бир мўйсафид кекса, ожиз лазги ўтирар;
Қуйилмоқда тўлқинлашиб унинг сўзлари,
Баъзан-баъзан, порлаб турган қора кўзлари
Маъюсланиб атрофига ташлайди назар.
Кекса лазги сўйлаётган бу ҳикояни
Барча диққат билан тинглар, у айтар эди:
«Шу қариган чоқларимда қувнатиб мени
Уч жонон қиз, уч ўғилни худойим берди.
Бироқ бирдан мудҳиш бўрон гувуллаб қолди,
Шох-бутоғи синиб, дарахт яланғоч қолди,
Мана энди мен бу ерда турибман якка
Бамисоли води ичра яланғоч тўнка.
Афсус, афсус, мен қаридим! Бошимдаги оқ,
Шу чўққининг устидаги қордан ҳам оппоқ.
Аммо шу қор остида ҳам баъзан бўлар-ку
Тиним билмай чопган, жўшқин, ва покиза сув!
Бери келинг суворилар, эй аҳли Жемат!
Кўрсатингиз менга жасур ҳимматингизни!
Орангизда кимга таниш князь Бейбўлат?
Ким қайтарар менга севган азиз қизимни?
Опалари асирликда гунчадай сўлди,

Акалари нотенг жангда мардона ўлди.
Икки ўғлим чет ўлкада қолди, кичигим
Кўз олдимда ўққа учиб, жон қилди таслим.
Ўлар экан, узилмади лабидан кулгу!
Учиб келган фариштани балки кўрди у,
Жаннатларнинг гулларида қўлида — чамбар,
Сўнгги дамдан берар эди унга шод хабар!..
Сўнгги қизим, кўз қарогим, ёлғизим билан,
Шундай қилиб, чўлга кетдим яшамоқ учун.
Кўп улуғлаб сақлар эдим уни туну кун,
Бор-бисотим нима бўлса унда жамланган:
Ҳеч кимса йўқ, ёлғиз қизим ўнгу сўлимда,
Фақатгина кўп вафодор милтиқ қўлимда,
Биз икковга бу ерларда маскан бўлди гор.
Туғиб ўсган ота элда кулбадан йироқ.
Эркин ҳаёт кўпдан менга ёр эди, бироқ
Энди тезда кулфатга ҳам бўлиб қолдим ёр.
Бироқ тақдир соатига фурсат етишди.—
Нозик қушчам парвоз қилди, кўзимдан учди!..
Жимжит кеча, атроф соқит, кунлардан-бир кун
Мен ухлардим... Бош устимда гўдак малагим
Яшил хипчин билан ўйнаб осойишта, тин
Сўзсизгина ўтирарди қоронғида жим.
Чўчиб турдим; аллакимлар сўзлашар аста,—
Бўғиқ фарёд, тақа товши эшитилди пастда...
Югурганча қарасамки — битта чавандоз
Тоғ бағрида жадал билан қилмоқда парвоз,
Қизимни ҳам қанжиғада қучоқлаб олган,
Орқасидан лаънатларни айтиб қолдим ман.
Оҳ, не учун мен учирган иккинчи чопар —
Қўрғошин ўқ теголмади унга муқаррар!
Уша ерда пайдо бўлган қонли ўч билан,
Номусимнинг интиқомин олишга кучсиз,
Туёқларда мижигланган илондай, эссиз,

Ҳалигача тоғи-тошда тентиб юраман.
Уша куни очилмишдир дилда жароҳат,
Ҳанузгача менда йўқдир ором ва роҳат...
Бери келинг, чавандозлар, э аҳли Жемат,
Кўрсатингиз менга жасур ҳимматингизни!
Орангизда кимга таниш князь Бейбўлат?
Ким қайтарар менга севган азиз қизимни?»

Кенг ханжарин қабзасидин тутган қора кўз —
Полвон йигит: «Мана мен!» — деб бошлаб қолди сўз.
Ҳайрат билан соқовланиб қолган оломон,
Секин-секин жилиб қолди шунда ҳар томон.
«Мен биламан у князни! Мен бердим қарор!..
Сен икки тун мени бунда кутиб турасан;
Кўрқмас Ҳожи бирор марта бекордан-бекор
Узангига оёғини асти қўймаган.
Шу муддатда агар қайтиб кела олмасам,
Менинг ичган қасамимни унутиб юбор,
Руҳим учун пайғамбарга дуо қил бир дам,
Шундан кейин излаш учун, майли, ўзинг бор».

Тонг ёришди. Четларида кўм-кўк кўкнинг
Туманларнинг орқасида мағрур туради
Гранитдан яратилган улуғ тоғларнинг
Музлар билан безатилган боши абадий.
Дараларда булутлар ҳам ортиқ уйғонган,—
Сузиб ўтар бамисоли ним пушти елкан,
Аста-аста баландликка томон ўрмалар.
Ҳамма нарса тонг нафасин олар ўнгирда.
Қиё тоғлар қатор-қатор тизилган ерда
Черкас минган саман оти илдам йўрғалар.
Ҳали тамом уйғонмаган эринчоқ офтоб,
Қирлардаги шабнамлардан кўтармаган тоб.
Баланд қоя тепасидан ерга чўзилиб

Энгашгандир йўл устига бир ёввойи ток.
Дам ўтмайин кумуш каби ёмғирин тўкиб,
Йўловчини ва отини қилади намнок;
Сувори ҳам тизгинини бепарво ташлаб,
Кумуш чопган қамчинини силтаб боради,
Баъзан-баъзан от ёлига аста ёнбошлаб,
Боболарин қўшиғини куйлаб боради.
Тоғлар аро парвоз қилган бу чўзиқ оҳанг —
Акс садоси таратади атрофга жаранг.
Аравалар ғижирлаган ғилдирак билан
Излар солган бунда бир йўл, бир айланма бор
Шу ердаги, гўзал чақир тош қиррасидан
Тожлар ясаб ўз бошига киймиш қоялар.

Ўша ердан худди оёқ остида каби
Осойишта овул томон разм солар у;
Кўринади подаларнинг кўтарган чанги,
Тингланади уйғонишда дастлабки ғулу,
Тик жарликнинг поёнига назар солади,
Бейбўлатнинг қора ўйин илғаб олади,
Юксак тоғдан қараётган лочиндай мағрур
Равшан назар билан уйнинг томига боқур,
Соя-салқин, шаббодали у остонада
Ёшгина бир лазги қизи маъюс ўтирар.
Узунгина йўл чўзилар унинг олдида,
Ҳасрат билан узоқларга у қиз телмурар.
Сен кимларга мунтазирсан, шарқнинг юлдузи,
Шундай нозик ва мулойим ташвишлар билан?
Узоқлардан келар бўлган дўстмидир ўзи?
Ёки аканг қайтадимиз мудҳиш жанглардан?
Кундуз кунги шунча қайноқ иссиқ ҳаводан
Чарчаб қолган кўркам бошинг тўсатдан, бирдан
Ўша баланд кўкрагингга мункишга тайёр,
Икки қўлинг тизза бўйлаб шувиб тушибдир,

Ширин-ширин эркалашлар ҳукми-ла бир бор
Елкаларинг вужудингдан ажралишибди;
Киприкдаги нам инжуси билан бурканиб
Тиниқ-равшан назаринг ҳам вазминлашибди;
Юзингдаги жануб қови алангаланиб,
Метеордай икки бетинг қизиллашибди;
Сеҳр билан тўлиб-тошган шу лаъли лаблар
Ҳардам ишқий бўсаларга чақирар-имлар.
Соқовланган ҳаяжонли бир истак билан
Не бўлса ҳам қучоқлашга қидирмоқдасен,
Сийнанг қалқиб, жуда нозик бир титрак билан
Отиб ташлаш орзусида ўртук-парласин.
Оҳ, қайдасен муштоқ дилга азиз бўлган дўст!..
Ана, туёқ узоқларда таратди овоз,—
Таниш чанг ҳам кўтарилди қуюқ, устма-уст,
Қиз шивирлар: «Бу келгучи мутлақо князь!»

Умидларнинг тасаллиси жуда ҳам осон,
Кўзнинг янглиш кўрсатиши ундан ҳам қулай;
Ана, йўлчи яқинлашиб келмоқда ҳамон..
Аттанг, аттанг, йўловчини у танимайди,
Ҳозиргина, биринчи бор кўриб тургани!
Ғариб сайёҳ шу далада кечга қолгандир;
Бир меҳмондўст қўналгадан паноҳ қидирар;
Чарчоқ отин танасидан чиқмоқда ҳавур,
Ана, ўзи отдан ирғиб тушишга тайёр..
Тушмайсанми, эй сувори!.. Ўзи нима гап.
Қўрқмоқдами бу бошпана, бу қўшхонадан?
У қарайди! Жуда қаттиқ юмилган лаби —
Орасидан қисқа, аммо ҳасратли фиғон,
Ёз дўллари эзган ниҳол япроғи каби
Учиб тушди ғамгин-ғамгин, аммо асабий.

«Нима бўлди, эй сувори, нега бунча ноз;
Қистамасдан, арғумоқдан тезроқ туша қол.

Қўноқ деган тангри берган неъмат деса оз,
Менда ҳар бир нарса тайёр, қимиз билан бол.
Бадавлатман, камбағалроқ кўраман сени,
Ҳурмат айла Бейбўлатнинг бу хонасини!
Ризқинг тугаб, қайта бошдан йўлга тушганда
Бизларни ҳам дуойингдан қилмагил канда!»

Ҳ о ж и А б р е к

Олло сени паноҳида сақласин, Лайло,
Меҳмондўстлик шафқатини қилдинг жо-бажо:
Мен меҳмонинг бу келишда отагинангдан,
Сенинг учун салом, таъзим олиб келганман.

Л а й л о

Яъни, қандай! Менинг отам? То ҳалигача
Мени узоқ ҳижронларда унутмадими?
Ҳозир қайда яшайди у?

Ҳ о ж и А б р е к

Яшар жойида;

Гоҳо чўлда ва гоҳида ўзга уйида.
Аввал қандай бўлса, ҳозир йўқ ортиқ-ками.

Л а й л о

Айт-чи: ўзи шод-хурсандми, бахтиёр, тетик?
Тезроқ менга жавобин айт...

Ҳ о ж и А б р е к

Ҳозирча тирик.

Тўғри, баъзан ёмғир ёғиб, совуйди ҳаво,
Унинг боши яланғочдир...

Айт-чи, сен ўзинг?

Л а й л о

Мен гоятда бахтиёрман.

Ҳ о ж и А б р е к (секин)

Буниси расво!

Л а й л о

А, нимади, қани айт-чи, нима дединг?

Ҳ о ж и А б р е к

Ҳеч!

Стол атрофида жимжит ўтирар меҳмон.
Ҳурмати-чун дастурхонга ясаб қўйилган —
Чағир кумуш жом тегилмай турар бекўст-кам!
Ҳақиқатан, бу жуда ҳам ажойиб одам!
Унинг очиқ манглайида ажинлар ўйнар,
Бирин-кетин қимирланиб, ҳаракатланиб.
Балки ғамлар, қайғу-ҳасрат ё узоқ йиллар —
Қўли билан чизилгандир булар қатланиб?

Уни бир оз юпатишни истаган Лайло
Қўнғироқли чилдирмасин олди қўлига,
Бармоқ билан уни чертиб, янгради садо,
Ўйнай кетди лазгинканинг қувноқ йўлига.
Унинг кўзи юлдузлардай порлайди энди;
Оппоқ бўлуқ кўкраги ҳам қалқиб тепади;
Болаларга махсус, аммо гоят ҳаётбахш
Бир ҳаяжон унинг маъсум руҳин қучоқлар;
Меҳмонига манзур қилиш учун айланар,
Парвонаки, оқшом чоғи нурда уйноқлар.
Бирданига жаранглаган чилдирмасини

Оппоқ момик қуллари-ла кўкка кўтариб,
Бош устида айлантириб юз мақом билан,
Йирик қора кўзлари-ла майин телмуриб,
Айтмоқ бўлар лаб тебратмай, товушсиз, сўзсиз,
Фақатгина табассумнинг ифодаси-ла:
«Ғамгин меҳмон, бир оз шод бўл, ўйна, кул, куйла!
Тақдир ва ғам — бари хаёл, бариси тубсиз!»

Ҳожи Абрек

Бас, етади! Тўхтат энди рақсингни Лайло;
Бир нафасга бу шодликни сен унутиб тур:
Менга айт-чи, қачон бўлсин, ҳеч келганмидир
Хаёлингга ўлиш хавфи ва ундан хазар,
Сени нотинч қилмаганми? Айт тўғриси.

Лайло

Йўқ! Не учун менга керак у совуқ мақбар?
Мен тополдим жаннатимни ерда, мен хуррам.

Ҳожи Абрек

Яна битта саволим бор: сени бирор дам
Узоқ-узоқ ота юрти — ватан ишқи, тинч —
Дохистоннинг тиниқ кўки соғинтирганми?

Лайло

Нега керак? Менга бунда қувонч ва севинч,
Тоғ тумани орасида яхшилик камми?
Ёруғ олам ҳамма ерда гўзал ва дилдор
Ва қалб учун ватан деган сўз ўзи бекор,
У зўрликдан, тажовуздан мутлақо қўрқмас,

Қушлар каби бир ичқиниб, учиб кетар, бас,
Ишон менга, шундай ерда бўладики бахт,
Унда бизга ишонсалар, севсалар фақат!

Ҳожи Абрек

Севги!.. Аммо биласанми, унда не лаззат,
Ер юзида завқ берарми яна муҳаббат —
Бир кишиким ишонган ҳам севган кимсасин
Бир умрга йўқотгану қилган бўлса дафн!
Ундайларга завқ ўрнида бундай муҳаббат
Истагани кўз ёши-ю, қон ўлур фақат.
Ва шундадир одамларга аниқ тасалли,
Улар бўлса, бу иш бўлур яна ўзга бахт,
Ва шундадир ҳам жинойт, ҳам завқу шаҳват,
Ва шундадир жоним учун дўзах ва жаннат.
Бизни баъзан эркаловчи, баъзан қийновчи
Олдимизда доим мутлақ мана шу нарса..
Йўқ, мен асло бир соатлик интиқом — ўчни
Алишмасдим бутун жаҳон меники бўлса!

Лайло

Нега рангинг бўз оқарди?

Ҳожи Абрек

Менга қулоқ бер.
Бир вақтлар менинг укам бўлгувчи эди;
Ўша укам манглайига ёзмишкан тақдир,
Бейбулатнинг ўқи билан йиқилди, ўлди.
У шарафсиз ҳалок бўлди — жанг билан эмас,
Оддий ўрмон ҳайвонидай, ёвин танимай;
Бутун ўчин, интиқомин у сўнгги нафас

Васият-ла менга буткул топширди атай.
Мен қотилни энг охири қидириб топдим,
Қинидан ҳам чиққан эди қўлимда ханжар,
Бироқ, яна: «Ўч шуми?» деб ўйланиб қолдим,
«Ўлим нима! Кўзни юмиб очкунга қадар —
Фурсат билан менга қарздан қутуладими,
Шунча йиллик қайғу, азоб баҳоси шуми?
Йўқ, бу эмас? Не бўлса ҳам, унинг дунёда
Бирор севган, ишқин қўйган нарсаси бордир:
Менинг зарбим ана шуни янчмаги зарур».
Армонларим ўринлади. Вақти ҳам етди!
Хатто кеча сенинг сўнгги соатинг эди.
Бок, оқшомнинг нурлари ҳам порламоқдадир!..
Укам товуши қулоғимда янграмоқдадир,
Пайти келди! Бугун сенинг биринчи марта
Шу нозанин вужудингга кўзим тушган чоғ,
Борлиғимни чулғамишди қайғу, ҳасрат, доғ,
Жаҳаннамий исёнларда ёндим, албатта.
Бироқ, ўша, ҳиссиётлар учдилар мендан..
Воллоҳ! Ичган қасамимни мард бажараман!

Қишдаги тоғ қори каби оппоқ оқариб,
Кўп бемадор қалтиради, тинкаси толиб
Лайло унинг қаршисида аста тиз чўкди.
Ялиниш-ла, ўксиниш-ла, кўз ёши тўкди.
Бироқ, жаллод нолаларга қилмади парво.
«Оҳ, бу сенинг қарашларинг ғоят беомон!
Менга боқма, даҳшатлисан, бу қандай нигоҳ!
Бу сўзларинг менинг учун оғудан ёмон.
Заҳар-заққум таъсири бор, парвардигор, оҳ!
Менинг билан нечун ҳазил бекордан-бекор?
Раҳминг келсин! Кўзимдаги дурдона бу ёш
Наҳот сендан тополмайди зарра эътибор?
Раҳминг келсин!.. Менга айт-чи, сенинг ўз қондош

Ватанинга, астойидил йиглайдиларми?
Мунча эрта маҳву нобуд қилмагил мени!
Қонимдан кеч, қўйгил, ёшлигимни бағишла,
Бўлганмисан шодлик деган нарсага ошна?
Ёшлигингда сен ҳам мендай севгига тўлиқ
Кулганмисан?.. Кўринади, оҳ, мутлақо йўқ!»

Хожи ғаддор сукут билан турарди бу он,
Юзларини ғазаб босган, авзойи ёмон,

«Кўзларингда кўринмайди зарра марҳамат,
Эй раҳмсиз, кўз ёшидан ҳеч йўқдир асар!..
Оҳ худойим!.. Бир оз тўхта!.. Биргина соат!
Бир кўз очиб юмилгунча сабр этсанг нетар!..»

Лаҳза ўтмай қилич бирдан ярқираб кетди.
Бош юмалаб, қони бирдан тирқираб кетди...
У бемалол қон қўлини узатиб бошга,
Уни ердан бир оз баланд кўтариб олди.
Ўримлари ҳалқа-ҳалқа тўлқинли сочга
Қиличининг ўткир тигин у артиб олди.
Шундан сўнг у жуда лоқайд, жонсиз чеҳрани
Жун чакманнинг орасига яширди секин.
Ташга чикиб, от устига чаққон сакради,
Унинг ювош аргумоғи, умрида лекин
Билмагани осмоний қўрқувга тушиб,
Елмоқдадир гоҳ хавфсираб, гоҳ терлаб-пишиб:
Пишқиради ва кишнайди, ёлин ел тараб,
Тишларида ғижирлайди пўлатдан сўлиқ.
На сўз тинглар, югандан ҳам бўйнини силтаб,
Тоғ устида учиб кетар бамисоли ўқ.
Шафақ аста бўзаради; кеч, жуда ҳам кеч,—
Бу шабнамли зах кечадан узоқ қолмаган!
Кавказнинг тик чўққисидан секин, пешма-пеш

Оқ булутлар чўзилмоқда гўёки илон;
Ҳеч ўхшовсиз ўйинларни улар бошлаган,
Баъзилари дим дарада жим ёнбошлаган,
Тиканли шох-шаббаларни аста сийпалаб,
Ўтмоқдалар япроқларга инжулар ташлаб,
Кул ранг лойқаланиб чопар бунда ирмоқлар;
Кўкатларнинг тубларида шўх кўпиклари,
Туманлардан ясалган ғор орқали боқар
Ҳар биттаси ўлик бошнинг кўзи сингари.
Тезроқ чоптир, ёппа-ёлғиз, танҳо сувори!
Ўраниб ол, кенг чакманнинг қочмасин бари,
Қайиш тизгинларни яна маҳкам тортиб қўй,
Қайиш қамчин зарбин яна бир кўрсатиб қўй.
Ҳали сенинг изинг бўйлаб қувиб тушганмас,
На тоғларда бўлган жинлар, на ваҳший ҳайвон,
Намоз учун сенда бўлса муддао, ҳавас,
Вақт ўтмасин, айни пайти келгандир шу он.

«Арғумоғим, сакраб юбор! Қўрқоқ кўз билан
Ҳуркиб-хуркиб рўпарага мунча қарайсан?
Бу бир харсанг, тўлқинларга ютилиб кетган,
Ва бу эса, бурғаланур ўнгирда илон!..
Ёлинг билан, шу қудратли қиличимни ман
Жанг майдонда бир неча бор тозалаганман!
Саҳро-даштда, таҳликали соатларда сан
Бир неча бор мени омон сақлаб қолгансан.
Ўз юртимиз қирғоғида олурмиз роҳат,
Юганингга бундан ҳам кўп, бундан ҳам оғир
Рус тангаси тақажакмен, илдам юр фақат,
Тез орада кўринажак бизнинг яшил ер.
Кўпданми бу, кўпданми бу, сен ўзгарибсан,
Тўғрисин айт, менинг жоним, азизим ўртоқ,
Нега муғча дарров шунча терга ботибсан,

Нега оғир-оғир нафас оласан бу чоқ?
Мана, туман орасидан чиқар тўлин ой,
Дарахларнинг тепасига қуяр кумуш нур.
Ям-яшил бир қир очилур нафас ҳам ўтмай,
Бизнинг овул зулмат ичра ухламоқдадир!
Узоқ-узоқларда порлаб яшнаб кўринар.
Жемат чўпонлари ёққан аланга-гулхан.
Яқинлашган сари бизга аниқ тингланар
Йилқиларнинг бўғиқ саси ва шовқин-сурон,—
Отлар сенинг атрофингни ўраб олишар...
Шунда менинг қўзғалишим уларга етар,—
Улар бирдан пишқиради, ҳуркади қўрқиб,
Бир нафасда тарқашади тўс-тўсга тўзғиб:
Узоқдан ҳам ҳиллаб олур улар нафаси,
Сен билан биз — азалданоқ қисмат боласи!..»

Водийларни қучоғига олиб ухлар тун,
Жемат овул тушлар кўриб, мудрар бус-бутун.
Фақат бир чол бутун овул ичида бедор,
Ёлғиз ўзи гўристонга қўйган ҳайкалдек,
Қимирламай чанг йўл узра ўтиради тек.
Кул ранг тошга такя қилган, ўзи интизор.
Унинг кўзи чуқур қайғу ва ҳасрат билан
Узоқ-узоқ йўлга қараб, маънос телмурган.

«Кимдир ўзи у сувори? Кўп эҳтиёткор
Тикка тоғнинг камаридан юриб келмоқда.
Унинг дўсти — минган оти кўркам ва ёлдор,
Чарчоқ бошин чайқаганча йўртиб келмоқда.
Йўл чакманнинг остидаги қўлида эса
Эҳтиётлаб тутиб келар қандайдир нарса.
Уни асрар худди кўзин қорачуғидай».
Ва харсангда мункайганча ўтирган бу чол:

«Қизим менга совға қилган қиммат баҳо мол —
Бўлса керак», деб хаёлга чўмади талай.

Сувори ҳам яқинлашди; тоғнинг бағрида
Тизгин тортди ва отини тўхтатди бирдан;
У тўсатдан, қалтираган қўллари билан
Қора чакман барларини очди шу дамда.
У олисдан олиб келган қонли армуғон
Майса узра астагина юмалаб қолди.
Бечора чол кўрди ҳамда ё раббий, шу он!—
Лайло боши эканини у англаб олди!..
Чол ҳаяжон ичра бирдан ўзи тентакча
Бошни лабга босиб-босиб ўпа бошлади!
Гўёки у бош устига тўка бошлади
Сўнгги зулм, сўнгги алам, сўнгги исканжа;
Умр бўйи ёлғизликда чеккани қайғу,
Фигонини бир ўпиш-ла тўкар эди у.
Одамлардан ва қайғудан етган заҳмат, бас,
Юрагини эзиб келди унинг ҳар нафас!
Узун муддат чириб ётган эски ип каби,
Бирданига чирт узилди, ёрилди қалби.
Чеҳрасида ҳаракатсиз, қотди бор ажин,
Мурда тусин олиб борди оҳиста, секин.
Танасидан шунчалар тез учиб кетди жон,
Энг охирги дақиқага довури бор бўлган
Фикрларни, унинг ожиз юзига тўлган
Ажинлари ифодадай олмади бу он.

Юзда қора сукунатни сақлаганича
Қилмас эди Ҳожи бунга асло таажжуб:
Аргумоққа, қиличига тикилди пича.—
Сўнг жуда тез тоққа қараб жўнади учиб...

Бир йил ўтди. Жимжит, сокит дара ичидан
Йўл-йўлакай, тентиб юрган бир неча йўлчи
Икки жасад топиб олди чангга булганган,
Чўққи узра кўмиб қўйди, шу кунлар ичи.
Ҳар икков ҳам қора қонга бўялиб ётар,
Ғазаблари тирик чоғда бўлгандан баттар,
Юзларида кўринарди лаънат асари,
Бир-бирини маҳкам қучган ҳар икковлари,
Кўринишда дўст, аслида икки ёвуз ёт!
Балки бу бир тахмин бўлур, хаёлдир фақат,
Бироқ шўрлик сайёҳларга шундай туюлди:
Чехралари ўзгаргандай бўлиб кўринди,
Мурдаларнинг лабларида бор эди даҳшат.
Кийим-бошда бадавлатлик нишонаси бор,
Бошлиқлари папахларин ўртмишди сокин.
Биттасидан Бейбулатни таниб олдилар,
Танимади иккинчисин ҳеч киши локин.

1833—1834

БОЯРИН ОРША

I B O B

Then burst her heart in one long shriek,
And to the earth she fell like stone
As statue from its base oerthroun.

Byron*

Бир замонлар яшаган экан
Москвада Михаил деган
Бир боярин, Орша — бу лақаб,
Унга Иван Грозний атаб
Баланд мансаб берганлиги рост,
Унга берган шоҳлардан мерос —
Қўлидаги узугини ҳам;
Унга берган хушчақчақ бир дам
Эгнидаги савсар пўстинни.
Ҳазрат Исо тирилган кун
Лабларидан ўпган ўша чоқ,
Ва ўша кун ўттизта қишлоқ —
Ваъда қилган унга бериш-чун.
Шарти шуки, кунлардан бир кун

* Уввос кўтарди-ю бўлди дилпора,
Ўзи тош сингари ерга қулади,—
Тамалдан йиқилган ҳайкал мисоли
Б а й р о н

Саройидан Орша кетмасин
Ўлгунича то тарк этмасин.

Орша феъли хафақон лекин...
Саройдаги дабдаба, шовқин
Ёқмас эди унга сира ҳам,
Хушомадгўй шахсни кўрган дам,
Оппоқ мўйлов учин бурарди,
Бир кун шундай кўйда турарди,
Навкар уни қилганида хит,
Ионга у деди шу тахлит:
«Шаҳаншоҳим! Рухсат бер, юбор,
Ўз юртимни этай ихтиёр,
Кундан-кунга қоляпман қариб,
Озор берган душмандан бориб,
Ўч олишга қолмади мадор,
Саройингда талай хизматкор.
Қўйгил мени — олиб кетай бош!
Ёт Литвага яқин ва гутуш,
Днепрнинг бўйида тикан —
Босиб ётган уйим бор улкан.
Бунда қолсам бирор йил яна,
У бўлади тамом вайрона.
Днепрга мен таъзим қилай...
Қўй, туғилган жойимда ўлай!»

Эски уйин бориб кўрди у.
Хоналари нурсиз, қоронғу,
Олтин-кумуш билан беади,
Бурчакларга хочлар тузади,
Ялтирайди инжу ва олмос,
Нақшларга бой гўзалликка хос,
Ипак гулли ранго-ранг гилам

Уй сатҳида товланар кўркам.
Шоҳона шу тухфадан ортиқ —
Еш қизи бор — илоҳий тортиқ;
Шу қизини ўйларди тун-кун,
Кўз олдида улғайди дуркун,
Дўндиққина, пок, қувноқ чеҳра,
Ўтмиш кундан жонли хотира,
Истикболин гули! Шундайин
Харобазор ичра ёш қайин
Ўсарди гоҳ — гуж япроқлари
Шивирларкан, ўша чоқлари
Қабр тоши — сокин теvarак
Жонланарди у билан андак!..

.

Далаларни босган тун — зулмат,
Бояриннинг уйида фақат
Бир дераза нур сочар, гўё
Юлдуз боқар булутлар аро,
Шарақлади эшик тамбаси,
Ўувилларди ҳовли юзаси.
Эшикларни кечириб кўздан,
Бир тўп калит шилдираб, тездан
Дарвозага келди қоровул,
Ва осмонга назар солди ул:
«Эртага зўр момақалдироқ
Бўлуր!— деди соч-соқоли оқ
Чол чўқиниб,— кўз ташла атай.
Чақмоқ чақиб ерга ургундай,
Хира ой ҳам монах мисоли,
Қора булут ичра жамоли,
Ва ўкирар шамол йиртқичдак.
Хатто олтин сочса ҳам лак-лак,

Отхонадан яхши от олиб,
Менга берса эгарин солиб,
Йўқ! Кетмайман бу ердан узоқ,
Ўз отам ҳам чорласа шу чоқ!»
Шундай фикру хаёлга толиб,
Уйи томон кетди йўталиб.
Олислардан эшитилар гоҳо
Шода калит жаранги танҳо,
Атроф яна жимжит ва зулмат,
Бир дарчадан нур тушар фақат,

Барча ухлар ва ёлғиз, бедор,
Бу даргоҳнинг ҳокими, ҳушёр,
Ҳордиғини чиқариб тунда,
Оромгоҳда парқуд ўринда.
Кўз олдида ярми ёнган шам
Читирларди, яллиғи ҳам кам.
Ҳар бир жиҳоз нурланар эди,
Ғира-шира турланар эди.
Тепасида осиглиқ сурат,
Заррин нақши, кўзлари ғоят
Жонланади, ташлайди назар,—
Бу қарашлар нимага ўхшар?
Барча тирик, ўлик кўздан у
Маъносиз ва солади қўрқув!
Бояринни қийнайди гусса,
Вақт жуда кеч. Нарёқда эса
Дарё оқар, бўронли ёмғир
Деразага шиддат-ла урур.
Қуюқ соя босди гўшани,
Ажаб қўрқув олди Оршани!
Қариб қолган бўлса ҳам, татар,
Полякларга қарши кўп сафар

Жангга жирган, тинглаган подшо
Даҳшат билан қилганда нидо,
Кўнгилсиз пайт дуч келиб ўзи,
Кўзларига тушгандир кўзи:
Дадил руҳи асло шошмаган,
Кулфатда ҳам ҳеч бўшашмаган,
Аммо шунда аста қичқирди,
Севикли қул — Соколи кирди.

Орша деди: «Кўнглим жуда ғаш,
Оғир ўйлар босмоқда яккаш,
Яқинроқ кел, курсига ўтир,
Сўзинг билан жонга оро кир...
Майли, бошла бирорта эртас,
Ўтмиш олтин кунлардан андак.
Мен ҳам уни эсга олайин,
Қулоқ солиб, ухлаб қолайин...

Ва курсига Сокол ўтирди,
Сўз деганни шундай келтирди:

«Ўтган экан қадим замонда,
Алла қайси олис томонда
Буюк, машҳур, донишманд подшо,
Ким кўрибди ҳозиргача то
Унга мансуб тахт-салтанатни,
Дабдабали молу давлатни,
Қизи бўйга етгунча роҳат,
Хушнуд жунлар кўрибди фақат.

«У шоҳ экан дармонсиз ва чол,
Қизи нозик бир соҳибжамол!
Уни ноёб бир олмоссимон
Йигит кўздан тутаркан пинҳон.

Маликани кўрар экан кун,
Ва фақат бир қоп-қоронғу тун,
Ёлғиз майин шаббада эса
Олаларкан гўзалдан бўса.

«Ҳар кун уч бор подшо ўз қизин
Бориб кўрар экан юлдузин.
Аммо бирдан тим қоронғида
Кўрмоқ бўлмиш қизин уйқуда.
Қўлга кумуш калитни олиб,
Ипак этик ечиглиқ қолиб,
Минорага келди қоқ тунда,
Соҳибжамол малика шунда...

«Кириб боқса, уй ичи сокин,
Қиз уйқуда, ёлғиз-мас локин;
Кўзи тушиб ғазабланди чол,
Кўксига бош қўйиб бемалол
Ётган йигит ўз отбоқари.
Буюрди у: кўк денгиз сари
Иргитилсин ҳар иккови ҳам,
Бир бочкага жойлаб мустаҳкам...»

Қул лабида сирли бир маъно
Юз бергандай ўшанда гўё,
Бирданига ёнди табассум,
Кейин эса, кўзларин бир зум
Кўкка тикди, «уҳ» тортди бирпас.
Қўл силтаб у деди: «Сокол, бас!—
Бошқа бир вақт қиларсан — бадном,
Шўрлик ота эртагин тамом!»

Чол ажини узра оқ булут
Соясидек худди шу минут

Қора ўйлар акси мавж урди,
Яқин кунлар ғуссасин кўрди
Серташвиш, зўр идрок ўша он.
Умр кўрди: дунё ва инсон
Аён бўлди, ёвузликка у
Ажабланмас, яхшиликка-ку
Ишонмайди, анчадан буён,
Ишонмайди, чунки бир замон
Ҳар нарсага у ишонарди,
Фақат ишонч билан ёнарди!

Унда қўзғаб қолди куч-мажол,
Оромгоҳдан ирғиб турди чол,
Елкасига ташлаб савсари —
Пўстинини, қиз кўшки сари
Шошилади — қадами илдам,
Липиллайди қўлидаги шам.
Тик зинага оёқ қўяркан,
Ғижирлайди пояси бирдан —
Ва қўлида шам чору ночор
Тушиб кетай деди икки бор.

Энагани уйнинг бурчида —
Кўрди, эски сандиқ учида
Ўтирарди, ухларди қотиб,
Баъзи-баъзи бошин чайқатиб.
Унга бир дам тикди кўзини,
Шак-шубҳалар қуршаб ўзини
Ва нарига ўтиб кетди чол,
Кампир очди кўзларин дарҳол,
Ва ўша он чўқиниб олди,
Яна чуқур уйқуга толди,
Ўз ўйи-ла бўлиб кўп машғул,
Бошин чайқаб қўяр эди ул.

Ўз қизининг кўзлаб эшигин,
Остонада турар боярин,
Қулфга қулоқ тутиб кўради,
Ва ўзича хаёл суради.
«Йўқ! Қизим пок, иффати омон,
Сенга Сокол, қулвачча, илон,
Шартта найранг, бир имонг учун
Кўрсатаман жазонинг кучин!»
Бироқ бирдан.— О, иснод, қайғу!
Шивирлашни эшитади у!..

1-т о в у ш

Оҳ, сабр қил! Арсений бирпас!
Сен ўзгасан, кечаги эмас,
Кунин менсиз — мен-ла бир нафас.

2-т о в у ш

Йиглама, қўй... юпан!.. эрта кун —
Ҳеч гап бўлмас дунё биз учун.
Яқин юртда, ёт бўлса ҳам у,
Бахт топамиз иккимиз мангу.
Сен ҳам шундай қоронғу тунда
Қул йигитни қучмассан унда.
Эсингдадир, бир монах мени
Олиб келган ва отанг сенинг
Унга берган мен учун ҳамён.
Танҳо, ўйчан ўшандан буён
Эркисизликда чекаман ғусса,
Аммо майин овозинг эса,
Ва париваш кўзларинг сенинг
Занжирлаган зиндонга мени,

Ўз юртимни бўлдим тарк этмоқ,
Сен-ла мангу қоламан бироқ!..
Ва бегона ўрмондан даррсов
Абжир дўстлар топдим қўрқмас, дов,
Пўлат каби маҳкам,— улар-чун
Эзгу эмас инсоний қонун,
Уруш — жаннат, тинчлик — жаҳаннам,
Жонни бердим уларга мен ҳам!
Бадавлатман сен-ла, бекўст-кам!..

Сўнгра бирдан товушлар тинди.
Орша эса эшитар, энди
Ўпич сасин... Кетма-кет яна...
Жони чиқиб эшикни мана
Қўли билан итарди дарҳол,
Ҳам гангиган, ҳам тилсиз, беҳол
Ўзин билмай ичкари кирди,
Икки рангсиз гавдани кўрди...

Тисарилди ортга боярин,
Қизга тикди ёвуз кўзларин,
Кўзлар кўзга тушди ўша он
Изтиробли, даҳшатли сурон —
Тарқалди-ю, тинчланди бир дам.
Бу фарёдни эшитган одам
Ўз-ўзича ўйларди шундай,
Ё, тўғриси, сўйларди шундай:
Бир кўкракдан шу хилда садо
Икки марта чиқмас мутлақо!
Гуп этди-ю гиламга дарҳол
Кўпдан жонсиз мурда бамисол,
Алланима бирдан йиқилди,
Орша эса бир имо қилди,

Итоаткор қуллар галаси
Етиб келди шўшиб ҳаммаси.
Уринмасдан, бежангу жадал,
Қул йигитни қилдилар қамал.
Жим турарди, этмасдан қимир,
Баданини илондек чилвир
Ўраб олган жуда мустаҳкам,
Қоплагандай совуқ жаҳаннам,
Ғусса, ташвиш, уятдан юрак
Қаттиқ-қаттиқ урарди бешак.

Йигит олиб кетилган чоғда,
Оёқ товуши тингач йироқда,
Сокол қолди у билан шу он,
Орша келди эшикка томон,
Сўнгги марта қизга боқди у,
На оҳ тортди, на чекди қайғу
Занглаб қолган қулфни уч марта
Калит солиб буради шартта...
Калит қўлда титрарди... лекин. .
Деразани сўнг очди секин:
Бутун осмон эди тимқора,
Ойнадан паст қоялар ора,
Қутуларди Днепр нотинч,
Ва эшикнинг калитин шу кеч
Тўлқинларнинг бағрига мангу
Улоқтирди ўз қўли-ла у.
Уша машъум калитни аста
Совуқ дарё ютди бирпасда.

Ўз тақдирин ўзи этиб ҳал,
Содиқ қулга Орша шу маҳал
Тўлқинларни қилди бир имо,
Жавоб олди таъзим-ла бажо..

Бирор соат ўтар ва ўтмас
Уйда барча уйқу билан масг,
Мизғимасди ёлғиз ҳукмдор,
Қовоғидан ёғар эди қор.

II Б О Б

The rest thou dost already know,
And ael my sins, and half my woe,
But talk no more of penitence...

В у г о н*

Монастирда қайнар халойиқ;
Табаррук уй, эшиклар лиқ-лиқ
Боярларнинг қуллари турар,
Мис найзалар қўлда ялтирар.
Телпаклари қош узра тушган,
Четларига қундуз туташган.
Камарларда ноёб-бебаҳо
Ханжар қини этади жило.
Ёш жиловдор улар оралаб,
Бояр отин ёлини тараб,
Ўнг қўли-ла ушлаб турарди,
Ўзангиси ёнга урарди —
Жиринг-жиринг чиқариб овоз.
Алвон тусли ёпиқ чавандоз —
Оёғидан қирилган ва чанг.
Қуюқ ёлин ўйнатиб, кулранг

* Қолган ишнинг барин биласан ўзинг,
Қисман гуссамни ҳам, гуноҳимни ҳам,
Тавба қилишликдан менга гапирма.
Б а й р о н.

Арғумоқ кўп ботарди терга,
Туёқларин урарди ерга,
Сўлигини чайнади узоқ,
Илк қор каби кўпиклари оқ,
Топтоза ва енгил жўшарди,
Тупроқларга учиб тушарди.

Мана, тамом бўлди ибодат,
Қўнғироқлар янгради беҳад;
Эшитилар куйланган дуо,
Липиллайди эшиклар аро
Қатор-қатор ўрнатилган шам.
Игумен-ла қадам-бақадам
Монахлар ҳам чиқди зинага,
Йўл олишди таомхонага,
Уша ерда табаррук ота
Гуноҳкорнинг устидан шартта
Чиқарилган даҳшатли ҳукмин
Қироат-ла ўқирди вазмин.

Таомхона жимжит, бемалол,
Девор ёқда йиккита стол,
Ва серҳашам курсилар сўлим,
Монах қўли ишлаган буюм;
Кимхоб мато ялт-ялт товланур,
Деразадан кундуз кунги нур
Оппоқ бир йўл сингари тушиб,
Ойналарда учқундай учиб
Уйнар эди гиштин пол узра.
Эшикларнинг гардиши ичра
Авлиёлар сурати порлар,
Нозик нақшлар билан деворлар
Безатилган санъаткорона.
Пастак, вазмин шифтларга, мана.

Билганича монахлар ўзи
Гуллар солган толиқиб кўзи...
Афсус кетган бу 'шўрли меҳнат!
Санъатга хос қайғули қисмат.—
Банд айлаган илоҳий онни,
Муқаддас иш, эзгу армонни!

Стол олди юмшоқ курсида
Ҳаракатсиз, сукут ичида
Ўтирарди Орша ва баъзан
Оппоқ мўйлов — соқоли бирдан
Кумуш каби ярқираб кетар.
Унда шуъла ўйин касб этар,
Баъзан чолнинг жингалак сочи
Нотинч, дайди шабададан-чи
Енгилгина тўзғиб қоларди.
Эшикка у назар соларди,
Гусса тўла кўзлари бежо.
Сабр тугаб, тутатиб, гоҳо
Қўли билан столни урар.

Зал бурчида Арсений турар
Чол юзига ўгирилиб терс,—
Бир устуннинг ёнида ёлғиз,
Кишанланган, банди қилинган,
Қул либоси устга илинган.
Унинг гунча юзида, аммо
Сезмасдингиз бирор муаммо:
На ҳаётдан жудо бўлар он,
Ваҳимада ташвиш чекиб жон
Қийнайдиган ҳисдан бир нишон.
Ўз душмани билан рўбару
Келиб, шундай совуқ, бетуйғу,
Жиддий чехра туфайли тамом —

Олмоқчими ундан интиқом?
Ёки шу пайт бейхтиёр у,
Чуқур ўйга ботдими мангу,
Ўзин сезиб ортиқча бир жон,
Яшаса ҳам анчадан буён?..
Деразадан қаради, осмон
Мовий бўлиб кўринди кўзга:
Гўзаллиги жазб этди ўзга,
Оппоқ, енгил булут пағаси,
Кўк юзининг кумуш кўрпаси
Бешик-бешик сузиб ўтарди,
Қояларга соя чўкарди.
Ва у қўрқиб қолди: дераза —
Қаршисида чарх уриб тоза
Парвоз этар эди қалдирғоч,
Гоҳ паст учиб, гоҳ солиб қийғоч,
Кунгира тош сари талпинар,
Салқин кавак ичра беркинар.
Гоҳ ўқ каби осмонга учар,
Алангали нурларни қучар...
Табиат-ла иноқ ягона,
Эҳтиросга ҳали бегона —
Яшаган у кунларни эслаб,
Бир уҳ тортди нафасин ростлаб,
Хира кўзлар ялт этди шу чоқ,
Бу — кўз ёши эмасди бироқ;
Йигит шундай қилди табассум,
Табассумдан истеҳзо маълум!

Бирдан қадам шарпаси келди,
Ғала-ғовур товуш эшитилди,
Ғижирлади очилган эшик...
Ана улар! — кириб келди тик! —
Бир тўп одам, қопқора узун

Кулоҳлари бошларда бутун,
Қўлларида узун-узун шам,
Оғир ридо қаддин қилиб ҳам,
Кўзи ожиз Игумен ота —
Олдда борар. У бирор марта
Кўрмагандир ёруғ дунёни,
На осмонни, на бир зиёни.
Шундай яшар қирқ йилдан буён,
Аммо ақли етук, навқирон,
Бундан қирқ йил аввалги гўё!
Келар эди қўлида асо,
Хочни тикка ушлаганча у.
Хочнинг усти олмос ва инжу,
Ҳассаси ҳам фил суягидан,
Оппоқ, худди ўз иягидан
Ўсиб тушган соқоли янглиғ,
Иккисида бир хил оппоқлиғ.

Чўқинди-ю ўтирди секин
Тилга олиб, бир монах исмин,
Тутқун олиб келинсин, деди,
Монах эса даҳшатли эди,
Мудҳиш кўринарди юзлари,
Совуқ боқар эди кўзлари.
Сўнг Игумен икки букулиб,
Бояринга айтди бир кулиб,
Икки оғиз сўз қулоғига,
Бу маслаҳат ё сўроғига
Боярин бош чайқади дарҳол
Қўл силкитди кўзи ожиз чол!
Ва имони тушуниб шу кез
Монах тайёр калимани тез
Китоб каби шаррос ўқиди,
Жиноятчи учун тўқиди:

«Эй бетайин, ақлсиз ўғлон!
Йўлдан уриб эҳтирос, шайтон,
Сени бузуқ йўлга солибди,
Умринг хавфда, тугаб қолибди.
Гуноҳинг кўп, баридан бироқ
Энг сўнггиси яна ёмонроқ.
Афв этилмас у бу дунёда,
Лекин ўзга суд бор самода.
У ҳаммага раҳмдил, паноҳ.
Қилмишингни айтгил, биз гувоҳ!»

А р с е н и й

Сен тавбамни эшитиш учун
Хўп келибсан! Ташаккур бутун.
Тушунмайман, фикрингиз мубҳам?
Қилмишимни мен айтмасам ҳам,
Ўзинг яхши билишинг даркор,
Қалбни қилиб бўлурми изҳор?
Шу кўксимни тилка-ю пора —
Этсам агар топиб бир чора,
Унда ўқий олмаслигинг рост,
Мени ёвуз деган бир асос!
Монастирга хос сизнинг қонун,—
У илоҳий бўлса ҳам бутун,
Бу юракда бор ўзга ҳавас,
Сизникидан кўра муқаддас.
Мени фақат оқлай олар шу,
Қалбим учун ҳукмрон мангу!
Менинг жулдур либосим аро
Заҳар-заққум ўтмаганда то
Юрагимга етказиб озор,
Бўлар эдим шунда гуноҳкор.
Аммо тақдир ҳаммага ҳам бир:

Қул либоси бўлган билан кир,
Йигит умрим навқирон, бардам,
Бошқалардай одамман мен ҳам.
Сен ҳам, сен ҳам кўзи ожиз чол.
У гўзал қиз, париваш жамол
Тушингда ҳам бўлса намоён,
Менга ҳавас қилишинг аён.
Эҳтимолки, жазаванг тутиб,
Ичган мудҳиш онтни унутиб,
Сен ҳам шундай қилардинг гуноҳ,
Бир сўз деса, ташласа нигоҳ,
Эркаласа, мен чеккан азоб,
Иснодларга бериш учун тоб,
Рози бўлиб турардинг тайёр,
Ва санардинг ўзни бахтиёр.

О р ш а

Уни солма эсимга зинҳор,
Фойдаси йўқ; беҳуда-бекор...
Ўз кўксимда ўсибди илон,
Кеч бўлса ҳам, ўнгимда аён!
Менда тотган тузинг-чун аммо,
Инон, сенга берилар жазо.
Ўз қизимнинг юраги учун
Кўрсатаман қаҳримнинг кучин,
Кўрсатаман сенга, ҳароми,
Ланати қул, етимча номи!..

А р с е н и й

Сен ҳақлисан... Билмайман мутлоқ,
Туғилганман қаерда, қай чоқ!
Отам кимдир, тирикмикан у?
Билмайман ҳеч... гап юрар дув-дул:

Гўдакликдан монахга назр
Бўлганмишман, тоинки ҳозир
Чордевордир улғайган ерим,
Қалбим — бола, монах — тақдирим!
Ҳечким менга айтолган эмас
Ота-она деган муқаддас
Икки сўзни! Албатта, сен чол,
Истагансан, этгансан хаёл,
Бу номларни мангу тарк этсам,
Беҳуда, бу икки сўз ҳамдам —
Менга токи туғилган чоғдан.
Ўзгаларда кўрдим ҳар ёқдан,
Ватан, ҳовли, туғишган, дўст-ёр,
Ўзим учун топмадим бирор
Меҳрибон қалб тугул бир мазор.
Уларни мен бугун айтишни,
Ва жаллодга номин сотишни —
Истамайман, барча яхши иш
Қон ва иснод билан ювилмиш.
Яшагандек жон бераман, жон,
Сенинг ўша бир қулингсимон!..
Йўқ, қўрқитма, ота-бузруквор;
Нечун бизга қўрқишлик даркёр?
Иккимизни кутади қабр..
Бир кун олдин-кейин барибир!
Ҳечким бизга бўлолмас ҳоким,
Сен жаннатга, мен дўзаҳга ким —
Қайга борса, лекин бир ўлим!
Бутун умрим бўйи икки қур
Мен ўзимни сезаолдим ҳур.
Охиргиси ҳозир мана бу,
Биринчиси, сизникида ҳув,
Ўтган умрим — ибодат, дуо
Ва чанг босган китоблар аро

Хаёлимга келди бир замон,
Кўз югуртиб далалар томон,
Билмоқ бўлдим, кўркамми тупроқ,
Билмоқ бўлдим, биз доим қамоқ
Ё эрклик-чун туғиламизми,
Ё туғилиб бўғиламизми?
Сизни, тунги даҳшатли бир чоқ,
Қўрқитганда момақалди роқ,
Тўпланишиб меҳроб олдида
Тиз чўкиб сиз қилганда сажда,
Машъум чақмоқ сочганда ёғду,
Девор ошдим, гарчанд у эзгу.
Улоқтириб қўрқув, ридони,
Тун ҳақиға ўқиб дуони,
Дунё ғусса, ғамин унутдим,
Ва бўронни оға деб тутдим,
Жўшқин шодлик мени этиб банд
Олиб кетса, бўлардим хурсанд.
Булутларга отдим нигоҳни,
Қўлим билан тутдим чақмоқни!
Эй, чол! Бўрон сингари юрак —
Билан ўша тунги гулдурак —
Ўртасида юз берган қисқа,
Аммо бирдам шу иноқликка
Эваз учун берардинг не ҳам,
Ўша девор ора ўша дам?..

И г у м е н

Орзуларинг бизга не даркор?
Бу учун сен келмадинг зинҳор!
Сенинг айбинг бошқадир мутлақ,
Қонун шуни ҳал этмоқчи ҳақ.
Тун яширган ёвуз, бевиждон,

Мудҳиш ишин ювган қора қон,
Дўстларингни бизга ошкор қил.
Улар билан бириктириб тил,
Қизни олиб кетмоқ бўлибсан,
Уни бахтсиз этмоқ бўлибсан.

А р с е н и й

Номларинми айтай? Бузруквор,
Улганда ҳам айтмайман зинҳор.
Йўқ, демайман уларни ҳеч бир,
Хиёнатсиз, сир сақлайман, сир,
Икки дўстдек иккимиз бирга
Киргунгача то қора ерга.
Куйдирсанг ҳам, урсанг ҳам такрор,
Ҳеч нарсага бўлмайман иқрор.
Агар бўлиб, бирор кори ҳол
Мендан товуш чиқса... шунда чол,
Суғураман тилимни дарҳол!

М о н а х

Ужарликдан ҳазар қил, тентак!
Умринг калта. Бу нега керак?
Сирни бизга тезроқ эт ошкор,
У дунёда дўзаҳ, жаннат бор,
Бирисида бўлурсан мангу!

А р с е н и й

Эшит, кўзга илиниб уйқу —
Бир туш кўрдим зиндонда кеча.
Қулоқ солдим, яқинлар пича.

Кўпдан таниш, муътабар садо,
Ёрқин нигоҳ кўраман гўё...
Қоронғуда уйғондим: рўё,
Қидираман ўша кўзларни,
Менинг учун азиз сўзларни...
Кўкрагимга жо бўлмиш, ҳайҳот!
Менга бўлиб туриш учун ёд
Қалбда муҳр каби ҳарқачон,
Ҳам ўртайди, ҳам бахш этар жон,
Менга дўзаҳ ва жаннатсимон!
Уларни бир эслашга эса,
Умр етмас, мангулик — лаҳза!

И г у м е н

Шаккок, осий, тийгил ўзингни,
Сиғин, ерга ургил юзингни,
Кўнглингга бир эзгу ҳаё сол...
Жуда ёмон сендаги хаёл,
Тангри ўзи беради жазо!
Сиғин унга...

А р с е н и й

Заҳмат бебаҳо!
Жонингни шу соҳиби қудрат
Олади деб айтмагил фақат.
Эй отахон, ҳамма ҳам инсон,
Майли ўлай... Аммо ҳечқачон
Бу чўзмайди улар ҳаётин
Ва келажак кунларим — локин,
Узайтирмас умрини асло
Ноҳақ қонли берилган жазо.

Кўпдан мажруҳ уларнинг жонин
Телба йигит покиза қони
Илитмайди бериб ҳарорат;
Бутсиз, тошсиз бир ғариб лаҳат,
Улар умри қанча муқаддас —
Кўринса ҳам, зина бўлолмас
Мажоли йўқ оёқлар учун,
Фалак сари чиқишга бир кун.
Инон, бахтсиз руҳим ҳам маъво
Эшигини очмас мутлақо!
Қўрқитмайди мени жаҳаннам,
Дейдиларки, унда ташвиш, гам
Ухлар совуқ сукутда абад,
Ҳаёт билан ажралиш фақат —
Аянчлидир! Мен ёш-навқирон
Биласанми? Не ёшлик, армон?
Ё билмайсан? Унутгансан е
Ишқ-муҳаббат, нафратдир гўё?
Қуёш, водий яшаган палла,
Қалб ургандек гурс-гурс, баралла,
Кўп вақт ўтиб, дарз кетган девор.
Салқингина соф ҳавоси бор
Бурчакдаги юксак минора —
Устидами тополмай чора,
Гулдуракдан қўрқиб нақадар,
Жон ҳовучлаб турар бир каптар,—
Аллақайси юртнинг фарзанди?
Гўзал дунё сен учун энди
Завқ бермайди... кўрсан ва қари,
Эҳтиросдан кетгансан нари...
Умр кўрдинг, муҳтожлик нечун?
Дунёни тарк этишинг мумкин,
Сен яшадинг бекам-кўст ҳар дам,
Шундай яшай олардим мен ҳам!..

Бироқ шунда Игумен турди,
Бир гап билан оғзига урди.
Теваракда барча газабнок,
Тақдирига бўйсунмас, шаккок,
Мағрур руҳдан, мағрур сиймодан.
Эшитилди шов-шув орадан,
«Қийноқ» сўзи лаблардан учди,
Бир жойдан тез бир жойга кўчди.
Аммо тутқун эди барқарор,
Ҳиссиз, лоқайд ва безътибор —
Худди қумга, учириб бўрон,
Чўккан, пачақ бир қайиқсимон —
Эшкакчисиз, эшкаксиз локин
Тўлқинларни кутарди сокин.

. . . .
. . . .
. . . .

...Тонг отмоқда. Далалар жимжит...
Днепрнинг устида яхлит
Зар ҳошияли парда сингари
Қуюқ туман юрар сарсари.
Тоғ сиртига ёйилган ўрмон
Тилсиз боқар дарёга томон,
Туман аро қорайиброқ сал.
Бир тўп булут чиқар шу маҳал
Чексиз қалин ўрмон кетидан.
Булутдан сўнг, қуёш ўтидан
Ловуллайди қирмизи тонг ҳам.
Монастирнинг бутлари кўркам,
Ярқирайди; юксак минора
Девор, қопқа узра тобора
Жувон умр бахтидай порлоқ

Гўзал, жонли, пок ва ярқироқ
Олтин нурлар ўйнарди узоқ.

Қўнғироқлар берган мунгли сас
Монахларни йиғди шу нафас.
Устун аро қандиллар шинам
Тутар эди, янграрди хор ҳам...
Чопиб кирди черковга қарол,
Игуменга пичирлаб дарҳол,
Бир нималар гапирди тез-тез,
Игумен бир сесканиб, шу кез
Деди: «Қайда экан хазначи?
Югур тезроқ, ундан сўра-чи,
Калитлари бари бутмикин?»
Ва хазначи чиқиб меҳробдан,
Нима гап, деб ранги оқариб,
Қўрққанидан қалтираб бориб,
Деди: «Барча калит ёнимда,
Ҳеч бир гуноҳ йўқдир жонимда!»
Ва монахлар зир югуришди,
Тўрт томонга елиб кўришди.
Чўнг гумбаздан чиқди акс-садо:
Қочди! Ким у? Қандай қочди, о?
Эзгу уйда, бу оддий жумбоқ,
Яшовчига бўлиб бир қийноқ,
Монастирнинг турмаси сари
Бирин-кетин боришди бари!

Қарасалар келиб, тор дарча —
Панжараси қирқилган пича,
Ҳандақдаги қумлар топтолган,
Турли оёқ излари қолган.
Ўткир тигли бир пўлат ханжар —
Унутилиб, қум узра ётар.

Ва полякча шойн бир белбоғ
Хўп буралган, йиртилган озроқ,
Деразанинг ёнидаги бир —
Қайинга у боғланган чандир.

Қидиришиб борди изма-из:
Днепрга яқинлашди тез,
Пайқаш мумкин, қайиқ кечган он
Қум устида қолмиш бир нишон.
Берироқда, қамишзор кўлмак —
Сувда ўша белбоғдан бўлак
Осилганча, елда учарди,
Бир учи-ла сувни қучарди.

«Қочган! Аммо ким берган ёрдам?
Тангри эмас, албатта, одам!
Ошналарин қайдан топди у?
Ёвуз экан, бу чиқди тўғри!»
Тўпланишиб монахлар шундоқ
Гаплашишди ўзаро узоқ.

III БОБ

"Tis he!" — tis he! Rnow him noir:
I Rnow him by his pallid brow...
В у г о н*.

Қиш! Муз босган Днепр юзин,
Қор тагида тўнгалар ўзин
Кўрсатишар унниқиб, бари —

* Бу ўша! Бу ўша! Танидим энди;
Мен биламан, унинг рангсиз жамолин...
Б а й р о н.

Бадбашара арвоҳ сингари.
Тиниқ музлар ойнасида кун
Акс этади хира ва сўлғин.
Жарларни қор қоплаган оппоқ,
Фақат қуён тонг ёришар чоқ
Чуваланма излар солади,
Ўз инига кириб олади.—
Югургилаб, сакраб ҳар томон.
Қора тунда аҳён ва аҳён
Эшитилар итлар увлаши,
Оч бўрини пайқаб қувлаши,—
Хирмонни у айланиб қолса;
Агар дала сукутга толса,
Бўриларнинг оғир қадами,
Тишларининг ғижери, дами
Келар эди ҳатто узоқдан;
Чангалзорда, кеч кирган чоқдан
Юзлаб ёниқ кўзлар — шам чироқ,
Қоронғуда ўйнар ярқироқ...

Аммо қўрқмай қишки бўрондан,
Бир кун Орша сахармардондан
Буйруқ берди навкарларига,
Тўпланишлик учун барига:
Қилич чархлаб турилсин,— деди,
Отга эгар урилсин, деди;
Ҳар томонда овоза юрар,
Нотинч Литва ўшқирар, ҳурар.
Бир тўп гаддор ҳоким-ла бардам
Рус ерига қўймоқчи қадам.
Рус қўшини чоптириб чопар.
Теваракка етказиб хабар,
Боярларин ва навкарларин
Шонли жангга чорлади барин!

Орша отга миниб силкди қўл,
 Ҳамма ирғиб ўтирди бир йўл —
 От устига, янгротиб жанг-жунг,
 Бола-чақа чекар эди мунг
 Ва ҳар бири дарвозага тез
 Туғ кўтариб борди изма-из;
 Фақат Орша чўқинмай асло,
 Татар князь, мусулмон гўё —
 Яқинлашди дарвоза сари,
 Кўкда эмас эди назари.
 Аввало у ташлади нигоҳ
 Умр кўрган кўшкига ногоҳ.
 Ҳозир эса елларга макон.
 Тебратарди баъзида бўрон
 Калитсиз ва қулфсиз эшикни,
 Тебратгандай она бешикни!..

*

.

Нари кетди тумтарақай жанг
 Из қолдириб қонли, лаъли ранг...
 Ағдарилган тулпорлардан то
 Қилич, найза синиғи аро
 Отлиқ кезиб юрарди шу он,
 Гоҳ тимқора от ёли томон
 Пастга қараб бошин эгарди,
 Недир излаётган ўхшарди,
 Узангига гоҳ тирар оёқ...
 Ким у? Рус-мас! Поляк-мас, бироқ —
 Устидаги полякча кўйлак

Товланса ҳам тиниқ нуқрадак,
От сағрига урилиб нотинч
Янграса ҳам полякча қилич!
Думдумалоқ бугдойранг юзи,
Зулмат ва нур олишган кўзи
Ола-кула бўлиб ҳар сафар,
Ишонтира оларди, татар —
Қони жўшар қалбида эса...
Ўзи бўлса на ёш, на кекса.
Чеҳрасига тикилсанг, аммо
Хуснин тасвир этиш муаммо,
Лекин тетик, мангу хаёли
Ғамгин жило берган жамоли —
Кўнгилдаги яхши ва ёмон
Ниятларни бир ойнасимон
Акс этдирар эди ўзида,
Занжирбанддек ернинг юзида,
Бир уҳ тортиб дерди ҳар ким ҳам:
Яшашдан ҳам кўпроқ чеккан ғам.

Водийда бор эди бир қўргон.
Томир отган баҳайбат, йўгон.
Эман девдай кўтариб қомат
Шу қўргоннинг устида беҳад
Новдалардан тўқиб кенг чодир,
Салобат-ла турарди нодир.
Даҳшатли жанг шунда авж олди,
Шунда тинди. Таналар қолди —
Қиличларнинг зарбидан бежон,
Қора қонга беланди қўргон.
Қора қонга беланди қор ҳам,
Баъзи ерлар эриб шилта, нам;
Кекса эман пўстлоғи бутун
Жангда чопиб ташланди у кун,

Ва сачраган қоннинг асари
Жароҳатдан оққан сингари
Кўринарди унда арғувон...
Отлиқ кирди қўрғонга томон.
Сўнг отидан сакраб гушди-ю,
Ўз-ўзича шундай деди у:
«Мана бунда — ўликми-тирик
У ётади... Эман турар тик,—
Тисарилиб ёпишарди чол,
Қутурарди, чопишарди чол.
Бир дам кўрдим, беш қул билан у
Қуршалганча, қиларди жанг-жу,
Сенга, Литва, бу кекса калла,
Жуда қиммат тушди у палла!..
Олислардан оломон аро —
Шунда кўрдим қилич-ла расо
Қўли чиқиб тушганин уч бор,
Кўтарилган чоғида такрор,
Билагидан яна оқди қон.
Оқар эди бир дарёсимон...
Тўртинчи зарбни кутдим узоқ!
Майдондан у қочмади, бироқ
Қочолмасди истаганда ҳам!..
Эшитди у туйқусдан шу дам
Бир инграшни, одимлаб шоша
Яқинлашди, кўрди: «Бў ўша!»

Қонга ботган бошини ердан
Кўтарди-да, боярин бирдан,
Зўрғагина гапирди шуни:
«Мен ҳам сени танидим, сени!
На бир замон, на ўзга либос
Ўзгартади, жиноят асос —
Ёвуз назар, рангсиз манглайни.

Танияпман Арсеней, сени,
Мени тортган билан жаҳаннам,
Илгариги жилванг ҳали ҳам
Кўз олдимда бўлмиш намоён,
Унда заҳрин сочади илон.
Балки сенда бўлса ҳам истак,
Овозингни ўзгартиш андак,
Ёт элдаги товушлар аро
Товушингни танийман расо.
Ниятингни пайқадим бутун,
Бу ёқларга келгансан нечун.
Содиқ бўлган юртимдан аммо,
Энди кўзни узмайман асло,
Хоин поляк, сен истасанг ҳам —
Уқишликни ундан афсус, ғам,
Яқинлашган ўлим даҳшатин...
Умрим ҳеч гап эмасдир, лекин.
Афсусим шу, олмасдан қасос,
Ўлим менга юзланди беҳос;
Қилич учун етмайди дармон,
Қўл елкадан тирсаккача қон,
Бу ёвларнинг қора қони, боқ,
Сеникидан қатра йўқ бироқ!

— «Ўтганларни унутгил, эй чол!..

Сен кўксимга, мана, назар сол,
Сеникидай оқмаса ҳам қон,
Унда гусса гўёки илон!
Сен учун ўч олинган бир чоқ,
Фарқи нима — ким олган қандоқ!
Ёлвораман, ўз қизингни айт,
Тополаман қаердан, қай пайт?
Ёвузларнинг қиличларидан,
Ва уларнинг ўпичларидан

Қизни халос этиш-чун қасам —
Ичдим, душман ичра бўлсам ҳам!»—

— «Эски уйим сари илдам чоп,
Ўша ерда қизим, хабар топ,
Тун-кун емай-ичмай ва бедор,
Ер келишин кутар интизор!
Шошил... умрим тугар эрта кун,
Озор чеккан ота сиз учун
Мурда каби бўлиб кўринар,
Даҳшатларга тўлиб кўринар!..»
Сўзда давом этайин деса,
Айланмади бирдан тил эса,
Қўл-ла қилай деганда имо,
Бармоқлари қотди мутлақо.
Ўлим қора кўлка ташлади,
Манглайида кеза бошлади,
Юзи билан ерга ётди у,
Ва чўзилиб хириллади-ю,
Танасидан учиб кетди жон!

Ва Арсений борди чол томон,
Чангак қўлин ёзди ўша он,
Ва кўтарди ердан бошини.
Икки томчи тиниқ ёшини
Хира кўзлар оқизди беҳос,
Софликда у гўёки олмос.
Чехраси тинч ётарди, бутун
Ақлу ҳушдан ажралган ҳусн
Унда аён бўлиб турарди,
Ўлим каби сир кўринарди.

Йигит унинг бошида шу чоқ
Қараб қолди ачиниб узоқ,

Утганларни эслаб олди тин,
Кечирилмай — кечирди барин,
Ва Оршанинг кўксидан чунон
Эҳтиёт-ла авайлаб чакмон —
Тугмасини ечди оҳиста.
Эски, янги яра устида
Қонли излар кўринди чўзиқ,
Тилим-тилим униққан, бўғиқ,
Ва қўйганда юрагига қўл,
Мурда шунда қимирлаб бир йўл
Гўё берди мубҳам бир хабар
Ки жўшқин қалб бўлса ҳам бежон,
Эҳтиросдан тепарди ҳамон,
Бу кўзларнинг ғамгин нурлари
Учди ундан анча илгари!..

Қош қорайиб қолганда энди,
Арсений от устига минди.
Пўлат шпор билан биқинга
Ниқтаб-ниқтаб кетди олдинга,
Бир чопишда жангоҳдан узоқ —
Кетиб қолди.— Ортда кенг ўтлоқ
Қулоч отган: оппоқ қор юзи
Минг чироғдай порларди ўзи,
Кун қиялаб ботаётган он,—
Кўз олдида таниш бир ўрмон
Девор каби бўй чўзган кўкка,
Дарахтзорда борарди якка:
Ҳаммаёқ, жим, уйқу ҳар ёқда,
Баъзан фақат кишнаган чоқда
Шу орада юрган бир йўрга,
Дашт султони — баҳайбат қарға
Оқ тўнгакдан учиб қолади,
Бошқасига қўниб олади,

Ва тозалай бошлайди тагин
Шохга артиб қонли тумшугин.
Бўриларнинг тўдаси бари
Югуришиб жанг майдон сари
Олислардан увиллаб қолар,
Дашт сукути ичра йўқолар.
Йўл устида қайин, қарағай,
Турар эди ҳарир чодирдай,
Новдалари паҳмоқ, шокила,
Кўп вақт у қўл ё қалпоқ, ила
Тегиб ўтса шох-шаббага сал,
Тўкиларди юзга жумуш ҳал...
У отини елдириб кетди,
Ўйлар билан ўзин банд этди.
Чопишларга кўникмаган от
Азобланди... қорларга бот-бот
Мункиб борар эди... йўл мушкул!
Кўкси эса бугланди буткул,
Отлиқ шошар, йўқ унда бардош,
От биқини кўпик, қон талаш.
Аммо яқин қолди... мана уй
Днепрнинг қирғоғидан бўй —
Кўрсатмоқда, тоғлар ортидан
Девор, кулба, ҳовлилар бирдан
Мингашгандай бўлиб кўринар,
Таъзим билан кулиб кўринар.
Фақатгина боярин уйи
Хира, сокин бир арвоҳ кўйи...

Кенг ҳовлига йигит кирди тик.
Бўмбўш... гўё вабо ва очлик
Куни-кеча айш сурган. Бедов —
Отдан тушиб, у юрди яёв...
Ўйнаб турган болалар тўпи

Ўтли кўздан қўрқишиб бетни,
Ёт кийимда келган йигитни
Бўсағада учратиб бари,
Қичқиришиб қочишди нари...
Уйга кирди — кечаси сокин,
Пардалар берк, ғижирлар, локин,
Юрганда пол, эски токчалар —
Устидаги майда-чуйдалар.
Фақатгина совуқ кун нури —
Тешиклардан кирган ғур-ғури
Катта печнинг устида оппоқ —
Чизиқ тортиб ўйнарди бу чоқ!

Ва Арсений зинани кўрди,
Қоронғуда учди, югурди,
Юқорига чиқар бесабр,
Поя титрар остида дир-дир.
Кўзларига тушди нур, мана,
Рўпарада музлаган ойна:
Кўпдан бери очик турарди,
Тағларида қор кўринарди,
Тўпланилган уюм-уюм қор,
Эримасдан ётарди зинҳор.
Ҳайҳот! Менга бу жойлар ошно!
Чап томонда эшик — берк аммо,
Қон босгандек занглаган катта —
Бир қулф осиб қўйилган. Шартта —
Белбоғидан пичоқни олиб,
Қулфнинг калит жойига солиб,
Уни бузиб, этди чилпарчин...
Ва эшикни итариб секин,
Йигит қизнинг хонаси сари,
Ҳаяжон-ла кирди ичкари.

Қўллари чўзиб бетоқат
Ёр нигоҳин изларди фақат,
Ва оҳиста берарди салом,
Жавоб учун чиқмас бир калом!
Лекин, мана қизнинг тўшаги
Ғижимланган, худди кечаги,
Ё бир соат аввал ётгандай,
Бола каби хуррак отгандай.
Яқин бориб, қараб қолди ул,
Нозик оппоқ тўрларни буткул
Қорайтирган экан тўзон, кул.
Зарбоб парда атроф — гирдини
Босиб кетган ўргумчак ини.

Деразадан уйга олтин нур
Кун ботишда тушиб баҳазур,
Товланарди гулдор гиламда,
Арсений бош эгди шу дамда...
Аммо бирдан дод солиб қолди,
Тисарилди, тўлганиб олди,
Гўё босиб олгандек илон...
Эвоҳ! Энди бўларди шодмон,
Ҳаёл ёки нигоҳдан тезроқ
Унга заҳри қотил кирган чоқ!

Кўз ўнгида бўлди, оҳ, бу он
Бир уюм оқ суяк намоён
Ҳамда кўзсиз сариг бош чаноқ
Сўзсиз кулиб турарди бу чоқ.
Бир вақтлар шу қуюқ ва узун,
Оппоқ мрамор елкага ҳусн —
Қўшган сочи паришон қолмиш,
Суякларга ёпишиб олмиш...
Ишқ-муҳаббат ўти барқ урган,

Энг покиза қалб тепиб турган —
Жойда кўпдан озиқсиз бир жон,
Гўр соҳиби — қонхўр қурт сарсон!

.

«Мана, менинг севганим бутун
Совуқ, жонсиз бир қисм жуқун,
Ўпганимда куйдирарди у,
Энди уни беишқ, бетуйғу,
Тупроқ босар бағрига лоқайд.
Гўзал руҳи эндиги ҳар пайт,
Қабул этиб ўзгача ҳолат,
Арш-аълода учади фақат.
Менга худди таъна шу кези,
Бир лаҳзалик умрининг изи!
Хазон бўлди гулгун чоғида
Сирли азоб, ғам қучоғида,
Ё ташвишсиз бўлгандир адо,
Қачон, қандай? Билади худо!
Қизга ота эди-ю, бироқ —
Менга душман, шу суяк гувоҳ.
Ўлганида кетди бетобут.
Фақат ўзим этмадим унут!

«Ҳа, мен ёвуз, мен жинойткор,
Ўлимга тенг гуноҳимми бор?
Бу дунёда, у дунёда ҳам
Учрашмаймиз, бўлмаймиз ҳамдам...
Ҳижрон тушган илк мудҳиш соат
Бизга бўлиб қолди тоабад.
О, самовий куч билан маъво
Кўз олдимда бўлса муҳайё,
Онт ичаман, кирмасдан аввал
Эшигида қилардим савол:

Сўнган умид жаннатин сира
Топаманми парилар ичра?
Уни қайтиб бер менга, ёраб!
Қани энди у покиза лаб?
Бер жилвасин, нигоҳин, нозин,
Орзу каби тотли овозин
Кошкийди бир эшитсам фақат...
Усиз нима дунё ва жаннат?
Унинг битта жарангдор сўзи
Тангри билмас маъбаднинг ўзи!..
«Энди қолди менга битта йўл
Барибир ҳам эмасми ўнг-сўл,
Юрар бўлсам қай томон шу чоқ?
Бунда хоки, ўзимас бироқ!
Мен бу ердан кетаман абад
На бор меҳнат, на ўй, на мақсад,
Зулумотда ҳасратли ёлғиз,
Ва бўронда ўчар қолган из!..

1835—1836.

ДЕНГИЗЧИ

п а р ч а

O eh the glad unlers of the durk blue sia.
Our thoughts as boundless. and our sonls as free.
Far ās the breele can dear, tre billons fram,
Surwen our cmpire, and behold our home.

(*The Corsair*. L. Byron.)

Донгсиз уйда туғилган эдим,
Шимолий юрт кўки остида,
Эрта, жуда эрта тушгандим
Тўлқинларни енгмоқ қасдига!
Сўзламайман болалигимдан.
Берилганим эди океан,
У йилларда мисли зормонда,
Жасоратга биз тўлган онда
Фарқсиз эди бизга ер, денгиз,
Ўз уйимиз ё бегона уй;
Чунки шавқсиз биз куйлаган куй,

¹ Бизнинг еру сувимиз, бизнинг ватанимиз
Зангор денгизнинг қувноқ тўлқинларида,
Фикримиз денгиздай кенг, кўнглимиз денгиздай
эркин бўлган жойда,—

Бизни у ерга фақат шамол олиб кета оладиган
ва тўлқинлар кўпикланиб турган
жойдадир.

(*Корсар*, Л (орд) Б а й р о н).

Ғамни топтаб худди қул, каниз,
Эркин нафас олмоқлик учун
Буд-шудимиз берардик бутун.

Зиндонимда озодлигим ёр,
Ярим ҳаёт эса-да зиндон;
Қушларга хос бор анжом, тайёр:
Арқонлар-ла қурилган ошён!
Қўлларимга йиғиб дармонни,
Тутиб елкан ё ҳўл арқонни,
Ҳаво елиб тебранганим он
Сезар эдим ўзни паҳлавон;
Осмон, тўлқин ораси ерим,
Булутларга, пастга қарардим.
На қўрқар, на ҳадиксирардим,
Бор нарсага солиб назарим,
Юксакларга учардим! Шунда
Бахтли эдим, бахтли эдим, ҳа!

Беринг афзал бахтни бундан ҳам!
Ота-онам ташландисимон:
Зангор осмон бўлди бошпанам,
Кема бўлди мен учун ватан
У вақт ундан тушмасдим айри,
Ердан қўрқиб жишан сингари;
Дўстлар эди бесаноқ бесон
Улар бизга зичлашиб ҳар он,
Ортдан қувиб, оқиб бетайин,
Турткилашиб, бир-бирдан ўзиб,
Гўё бизга сув узра сузиб,
Юрмоқ учун қарши атайин;
Лекин фақат ҳазил эди бу,
Улар бизга бермасди қайғу.

Пайқаб улар ҳаракатларин,
Тушунардим сўзлаган гапга,
Иродали эди гаплари:
Гапларида эркалик, ўпка,
У сас эди ажиб, ёрқинроқ,
Шамол, ўрмон сасидан янгроқ!
Улар ҳар кеч истиқболимга
Келиб кимхоб кийган ҳолида
Кўринарди инсондай мағрур;
Сиғинардим мен мафтун, гўё
Улар денгиз устидан худо.
Шунда илк ҳис-туйғулар қурғур
Бундай янги хаёл қошида
Учардилар қолмай бошимдан!..
Жозибатор ва ажиб дунё,
Ўхшаши йўқ, лек жонли дунё,
Ҳам равшан, ҳам туманли дунё
Кўз олдимда бўлмиш муҳайё;
Жон бор эди ҳар не да: ҳатто
Булутларнинг сайрида маъно,
Денгиздаги ҳар битта тўлқин,
Танасида иссиқ жон, ёлқин;
Тентак йиллар эди у йиллар!
Лекин не ғам? Куйиб саҳрода
Нур қидириб, кезиб пиёда,
Ишқ жон излаб юрган кўп йўллар
Тажрибасиз одамлардан ҳам
Наҳотки мен кулгилик бўлсам?

Ҳислар маҳфий дард билан тўлиқ;
Йиғлар, кимки севгига ошно:
Барибир, ишқ тўлқиндами ё
Қалб аёлга бўлганми тортиқ!
Безакланиб оқ кўпиклар-ла,

Гўё кумуш, зар попуклар-ла,
Йўл босади виқорли тўлқин,
Хизматкорлар ўраб атрофин;
Худди шундай етилган қиз ҳам
Қуллар аро юрар сервиқор,
Улар этса дардини ошкор,
Қулоқ солмас, туюлар мубҳам!
Аммо қизлар хилватда сўлар,
Тўлқинлар-чи, куч билан тўлар.

Севгувчиман улар эркини!
Бажонидил севардим ҳар дам
Юришларин, билмай чекини,
Юришларки, бошсиз бетўхтам;
Севгувчиман кун ботган маҳал
Тўлқин ёли бўлганин зарҳал,
Севганим бу беҳуда сурон,
Бекор, беўй ҳаётдан нишон,
Бир ҳаётки, бегўр, беватан,
Ҳам лаззатсиз, ҳамда беташвиш;
Севганим бу бир хилда товуш,
Ва ниҳоят бекор сарфланган
Бир қудратки, кучсизни яксон
Этмоқ учун уринар ҳар он!

Хуш кўраман шивирлашларин
Ювиб учар кема қошини;
Ёвуз, қайсар шовуллашларин,
Шу чоқ қоя эгиб бошини,
Писанд қилмай уларнинг ишин
На эътибор, на дўқ қилишин;
Хуш кўраман, сукут, хуружин
Ҳам уларнинг мангу урушин
Ўзга офат, булутлар билан,

Ёмғир , довул, билан! Неча бор
Хавфли соат бўлиб создор
Бошимизда ажал айланган —
Чоқда қўрқиб, қилиб ибодат.
Уммонимга тилардим мадад!

ОЛЕГ

I

1

Маъжусийлар зулматгоҳида
Унутилган у қадим замон
Ёндирилиб, жон илоҳига
Ҳадя бўлмиш бир қонли қурбон
Унда ўсган қоматдор эман
Кўҳналик-ла табаррук экан.
Тек турган бу ўрмон султони
Манглайи-ла ўпган осмонни.
Шоҳларида осиглиқ экан
Совутлару, қилич, қалқонлар,
Бутазорлар, ўлган инсонлар
Атрофида ёнган, тутаган...
Лада куйи лоақал бир бор
Бу томонга етмаган зинҳор!..

2

Эътиқоднинг илиқ ҳисси-ла
Қўйилган бут-сояда нурдай,

Бўёқлари унинг устидан
Кўчиб тушган кучли ёмғирда
Ўрмон ўсган узоқ кенгликлар,
Забт этилмас тик баландликлар
Ҳам қоялар қуюуқ туманда,
Пишқираркан Волхов бир ёнда.
Ёт келгинди бериб ихтиёр,
Бу ерларга кўниккан у он,
Бу ерларни демагил ёмон:
Бу ер эди илҳом учун ёр!..
Бунда шамол скальдларин ҳам
Дадил саси янграган ҳар дам...

II

Тўлқин тинди кўлнинг устида
Туман аро қоялар жимжит,
Қийқиришар бир тўда бургут,
Акс этишиб кўл кўзгусида.
Бунда қайиқ кўпдандир хумор
Кар тўлқиннинг алла сасига,
Ҳалқасимон яшил дарахтзор
Доим яшнаб айланасида,
Тоғ ортида шовлар пурвиқор.

Кўпдан на ит, на отлиқ бардам
Бу ўлкага қўйгандир қадам.
Бу атрофда яшовчи ҳайвон
Тинчиб қолган ов шовқинидан.
Аммо ким у кўл соҳилида,
Сиғинай деб келганми инсон?..
Дилида не ният не ихлос?
Қилич, қалқон ва ўқ-ёйи бор.

Қўлида бор ажнабийга хос
Ярқираган пўлатдан шашвор...
Эҳтиётлаб қизил чакмонин
Ерга ечди кўз узмай кўлдан,
Шунда шамол қўнғироқ сочин
Ўйнай кетди эсиб ўнг-сўлдан.
Менинг қиссам қаҳрамонида
Ўтган кунлар қисқа онидан
Нишона бор, йўқ таассурот,
На лаззат бор, на бир ҳиссиёт,
Бир нишона йўқ ҳаяжондан.

Кўпикланган қирғоқ узра у
Сўзлай кетди кўл худосига:
«Келдим тагин Стрибоғ, сенга:
Олегни ҳеч унутмабсан-ку.
У келтирган ёвларни бежон,
Хавфли босқин, тўполонлар-ла.
У сени деб тўккан эди қон.
Печенегни қақшатган ўғлон
Яна юрар шу ўрмонларда.
Бизлар у кун айрилишган он —
Каби яна бўлган намоён!»

Тўлқинланди сув, шовқин, сурон:
Орта бориб қўрғошин тўлқин,
Булутлик кун тургандай бўрон,
Кўпик босди қоялар бетин.
Пайдо бўлди тумандан устин...

Ўзгартириб аста ўз тусин,
Равшанлашди, Стрибоғ бирдан
Чиқиб келди туман бағридан.
Очиқ эди кўзлари қийғоч,

Кўтарганди нам қўлин баланд,
Хўл сочлари чолнинг яланғоч —
Елкаларин этган эди банд.

III

Аҳ, бўлганди жангу-жадаллар,
Қон тўкилиб бу азиз ерга.
Қайда улар? Кетди у йиллар.
Қаҳрамонлар шони-ла бирга.
Ботирларнинг руҳларин бироқ
Кўрган эдим, сўзлари янгроқ.
Булутлик кун турганда бўрон,
Қўзғалганда сувларда тўфон,
Гирдибадлар кўтариб тўзон,
Қир ўтларин сийпалаган он,
Улар бўлиб ола аломон,
Булутларда учар сарсари.
Ҳар бирининг қўлида қалқон,
Таниш довул берар тасалли,
Кўкда туриб занжирдай қатор,
Шиддат билан бошлашади жанг
Кўрдим, улар қалби ярадор,
Улар билан бўлдим ҳамоҳанг.
Вужудумда алам нухаси,
Жим турмоқдан қийналарди жон,
Ўтган кунлар оддий қиссасин
Шунинг учун айлайин баён.
Ўтган эди Олег бир замон,
Рус князи буюк ҳукмдор,
Варяг, жанги (у вақтлар зинҳор
Озодликдан йўқ эди нишон).
Босқинлари этганди вайрон

Псковдан то Онегагача
Қишлоқларни қилиб асир, ром...
Қўшнилари қўрқитган тамом:
Печенеглар титраган ундан,
Қўйиб Каспий соҳилларини,
Дўстлашмоққа келган хазарлар,
Қўшинлари бериб озорлар,
Енгган ўрмон аҳлларини;
У ахтариб юнонлардан кин,
Мағрур халқдан бўлган дарғазаб...

Византия шоҳи довдираб,
Ҳайратланган бу ишдан у кун...
Лекин нечук Олег сўнг чоқда
Босқинларин кечиктирмоқда?..

ИККИ ҚАРДОШ

п о э м а

Қардош! Қардош! Уял, эй қардош!
Утинч ила қаттиқ аҳд-паймон
Ёдда йўқми? Бултур сербардош
Дўстлар эдик, эдик меҳрибон...
Ёдингдадир, ёдингда у жанг,
Юрт ёвларин ҳолин этиб танг
Бир саф бўлиб урушганимиз,
Ҳасратларни қувишганимиз,
Ёйилганда янги тонг-башанг,
Кутганимиз Лада байрамин.
Хўш, оқибат? Аламли тўлқин,
Ёвлиқ қўзғаб дилларда ўйноқ,
Мангу солди ўртага фироқ!..
«У аввалги бахтовар йиллар
Каби айтма отимни бу чоқ.
У кунлар мен бахтга ишонар,
Дилда дўстлик, ишқ эди бунёд...
Билганим қалб хоҳиши эди
Мовий кўэлар боқиши эди...

Қиз қалбига эканман сайёд,
Уғирладинг у қалбни, ҳайҳот!..
Эга чиқдинг маҳбубимга сен,
Унинг ишқи, малоҳатига,
Оёқ қўйдинг юз-кўзимга сен,
Учрадим дўст ҳақоратига».
Жим қолдилар. Юзма-юз бироқ
Турибдилар, қалблар тўла кин.
Ҳар бирида қилич ярқироқ
Нур сочади, ҳаллари олтин,
Ҳар бирида дубулға, совут,
Бамисоли иккита бургут.
Атроф бўм-бўш, туманли, мудроқ.
Ёлғиз курси, унда ёғоч бут
Тулар эди, қаршида оппоқ.
Хоч курсисин кўнглини овлаб,
Бир ёш печак ўсмоқда ғовлаб.
Тиз чўкдилар, санамга қараб
Адоватга қасам ичдилар.
Отларига миндилар сакраб,
Икки ёққа ўқдай учдилар.

Жондош ўлка ҳар бирин якка
Кўрмагандир қачондан бери?
Кўп бўлдим қийноқда, бири
Михланганда оғриб тўшакка,
Иккинчиси жилмасдан нари,
Турганича унинг қошида?
Энди бирдан аччиқ қасос-ла
Тошадилар! Қалб асосида
Тўлганган не? — Ишқ оташида!
Жанг-жадаллар ўлжаси — банди
Ёш фин қизин Асқар севганди.
Тутқун кунлар тўкиб ғамли ёш,

Қиз эсларди Финляндияни,
У ердаги тоғлар қоясин.
Финляндия қоя, тоғлари
Кўзгу, кўллар, ойна кўрфазлар
Хомуш ўрмон-ҳилватгоҳлари,
Сиз нақадар азиз, бахтовар,
Сиз — ёввойи жамол боғлари...
Водийларда дам олар туман,
Ўтда майда кулбалар сероб,
Ҳовлилар кир. Атрофин ўраб
Рябиналар яшнаган чаман.
Юксакларда қора тункалар
Ва ё куйган қарағайлар бор.
Унда баҳор қисқароқ келар,
Куз узайиб этади безор...

ЎЛИМ ФАРИШТАСИ

п о э м а

А. М. В...га бағишланади

Сенга, сенга арзимас инъом,
Овозасиз, донгсиз ижодим.
Бағишлаган оташ-у илҳом
Сен ўзингсан, ҳам сенинг ёдинг.

Яшаб мискин ва фақирона
Сени қалбда сақлайман буткул.
Ўтинчим бор сендан ягона:
Мен-чун ўлим фариштаси бўл.

Пайдо бўлгил жафс олови
Ёндирганда ихтиёрида.
Бўсанг бўлсин висол гарови
Ўзга элда — ишқ диёрида.

Ажойибод юрти олтин Шарқ,
Эзгу ишқ — у шахватларга ёр.
Само қизи — гуллар урар барқ,
Бахтдан бошқа ҳаммаси бисёр.

Дарёлари шаффоф, ўйноқи,
Булутлари эркиндир боқий,
Оқшом тушар, тун ёр чодир,
Ёвузлигу беомон тақдир
Бадномликнинг қора тамғасин
Босолмади инсон қалбига.
У кунларнинг етиб қадрига,
Зеболигин, файзин,— ҳаммасин
Қучоғида сақлар ер шари.
Ишқим сенда эй Шарқ диёри!
Сенда бир бор сайр этган одам
Тўққан ерин унутар мудом.
Кимки нозли гўзалларингнинг
Кўзларига боқса бир қиё,
Рутубатли қиссамга манинг
Ишонмасдан қолмайди асло.

Мана ўлим фариштаси шу:
Келгач сўнгги азоб, айрилиқ
Бизни қаттиқ қучоқлайди у,
Бўсалари совуқдан-совуқ.
Қурбонларга мудҳишдир турқи,
Тўлғонмоққа этару мажбур
Бирдан кетар жонингни юлқиб.
Унга сўнгги нафасни бермоқ
Юракларга оғирдир, оғир!
Инсонларга бундай тўқнашув
Эди гўё ширин бир қисмат:
Бир нигоҳ-ла бериб қаноат
Сеҳрлашни билар эди у,
Ҳарқандай зўр хирслар тўлқинин
Сокин сақлар эди ҳукмда.
Ва беморнинг бутун шуурин
Хуш орзу-ла алдарди зумда!

Коинотнинг барига хоким
Бўлмиш эди ёш бир фаришта.
У нафраткор, мавжудод хокин
Кўрмоқликни истар ҳамиша.
Ташлаганда муқаддас одим
Кўк тинлиги барқарор доим.
Сокит нур-ла оҳиста порлаб
Ярим тунги юлдуздай гоҳи
Қурбонларни айёр нигоҳи
Нақ жаннатда туради чорлаб,
Озод руҳлар ўтади қатор,
Фаришта-чи кулар бахтиёр:
Қутилдилар қасосидан ҳам,
Қучоқлаши, бўсасидан ҳам,

.

Тўлқинлари асов океан
Соҳилига яқин бу диёр.
Оташ ичра улкан Ҳиндистон,
Кўринади давонлар қатор.
Сўнгги давон баланд ва мудҳиш,
Бўз қоялар уни безамиш.
Денгиздаги ҳув қоя узра
Бургут, калхат қўймиш ошиён.
Кечалари бу қоя томон
Балиқчилар келолмас сира.
Буталарга қопланмишди у,
Енбошида ваҳм тўла ғор.
Илон ини, захкаш, қоронғу,
Ва алданган ақлдай бадкор.
Ўхшайди пуч, тузсиз ҳаётга.
Гўё қотил кўзида қотган
Эҳтиросдай машъуму айёр.
Унга чироқ ойнинг ёлқини,

Ҳамсуҳбатдир денгиэ тўлқини.
Ва ёнида хурмолар қатор
Унга соқчи бўлиб саф тортар.

Кўпдан бунда ёш бир мусофир,
Дарбадару танҳо Зораим.
Қувғинликда кечарди умр,
Банда, худо қуварди доим.
Бахгли бўлар эди, у фақат —
Юпанчларга алданмаса гар.
Одамларга тилар камолот,
Ўзи эса улардан баттар.
Тузсизликдан буюклик излар.
Сохта бахтга бўлмай деб дучор
Орзулардан тамом воз кечар.
Ҳеч ўринсиз бўларди ҳушёр,
Ишонмасди ҳечкимга зинҳор.
Севди эркни, тоғу тошларни,
Инсонга ҳам қўйди муҳаббат.
Танҳоликни қилган-чун одат
Нафратона тунд қарашлари.
Эҳтиросли юраги лекин
Ҳиссиётдан бўлмамиш жудо.
Гар қаҳрига олса-да худо
Ишқ зўрликка эгмагай бўйин.
Бу дунёда ягона, азиз
Бир сиймони у кўрмишди хуш.
У деганда жаннат, чўл фарқсиз...
Не қилипти? Ахир доим ҳам
Тўғри таъбир қилинмас-ку туш.

Баланд, мағрур Ливан чўққиси...
Қабр ёнида сарв дарахти.

Чирмовуғу печак новдаси
Атрофини бутун ўрабди.
Даҳшат солиб гирдоб қутирсин,
Майли сарвни қўпорсин бўрон.
Гуллар ўраб ётар гавдасин,
Ёлғиз ўзи бўлмас-ку қурбон.
Зораим ҳам ўғай дунёда
Ёлғиз эмас — ёнида Ада.
Бир дилбарки, чўл оҳусидай,
Жаннат гулин хушбўй исидай.
Оҳ, борлиғи, хусни қиёмат,
Қўкси таранг, қайрилмадир қош.
Сарвга рашк солгудай қомат.
Қўзлари-чи, жануб элида
Чақнаб турган қўшалоқ қуёш.
Қувғинди-чи, мағрур, пурвиқор...
Қаердаки бўлмасин пайдо
Қовоғидан мудом ёғар қор.
Қизга булар эрмакдай гўё,
Бу кўзларда ишқ ўтин ёқмоқ
Истагин қиз қилиб ихтиёр,
Ўлик қалбда ишқ уйғотган чоқ
Азобланди у девонавор.
Севги тушди йигит бошига,
Ошиқ бўлди, қиз ҳам маъшуқа,
Бирлаштирди уларни қисмат,
Жудо этар гўристон фақат!

Мовий кўкда жилоланар ой,
Порлаб турар само юлдузи.
Зулмат горга тушар ёғдуси,
Тун салқини билан лиммо-лим —
Нур тўлқини ўйнаб бетиним
Қояларга бағишлар чирой.

Ёдимдаки, ушбу дақиқа
Одатдаги бир майин садо
Янграйди жўр бўлиб қўшиққа.
Сўнг тинади тарқаб тоғ аро.
Йигит ғордан чиқади беҳуш.
Қайси иблис таратган товуш
Зораимни сеҳрлаб қўймиш?

Оғир дардга мубтало Ада,
Ётар ўлим исканжасида.
Саррин сабо юзларига ҳеч,
Ярим очиқ кўзларига ҳеч
Бахш этолмас зиё ва мадор.
Ада шарққа боқарди бекор,
Бекор кутар тонгни нигорон,
Тонг жамолин кўрмоғи гумон.
Тонгда бошқа ерда ётади,
Унда нурнинг бўлмас ҳожати...
Қўрқув қалбга солиб изтироб
Қиз бошида турар Зораим.
Тиз чўкканди, юраги кабоб,
Ғам қуюни борар зўрайиб.
У қувғинди илиқ кафтида
Иситаи дер қизнинг муз қўлин,
Илимас қўл ҳаёт тафтида.
Йигит ўйлар: «Чекинаи ўлим!
Жон қўлдамас. Оддий қасалда —
Тақдир урмас умрга болта!»
Умид нури шундайки, гоҳо
Маҳв бўлганни этади пайдо.
Гарчи ҳамма-ҳаммаси маълум,
Юпанмоқдан гарчи йўқ маъно,
Умид нури қилар табассум,

У сўнмайди юракда асло.
Аммо ўлим париси шу он
Ёяр жануб кўкида қанот.
Қулоғига кирар бир фиғон,
Ишқ ноласи — аламли фарёд.
Шу зум гўё чақмоқ мисоли
Учиб келар мудҳиш ғор томон.
Қийноқлардан қилай деб ҳоли,
Бағишлай деб ҳаловат, ҳузур
Қиз лабига у даҳшатли руҳ
Босиб қўяр машъум бир муҳр.
Бахш этолмас ўзгача шукуҳ.
Зораимнинг турганин беҳол
У фаришта сезмас эҳтимол.
Шам нурида машъум кўзига
Тўқнашганда гезарган нигоҳ
Оғир таъна уқади ногоҳ.
Фариштанинг ёвуз қалбида
Қўзғолади ачиниш ва зор.
Жиноятни қилиб бўлди-да
Ҳисоблади ўзин гуноҳкор.
Борлиғидан Зораим жудо,
Ёлғиз шу ёр эди қалб аро,
Ўйларидан, ҳиссидан бутун
Шунинг ишқи турарди устун.
Мангуликка тушмиш айрилиқ...
Йиғилмасди, аммоки аён
Азобланар, ўлгандан ёмон,
Оқ докадай юзида қон йўқ...
Пари англар, англамас нечун?
Қиз лабига у босгач муҳр,
Қийноғини этмасдан зоҳир —
Тошдай қотиб тургандан кўра
Йиғлагани яхшийди хун-хун.

Босиб кетар уни хаёлот,
Эгуликдан дилда ёнар нур.
Бир ғарибга қилса илтифот,
Эзилганга бахш этса ҳузур
Манъ этарми яратган раҳмон?
Фариштавий руҳи-ла шу он
Мурдага у бағишлайди жон.
Муъжиза бу! Тирилди сийна,
Томирга қон жўнади қайта.
Киприкларнинг қоронғусида
Сеҳркор ўт ёнади қайта.
Хаётда не азиз,— барига
Марг париси қилди итоат.
Ақли сарҳад ошмас нарига.
Ҳукмида йўқ авалги журъат!
Қизнинг хира хотиротида
Кечмиш ўйи яшайди ҳамон,
Учар юлдуз зиёсисимон
Пайдо бўлар хаёлотида.
Парвосизлик мазоқ туюлар,
Кўз ўнгида истиқбол — зулмат.
Мангуликдай мангу туйғулар
Жамулжамдир дилда бу соат.
Қалб қувончин барини санам
Яна ёрга этмишди фидо.
Соф қалбидан ёвуз ўлим ҳам
Этолмамиш ишқ ўтин жудо.

Қирғоқдаги баланд қояда
Денгиз сасин тинглар эди жим,
Ёнбошида нозанин Ада,
Хаёл сураар эди Зораим.
Оқшом чоғи қуёш тўккан зар
Океанга бермишди жило.

Узоқларда сузган елканлар
Кўринарди кўк туман аро.
Шахло, қора кўзларини қиз
Ошиғига қадагани он,
Асов қалба недир этди ҳис,
Унда чақин ётгандай пинҳон.
Ўзин тамом йўқотганча у
Ғарб томонга ташларди нигоҳ.
Сўнг Адага бир қайрилдию
Қўлин силкиб сир этди огоҳ:
— Етар, чўлда кечган қисматим,
Жонга тегди кимсасиз ҳаёт.
Ўзим озод, тутқунда қалбим,
Қалб занжирни этгуси барбод!
Менга шараф косасин узат,
Майли тўла бўлсин оғуси,
Сесканмасдан симираман шод,
Заҳармасми, қувғинлик ўзи!
Ҳаётнинг бу заҳматли юкин
Қолдираман барибир бир кун.
Қалбим қанча-қанча йил ахир
Маънисизлик ғами-ла толса!
Оқибатда маънисиз қабр
Бемаъни бир из бўлиб қолса?
Шундай ўтиб кетайми? Оғир!
Тоғ ортида, сўзимга тушин,
Қалъа ичра тўплаб зўр қўшин
Турар икки подшоҳ ёвуз.
Қизил шафақ очганида юз
Саҳромизда янграр шиддаткор
Уруш донғи, қилич жаранги.
Бир подшоҳга бўлиб тарафдор
Мен ҳам шунда бошлайман жангни.
Аммо жоним, сен бунда қолиб

Қайтишимни кутмагил толиб.
Қувлашган сув, тўлқин ғалаён
Ёйилару кенг денгиз бўйлаб,
Сўнгра яна туғилган макон —
Қамишзорга қайтгуси куйлаб.
Онт ичаман! Агар шон олиб
Курашлардан қайтсак биз ғолиб
Сенга олтин қилгум армуғон,
Менга басдир фақат, фақат шон!

Фақат шунда бўлгум бахтиёр,
Шунда тўкис яшаймиз дилдор.
Биламанки, чин ишқ ҳечқачон
Мард қиличга қилмайди нафрат.
Қизғонсанг ҳам ёрингни, ҳайҳот,
Барибир мен қон истайман, қон!
Ишон: маккор, доғули қисмат
Сололмагай дилимга даҳшат!
Нечун кўзда ёшинг шашқатор,
Нечун жоним, бунча оҳу-зор?
Жавоб берар оҳиста сулув:
«Сен соҳилда унган чечакни
Кўрганмисан акс этганда сув?
Дарё сокин оққанда пастда,
Сунбул ҳам бош эгади аста.
Бирдан шамол туриб субҳидам
Тўлқинларни чайқатса агар,
Шул чечакдан тушган соя ҳам
Тўлқин билан бирга тебранар.
Юлдузингга юлдузимни, бил
Шундай тўғри келтирмиш қисмат.
Сен тўлқинсан, мен эсамчи гул,
Сен ғам чексанг менда ҳам ҳасрат.
Йўқ, билмаймиз, не кечади ҳол,

Бу бахтли он, бу бахтли висол
Сўнгги хушнуд дамдир эҳтимол?

Хушбўй гуллар нечун бу азиз
Водийларга таратади ис?
Бу дунёнинг ҳукмронлари —
Одамларнинг ўзлари нечун,
Ачимасдан сира жонлари
Булғашади табиат ҳуснин?
Гул-чечаклар топталиб нега
Бўялади инсон қонига?
Қуш ўрнига ўққа тўлар кўк,
Қуёш юзи тўзон билан берк!
Жанг сурони, кураш, тўпалон
Булбулларнинг бузар оромин.
Бегона юрт, ёт ўлка томон —
Қочишига ким бўлар зомин?
Учишади излаб тинч гўша,
Қоришмаса қайда гул қонга,
Қайдаки гул топтолмас бўлса
Кўчишади ўша томонга.

Чу!.. дўпир ва чанг қоплар кўкни,
Жанг карнайин янграр нидоси.
Яшин каби отилган ўқнинг
Таралади машъум садоси!
Кўкнинг зангор чўққиларидан
Янги чиққан машъал чарақлар.
Қонли шуъла жилоси билан
Жангчи қўлда чақнар яроқлар.
Икки қўшин келару яқин
Найзалардан учади чақин.
Кўкка чиқар чуввосу сурон,
Жангчилар ҳам гаранг ва ҳайрон.

Ҳайратлардан кучлироқ эди
Юраклардан интиқом ўти.
Жанг нақадар даҳшат, беомон,
Булутларнинг ичида шу, чоқ
Тўқнашгандек иккита чақмоқ
Курашади ҳар икки томон.
Жанг қизийди, оқар дарё қон,
Ярақлайди қиличлар нурда.
Судралади байроқлар ерда.
Чувос солган қора аламон —
Узра ўлим кўтарар фиғон.
Мурда узра қалашар мурда,
Сўнг бир қўшин чекина бошлар,
Майдондаги музаффар қўшин
Қувмас уни, тортина бошлар.
Ваҳималар банд этиб ҳушин
Қон, ўт кечиб эмаклар қочқин.
Қолади бир аскар қуршовда,
Аммо қочмас, кўзлари ёвда.
Қалашганди мурдалар қатор,
Тиклангандек жасаддан девор.
У бир ўзи қолди саҳрода,
У шоҳ эмас, ёки шаҳзода,
Нигоҳида гарчи барқарор
Ҳамиша бир ғурур ва виқор.
Ноғиҳоний, доғули бир ўқ
Баҳодирнинг кўксини тилди,
У гурсиллаб ерга йиқилди,
Баданидан қон оқди илиқ.
Йиқилганча чурқ этгани йўқ.

Таралади музаффар садо
Тобут узра дод-фарёд гўё.

Кўтарганча тўзон, аланга
Енидан ёв ўтар ҳар ёнга.

Юксак тоғда турарди танҳо
Жангга боқиб нозанин Ада.
Тикиларди юраги бежо,
Хижрон уни этмиш афтода.
Даҳшат, қўрқув, ғам тўлқинидан
Чиқай дейди юрак қинидан.
Кўз ёшининг қайнар булоғи,
Азобларди айрилиқ доғи.
Жон олғучи бу, кўзлар ҳаққи
Ким шухратдан кечмас эди воз?
Зораимга ҳечдир қиз ишқи,
Қонли йўлга қўйди у ихлос!
Қай эзгулик дуч келса, тентак,
Ҳаммасини топтадинг бешак.
Адага бахш этмоқлик-чун жон
Марг париси бўлиб меҳрибон
Уч олмоқдан тийди-ку ўзин.
Ёнганингда ғам оташида
Қурбон қилиб кайфу сафосин
Қалбингга бахш этди нашида.
Қиз ялинса қилмадинг парво.
Эй дарбадар, сенинг шу қадар
Пуч, хавойи орзуларингдан
Шу гўзаллик париси раъно
Эмасмиди азиз ва аъло?
Илож қанча, кутмоқда Ада.
Сукут босмиш бутун саҳрони
Қувишганча жўнайди душман.
Чавақланган жасадлар билан
Тўлиб ётар уруш майдони.
Кошки юпанч париси шу пайт

Келтирсайди жаннатдан мужда.
Етиб ортар ердаги даҳшат,
Булар оҳин тингламоқ қайда...
Қуёш ботар. Ада интизор,
Ҳарёқ жимжит, ҳамон келмас ёр!
Қиз кезади хомуш водийда,
Ваҳималар кўзин олдида.
Зўрға юрар жасад оралаб
Дор тагида бегуноҳ каби
Дилда қўрқув, умид аралаш.
Тўлқинланар масъума қалби.
Ниманидир этгандайин ҳис
Қайтмоқ бўлар орқасига қиз.
Аммо қалбда ёнган муҳаббат
Даф этар дуч келса ҳар даҳшат.
Қон қолмаган юзида асло,
Эгилганди боши ҳам қуйи.
Турарди у гезарган кўйи
Гўристонда тургандек гўё.
Қайда ёри? Бўлдими қурбон?
Кимдир бунда ингради нолон?
Оёғининг остида ётган,
Ўқ еган ким, қайси ярадор?
Ким бу қизнинг қалбин титратган?
Чор атрофда жасадлар — девор.
Ким қилмоқда бунда жон таслим?
Ҳайҳот! Ҳайҳот! Экан Зораим!
«Шундаймисан, сенмисан Ада,
Васлинг тутмас шодликдан бода!
Бу фусункор кўзларинг, ҳайҳот,
Уруш вахмин кўрай дер наҳот?
Йўқ, уларни овутмас ўлим.
Севгинг ҳаққи мени, севгилим,—
Излаб келдинг, ҳосилми мурод?

Қон истадим, кўрдим оҳ, ҳайҳот!
Яқин қолди сўнгги нафасим
Сўнгра мангу жим ётаман, жим...
Ҳаммасига гуноҳқор ўзим
Тақдир бошга солади ҳижрон,
Қўлингни бер, чўчитмасин қон.
Ҳузурингда айборман, айбдор,
Тул қоласан, афв этгил, дилдор!
Қондошларинг топилмас санам,
Ва ўзганинг қучоғида ҳам
Бўлолмайсан сира бахтиёр.
Кимга толе кулар икки бор?

Оҳ, бўсангга бунча бердинг тот,
Яширмасанг бунча ҳарорат?
Аммо ҳаёт бахш эта олмас,
Изтиробда ўртайди халос.
Бир вақтлар эдим бахтиёр,
Унутолсам розийдим минг бор
Мавжудлигин ҳатто ҳотирот!
Сезаяпман, қалбимга ажал
Муз чангалин солмоқда жадал.
Қирчинимдан қийилдим, ҳайҳот,
Агарда у бадкирдор қисмат
Қўймаганда орзумга тузоқ
Сукунатда, денгиз бўйида,
Оҳ сен билан сайр этиб узоқ
Яшар эдим ҳаёт қўйнида,
Ўз юртимда эканимда ман
Ҳамма қойил қолган донишманд.
Айтгандики, овоза билан
Бир кун шуҳрат таратармишман.
Таралган ҳар дабдаба, сурон
Такрорлармиш номимни ҳар он.

Аммо... йироқдаги куйсимон
Эшитилмай қолди сўзлари.
Ҳолсизланди, кетди ҳушидан
Нурсизланди бирдан кўзлари.

Уни қаттиқ кучиб турар-да
Сўзларини тинглолмас Ада.
Қучарди қиз, қучгани замон
Кета бошлар ўзидан дармон
Бўсалари шунча бемаъно,
Гўё бўшга учган бир овоз.
Қабр учун зарурми зиё,
Этармиди азобдан халос.
Йироқ эди осмон гумбази.
Чарақларди само юлдузи.
Мудом бир хил унинг жилваси,
Ва ҳамиша тиниқ ёғдуси.
Юлдузлар ўз шуъла, нурларин
Қайга тўкар — йўқ ҳеч парвоси.
Нурларига кўмиб мурдани
Уйноқларди олтин жилоси.

Қизнинг сўнгги нозига бекор
Жавоб бермоқ бўлди Зораим.
Вужудида қайғу, зор қоим,
Эҳтироси сўнмиш беқарор
Ўт ёқолмас кўз ёш булоғи,
Муз сингари совуқ яноғи,
Ярасидан томар эди қон.
Ваҳм туннинг арвоҳисимон
Боши узра доира қуриб
Айланади калхат ҳайқириб.
Йироқ нурга боқди у маъюс,
Боқди қизнинг ёниқ кўзига.

Сал қўзғалиб, қимирлади суст,
Ва энтикди. Келмай ўзига —
У жон берди. Гезарди лаби...
Оқарганди тим қора кўзи.
Дунёда не бўлса ваҳмали
Ҳаммасидан аянчдир юзи.

Кимникидир бу, туман соя,
Йўлдан тойган шуъладай гўё
Интилади тинмай самога
Чўлпон сари — арши аълога!
Шул соядан тун зулматида
Анчагача олов из қолар.
Гардишсимон ернинг устида
Тождай порлар кумуш шуълалар.
Марг парисин ачимас жони,
У ҳамиша бебаҳо, фоний —
Ўлим билан ўзин этар шод,
Ёр кишани, ғамидан озод.
Қиз танини хок этади у,
Самоларга тўзғитади у.
Нени суйган бўлса ерга хос
Уни кўкдан топар, суяр боз.

Ҳамон ўша ҳукми ва йўли,
Ҳеч қилиғи ўзгаргани йўқ.
Тушдаги бир шарпадай бўлиб
Ғам тўлқини кечди сип-силлиқ.
Аммо ерга нисбатан фақат
Қолдирди у совуқ бир нафрат.
Қурбон бўлган дўсти учун у
Мавжудодан ўч олмоқ бўлар.
Ўзгаларга у сочган оғу
Дўстга меҳр бўлиб туюлар.

Ҳамон ўша, ўшадир мудом,
Ҳаёл янглиқ қоқару қанот
Йилу аср, мангуликни ҳам
Бир нигоҳда ўлчар у, ҳайҳот!
Марг париси ҳали ҳам ўша,
Хайрлашар лутф, таъвозишда.
Англади у: «бўлмоқ-чун ҳамдард
Лойиқ эмас одамлар асло.
Инъом эмас, энг сўнгги дамда
Жоиз бўлур уларга жазо.
Улар ёвуз, маккор ва қаттол,
Эзгулиги нуқсдир ҳатто.
Ёшликданоқ яшарлар забун...»—
Деб ўйлар у, ўйламас нечун?

Шундан бери унинг шум, машъум,
Ва муқаррар нигоҳи даҳшат,
Қўз қири ҳам қиличдай ваҳшат,
Саломлари эса бадхазм...
Юрак қиндан чиқади фақат...
Қучишлари нақ муз бўлади,
Бўсаси ҳам муздир лаънати!..

САШКА

Ахлоқий поэма

1

Аянч ва қулгили бизнинг замона,
Унга қатлу занжир, қувғинлардан ёз,
Диллар қора мавжин чизган ҳамона
Фақат эшитасан мунг, дардли овоз.
Ким уйқу-оромга бўлса бегона,
Хаёл, хотиротга банда бўлса ким,
Бу гап ўшаларга маъқулдир балким.
Мен ҳам бу балога бўлгандим дучор,
Фақат кўзларимга етказдим озор.
Энди мен бўлакман. Куйлайман беғам,
Куламан.— Қувноқдир қаҳрамоним ҳам.

2

У билан дўст эдик. Ғамдан ҳоли дил,
Туйғулар ва пуллар ўртада баҳам,
Бир ойга қарз олиб, чўзарди бир йил,
Жаҳлим чиқмас эди бунга зарра ҳам.
Навбат етгач, мен ҳам қилардим шу хил;

Дарди бўлса менга айтарди дарҳол.
Кўзга кўринмасди бўлганда хушҳол.
Зерикканда менга бор орзуларин
Яширмай, сенсираб сўзларди барин.
Мақтар, кўпга манзур ҳислатимни у,
Кадрилда келардик доим рўбарў.

3

У билан дўст эдик. Ундай дўст қайда...
Тинч ухла ўрнингда, Саша азизим!
Қалбинг ёт далада, бегона жойда
Хотирам қабрида ётган сокин, жим
Дўстлигимиз каби бўлсин авайда.
Сен ўлдинг кўплардай бешовқин-сурон,
Бироқ қатъий эдинг. Сирли бир армон
Ҳатто кўзларингни юмган маҳали
Сенинг манглайингда кезарди ҳали;
Улар чоғингдаги айтган сўзингни
Ҳечким тушунмасдан, юмдинг кўзингни.

4

Балки она-юртга топширдинг салом,
Ё бирор дўстингнинг номин қилдинг ёд,
Ёхуд ёш умрингдан ўкинч бир калом,
Ёки жон узилиш олдидаги дод?—
Қандай англаш керак? Ташвишда мудом
Ўтган ёш юракни бундай соатда
Нечук ҳислар чулғар экан одатда?
Буни ёлғиз дўстинг тушунар эди,
Қўлига қаламни оларкан энди,

Ёзар саргузштинг, орзу, ишингни,
Ибратлаб дунёга бор қилмишингни.

5

Азиз китобхоним, бардош қил, бардош,
Одам, Ҳавво насли бўлсанг ҳам ахир.
Балки бамаънисан, балки бир бебош,
Сабр қил, барчасин сўзлайин бир-бир!
Эски ўлчовлардан мен тортмайман бош,—
Чунки кексаларга ҳурматим улуғ,
Ҳозир қаён боқма, қарига тўлиқ...
Кимки ўнсаккизда бўлмабдики чол,
Дунёни кўрмапти дейвер бемалол;
Лаззаг ҳақида у эшитган фақат,
Фақат бино бўлиб кўрган машаққат.

6

Дўстим москвалик, шу важданми ё
Ёқмас менга Нева, Нева тумани.
(Гувоҳ бўлаолур сўзимга дунё)
Унда вақтичоғлиқ — ҳамён душмани,
Меҳнат — рус ақлинг эгови гўё.
Худди фин кўрфазин қирғоғи мисол
Унда ҳаёт нопок, бўм-бўш, хафақол.
Москва бошқача. То борица жон,
Унга содиқман деб ичажакман онт.
Орзу ва саодат кунлари илк бор
Мен унда севгидан бўлдим бемадор.

7

Москва, Москва!.. Содиқ бир фарзанд,
Бир русдай севаман ўтли, мустаҳкам.

Улуғвор бастингга дил мангу пайванд,
Севдим кунгурадор Кремлингни ҳам.
У маккор ҳукмдор сандан еди панд,
Беллашиб кўҳна рус полвони билан
Беҳуда ҳийла-ю ёлғони билан
Сени йиқмоқ бўлди, кучанди бекор,
Силкинишинг билан жон берди ғаддор!
Олам ҳайрон қолди... Шарафга тўлиқ
Барҳаёт турибсан абадий, улуғ.

8

Барҳаётсан!.. Борсан, ҳар тошинг ҳатто
Авлод-авлодларга бебаҳо мерос.
Миноранг остида, сояда гоҳо
Мафтун кузатардим, дил тўла ихлос:
Зах кавакда мохни ўйнар нур-зиё,
Тепадан, инидан чиқиб қалдирғоч
Пасту баланд учиб, чарх уриб қийғоч,
Бош узра чуғурлаб парвона эди,
Одамларга тамом бегона эди.
У эркин қушларга боқиб ҳавасда,
Эҳтиросга тўлиб турардим пастда.

9

Файласуф эмасман — сақласин эгам! —
На бир хаёлкашман. Қуш учса кўриб,
Болалик чоғидай, қўлтиқда ўпкам,
Ортидан чопмайман елиб-югуриб.
Эй, илҳом париси, одимла илдам,
Бўялган саҳфалар қолсин йўлингда!
Тўғри чоп, бурилмай ўнгу сўлингга...
Энди Кремлдан жўнаймиз қаён?

Дарвозаси кўпдир, олам бепоён!
Кайга? «Пресняга отингни бургил!»—
«Кампир, қоч!.. Югурдак, четроқдан юргил!»

10

Қишки булутларда кезиб юрар ой —
Варяг қалқони ё голланд пишлоғи.
Ташбеҳим дадилдир, чунки, ҳойнаҳой,
Зодагон наслиман, ахир, бир ёғи.
Тун посбони ногоҳ чўчиб, пойма-пой,
Уйғониб, будкадан солади ғулу:
«Кимдир у?»—«Бу муза!»—«Қандай шайтон у?»
Жавоб йўқ. Ҳовуз ҳам кўринди шу чоғ,
Кўприк ҳам оқарди, икки ёнда бог
Қалин қиров босиб, ухларди ҳорғин;
Темир панжарада ой нури ёрқин.

11

Фриз шинелида, улуғвор тусда
Енгилтак сайрчи, ширакайф ўғлон,
Телба-терс босганча борар оҳиста,
Панжара темирин ушлаган ҳамон.
Панжара тугади. Оёқ остида
Фирчиллаб қолади изи тушган қор,
Гул ўйилган мармар янглиғ нақшинкор.
Кулбалар занжири чўзилар йироқ,
Узоқдан лип этди у таниш чироқ.
«Қани, қордан кетдик, музам, ҳушёр бўл.
Этакни баландроқ тутганинг мақбул».

Дарвоза ғижирлар. Ҳовли зим-зиё,
 Пахтадан юрмоқлик жуда ноқулай.
 Мана зина, даҳлиз; кўп жойни, аммо,
 Қор босган. Оёқни шарт тойдургудай
 Шалақ зиналарки омонатнамо.
 Ичкари киришар. Кўзга урар нур,
 Йўғон оқсоч хотин, чимрилиб, қурғур,
 Меҳмонлар йўлини тўсиб бемалол,
 «Сизга ким керак?» деб беради савол.
 Муносиб жавобни эшитган ҳамон
 Эшикни қарс ёпар... сўкиниб ёмон.

Биз шунга қарамай кирдик ичкари,
 Музаю шоирга очиқ барча йўл.
 Шайтон ҳамма уйга кирган сингари
 На наъқиқ, на сеҳр бунда келар қўл.
 Столнинг ёнида мисоли пари
 Куйманиб ўлтирар қўш соҳибжамол,
 Соҳибжамолларки, кўзни этар лол!
 Бизнинг аёллардан бир нарсани сиз
 Билиб олмоқликни унутманг ҳаргиз:
 Кишлоқ ва пойтахтда қай бири афзал —
 Қиз бўлган тузукми ё бўлмоқ гўзал?

Стол атрофида соҳибжамоллар
 Ўлтириб картада очишарди фол,

Келажак ҳақида эзгу хаёллар.
Бир умид уларга кўринар яққол
(Бизга ҳам кўринган бу хил иқболлар).
Титраб ёнар эди стол узра шам,
Баъзан ёлқинланиб кетарди бир дам
Шифту деворларни мунаввар қилиб,
Бурчакда бутларни олтин-зар қилиб.
Бут узра эгилган тол япроқлари
Олтин рангга кириб бир ярақларди.

15

У икки гўзалдан бирин, айтайин,
Тенгсиз деб бўлмасди, аммо униси...
О, тушда кўрганмиз фақат бундаин
Бизни забт этганда жаннат уйқуси!
Деворга бошини сал эгиб, майин,
Столга тикилиб кўзлари — жоду,
Бир қадар бемалол ўтирарди у.
Карталар орзудан берса башорат,
Диққат-эътиборин бўлмай, шу ҳолат,
Дугонасин айтган ҳар бир гапига
Аранг жавоб берар ё «йўқ», ёки «ҳа».

16

Ажиб бир дилором эди у санам,
Поляк паннасининг баайни ўзи;
Муносиб тушарди унга жуда ҳам
Мағрур бир ифода акс этган юзи.
Сусанна мисоли, ноодил ҳакам
Қаршисига дадил боргудай, совуқ,

Бепарво бир ҳисга нигоҳи тўлиқ;
Бундай омукталиқ саналмас қусур,
Чунки, ишонингки, отаси қурғур —
Жуҳуд эди. Онаси Прага ёқдан,
Польшалиқ. Бу гаплар ҳоли чатоқдан.

17

Прагани Суворов этганда қамал,
Жосус бўлган унинг отаси бизда.
Польша мундирида билдирмай, бир гал
Истеҳкомлар бўйлаб сайр этган кезде,
Бевақт дайди ўқдан етибди ажал.
Кўплар дейишган ўшанда: «Афсус,
Қалтақдан ўлмади у бадбахт жосус!»
Беш ойдан сўнг унинг бева хотини
Бир қизча туғдию қизнинг отини
Тирза деб атади. Бу ажойиб ном
Бир корнетдан бўлмиш уларга инъом.

18

Жулдур кийимларда ўсди бечора,
Жаҳолат қўйнида улғайди, эссиэ.
Кўримсиз бир ўтдай, дили юэ порэ,
Яхши-ёмон нима, билмай ўсди қиз.
Аммоки ишқ фасли етиб, шу ора
Қайси бир бандаси икки сўэ қотди,
Қиз унинг бағрига ўзини отди;
Орадан олти кун ўтди-ю, ҳайҳот,
Жонига тегди у кароматли зот;
Хато қилмайин деб, ўшандан буён
Барчага табассум этар армуғон.

Тумандай тарқалиб ишқ орзулари,
 Ҳар нарсадан унга эрк бўлди азий.
 Алдоқларга алдоқ бўлди ҳунари,
 (Шундай эшитганмиз буни сизу биз).
 Кескин ифодали юз белгилари
 Жанубга хос эди; ҳамда барқарор
 Бир ўт ёнар кўзда; ёрқин, беғубор
 Бир шабнам қоплаган, паришон нигоҳ.
 Худди юлдуз шундай кўк юзида гоҳ
 Сайр этар,— бу сирли, огир ва пинҳон
 Юрак дардларидан эди бир нишон.

20

Бу мубҳам қайғулар ўрнини ногоҳ
 Эгаллаб оларди қувонч, эҳтирос.
 (Бу хил дардни бермас ҳар кимга оллоҳ)
 Кўкраклар мавжланиб, ўт жанубга хос
 Бир оташ рухсорин яшнатар; оппоқ
 Инжу тиш ҳалқаси тез-тез очилар,
 Бошларин кўтарар, муаттар сочлар
 Навжувон чеҳрани босар паришон,
 Майин, қора тўлқин бағишларди жон.
 Оёқчаси ўйнаб нотинч, беибо
 Тизгача очилиб қоларди гоҳо.

21

Кулиб юз ноз билан, қувнаб, ишвакор
 Ўринга чалқанча ташларкан ўзин,
 Юрагин англамоқ эмасди душвор,

Аммо ўзидан у хабарсиз бутун.
Боладай ўйноқи қалбга гул рухсор
Буйруқ беролмасди. То келиб биров
Журъат, меҳр билан бу дилга олов
Солмагунча огир... Шундай қаҳрамон
Келдими ёки йўқ, бу гап даргумон,
Балки кутилмоқда, билиб қоламиз,
Вақти билан барин билиб оламиз.

22

Дугнасига ҳам ўтайлик, ахир,
Манзара мукаммал бўлмоғи учун.
Уларни яқинда дуч этди тақдир,
Лекин дарддош чиқди диллари бутун,
Неки ўйласалар, ўйлари ҳам бир.
О, агар билсангиз, қанчалар аъло,
Пок ҳис бўлар бу хил қалбларда! Аммо
Диққатлар ялтироқ мода билан банд,
Оҳ уриб, изидан чопсак-да харчанд,
Афсус, дўстлар, сўраб сўнг биламиз-ку,
Мода дўконидан қарз... гўзаллик бу!

23

У ҳам нафис, лўппи ва қордай оппоқ,
Шодмон кулганида, юрганида ё
Бўйни, кўкраклари ва ўтли ёноқ
Ёқимли титрарди; ифбат ва ҳаё
Бу тантиқ ҳуснга қурбондир. Бироқ
Бешармона башанг, кенг-мўл юбкаси,
Қабарик кўксию очик елкаси

Кўрганнинг дилини ёндираар эди,
Ёндириб, кўзини тиндирар эди.
Бутун санъатини қилиб намойиш,
Туйғуларга бермас зарра осойиш.

24

Исми Варюшадир. Мен бўлсам, ҳайҳот,
Унга бошқа бир ном истардим аниқ:
Дўстларим, бу номни эшитган заҳот
Оёқ ости бўлган бир илон янглиғ
Дилимда вишиллаш машъум хотирот;
Ва ўша шум илон — харобасимон
Юрагим ичида ўрмалар ёмон.
Шунда сукут ичра ёнаман ғамгин,
Ё ер тепинаман сўкиб уй ичин.
Бу балодан қочиб, энди атай биз
Варяни Параша дея атаймиз.

25

О, кечмиш йилларнинг телба уйқусин
Кулиб такрорлашга созим ожиз, лол!
Қадимий мурдахўр рўдапо тусин
Қайғу сувин сепиб тирилтган мисол
Даҳшат-ла хотирот кўрсатди юзин
Ҳамда қамраб олди фикримни... Наҳот
Ўтган шунча йиллар, серғусса ҳаёт
Сурмабди кўксимдан унинг ёдини,
Шахло кўзларини, барно қаддини?
(Кейинчалик, дўстлар, бўлайки иқрор,
Ундан афзалларин кўрганман бисёр.)

Жуда кўп йиллардан азоб-изтироб
 Ҳукмини юргазди менга то шу дам;
 Аммо илк ҳаяжон садо берган тоб
 Кўксингни тарк этмас,— ташвиш ва алам —
 Булутлари босиб, бўлганда бетоб,
 Гўё тунлар кўкда булут кўчганда,
 Қалдироқлар ваҳм солиб учганда,
 Уларнинг дўқидан қўрқмай, бемалол
 Кўкдан шуъла сепган бир юлдуз мисол,
 Ожиз ақлим дарддан абгор кезлари,
 Шафқат-ла боқар менга унинг кўзлари.

27

Уй суриб ўлтирар иккита жонон
 Ёниб бўлаёзган шамнинг олдида.
 Уларни чўчитиб қўярди бўрон
 Ёқимсиз чийиллаб тишда — ҳовлида,
 Сиздай зерикканди улар ҳам обдон...
 Шу пайт ташқарида бирдан ит ҳурди,
 Қопқанинг зулфини кимдир туширди.
 Товуш эшитилар... оёқ шарпаси...
 Зинадан бировнинг келар нафаси...
 Параша қўзғалди ва эснаб олди,
 Стулдан қулашга салгина қолди.

28

Тирза ташқарига югурди шу зум,
 Эшик очилдию усти боши қор
 Меҳмон кириб келди... Кулгили таъзим...
 Чопганми, ҳаяжон қилганданми қор

Стулга гурс тушиди... Ошиқона разм,
Меҳрибон қўл билан Параша бирдан
Меҳмоннинг плашчин ечдию, бир дам
Ипак сочларининг қорини қоқди,
Меҳмон Парашага, чамамда, ёқди...
Ёшлигу гўзаллик хушдир ва фойда,
Манфаати тегиб қолар ҳар жойда.

29

Сочлари таралган силлиқ ва башанг,
Эпчилди, дид билан кийинганди у.
Галстук балдагидай тортилган таранг,
Бармоқда узуклар сочарди ёғду.
Йигирма ёшга ҳам етмаган; қаранг,
Нозик ёноқлари ва пешонаси
Заъфарон — бу балки дард нишонаси,
Шундай из қолдирган балки қайғу-ғам,
Бу, тус таниш эди кўпдан менга ҳам.
Лабларида илон заҳридан ортиқ —
Бир киноя мудом титрарди аччиқ.

30

Кўриниб турарди, кичик ёшликдан
Бадавлат муҳитда униб-ўсгани.
Бир қисм тунлари шум бебошликдан
Паркет топташ билан ҳайфга ўтгани,
Холимас қолгани ҳам ўйнашликдан...
Тез англаш мумкинди: ғамгин ва ошкор
Қарашида нафрат, кибру ҳаво бор;
Бирор бефаҳм турк ё бой лорд янглиғ

Мағрур эмаслиги бўлса-да аниқ,
Хар ҳолда, қўшоёқ зотлилар аро
Ўзини кўплардан тутарди доно.

31

Ғурур туғдиради курашмоқ. Аммо
Осон енгилмайди инсоний бидъат...
Йўлбарсу айиқни йиқмоқ муаммо —
Эмасдир қошида. Берганда нисбат:
Ўнғайдир душманни маҳв этмоқлик ё...
Онтлар ичаманки, зўр даҳо керак
Бидъатни отмоқ-чун мисоли кўйлак.
Худо амри билан бамисли шимол
Жануб бўлса мен устим ечганим мисол.
Ҳозир аксинча бир хавф юзланмоқда:
Нева эримай, Неаполь музламоқда.

32

Ким бўлди бу меҳмон? Pardon, сабр этинг!
Фаромушлик... таниб олурсиз ҳозир:
Дўстим, қаҳрамоним — Сашка!.. Афсус денг
Шундай вазиятда, шу лаҳза тақдир
Сизни учраштирди... Ишонинг, минг-минг
Унга мен таъкидлаб келганман мудом
Бундай «сайр»ларнинг этишин бадном.
Сўзлардим, тингларди бериб эътибор,
Лекин оқшом чўкса — шу ерда тайёр!..
Насрий насихатдан кўра, назмда
Уни улуғламоқ мақбул, наздимда.

Қаҳрамоним Сашка галстугини
 Оҳиста ечади... «Сашка» — эски ном!
 У «Сашка» кўрмаган нашр юзини,
 Етилмай қувғинда сўнганди тамом.
 Сашкамиз бу номда билар ўзини,
 Дўстлар аро бошқа йўқ бу хил исм:
 Яхшими-ёмонми бу, дўстлар билсин.
 Галсутгин ечиб, манглайин силар,
 Чимрилиб, фаромуш бир ҳолда сўрар:
 «Қани Тирза?» — «Уйда». — «Кўринмайди-ку?» —
 «Ухлаяпти» — «Оббо, уятсизлик бу!»

Шошиб оромгоҳга киради йигит,
 Бунда Тирза билан ишқ ўйинида
 Бедор тунлар ўтган... Ҳаммаёқ жим жит,
 Сирли, оҳанграбо кеча қўйнида.
 Олтин ой ойнадан боқиб бир тахлит,
 Нури кўзга урар, ойнага қўнар,
 Муз нақшида заррин учқунлар ўйнар.
 Мовий ёғду билан безаниб девор
 Хаёлни тортади кўркам, шўъладор.
 Менинг Сашкам секин қулоқ солади,
 Кимдир тўшакда тин нафас олади.

Қўлин ҳаяжонда узатар, — лекин
 Деворга тегиб, чўзар бу қўлини ҳам, —
 Панжалари учин пийпаслар секин.

Сўнг болдирин тутди: о, юмшоқ, кўрмак
Нозик пойга озор етмадимикин?—
Деб Сашам бир нафас ўйланиб қолар,
Ўзин беихтиёр койиб ҳам олар.
Аммо ўрмалар қўл қурғур юқори,
Мана тиззачаси... ва ундан нари...
Мана — кулаяпсиз етмай турибоқ,
Қўлингизга тегди қўш чўққили тоғ...

36

Бебаҳо дақиқа! Ўтдир нафаси,
Александр эгилар қизнинг бошига.
Муҳрдир кўксига оташ бўсаси.
Белидан қучоқлаб, тортар тўшига.
Ўзини унутиб, ёниб муттасил
Йигит ўйлар эди: «Тирза қадрдон!
Ҳаёт, туйғу билан ўйнашиб хандон
Бўлдим одамлардан сен каби йироқ,
Сендай ёлғиз қолиб эрк билан ҳар чоқ,
На бирор дўстим бор, на душманам бор,
Сендай яшаш аҳдим, англагил, дилдор!

37

«Кеча тақдир бизни қўшди дафъатан,
Эртага дафъатан ажратур мангу,—
Бир йилми, бир кунми, бир дамми... зотан
Сен-ла бирга бўлмоқ энг буюк орзу...»
Қора кўзларини ҳеч узолмасдан
Энтикиб боқарди... у тенгсиз барно
Ёлғондан уйқуга чўмганди гўё.
Гўёки уйғониб қолар-да ногоҳ,

Саросима ичра тўлганар... эвоҳ...
(Чўчиш ва таажжуб бундай соатда
Хотинлар жонига аро, албатта.)

38

Апил-тапил кўзин қўл билан артиб,
У сўради: «Кимсиз?» — «Мен, сенинг Сашанг!» —
«Саша бўлса нима?! Оббо бетартиб!
Жўна, кўпдан кутиб ётар Парашанг.
Тўхта, мен уйғонай, қасдим олай», деб,
Йигитнинг қўлидан ушлаб олди у
Ҳамда жаҳл билан тишлаб олди у,
Эй, палид танқидчи, қайрама тишни,
Тишлашдан фарқ қилгин олдин ўпишни, |
Шундай оғизлар ҳам борки дунёда,
Тишлаши асалдан бўлар зиёда!..

39

Тирзани кўрганда агар Сулаймон
У билан безарди балки тахтини.
Оёғи остига ташлаб бегумон
Қонуну салтанат, шону бахтини...
Демасман бу сўзим қатъийдир, ишон!
Ҳукмдорлик эмас менинг насибам,
Улар саховатин қайдан билдим ҳам?
Аммо шарқнинг қадим афсонасини
Эслатган дилбари — жононасининг
Еноғин, кулгисин, қошу кўзларин
Дунёга алишмас эди Сашкам, чин.

«Қайдан пайдо бўлдинг»— «Сўрама, жонон!
 Балда эдим!»— «Балда! Балинг нимаси?»—
 «Эй, нодон! Бал — шовқин, ғовур-тўполон,
 Ақлсиз шаҳарли мастлар тўдаси,—
 Сирти ялтираган, алдамчи макон;
 Кўз-кўзлаб айланар қизлар либосин,
 Бозорга солишар кўзу овозин.
 Бири-бирни, бири — мингларни асир —
 Қилишар... Уларга бермаганман сир.
 Қанчалик севмайин вақтичоғлиқни,
 Ой гувоҳ, юрагим сенга боғлиқдир».

Қалб тушиб янги бир ҳисга, тўлқинга
 Тинглар яҳудий қиз унинг ҳар сўзин.
 Аввал кулгилидай туюлар унга
 Шаҳар гўзаллари... сўнг тутиб ўзин,
 Шундай бир фикрни олар тугунга:
 У ҳам рақсга солиб бор малоҳатин,
 Титратса бўлар-ку эркаклар зотин.
 Баланд ойналарда кўриб жамолин,
 Беғараз ҳасад-ла гўзаллар ҳолин —
 Танг этса бўлар-ку ва олам аро
 Довруғ солса бўлар, мағрур ва барно.

Йигит-ла жипслашар. Шу тахлит япроқ
 Бутоққа ёпишар бўронни кутиб.
 Ним очиқ лаблари олов сочароқ,

(Қалб болғадай уриб, ўзни унутиб)
Нелардир шивирлар. Бошдан то оёқ
Ловуллаб ёнарди. Таранг, ёш кўкрак
Олмадай қалқарди, тебраниб кўйлак,
Кўкракда Сашканинг қўли кезарди,
Майин ва беозор уни эзарди...
Найлайин, ҳаёнинг илгин тутаман,
Бир соатлик гапни ташлаб ўтаман.

43

Уй ичи жимжитдир. Оқ булут қағ-қат
Тўлин ойни пардага ўраб келарди.
Тунги чигиртканинг овози фақат
Аҳёнда нолишдай эшитиларди;
Қайси бир бурчакда сичқон бетоқат
Қитирлатар эди обой қоғозни.
Менинг қўшоқларим ишқ-эҳтиросни
Ўринлатиб ётар айш қўйнида маст,
Тонг отиб қолишин ўйлаб ҳам кўрмас...
О, бундай тунлардан ўнтасини сиз
Умрда кўргансиз, ё кўрмагансиз...

44

Сукунатни Тирза бузади шу дам,
Дер: «Тингла, азизим, ҳазилларни қўй!
Бўлар-бўлмас гапга берайлик барҳам,
Хаёлимга келди ғалати бир ўй:
(Бағрига босади йигитни маҳкам),
Не бўлар, бебаҳом, жон қадрдоним,
Ором олсин десанг менинг ҳам жоним,

Театрга элтсанг эртами-индин,
Ёлғиз илтимосим шу эди сендан.
Биламан, сен учун мушкул эмас бу,
Сўзимни қолдирма, бир армоним шу».

45

«Майли!»— дея Саша беради жавоб,
Тирза сўзин чала эшитди гарчанд.
Қамиш пояни қуш этгандай, шу тоб
Уйқу оғушида бўлган эди банд.
Ҳавасим келади унга! Мен хуноб —
Бедор ўтказаман кўп кечаларни,
Гўдакликдан топдим бу оғир дардни.
Қалбда шу хотирот... қайноқ болишим,
Ўт бўлиб ёнади манглайим, бошим.
Ўйларим бемаъно изғир, довдирар,
Рус қашшоғи янглиғ дайдир, жовдирар.

46

Бир пайтлар Саулни қийнаган бало —
Очкўз қурт қалбимни кемирар ёмон.
Арфа торларидан юксалган садо
Сирли парвоз этган бир малаксимон
Саул жонига сал кирган-ку, аро,
Қўзғатган кўз ёшу ишонч ва орзу,
Ўт ёнган қабоғини юма олган у.
Қуй билан ўйлари топганда шукуҳ,
Унга йўлолмади ҳатто ёвуз руҳ.
Энди оламда йўқ ундайин садо,
Сеҳрли арфа ҳам йўқдир мутлақо.

Барчаси йўқолар. Ишончим комил,
 Бизнинг нурсиз дунё — бошқа бир йироқ
 Олам қабристони, холос... минглаб йил
 Асрлар жангида соғ қолган тупроқ,
 Сўнг олам уфқиға бўлгандир восил.
 Оташ либос кийган кўп сайёралар,
 Еримизга оға-ини саналар.
 Уларнинг ҳаётбахш таъсирини биз
 Сезиб турамиз шу қардошлик боис...
 Тўқнаш келсаларми, дейман, мабода
 Бир сиқим кул қолгай бизнинг дунёдан.

То ўша дамгача порлашсин, майли,
 Тунги фаришталар чироғисимон.
 Бешак, тугаб бир кун ҳавойи сайли,
 Уларнинг жумбоғи ечилар ёмон.
 Ер жимжит, осмон соф бўлган маҳали
 Қўнғироқхона ё бирор чўққидан
 Боқардим уларга кечиб уйқудан,
 Ўтли занжирларин севиб тобора,
 Уйлардим, ер билан юлдузлар ора
 Бор шоир қалбига томон нурли йўл,
 Сочар шўълаларин бошидан мўл-кўл.

Шуйтиб, қаҳрамоним пинакка инди,
 Ором ол, тинч ухла; сиз-чи ўқувчим,

Лутф этиб, тинглайсиз давомин энди,
Йўқса мажбур қилгум ишлатиб кучим...
Олга, эй дostonим! Қайга илинди,
Олдинга чопмасми? Қайтамиз ортга,
Қаҳрамон уйқуда ётган соатда
Сўзлаб берай унинг асли-наслини,
Дунёга кўз очиб келган фаслини,
Бу нопок гўшага қўйганинг қадам,
Устоди, қароли ким бўлганин ҳам.

50

Отаси симбирсклик зодагон эди,
Иван Ильич NN-ов, барваста киши.
Бадавлат отага у ўғлон эди.
Ўзи ҳам бой эди: ақлли, ҳушли,
Муҳими — мансабдор бир аъён эди,
Ўн тўрт ёшдан ишлаб, беқусур, ахир
Истеъфога чиқди, бўлиб бригадир.
У яхши замонлар «бригадир» одам
Бўларди ақлли, ҳушли бир одам.
Иван Ильич Симбирск доирасида
Машҳур эди яхши феъл борасида.

51

Китоб ва шоирни душманам дерди,
Адлиядан анча маълумоти бор.
Қўп ухлар, тўрт одам овқатин ерди,
Ҳеч кимга ҳеч қанча қилмас эътибор.
Жон ҳузури — ёлғиз ташвиши эрди.
Ўзидан бадавлат, зўрни кўрганда,
Қаддини ҳам қилиб, бўларди банда.

Чунки бу асрнинг фармон — қонуни
Талаб қилар эди ҳамиша шуни;
Таъзим зарур эди. Қонун ва амал —
Иккиси ҳам бир гап эди у маҳал.

52

Ўзидан каттани ҳурматлар ҳар дам,
Ҳурмат хуш келарди унинг ўзига.
Хонимларга рашкли хуштор бўлса ҳам,
Адашиб уйланган, ўзин сўзича.
Нимага адашган, буниси мубҳам,
Очиқ айтмам, аммо биламан шуни,
(Рост бўлса), никоҳнинг иккинчи куни
Ғам билан чулғаниб, юрган беқарор.
Эрлар бу хил ғамга кўп бўлар дучор.
Бундай эрлар мутлақ худбин, менимча,
Хотинни айблар, гўё ўзи мусича.

53

Менга таҳсин ўқи, о аёл эоти!
Демосфенингман мен: ҳурлигинг учун
Жар солиб дейманки, қалбим нафрати,
Ҳайвонтарз махлуққа ёғилсин бутун!
Нечун ҳоким улар?.. Исён соати —
Етди, қўзғалингиз! Чек қўйинг! Шошинг,
Марья Николаевнага дадил эргашинг!
Биламан, сиз мени англайсиз осон,
Танингизда оққан сут эмасдир, қон.
Эркаклар кўзи-ю таънасидан гоҳ
Қизариб кетмоққа мойилсиз ногоҳ.

Иван Ильич қадим одатга содиқ,
 Хотинин авайлар ҳамиша, ҳарчанд.
 Унинг бу феъли чин ҳурматга лойиқ,
 Номусни қадрлар эди у баланд.
 Қув қайлиғи бўлса (айтаман очиқ),
 Қоронғи шийпонда тонггача қолиб,
 Жирканч романлардан кўзлари толиб,
 Уқир... Тўлин ойдан кўзин узмас ё,
 Эзгу иш чиқмас ой, романдан асло.
 Чунки қўзғар улар турли ҳис-хаёл,
 Йўлдан озмоқликка қолади хиёл.

Еб қўйгудай латиф, дилдор у гўзал
 Гулгула солганди қанча кўнгилга.
 На илож: ари ҳам тошга ҳеч маҳал —
 Қўнмайди, ошиқар ҳамиша гулга.
 Туйғуга фармон йўқ. У санам ҳар гал
 Иссиқ тўшагида эрига ёқиб,
 Мўмингина бўлиб ётарди балқиб.
 Дерлар, бу сўз балки ёлғон ва бенаф,
 Хотинлар вафоси — ошиқча бир гап.
 Бундай аёлларда (очиғин айтсам)
 Номига бўлади эр дегани ҳам.

Симбирскда, баланд бир ерда, собор —
 Қаршисида эди Иван Ильичнинг уйи.
 Биз кўрган пайтларда ётарди бесор

Қаровсиэ, ташландиқ хароба кўйи,
Гўё жангдан чиққан оғир ярадор,
Бир пайт гўзал маскан бўлгани аён,
Кўркам устунлари турибди ҳамон.
Нафис панжаралар билан ўралиб,
Қафасдай болхона турар мўралаб.
Ойна, эшикларда пардалар асил,
Тартиб-ла осифлиқ турар муттасил.

57

Уй ичи серҳашам; қатор столда
Раангдор дастурхонлар соз товланарди.
Гўё юлдузлар акс этгандай кўлда,
Ойнада қандиллар оловланарди.
Вакиллаб, бир-бирин қолдириб йўлда
Лайчалар қаршилар келган одамни,
Меҳмон ичкарига қўйгач қадамни,
Кўктўти қичқирар: «Ким келди?.. Тентак!»
Меҳмон ўйлаб қолар жилмайиб андак.
Аммо уй бекаси шод қаршиларкан,
Тўти-ла сал ўтмай ярашиларкан.

58

Деразадан аён гўзал манзара:
Чап кўлда, ғарб ёқда ярқиллар қатор —
Томлар ва мўрилар. Бу лавҳа ора
Черковнинг думалоқ гумбази ҳам бор.
Кундузги оромгоҳ, салқин ва сара —
Рябина, малина ўсган жажжи бог
Шийпонли, гулзорли,— худди қўғирчоқ.

Бир боғки, хонимлар ичида танҳо —
Қолган деҳқон қиздай ёноғи хумро.
Бир боғки, ҳашамдан ҳайиқиброқ сал,
Ибо билан турган қиз каби гўзал.

59

Шу тупроқ қўрғон ва адирдан пастроқ,
Кулбалар қалашган манов ўнг ёқда
Кенг бир ҳошиядай ёйилиб оппоқ
Сокин ва улуғвор Волга оқмоқда.
Кемалар бекати томонга бир боқ,
Подадай тиқиндир баржа ҳамда сол,
Мачталар паррагин ғувлатар шамол,
Арқонлар ғижиллар; тун бўлар дохил,
Узоқдан оқариб кўринар соҳил.
Қум босган қирғоқлар кўзга ташланар,
Тунги шовқин-сурон чоғи бошланар.

60

Қўпол ва бетартиб саслар ғовури,
Кемалар аро гоҳ эсиб қоларди;
Сувчиларнинг кулги, қўшиқ, ур-сури
Қудратли наърадай гоҳ юксаларди.
Бўлмас диққатин шом шафақин нури,
Кўзига кўринмас дарғазаб шамол,
Елкада иссиқроқ либос ё рўмол,
Французча китоб қўлда, аксари,
Ойнада ўлтириб мовий мавж сари.
Боқар... Тўлқинларнинг шаддод, беором
Заррин ёлларидан кўз олмай мудом.

Эр-хотин икки йил турди шу зайл,
 Ҳамон хотинига нимча келмас тор.
 Ернинг ихчам тани шунгами мойил,
 Улуғ ёшли эрда ё бир бало бор?..
 Оилавий ишга бўлмасман дохил!
 Иван Ильич ўғилни қиларди орзу,
 Гарчи бойваччалик орқасида у
 Бола ҳам кўрганди бир вақт бир талай,
 Қонунсиз болалар; уларни атай
 Тарқатиб юборган уён-буёнга,
 Таънага қолмайин деган гумонда.

Хаёлан: мен ота!— дейиш қандай соз
 Ва бу уйда яна сирли кўп дард бор —
 Бир из қолдирсангу дунёда, бехос
 Узинг ҳам даф бўлсанг! Қанчалик беор,
 Золим бўлмоқ керак бунга рўйирост.
 Ҳаёт — зил тиканли бир гултожсимон,
 Ҳар ҳолда шундай дер эътиқод, имон.
 Бизни қаён, қайга элтади ҳаёт,
 Фаҳм этишдан ожиз ақлимиз, ҳайҳот,
 Болалик ва уч-тўрт кундан бўлаги
 Ҳаёт деган бебурд мерос бўлади.

Шундай шум ўйлардан кўнгил ғаш бўлиб,
 Бир пайт кўзларим кўп ёш тўккан эди.

Қогозни ёққан бу ёш оташ бўлиб,
Болаликнинг у телба уйқуси энди
Дашт устидан ўтган зим-зиё булут
Каби кўпдан кечмиш; ўтли руҳ аммо
Бир лаҳза сўнмади, саҳрода пайдо
Бўлган бўрон янглиғ эсиб, тинди тез.
У бўрон, кўз ёшлар ўрнида аччиқ,
Дардли кулги қолди акс садо янглиғ...
Баҳор тошқинлари югурган жойда,
Жонсиз тошлар ётар гўё бефойда.

64

Яхшийди бу ҳақда жим қолсам, рости,
Аммо тўғри келмас менга жим туриш,
Мақтовга мен муҳтож эмасман асти,
Шоир дегани ҳам мисоли бир қуш,
Гулларни севади, бўлиб гул масти.
Муаттар япроқлар узра куйларкан,
Бу ажиб сас нечук сирлар сўйларкан?—
Булбулдан буни бир сўранг-чи, шу тоб
Сизга у куй билан беради жавоб.
Мен ҳам дилда борин қиламан баён,
Шул сабаб шеърим ҳам оқади равон.

65

Икки йил ўтди-ю учинчи йили
Ноумид эр-хотин бўлдилар кўп шод.
Бир ўғил кўрдилар, ишқнинг ҳосили —
Ширин ташвишларнинг боиси зурёд
Кўз очди. Уй ичи байрамдай мисли
Уч кун хурсандликдан ичдилар пайваст.

Извозчи, энага — ҳамма-ҳамма маст.
Бироқ остонани қуршаган куйи
Итлар улиб чиқди бутун тун бўйи.
Ҳаммадан даҳшатли, чақалоқ тани
Эслатарди сертук айиқ болани.

66

Кампирлар айтдилар: бахтдан нишон бу,
Иқбол белгиси, деб қўйдилар шу он.
Мени ҳам бир вақт шундай дейишганлар-ку,
Қанчалик рост чиқди — худога аён!
Аксинча, дейдилар, ит торгса улу,
Ёки том устида нақ ўша соат
Қўрқинч шовқин қўпса — бу шум аломат;
Лекин мен пайғамбар эмасман, бу рост,
Бу гапга бош ирғаб қўяман холос.
Гамлет ҳам айтганки: «ушбу дунёда
Донолар учун ҳам сирлар зиёда».
Сирлару Гамлетга, айтинг-чи, шоир
Ишонмаслиги ҳеч мумкинми ахир?..

67

Кундан-кун улғайиб борарди гўдак,
Кўзлари милдирар, қўллари оппоқ.
Сочлари шу қадар майин, жингалак,
Таниш-билишларни лол этар мутлақ;
Кўйлакка алмашди ўрнини йўрғак;
Илк шўхлик дамлари бошланиб бутун
Тўтию итларга бермас эди кун.
Йил ўтиб, беш ёшга қўйганда қадам

Яхшидан ёмонни ажратолди ҳам.
Лек, тугма бир ҳисга мойил эди у,
Бузарди... бузишга қойил эди у.

68

У ўсар... Отаси жеркирди мудом,
Ёшликда кўп даkki еган-да ўзи,
Худога шукурки, бўлди заб одам,
Бинойи, беқусур, бамаъни сўзли.
Паст эди у замон тушунчалар ҳам...
Саша мағрур қалб-ла туғилди аммо,
Ғазаб, заҳар тўла бу мағрур сиймо
Тақдиру иғволар аччиқ зарбига —
Бўйин эгмас сира, тушмас забтига.
Ким озор етказса, эслаб юрарди,
Шу важдан отасин ёмон кўрарди.

69

Буюк гуноҳдир бу!.. Аммо дилда чўғ
Қанчалик зўр бўлса, унда шу қадар,
Жануб ерида тез унгандай уруғ,
Улғаяр муҳаббат, ғурур ва қадар.
Меҳрибон отага дуч келаркан, шўх,
Ўйинқароқ Сашам чимиб қошини,
Бирдан титраб кетар, ичу тошини
Алам ўртар, балки кулгилидир бу,—
Ва лекин на чора!— севишга мажбур,
Овқату калтагу сарқит сабаби
Эгасини севган лайчалар каби.

70

У жуда ёш эди ёғоч тобутга
Онасин куй айтиб қўйишган маҳал.

243

Эсида, қора поп қўлида тутган
Қалин бир китоб ҳам, бор расму амал.
Рўмол билан тўсиб юзин, сукутда
Ота бир чекада турган шу фурсат,
Онасин сўнгги бор ўпмоққа рухсат
Беришган чоғида бақириб, ҳўнграб
Йиғлаб юборгани ва ундан сўнгра
Гаплари қовушмай, ота жаҳлдан
Беаёв ургани... ўтади дилдан.

71

Акаю опадан йўқ эди асар,
Сирли азобларин бўлишмас ҳеч ким.
Ўйин-кулгилардан кечиб сарбасар,
Сўнгсиз шубҳаларга берилганча жим,
Болалик завқидан қилганди ҳазар.
Хаёлда яратиб бир ажиб дунё,
Шу дунё бағрига сингиб кетар гоҳ.
Уммон ичра шудир оролнинг ҳоли,
Гўзалу — танҳолик бўлар заволи.
Қайиқлар меҳмонга бормас у томон,
Гуллари иссиқдан куяр тамоман.

72

Туғилди бир машъум юлдуз остида,
Абадият янглиғ орзуси чексиз.
Орзулар қалби-ла кураш қасдида
Бекойиш кунларин заҳр этмиш, эссиз,
Улар чарх уришар нақ тепасида
Худди шоҳ тожидай; Аммоки тож ҳам

Ғарибга ортиқча юк каби мубҳам.
Ҳислари гўёки илоҳий бир ўт
Меҳробин ёндириб, этганди нобуд.
Оламга ишонч-ла қилдию хитоб,
Қалбин нидосига топмади жавоб.

73

Оҳ, қани, вужудсиз бир руҳ мисоли
Оқшомлар булутга қоришиб кетса,
Қайноқ тўлқинларин эшитса холи,
Тўлқинлар шивирлаб ҳузур бахш этса,
Бағрида тўлғаниб ёрдай иболи.
Буткул табиат-ла бир нафас олиб,
Кимсасиз саҳрода озод ва ғолиб
Яшаса... Чақмоқни этсаю либос,
Зарб ила оламни кул этса бехос.
(Аммо, бахтимизга, азиз китобхон,
Бўлмади бу қудрат унга армуғон.)

74

Бир руҳшунос каби мен бошдан-оёқ
Саша фъел-атворин, бор буду шудин
Очиқ-ошкор қилиб қўймайман, бироқ
Талаб этгум унинг энг қатъий судин,
У чиндан қаттиқроқ ҳукмга муштоқ!
Ҳарнарсдан воқиф журналист, майли
Бундаги йиғи ва кулги туфайли
Нима деса десин, Сашани шайтон
Тийиб турар деса десин, юз чандон
Розиман, бебошлик, шумликда гарчанд
Дўстим шайтонга ҳам берар эди панд.

Асил зот француз устоэи эди,
 Magqiuís de Tess номли кўнгли тор киши.
 Бурни узун, аммо чаккимас диди,
 Пулни ҳам шу сабаб ўмарар яхши.
 Хонимчалар эди орзу-умиди,
 Сонетлар ёзарди, соатлаб гарчанд
 Бир қофия узра бўлса ҳамки банд;
 Қочириқ сўзларга бой лугати бор,
 Уни ёндан қўймас мисоли тумор.
 Хонимлар шафқатин ўйлаб маст эди,
 Аммо баланд-пастни ўйламас эди.

Де Тесснинг отаси — бадавлат маркиз
 Исён маҳалида бўлганди қурбон:
 Фонарда осилиб ўлибди, бир кез
 Безак ўрни шу мода эди у замон.
 Парижли дўстимиз бизнинг Адонис
 Ота ҳокин тақдирга қолдирган кўйи,
 Ўлим чалғисига эгмасдан бўйин,
 Мағрур, жим нафратлаб халқу ҳурликни,
 Оч-наҳор йўл тушди, барча ҳўрликни,
 Азобларни енгиб, у бардош этди,
 Фан ривожин кўзлаб Россияга етди:

Саша тинглар уни, бериб эътибор:
 Оламон қайнайди, ур-сур галаён.
 Эҳтирослар жанги... Жафокаш тождор

Кечирган сўнг дамлар... Барчаси аён —
Бўлиб, тасаввури неча-неча бор
Париж оломони узра кезарди:
Бошлар кесилишин якқол сезарди.
Миллионча исёнкор қашшоқ ҳайқирар,
Нон ва пули йўғу, кулар, бақирар,
Тинмай нидо этиб: «Яшасин қонун!»
Талаб қилишарди Маратнинг қонин.

78

Хамон кўз ўнгида дор ости, кунда...
Зиналарни босиб бир гўзал аёл
Минбарга чиққанди даҳшатли кунда...
Ташвиш, сирли азоб тўла бир хаёл
Юзида акс этар... Халқ-чи тўлқинда
Уни олқишларди... Олтин сочлари
Навқирон эгилди гулчамбарли бош,
Кундага бўйнини қўйди у ёввош...
Ё рабб! Ёвузлар, сабр этинг бироз!
Бир дамда калласиз қолди сарвиноз...

79

Шундан бери дарё қон оқиб ётди,
Тинмади ойболта хунхўр овози.
Сен ҳам, шоир, мағрур, мардона зотни
Сақлаб қололмадинг! Илҳоминг сози
Беҳуда тўлдирди бор коинотни,
Қалбингнинг бойлиги — ишонч ва орзу,
Сўз ва қайғуларинг ҳаммасини у
Беҳудага сочди. Ололмай қасос,

Қонли йўллар босдинг. Шоир қалбга хос
На совуқ бир кулги, на аччиқ сатр
Сенга меҳмон бўлди — ўлдинг беқадр...

80

Сен билан изма-из Франция ҳам
Йиқилди золимлар оёгин қучиб.
Топилмади бирор исёнкор одам.
Қалбаки гаплардан мардона кечиб,
Қалбин пок сақлаган, бардошли, бардам
Кишилар йўқ эди. Аммаки, пинҳон
Тошу тахт йўлини топди Наполеон...
Бундай сатрларни кўп ёзиш мумкин,
Ҳақиқат модани ёқтирмас лекин.
Газеталар ёзди бу ҳақда юз бор,
Яхшимас — бор гапни айламоқ такрор.

81

Сергап насиҳатгўй эмасман асло,
Қидириб юрмайман яхши-ёмонни.
Жаллодга кўрмайман мақтовни раво,
Аммо камситмайман ҳеч қаҳрамонни
Иғво-пигво билан. Аччиқ истехзо
Ва ҳайрат мурдага этмагай таъсир,
Подшоми. Авомми энди барибир;
Мақбаралар учун марҳумлар, аммо,
Биздан бўлмагайлар миннатдор асло.
Мақтов, қасидага эснашар фақат,
Эснаб, ўтмиш тахтни фақат эслашар.

Шундай буюраман, умрим сўнгида
 Мурдамни кўмсинлар саҳрога элиб.
 Баланд тепа уйиб, қабрим дўнгида —
 Бузилмас севгининг нишони этиб —
 Бир бут ўрнатсинлар: булут чангига
 Ботса осмон, туман ёприлса ёки,
 Бу водий бағрида адашмай токи,
 Қашшоқ бир йўловчи шу даргоҳ томон
 Етиб олар, мўлжал қилиб, соғ-омон.
 Ҳассага суяниб сўнгра ҳоргин, лол,
 Ўтмиш, келажакдан суриб у хаёл,—

Лънатлар муқаддас бутга энгашиб
 Само ва табиат, эл ва замонин.
 Момақалдироқнинг аччиқ инграшин
 Ҳам ўтли фикрнинг ожиз тугёнин...
 Йўқ, йўқ, мен нетгайман инсон кўз ёшин?
 Керакмас қора бут, гўр, даҳма, нола.
 Мени табиатга этинг ҳавола!
 Шамолу ҳайвону еру, қуш, оташ
 Розиман қилса ҳам мени хомталаш.
 Қалбим айлансину шаффоф ҳавога,
 Майли сингиб кетай юксак самога!..

Майли, ғаму андуҳ, жами кори ҳол,
 Таассуфлар билан тўла бу қалбим

Захар-заққум тўла бир идиш мисол
Беизлар йўқолсин.. мен осуда, жим
Томчи-томчи этдим заҳрим истеъмол;
Юзу кўзларимга боққан халқ аммо
На даҳшат кўрдилар, на дарду бало.
Дедилар: шу рангга ўргангандир у.
Шундан буён тилим касб этиб оғу.
Авомга қарши ўч ҳиссига тўлиб,
Уни қамситаман мақтаган бўлиб.

85

Бу нохуш лавҳани этайлик адоғ,
Қаҳрамонга ҳам қайтайлик энди.
Ҳаёт ташвишидан фориғу йироқ,
Ўйин-кулги қувиб кун кўрар эди,
Ширин эҳтирослар ила дўст-иноқ.
Дафтар, китоб аро ўтар узун йил
Тарих, жуғрофия, назария, тил,
Жаҳон фалсафаси — эди унга фан.
Бешта системани маркиз олар тан.
Сабабин сўрсангиз, мағрур дерди ул:
„Monsieur, c'est mon affaire” — менга шу мақбул!

86

Саша диққат бермас унинг сўзига,
Қўллари беқарор ва паришон ҳол
Бир гўзал суратин қоғоз юзига
Чекарди. Нигоҳи қўш юлдуз мисол,

¹ Жаноб, бу менинг ишим (франц.).

Бир олов яширин эди кўзига.
Сўнгра узоқ боқар ҳаяжон-ҳисда
Ширин бир уф тортиб, уни оҳиста
Сирли жавоҳирдай, тенгсиз инъомдай
Дафтар қати ичра солар инонмай.
Япроқ ё мактубни, тўғноғични ё
Шундай авайлашар баъзилар гоҳо.

87

Ким бўлди у гўзал? Ўсмирнинг ёшин
Гангитишдан қандай наф экан унга?
Юрак-бағрин ўртаб мисоли яшин,
Нечун ҳисларини солмиш тўлқинга?
Қадимий фоблаздай ғоят оташин
Севмоқ учун, ахир, жуда ёш-ку у,
Нечун ёш юракка бу қадар ғулу?
Кавказ қор чўққиси янглиғ беғубор
Ва жануб кўкидай муҳаббати бор —
Ким у қиз? Жуда ҳам эмас зўр танноз,
Буфетчининг қизи Маврушка, холос.

88

Ун тўртга тўлганди Саша у маҳал,
(Айтақолай муҳим сир йўқ-ку асли)
Оқсоч қизлар аро у галу бегал
Ивирсишни севар. Аксар ёз фасли
Ой нафис нур ила ёғдираркан ҳал,
Қалин акац ўсган осуда боғда
Бу уй санамлари сайр этган чоғда,
Ҳиёбондан келса сирли, майин сас,

Саша қувлаб етар эди шу нафас;
Гоҳ масъум, содда дил устидан қизлар
Қаттиқ ҳазиллашар. (Тушунасиэлар).

89

Шулар ичра бири ажиб дилором:
Кўрганда юраклар этарди жиз-жиз.
Мафтуни бўларди хаёлу ором,
Бироқ истамайман, эй дўстларим сиз,
Тинчингиз йўқотиб қўймангиз тамом.
Суратин чизмайман. Юракни ёққан,
Томирларда ўтдай мавж уриб оққан
Бир ишқ билан Сашам севарди, бироқ
Дилида курашар шарму иштиёқ.
Ўйлар, ишқин нечук изҳор этмоқни,
Бир қатъий фикрда қарор этмоқни.

90

Шу ҳам таажжубми? Мен ҳам ўнтўртда
Аёллар аҳлидан қанча панд едим,
Хотин зоти борки, бари бир гўр-да,—
Деб жаҳон элига уқдирар эдим.
Нафис, оппоқ тўшлар шўх мавжланурда,
Оташ пуркаганда қирмизи лаблар,
Танда қўзғаларди ажиб талаблар.
Силлиқ елкаларга сал тегса қўлим
Титраб кетар эдим... Либоссиз, сўлим
Танларни хаёлда кўрардим, холос.
Бу гаплар янгилик эмаслиги рост.

Уйқу, иштаҳани йўқотганди у,
 Кундуз жим... кечаси алахсирарди.
 Йўлакда фаромуш кезар эди-ю,
 Қизлар одимини эшитмоқ дарди.
 Пойлар ўт нигоҳни... Дуч келса гулрў
 Совуқ бир табассум касб этиб шу тоб,
 Қизғин боқишларга берарди жавоб...
 Муҳаббат қисматдай муқаррар бир гап,
 Қалб-ла олишмоқдан чиқмаган ҳеч наф!
 Тақдирга тан бериб Саша ҳам охир,
 Дардин Маврушага айтмоқчи бир-бир.

Ёз ойлари эди, кун ёнар қизғин,
 Йўлларда бурқирар чанг бениҳоя.
 Томлар узра солиб йўл-йўл чизигин,
 Баланд трубалар ташлаган соя.
 Тошлардан буғ чиқар. Симбирск элин
 Уйқу ва танбаллик забт этган; ҳатто
 Волга ҳам оқарди секин, бепарво.
 Боғда, нам-қоронғи авлоҳда шу кез
 Нимяланғоч ётар қаҳрамонимиз.
 Ширин висол онин қилади орзу,
 Хаёл сурмоқ учун арзирлик гап бу.

Ногоҳ ўнг қўл ёқдан сирень бутаси
 Остидан либослар садоси келди.

Тўлқинли кўкракнинг ўтли нафаси,
Қизгин бир бўсанинг овози келди.
Саша нима қилсин? Кўкрак қафасин
Тешгудай қалб тепар... Ўйланмай узоқ
Буталар оралаб соядай шу чоқ —
Югурди топмоқ-чун хилват гўшани.
Хайҳот! Тўшга босиш ёш Маврушани
Иван Ильич ётар гилос остида,
(Тангри тутсин уни ҳимоясида!)

94

Қалин ўт устида, хайҳот, айш суриб,
Малъун чол уятни итқитиб бу дам
Момикдай жононни ётарди сўриб,
Аямасди оппоқ болдирларни ҳам,
Ҳам юмшоқ тиззани ҳар ёнга буриб.
Жуда кўп уринди, аммо беҳуда!
Кучдан ва оташдан маҳрум эди-да.
Турди-ю уф чекди (бошқа илож йўқ),
Шимини кўтариб, икки кўзи лўқ,
Чол жўнади. Қизча қолган эди лол,
Ғазабга учраган Ариадна мисол.

95

Сабаби, шубҳасиз, маълумдир.. шу он
Саша не қилди денг? Қатъий, тик боқиб,
Совуқ ва лол қотиб оқ мраморсимон,
Қўрқув ва ҳирс этиб дилини таъқиб,
Дўзаҳ, беҳишт аро ҳайрон-саргардон
Бир лаҳза жим қолар нимадир ўйлаб,

Манглайда япроқлар сояси ўйнаб
Турару... ногихон портлаб эҳтирос,
Қалбига ғалаён солар-да, беҳос
Ўёки осмондан тушган инсу жин,
Қизга ташланди-ку шўрлик ўспирин!

96

Ташланди! (Ё раббӣ!) Худдики илон
Маврушани чулғаб бағрига олди.
Гоҳ муз бўлиб, гоҳо оташ саратон
Жўшқин бир ҳирс билан оғушда толди,
Эси оғиб қолди... ер билан осмон
Тумандай... Мавруша ширин инграрди,
Ҳамда жилмаярди, тўлқин сингари
Кўкси тез-тез қалқиб, мастона кўзлар
Худди нури ўчган сўник юлдузлар.
Каби лол, маъносиз сузилар, эвоҳ,
Қўрқув, ҳаяжонга тўла бир нигоҳ.

97

Энди айтинг, дўстлар, ким бунда айбдор?
Мен бўлсам шайтонга тўнкардим барин,—
Шайтон бу гапларга ўрганган. Юз бор
Баъзиларнинг заҳар-заққум тилларин
Олдида ҳафвсиэдир тирноқли шохдор...
Шундай қилиб, кўзга кўринмас у руҳ
Мағрур, ёвуз тусда, бераҳму шукуҳ,
Сўкиш, дўғу, бутни ҳис этмай асло
Саша тақдирини тўпдай бепарво,
Асов раъй фармонин бажарган кўйи,
Иргитиб ўйнарди баланду қуйи.

Икки ой ўтди. Бир қоронғи, зулмат
 Кечаси зинани бир-бир босибон,
 Бошга жун рўмолин, ташлаган ҳолат
 Саша ҳузурига келди ёш жонон.
 Чироқни пуфлайди, Шалақ карават
 Суянчигин тутиб ҳаяжонли қўл,
 Қайноқ қучоқ томон интилар нуқул.

Сўнгра пар тўшакка тортилар аста,
 Кўрпага кўмилиб кетар бир пасда;
 Кўксидан отилар чуқур оҳу воҳ,
 Оташ бўсаларга ғарқ бўлар ногоҳ.

Бунга кўп вақт бўлди. Аммоки бир кун
 (Билмайман қайси кун эди ўшанда),
 У олис висолга бўлганча мафтун
 Ёлғиз ётар эди Саша тўшакда.
 Сўнг дарча ёнига аста кўчди. Тун
 Бўзариб, сўнарди ойнинг шуъласи,
 Атрофин қуршаган булут галаси
 Тўлқинли попуқлар янглиғ кўринар,
 Борлиқ мудрар, аҳён-аҳён уринар
 Дераза кўзига шамнинг зиёси,
 Рембрандт чизгандай кампир сиёғи.

Лип этиб ойнада кўриниб бир зум,
 Яна йўқоларди. Бўм-бўш майдонга
 Қўнғироқхонанинг қоп-қора, узун

Сояси тушганди, сирли томонга
Элтувчи йўл каби. Уфқлар сузгун
Зулматга шўнгиган. Саша ўй суриб
Ўтирар... Паридай хиромон юриб,
Эшикдан бир гўзал аста киради,
Бехос сапчиб тушар Сашка юраги:
Қошида ойдан ҳам мунаввар бўлиб,
Шаҳло кўз қиз турар ҳуснга тўлиб.

101

Танир Маврушани... Яратган эгам!
Бунча ўзгарибди бу нозик ижод!
Наққош танасини чизганми, билмам,
Жон ўрнига худо солмиш алам-дод,
Бир нафас уҳ тортиб турар-да шу дам
Саша томон келар, қўлларин тутар,
Совуқ қўли билан ёпишар, ўпар,
Тинимсиз ёш тўкар дардли кўзлари,
Ёши куйдиргудай йигит юзларин...
Айбдор Мағдалина пушаймон-зори
Аталмиш расмни кўрмаган борми?

102

Гвидо-Ренининг бўёғига хос
Ҳаёт, ҳаяжонни ким тасвир этур?
Юракни кўз оша аён этган холст
Аниқ фикри билан ҳам асир этур,—
Тиз чўкмоқ бўласан. Қалбингни рўй-рост
Сирли қўрқув босиб, уд торисимон
Томир-томирингни титратар ёмон.

Нодонлар даҳо деб атасин номим,
Деб ғам-таъналарга бардош этса ким,
Қалбин тобут қилиб ким яшар экан —
Бундан сирли бир куч англашар экан.

103

Узоқ, ич-ичидан йиғлар у барно,
Юмшоқ елкаларин сочлари қучиб,
Таралиб ётарди мисоли дарё.
Аҳён-аҳён бир «суҳ» лабидан учиб,
Дардини ошкора ётарди, зеро
Сўздан аниқ эди садоси қалбин;
Сашкам англар эди унинг бор дардин
Худди ўз дардидай, она тилидай.
Қўли билан аста тутиб белидан
Қучоғу бўсани ҳеч аямасди,
Мақсад — хотимага боришди асти.

104

У дерди: «Не учун бу азоб, жоним?
Ёшсан, севиклисан — ғурбат на ҳожат?
Кўзингда акс ётар жону жаҳоним,
Ширин бўсаларинг ўзи бир жаннат...
Ёки бирор ёвуз макри ниҳонин
Ишлатиб, кўнглинга бердими озор,
Йўқ, йўқ, бундай ишга кимнинг ҳаққи бор!
Отам қариб борар, француз бўлса,
Бу хил ишга қурби етмайди, ўлса...
Бас, ётар! Ёш тўкма, ёнимга келгин!»
Сашага чирмалиб қиз ёрар дилин:

«Эшитинг, сўнг дафъа буён келишим,
 Хавф, жазо, номусга бермай эътибор,
 Барча-барчасига бўлмасдан ишим,
 Сизни бир кўрмоқни қилдим ихтиёр.
 Қўлингизни ўпиб, ҳайрлашишим —
 Виждон амри... севинг мен бечорани,
 Қалби ҳур... бардошли бир оворани
 Кимдир игво қўзғаб уйғотмиш қасад,
 Энди Иван Ильич қилмоқда ғазаб,
 Мени ҳалок этар у Ванька ёвуз!
 Узрим... Нигоҳ ташлаб, айтинг бирор сўз!

Отангизни дея умримда илк бор
 Ҳаёдан кечдим мен — беҳимоя қул.
 Қамоқ-ла қўрқитди, худо хабардор,
 Ҳафта ўтмай туриб унутди буткул...
 Энди пок муҳаббат бўлмас менга ёр.
 Ҳақорат эшитдим падарингиздан,
 Билмадим, мен кимман назарингизда,
 Қулми? Йўқ, қўғирчоқ! Икки ё уч кун
 Айш қилиб, сўнг топтаб кетмоқлик учун!»
 Еш тўкиб, арзи ҳол қилар эди қиз,
 Саша тинглар эди уни парвосиз.

«Оҳ, кўриб турибман, бепарво, барин,
 Сўзим ҳам, ўзим ҳам сенга буткул ёт!..

Қайтариб бўлмайди висол дамларин,
Ула-ўлгунимча аммо қилгум ёд...
Иккимиз айбодуру, мен чеккум дардин.
Шундай экан, сўнгги бу тун бемалол
Кўзимдан, кўксимдан... тўйиб бўса ол!..
Тонгда мен шўрликни олиб кетарлар,
Узоқ бир қишлоққа тезда элтарлар,
Пахмоқ соқол мужик ва ғам бўлғай ёр..
Сен эса бошқага ишқ этгунг изҳор.

108

Қиз йиғлар. Қувғинди бу гўзал сўзин
Сизга айнан айтиб беришим маҳол;
Муқаддас сўзларнинг дилдаги изин
Вақтнинг ҳалокатли кучи бемалол
Супуриб кетгуси. Юмгандир кўзин
Менга бу қиссани сўзлаган одам,
Бундай йўқотишга йиғламас олам!
Пайғамбар эмасман,— қидирмам имон,
Гарчи интилса-да қалбим Шарқ томон,
Авлод-аждодимиз ўтган у ерлар
Ҳозир шароб чўчқа камёб жой дерлар.

109

Қиз тинганди. Саша дилида гулу,
Боса олмас эди ўзини ҳамон:
«Ёвуз! Золим!— янглиғ латиф ва дилжў
Минглаб сўзлар билан уни беомон
Сўкарди, сўкарди. Бахтиёр уйқу
Кўзларидан тамом учиб кетганди,

260

Йигитни фаҳш ўйлар мойил этганди.
Майин пар тўшакда бу сўнгги соат
Бир маза қилишни этганди ният.
Кайф қилган сингари бўшашиб қиз ҳам
Ўйилиб ётарди, бирдан — ё, эгам!—

110

Аллаким бир тепиб юборди очиб
Дераза эшикнинг қўш тавақасин.
Тунги чироқ хира ёғдусин сочиб,
Ёритди кимнингдир ориқ гавдасин.
Гўё уйқусидан тургандай чўчиб,
Тўзгин, ялангоёқ, бир кўйлак устда,
Кирди-ю Сашкага сўзлар шу тусда:
„En bien, monsieur, qui vois—je?” — „Ah, c'estvous!”
„Ponrquoi ce bruit? Que faites-vous dane?—„jef(...)!”¹
(Кечир, музам) шундай сўзларни айтиб,
Сашка французни чиқарди ҳайдаб.

111

Қиз бечора чиқди ортидан чопиб,
Кавказ жайронидай эпчил, бежуръат.
Иссиқ кафти билан юзини ёпиб...
Хайр-хўш қилмади, бир боқди фақат.
Сашка ҳаяжонин босолмас ёниб:
«Муҳаббат — бадбахтлик, беҳуда бир гап!»—
Дея шивирларди. Булутни тараб —

¹ «Хўш, тақсир, бу қандоқ гап?»— Э, сизмисиз!»
«Бу нима шовқин? Нима қиялпсиз?»— «Мен...?»)!

Садаф шуъла билан тонг ҳам оқарди,
Бу нур азиз меҳмон янглиғ ёқарди.
Бир маромда яниб ҳовлида шу чоқ
Садо бериб қолди маъюс қўнғироқ.

112

Сашка ҳаяжонда ёнар-да лов-лов,
Деразадан қарар: извош турарди.
Ямщик ҳам ўтирди, қўлида жилов,
Кимдир: «Хўш, тайёри?— дея сўради.
«Тайёр». Сўнг ўтирди. У пайқар дарров:
Маврушка! Бўйнига рўмолин чулғаб,
Одатий табассум билан бош ирғаб,
Извош капасига киради секин.
Қамчи ҳам бош узра қарсиллар кескин:
«Жўнадик!» Гурсиллаб кўчар ғилдирак...
Қўйинг, Ўзга дарди бизга не керак?

113

Ана шундай бўлиб улғайди Саша.
Энг зарур жойларин айтдим мен сизга...
Отаси билан у қилиб хархаша,
Сўкишиб қоларди ва бундан ўзга
Бўлиши ҳам қийин,— ёқмасди
Унга, пасткашлигу сохта илтифот,
Аммо чин қасос-чун ёярди қанот.
Бу ўжар феълига урмоқлик жилов
Бенафлигин билган отаси дарров,
Француз, хизматчи ўғлига йўлдош!
Москвага жўнатди тўкиб сохта ёш.

Уни қабул қилди кампир холаси,
 Ҳоким-ди таъбида қатъий бир тартиб.
 Дайдилар, тушмагур шаддод боласи
 Уни қўймагандир асло қизартиб.
 Шундай хонимларданки хуволаси,
 Муқаддас никоҳдан қўрққани сабаб,
 Қатъий ишорага берар экан чап.
 Шу боис, шубҳада бўларкан адо,
 Қарта ўйинига чорлашгунча то.
 Қолган умрин этиб шу тахлит давом,
 Қарта, иғво узра қиларкан тамом.

Бирор эҳтиёткор, виждонли қарол
 Садоқат, итоат кўргузиб ҳаргал,
 Бекасин ёнига кириб бемалол,
 Ётоқхонасига бераркан сайқал;
 Яъники хизматкор, оқсоч бир аёл
 Ўрнида иситар экан ҳар ёгин:
 Кўрпасин, ёстигин, қўлин, оёгин.
 Шайтон ҳам бехатар балки боридан.
 Яна нелар бўлар кеча бағрида,
 Қанийди, бир карра бўлса у гувоҳ,
 Кўрса ухлашларин ширин, бегуноҳ.

Янги пансионга берилди бебош,
 Бунда ўрганди у хулқу одобни.

Дастлаб китобларга мафтун бўлган бош,
Нафрат-ла тарк этди сўнгра китобни.
У кўрди, дўстлик ҳам таъзимга ўхшаш
Мужмал бир нарсадир; ювошлар кўпроқ
Зериктирар сени, бўлолмас ўртоқ,
Ақли бори — эрмак бўлади сал-пал
Мингта меҳрибондан битта шўх афзал.
Шу сабаб, душмани ошиб тобора
Бир ойда юзтага етди ошкора.

117

Ва улар суратин рангдор бўялган
Қўша саҳифада дафтарга солиб,
Безаб, қулфлаб, шоҳи билан ўралган —
Ҳолда ўз ёнида юрарди олиб,
Авайлаб эҳтиёт қилгани-қилган.
Севар, нодўстларин жамики пинҳон
Ғаразин сўз билан этмоқни яксон.
Севар, лол этмоқни қўққисдан ёвин,
Дўқларга — истехзо бўлар жавоби.
Ё бир нодон, бефаҳм турқин олганча
Лақиллатар эди уларни анча.

118

Тезда пансиондан у чиқиб кетди,
Жонига текканди «алиф»лар, «бо»лар.
Талабаликка у ўзин бахш этди,
Фан уйига мағрур у кириб борар.
Эй, муқаддас маскан! Туш каби энди
Эслайман кафедранг, йўлагинг, залинг,

Шогирдлар баҳсига тўлган маҳалинг.
Уларнинг баҳсида: олам ва олло,
Ром чой билан соъми ё чойсиз авло?
Такаббур ҳокимлар қошида мағрур —
Юриш-туришлари ҳамон кўринур.

119

Соат нақ саккизга урганида бонг,
Олим оломонга кўча тўларди.
Кими китоб узра кутган бўлса тонг,
Кими балчиқда маст ётган бўларди.
Лекин осуда, тинч ҳамма дарс томон
Оқар... Профессор кирарди узун,
Беҳуда бўлса-да қиларди таъзим,
Сўнг китобни очар, ўқир... тўполон...
Жонга тегиб, чиқиб кетарди шу он.
Сашкага шу ҳаёт жаннатдан маъқул,
Бу дўзаҳни жуда кўрарди мақбул.

120

Биз ташлаб ўтамиз роса икки йил...
Сал битмай турса ҳам майли достоним,
Уқувчи биларки, қиялпман ҳазил,
Шу сабаб ҳалолу покдир виждоним.
Гарчи, тан олайн, жуда кўп, ҳар хил
Ажиб тарихларни ташлаб бораман,
Пайт етиб, бу маъюс лавҳаларни ман
Қисқартиб, олдинга шошиб югурмай,
Кичик бир кўламда мен гирдоб урмай,

265

Сашкамиз кечирган бекору бенаф
Йилларга фикрингиз боргум етаклаб...

121

Энди қаҳрамонни уйғотсак арзир,
Тўғрилаб олишсин кийим-кечагин.
Эслайсизми, Тирза ҳаловат-ҳузур
Қўйнида ўтказмоқ бўлиб кечани
Ширин ухлаганди? Қаламим ҳозир
Шундай кетяптики, тутиб бўлмас ҳеч,
Балки шу сабабдан қиз уйғонди кеч...
Тўзғиган сочларин орқага солиб,
Усти бошига ҳам бир қараб олиб,
Уйқули кўз билан қилди табассум,
Сўнгра эснаб олди узоқ ва масъум.

122

Роса эзилганди, ўтли ва қайноқ
Бўса оқ сийнага солганди изин.
Сочини турмаклаб, қистириб тароқ,
Шошар апил-тапил ювмоққа юзин;
Сўнгра ич кўйлагин ечар-да, оппоқ,
Момиқ, майин танин юва бошлайди,
Ювган сари тани-жони яшнайти.
Яна олма мисол тарангу хушрў,
Халатин елкага илганича у,
Порлаб, нимяланғоч бир сураг тусда,
Сашканинг ёнига келади аста.

123

Ўриндиқ бошига ўтириб, юзи
Танига сув сочар, сув мунча сачратар совуқ!

Уйқудан йигитнинг очилиб кўзи,
Кўрарки, уй ичи тамоман ёруғ,
Демак турмоқ керак. Қишнинг кундузи
Шуъла сочар. Ойна кумуш гул тақмиш,
Хонага нур зарра тўлганиб оқмиш
Чанаю туёқлар оғир кучидан
Янги қор ғижирлаб турар кўчада.
Ғашимни келтириб ҳар галги каби
Шаҳарда қўнғироқ янграр асабий.

124

На қадар ажойиб бу кун, бу олам!
Кўк саҳни ложувард! Сашам туриб тез
Кийинар ва боғлар галстугин ҳам,
Жингалак сочларда қолдиrolмас из
Ҳаяжонга тўла тунги у ҳарам.
Фақат кўз остида кўк доираси
Фош этиб турарди... гапнинг сираси,
Ўртада қолсин-ку қусур эмас бу.
Бу ҳол хонимларда ҳам учрайди-ку.
«Хотинлар фаришта» дея мен ҳарчанд,
Бошимни гаровга қўйсам-да гарчанд.

125

Хонасидан чиқиб бизнинг қаҳрамон
Узун коридордан тинч қадам ташлар.
Катеринага кўзи тушгани ҳамон
Совуқ нигоҳ билан жим саломлашар,
Секин ўтиб кетар. Бошқа бир ошён,
Бошқа бир хонада хурракни отиб,

267

Бурканиб олганча, юз тубан ётиб,
Параша ухларди каравотида.
Плашчини кийиб чиқди. Ортидан
Ваъдани унутма дегандай, шитоб
Эшитилар эди турлича хитоб:

126

Яъники қадрдон Тирзаси учун
Янгича усти бош, безагу либос...
Тайёр қилсин эмиш. Чиқарсам учин,
Сашка бу гаплардан шодлангани рост.
Хилма-хил безанган рангдор зал ичин
Жалб этгайми экан бундай маскарад?
Юпатиб ёҳудий қизни, масхара
Қилмоқчи тўдага боққанча мағрур,
Адабларинг бериб қўйса на бўлур?
На аҳмоқлар ҳукми, на кампир макри,
Полькаю кадриллар беролмас дакки!

127

Саша уйда. Хола ёнига шу он
Кириб, апил-тапил ўпар қўлини.
«Не билан тугади кечаги бостон?¹⁾
Менга берсалар ҳам дунё пулини,
Кўнмасдим бунақа ўйинга, ростдан.
Тишингиз тузукми? Фиделка қалай?
Камнамороқ бўлиб қолди ҳар қалай.
Бизнинг бу киборча туриш ва турмуш
Келмай қолдимикан у хонимга хуш?

¹ Бостон — қарта ўйини.

Айтгандай, холажон, шу кеча-кундуз
Ерга урилармиш қандайдир юлдуз?..

128

Ҳайр, майли, Кузнецкда янги магазин —
Очилди, бир борсак бўларди дуруст.
Уерда ишлайди хонимча Aline,
Жаноб, Durge, Duranb асил француз,
Ҳозир у савдогар, асли дворянин;
Агпапд хоним билан, серноз ва айёр
Faneaux хоним деган қора қиз ҳам бор.
Қошида ёш-яланг йигит урар чарх
Аммо мен барига боқаман бефарқ,
Бир муҳим сабабдан синиб қанотим,
Оддий томошабин бўламан доим.

129

Сабабки,— хамёним бўш қолди, хола,
Худди французнинг калласи каби.
Ақлимни йиғаман энди бир йўла,
Енгил-елпиликнинг йўқ экан нафъи!»—
Сохта ўкинч ила, надомат ила,
Уҳ тортиб, бошини эгди холага
Ва найранг иш берди, охир, болага.
Сандиқчасин хола очиб қолади,
Сандиқча тубига қўлин салади,
Олади уч дона шалдироқ қоғоз...
Сашанинг юраги ёришар бироз

130

Сўнгра у йўл олди хонаси томон,
Эшиги олдида турар тик қараб

269

Олифта кийинган, салласи алвон,
Садоқатли қули-хизматкор араб.
Юзи лок қопланган қурч-чўянсимон,
Арпа ёрмасидай оппоқ тишлари.
Дадил кўзларининг ўт боқишлари,—
Бирор сўз айтаркан, кулар экан у,—
Юракка соларди даҳшат ва қўрқув,
Гоҳо телбанамо димоғ сезилар
Унинг овозида,— дейди баъзилар.

131

Саша кўпдан иноқ эди у билан,
Ғалати иттифоқ тузишган улар.
Суҳбатлари ўхшар сир-уйқу билан;
Икковлон ўғридай баъзида тунлар
Йўқолиб қоларди. Фаҳм-туйғу билан
Зийнатланган эди бизнинг у ошно,
Шарқийча сўзларга ошиғу шайдо.
Шу сабаб қаролин лақаби «Зафар»,
Изидан қолмасдан юрар ҳар сафар,
Бамисли бир руҳдай сип-сиёҳ эди,
Хунук афтга барча маҳлиё эди.

132

Зафар бир дам тинглар Сашканинг сўзин,
Жингала бошини ирғар қора қул.
Силовсин кўзидай ярқ этиб кўзи,
Сўнг пулни оқ қўлдан олар қора қўл
Ва эшик олдида турганча, ўзин —
Тилида, ёт тилда гулдиради у,

Зафарни қандайдир оташли туйғу,
Жонлантирган эди. Саша столга
Тирсак-ла суяниб, ўй сурган ҳолда,
Секин қулоқ солар эди араб сўзига,
Бақрайиб боққанча икки кўзига.

133

Қўлин силкиб қўйди ниҳоят Сашка,
Соядай йўқолди кўздан хизматкор.
Қув ва мағрур Зафар сув ва оташга
Ўзин уриш учун ҳар доим тайёр,
Ўрганган эди у шундай яшашга:
Мефистофель янглиғ сўзсиз, совуққон,
Неки буюрилса,— яхшими, ёмон,—
Тез ва итоаткор адо қиларди,
Хўжа фармонини қонун биларди.
Сезар, бу жаҳонда бир Саша фақат
Уни ўйлар, қилар меҳр ва шафқат.

134

Аммо ўтмиш бўлган у бир замони,
Узоқ Гвинея наҳрин бўйида
Бўларди кулбаси, хотини, дони
Қип-қизил маржонлар порлар бўйида
Шода-шода бўлиб ва хонадони
Бахтли оилалар ичида мумтоз!..
Муқаддас саҳрони энди кўрмас, рост.
Унда булутгача ўсар хурмолар,
Садафдай кўпириб оқар дарёлар,
Бўсалар куйдирар, санчилар кўзлар,
Тундан қаро тўшли бўлади қизлар!

271

Эрку ватан бари худди хотирот
 Узоқ туман ичра йўқолди мангу.
 Темир кишанларда кўз очди, ҳайҳот.
 Ерқин шаҳарларга хос шовқин-гулу
 Еввойи бу қалбга буткул эди ёт.
 Қалди роқ зарбидан узилган булут
 Шу тахлит самода бўлганча унут,
 Қуёшдан, оламдан, шовқиндан айру
 Қаёнга боришин билмай тентир у.
 Умум шодлигидан ажралиб қолар,
 Хўмрайиб, дарага кириб йўқолар.

Қандай соз, ғуж бўлиб қуюқ булутлар
 Тоғ узра ғалаён қилишган маҳал.
 Пўлат қубба қалпоқ устида укпар
 Мисоли тебраниб туришар! Зарҳал
 Либос кийиб, сокин карвондай ўтар,
 Гулдирак, чақиндан хабардор этиб,
 Сўнгра туманларга қўшилиб кетиб,
 Худдики илонлар тўдаси мисол
 Қоя-қояларда мудрашар беҳол.
 Вақт етиб, шамоллар уларни ҳарён
 Қувлайди. Ким билар: қаёққа, қаён?

Ва қолмас оламда улардан бир из
 Шоирнинг умидсиз севгиси янглиғ,

Еки дўстларга ҳам ноаён, азиз,
Айтилмаган ўйи, орзуси янглиғ.
Сен ҳам, эй ҳаёти бир учар юлдуз
Каби орамиздан ўтиб кетган зот,
Дардингни сўз билан этолмассан ёд»,
Суқротдай ғаразлар заҳрини кулиб —
Ичмоқ истамадинг муғомбир бўлиб;
Сиру асрорингни нодон оломон
Пайқай олмай ўлдинг... тилайман омон!

138

Суякларинг гўрда тинч бўлсин! Улар
Чириб борар ҳарбий либосда нуқул...
Тору зулмат маскан манзилинг бўлар,
Навбатсиз соқчидай унутсан буткул.
Нима ҳам қилардинг?— Кут, балки келар
Ўтмиш дўстларингдан бири ёнингга,
Ёримиз оғушлар навқиронига
Ошиқдир... Жавоб бер менга, эй шоир
Қаёнга даф бўлдинг? Бошингда ҳозир
Нечук гулчамбар бор? Ва ҳали-ҳамон
Бизни севасанми умидвор инсон?

139

Сизлар ҳам, сизлар ҳам, неча-неча бор
Мен қадаҳ узатган ошно-ёронлар,
Ёш-ёш умрингизни не этди абгор,
Суриб кетди сизни қандай бўронлар?
Мен бунда ёлғизман. Меҳробимга ёр
Муқаддас ўт сўнди. Шараф орзуси
Шарпадай йўқолди. Ҳақ чиқдингиз сиз:
Туғилмабман дўстлик, базм учун, лекин

Хаёлларим билан дарвешдай эркин,
Эманзор, даралар, эрк фарзандиман,
Инсиз бир кўчманчи қуш монандиман.

140

Яхши иш учун жон берардим аввал,
Аммо эвазига кўрдим мен нафрат;
Кўп қусуру иллат-ла кўргизиб амал,
Аччиқ лаъзатлардан тўйдим мен беҳад.
Сўнг босган йўлимга кўз солган маҳал:
Ўтмиш кунларимнинг сўлим, ярқироқ
Суратидан ҳайдаб нурли ранг, бўёқ,
Никоб кийдим ва сўнг қаҳқаҳа солиб,
Овсарлар игвосин босдим мен голиб.
Ўч олдим, истеҳзо билан чилпора —
Этиб, мангуликка қилдим ишора.

141

Мангулик, мангулик! Ердан ташқари
У олам уфқида не топармиз биз?
Ҳудудсиз муҳитдай даҳшат манзара:
Билмас асрлар ҳам ном, саноқ ҳаргиз;
Юлдузлар изғишар минг-миллион зарра,
Барча мавжудоддан ақл яралган,
Ўсимлик ҳайвонни ошаб, яйраган
Табиатнинг мағрур ҳокими одам
Бу соқов оқимга иргитилган дам
Нима қилар экан? Онт ичгум шунга,
Ўзи ҳам жуда кўп ўхшар маймунга.

142

О пуч уринишлар! Салкам бир тангри
Ҳисобланган сизнинг қудратли инсон

Санъат билан еру денгизнинг барин
Ишгол қилаолган бўлса-да, бенон
Уч кун яшай олмас. Бас, бу сарсари
Ўйлар — насвасаси шайтоннинг, ахир,
Худосиз асрдир — бизнинг бу аср.
Бирор жосус англаб бу сўзимни гар
Жар солса, чўқиниш кўп мушкул бўлар.
Унда бир мунофиқ бўлиб муҳаққақ
Инонган нарсангдан кулишинг ҳам ҳақ.

143

Хушбахтдир, саодат, муҳаббат, осмон,
Валий, набийларга ишонган киши.
Ер узра у узоқ яшайди омон,
Дарс бўлар авлодга ҳаёти, иши.
Мағрур ўйларини мағрур оломон
Қошида тизгинлай олган бахтиёр.
Хушбахтдир, арғувон лаблар, беғубор,
Олмосдай кўзлардан баҳр олмай токим
Оғир гуноҳларин юва олса ким!
Хушбахтдир, бировлар кибрини кўрса
Бошини эгмасдан ким мағрур турса!

144

Хушбахтдир, ким қуюқ ўрмонлар аро
Дуркун ва ёввойи ёш терак мисол
Яшил барглар шовқин солган дилоро,
Соя-салқин жойда ўсса баркамол.
Юксакдан қуйилган булоқ — фаввора
Пастдаги тошларга бағишлаб юз ранг,

275

Сачраб, ярқиллайди ва берар жаранг.
Ҳу, тепада унган асрий бир қайин
Кеча зулматланиб келгани сайин
Мўъжиза руҳ каби сирли кўринар,
Гоҳ-гоҳ узоқда шох қарсилаб синар.

145

Хушбахтдир, ким яйдоқ чўллар кўксида
Ўсибди ёввойи уюрлар ичра;
Чаққон, илдам, чайир отлар устида
Елдай уча билса, гўё зар-нуқра
Булутлар беғубор ёшлик кўкида
Тепамиздан чопиб ўтгандай. Бошин
Елга тираганча, саҳролар ошиб
Девсимон югурса, янгроқ туёқлар
Ерга урилганда сачраб тупроқлар,
Олдинга интилса учқур отида,
Беқийс тезликнинг ҳур қанотида.

146

Хушбахтдир!... Юраги соф, тиниқ садо,
Нафосатга доим бўлажак тўла,
Орзу майин ичиб этолмас адо,
Жингала сочлари недир оқ тола
Талай вақтгача билмагай асло;
Йигирма ёшида нимаyki орзу
Этса узоқ ўйлаб ўтирмайди у.
Ўттиз ёшларида юртини ташлаб —
Кетмас, қайғу билан кўзини ёшлаб.
Журъат этмас фақат зериккан чоғи
Кўлин сиёҳ этиб, шеър ёзмоқни.

276

Ёки мол сиёғли ўлиб ишламас
 Зодагон сафида, қулдай эзилиб,
 Мунофиқликни ҳеч қалби хушламас,
 Мансаб деб таънадан юрмас эгилиб.
 Ёки немисларга таъзим пешламас...
 Немис славяндан не билан афзал,
 Балки қайга отса тақдири азал
 Ватану картошка топгани созми,
 Шуниси билан ё у сарфарозми?..
 Қаранг, ноқобилу ҳукм юргузар,
 Пулингиз нақд бўлса хизмат кўргузар.
 Ўзи-чи барчани аёвсиз эзар,
 Ўзин урсанг на хафа бўлар, на безар.

Қизиқ қабила: ҳар иблиси барон!
 Ҳар бир этикдўзи — бир профессор!
 Курсисига ўтириб олгани ҳамон
 Ҳайиқмай, ошкора гап сотишин кўр!
 Бақирар, чақирар... Бизнинг бу осмон
 Тагида унмаган... нима ҳам дердик,
 Бизнинг азиз чўллар оддий бир ердек
 Кўзига кўринар шарафсиз, шонсиз,
 Лоқайд кўзлар билан боқар ишончсиз
 Асрлар даҳшатин кўролмас унда,
 Улар унутилиб кетган тўлқинда.

Ким бу сўзларимдан бўлса норизо,
 Журналхонага ҳам арз этсин, майли:
 Сўзин тасдиқ этсин ноширу ошно,

Майлига бу ёвуз игво туфайли
Менга лаънатнома қилсалар иншо!..
Тугатдим... сўнг бет ҳам бўлди саришта,
Чироқ ўчар... ниҳоя бордир ҳар ишда:
Урушлар, бўронлар, наполеонларга,
Ҳатто сабр-тоқат... шеър-достонларга.
Шеърим кўпдан буён бермасди жаранг
Шунча гап айтворди қаламим, қаранг!..

**ШОҲ ИВАН ВАСИЛЬЕВИЧ, НАВЖУВОН
ЯСОВУЛ ВА АЗАМАТ САВДОГАР
КАЛАШНИКОВ ҲАҚИДА**

қ и с с а

Иван Васильевич, омон бўлгур шоҳ!
Қиссамиз тўқилди сенинг тўғрингда,
Севган ясовулинг борасида, ҳам —
Мард савдогар Калашников ҳақида.
Биз уни эскича тўқиган эдик,
Биз уни созга жўр ўқиган эдик,
Унга қўшиб-чатиб, тўлдирган эдик.
Православ халқи юпанди куйлаб,
Ҳам боярин Матвей Ромодановский
Бизга коса тутди — кўпирган бўза,
Шунда оппоқ юзли унинг бекаси
Олиб келди бизга кумуш товоқда
Кашта тиккан, янги шойи дастрўмол.
Уч кеча, уч кундуз бериб зиёфат,
Қайта-қайта тўймай, тинглаб эдилар.

I

Кўкда ярқиллаган зар қуёш эмас,
Зангор булут эмас, томоша қилган:

Дастурхон олдида кийиб заррин тож —
Ўтирар дов Иван Васильевич шоҳ.
Орқасида турар баковуллари,
Боярлар, князлар рўбарўсида,
Икки томонида ясовуллари;
Шоҳ зиёфат берар, базми шоҳона.
Кайфу сафо қураар, беҳад шодумон.

Жилмайиб шунда шоҳ беради фармон,
Овлоқ ўлкалардан олинган шароб,
Ширин шароблардан зар чўмичларда,
Бу олтин косага тўлдириб лим-лим
Тутқизилсин деди ясовулларга.
— Ва шоҳни мақташиб кўтарди барча.

Фақат бир ясовул улар ичидан —
Азамат ва абжир, танги бўз йигит
Мўйлов ҳўлламади олтин косадан.
Ерга қадалганди қора кўзлари,
Бошгинаси тушган кенг кўкрагига —
— Кўкрагида эса, буюк ғусса бор.

Қора қошни чимириб, шоҳ қовоқ солди,
Йигитга тикилди зийрак кўзлари,
Баланд кўк юзида, гўёки қирғий
Бўз каптарни чоғлаб ташларди назар.
Лекин бош кўтармас эди ёш ботир.

Мана, ҳассасини ерга урди шоҳ,
Темир учлик ҳасса қарағай полни
Тешиб ва ўпириб нарига ўтди,
Бироқ сесканмади йигит шунда ҳам,
Сўнгра даҳшат билан гапирди подшоҳ
Бу гал эсин йиғди содда навқирон.

«Ҳей, сен навкаримиз Кирибеевич,
На бўлди, ёмонроқ ниятинг борми?
Ё, шуҳратимизга ҳасадинг борми?
Ёки ҳалол хизмат зериктирдими?
Юлдузлар қувонар ой қалққан чоғда.
Чунки кўкда улар сайр этар нурда;
Булутга беркинган юлдуз оқибат
Ерга отилгуси чирпирак бўлиб...
Сенга ярашмайди, Кирибеевич,
Жирканмоқлик шоҳнинг зиёфатидан:—
Сенинг зотинг ахир Скуратовдан.*
Малютина сени эмизган она!..»

Жавоб берар шунда Кирибеевич,
Таъзим бажо айлаб даҳшатли шоҳга:

— Иван Васильевич, подшоҳимиз,
Нолойиқ қулингман, айбга буюрма,
Шароб ўчирилмас юрак ўтини,
Шароб ўчирилмас зўр бир дардим бор.
Ғазабинг қўзгатдим — ҳукминг ҳам раво,
Жазога буюргил, кесилсин — бошим;
Баҳодир кифтига бош ҳам юк бўлди,
Ўзи ҳам зах ерга майл сезмоқда».

Иван Васильевич сўроққа тутар;
«Нима важ, бўз йигит, қайгуга солди?
Ё, зардўзи тўнинг тўзиб қолдими?
Ёки сўкилдими савсар телпагинг?
Ё пулингни харжлаб тамом қилдингми?
Ё, қайтиб қолдими қиличинг дами?
Ё, отинг оқсаган уриб тақаси?

* Скуратов — Иван Грознийнинг энг яхши кўрган ясовули.

Е, савдогар ўғли оёқ чалдими —
Москва-рекада, мушт жангларида?»

Жавоб берар шунда Кирибеевич,
Жингалак сочларин силкитиб туриб:

— Ўшандоқ зўр юдруқ туғилгани йўқ —
На савдогар ва на бояр зотида;
Асов аргумоғим остимда ўйнар,
Шишадай ярқирар қиличим дами;
Байрамда, сояйи давлатингда соз
Ясаниб чиқамиз, бўлмайин камчил.

Москва-реканинг бўйларига мен
Отланиб сайилга чиқмоқчи бўлсам,
Белимга боғлайман шойи белбоғни,
Қора савсар барқут телпакни букиб,
Чаккамга қўндириб қўяман қия,—
Нозанин жувонлар, чиройли қизлар
Нақшин дарвозалар олдида турар,
Суқланиб қарашар ва пичирлашар;
Лекин ёлғиз бир қиз боқмас, суқланмас,
Йўл-йўл пардасини тутиб юзига...

Эзгу Россияда, она-ватанда,
Изласа, топилмас ундай гўзал қиз:
Оққушдай хиромон юришлари бор,
Каптар кўзларидай кўзлари хумор.
Сўзлаганда гўё сайрайди булбул,
Ёноқлари эса қип-қизил бир гул,
Ёки кўк юзида қирмизи шафақ.
Қўнғир сочларида тилла жилваси,
Ярқирар тақилган сочпопуклари,
Сочлари мавж урар елкаларида,

Оппоқ сийнасини ўпиб туради.
Номи ҳам Алена Дмитриевна,
Туғилмиш савдогар хонадонида.

Уни кўрганимда, ҳушдан кетаман,
Кучли қўлларимда мадор қолмайди.
Зийрак кўзларимга ҳасрат чўкади;
Православ шоҳи, ёруғ жаҳонда
Якка юриш — қайғу, машаққат бўлди.
Ихлосим қайтипти арғумоқлардан,
Ихлосим қайтипти кимхоб тўнлардан,
Менга даркор эмас олтин-хазина,
Ким билан бу мулкни кўраман баҳам?
Кимга кўрсатардим тантилигимни?
Кимга мақтанардим кийиб кимхоблар?

Рухсат бер, кетайин Волга бўйига,
Казак, ҳаётимга қайтайин, эркин.
У ёқда узилар бу қайсар бошим,
Мусулмон найзаси санчилар, балки;
Ва тақсим қилишар ёвуз татарлар:
Вафодор отимни, ўткир тигимни,
Черкасдан ғанимат — пойга эгарни.
Ёшли кўзларимни қузғун чўқиғай,
Устихонларимни ёмғирлар ювгай,
Кўмилмаган шўрлик мурдам ҳар ёнда —
Чочилиб, беқабр ётгай саҳрода!..

Иван Васильевич кулиб, сўз айтар:
«Эй, содиқ, навкарим! Бу кулфатингда
Сенга кўмак учун мен тиришайин.
Мана, ёқут кўзлик узугимни ол,
Инжу ва дурларнинг шодасини ол.
Зийрак бир совчи топ, салом бер аввал,

Кейин, қиммат баҳо совғалар юбор —
Маъшуқанг Алёна Дмитриевнага.
Кўнгил қўйса агар, тўй қил, ўйнаб кул,
Кўнглини бермаса, газабланма ҳеч».

— Иван Васильевич, бор бўлгур подшо!
Сени алдади бу ҳийлагар қулинг,
Ҳақиқатни очиқ-ойдин айтмади,
Сенга айтмадики, у соҳибжамол —
Никоҳ қилингандир церковимизда,
Христиан дини кўрсатган тарзда
Никоҳ қилиб олган савдогар йигит.

*

Жўралар, куйлангиз, гусли соз бўлсин!
Жўралар, ичингиз, ўринласин иш!
Шафқатли боярни юпатинг, қани,
Гўзал бекасини юшматинг, қани!

II

Дўконда ўтирар савдогарзода,
Ҳушсумбат Степан Парамонович,
Яъни Калашников лақаб навжувон;
Ипак молларини тахлаб қўяди,
Ширин сўзлар айтиб харидор тўплар,
Жарақ-жарақ кумуш, олтинлар санар,
Аммо ёмон кунлар тушди бошига:
Давлатманд тўралар ўтар ёнидан,
Унинг дўконига қайрилиб кирмас.

Шом чоғи жомини чалди черков ҳам,
Кремль ортида шафақ туманда
Кўкка кўтарилар шошқин булутлар,
Уларни қувади чинқироқ довул;

Кенг раста, дўконлар бўшаб қолганди.
Беркитар Степан Парамонович —
Қарағай эшикли ўз дўконини,
Очиб бўлмас немис қулфини солар;
Қопоғон, тишлоғич кўппагин эса,
Темир занжир билан боғлар бўйнидан.
Москва-рекадан ўтиб, уйига —
Еш келин томонга жўнар ҳаёлчан.

Етиб ҳам келди у баланд уйига,
Кўп ҳайрон Степан Парамонович;
Еш хотини кутиб олмади бугун,
Оқ дастурхон ёзиб, қўймабди таом,
Липиллаб ёнади хоч олдида шам.
У, кекса чўрини чорлар ёнига:
«Қани, айтиб бер-чи, Еремеевна,
Қаёқларда қолиб, дараксиз юрар
Кеч-бевақт Алёна Дмитриевна?
Қалай, гўдакларим, меҳрибонларим
Чопишиб, ўйнашиб чарчадиларми,
Ухлаб қолдиларми бугун эртароқ?»

— Хўжамсан, Степан Парамонович,
Сенга айтсам, ажаб бир гап, кечқурун
Ибодатга кетди Алёна келин;
Еш хотини билан поп қайтиб уйга,
Кечки таом учун ёқдилар чироқ,
Ўша кетганича черковдан, лекин,
Қайтиб келган йўқ бойвуччанг, қайдам,
Сенинг гўдакларинг, кичкиналаринг,
Ҳали уклашгани йўқ, ўйнашган ҳам йўқ,
Йиғлашар, сиқташар, тийиб бўлмайди.
Шунда ёш савдогар Калашниковни
Ташвиш босиб, оғир хаёлга ботди;
Деразага келиб, кўчага боқар.

Кўчани қоплаган кеча зулмати;
Кўчада бўралаб ёғиб ётар қор,
Кўмилиб кетмоқда оёқ излари.
Мана, эшик очди биров даҳлизда,
Кейин, эшитилди шошқин одимлар,
Қайрилиб қаради — худоё сақла!
Унинг кўз олдида турар хотини,
Ранги бўз оқарган, сочлари тўзиқ,
Тўзиб кетган қўнғир соч ўримлари,
Уларга ёпишган қиров билан қор;
Ақлидан озгандай, кўзлари хира,
Нимадир пичирлар эди лаблари.

«Қаёқларда қолдинг, э хотин, хотин?
Кимнинг ҳовлисида, қайси майдонда?
Нега тўзди, сўйла, сенинг сочларинг.
Нега усти бошинг йиртилиб қолди?
Уйнаб келгандирсан кўнглингни ёзиб,
Тўразодаларнинг зиёфатида!..
Нечун, ахир, эзгу бутлар олдида —
Ваъдалар беришган эдик икковлон,
Нечун олмошгандик олтин узуклар?..
Сени чиқармайин, қамаб қўяйин,
Устингдан бир темир қулф солайин,
Кўрмайин ўтгайсан ёруғ жаҳонни,
Булгаб юрмагайсан тоза номимни...»

Бу гапни эшитгач, Алёна келин
Қалтирай бошлади, менинг шўрлигим.
Дир-дир титради у терак баргидай,
Аччиқ-аччиқ йиғлаб, тўқди кўз ёшин,
Эри оёғига ташлади ўзин.

«Сен менинг тўрамсан, нурли қуёшим,
Ё мени ўлдиргин, ё арзим эшит!

Гапирган гапларинг ўткирдир тигдай,
Улар парчалади юраккинарни.
Ўлим азобидан асло қўрқмайман,
Одамлар игвосин писанд қилмайман,
Сенинг ғазабингдан қўрқаман ёлғиз.

«Шомги ибодатдан қайтардим уйга,
Келаётган эдим кўчада ёлғиз,
Қулоғимга келди қор гичирлаши,
Қарасам, кетимдан югурар биров.
Оёғим чалишиб ела бошладим,
Ипак рўмолимни юзга ташладим.
У маҳкам ушлади билакларимдан,
Астагина менга бундай деди у:
— Гўзаллар гўзали, нега қўрқасан?
Мен қароқчи ёки одамхўрмасман,
Мен шоҳ навкариман, дов шоҳ навқари,
Отимни сўрасанг Кирибеевич,
Шонли Малютина уруғиданман...

«Аввалгидан бадтар қўрқиб кетдим мен,
Гир айланиб кетди шўрлик бошгинам...
У бўлса, эркалаб, ўпа бошлади,
Мени ўпарди-ю сўзларди нуқул:
— Жавоб бергил, қани, сенга на даркор,
Севгилим, жонгинам, бебаҳо дилбар!
Олтин хоҳлайсанми, ё дур, ё гавҳар?
Ёки асл тошлар, ё гулдор кимхоб?
Ясантирай сени маликалардай,
Кўрганларнинг сенга келсин ҳаваси,
Ҳасратингда ўлмай гуноҳга ботиб,

Ёрим бўл, сев мени, қучоқла мени,
Қўнгил учун қучгил ҳеч бўлмаганда...

«У мени қучоқлаб, бўсалар олди,
Ўт ёнар ҳали ҳам ёноқларимда;
Нақ олов сингари куйдирар эди
Унинг ўпишлари, қуриб кеткур-ей...
Қўрди тирқишлардан қўшни жувонлар,
Кулишди кўрсатиб бири-бирига...
Мен унинг қўлидан зўрға қутулдим,
Уйга қараб чопдим жоним борича,
Қароқчи қўлида қолди, нетайин,
Ўзинг совға қилган гуллик рўмолим
Ва юзимга тутган бухори тўрим,
Номусим бор эди, бегуноҳ эдим,
Шармисор этди у, қўйди уятга!
Нималарни демас ёвуз қўшнилари?
Қандай кўринаман киши кўзига?

«Ташламагин мени — вафодорингни,
Ёвуз безорилар таҳқир этмасин!
Суянгудай сендан бўлак кимим бор?
Сендан бўлак кимдан кўмак сўрайман?
Бу ёруғ жаҳонда мен бир ўксизман,
Отам-ку ётибди зах ер бағрида,
Онамнинг қабри ҳам унинг ёнида;
Оғагинам бўлса, ўзинг биласан,
Ёт элларда ғойиб бўлди дараксиз,
Кичик укам бўлса, ҳали жуда ёш;
Ҳали жуда ҳам ёш, эси кирмаган...»
Шундай дер Алёна Дмитриевна,
Аччиқ кўз ёшлари оқарди тинмай.

Укаларига тез одам жўнатди
Шу замон Степан Парамонович;
Иккала укаси келишди уйга;
Қуллуқ қилишди-да, бошлашди шундоқ:
«Хўш ака, нима гап, қилгил хабардор,
Сенга нима бўлди, нима можаро?
Нега чақиртирдинг қоронғи тунда,
Қоронғи, қаҳратон, қоп-қора тунда?»

— Сизга айтиб берай, укажонларим,
Мушкул кулфат тушди менинг бошимга:
Ҳалол уйимизни қилди-ку бадном —
Лаънати ясовул Кирибеевич.
Бундай ҳақоратга чидаб бўлурми,
Ҳеч тоқат қилолмас йигит юраги;
Москва-рекада, шоҳ ҳузурида
Эртага бўлади катта мушт жанги,
Ясовулга чиқай яккама-якка,
Ўлгунча, кучимнинг борича урай.
Мени абжақ қилса, сиз чиқинг, хўпми?
Чиқинг эзгу, ҳалол ҳақиқат учун.
Қўрқманг, укаларим, меҳрибонларим!
Сиз мендан ёшроқсиз, қувватингиз бор,
Ҳали оз сизларнинг гуноҳларингиз,
Парвардигор ўзи сизни ярлақар!

Унга укалари қайтарди жавоб:
«Шамол қайга юрса осмон юзида,
Ўша ёққа чопар ювош булутлар;
Катта жанг майдони — қонли водига,
Базмга, ўликлар саранжомига —
Бўз бургут овози чақирса агар,
Навқирон бургутлар учишиб келар.
Сен бизга оғасан, иккинчи ота,

Кўнглингга на келса, шуни қилавер,
Ёвга калтаклатиб қўймасмиз, жигар!»

*

Жўралар, куйлангиз, гусли соз бўлсин!
Жўралар, ичингиз, ўринласин иш!
Шафқатли боярни юпатинг, қани,
Гўзал бекасини юмшатинг, қани!

III

Олтин бошли, улуғ Москва устида,
Оқ тошли Кремль деворларида —
Узоқ ўрмонлардан, зангор тоғлардан,
Тахта уйлар, томлар бошида ўйнаб
Ҳам сур булутларни ҳар томон ҳайдаб,
Қизғиш тонг шуъласи кўринди балқиб;
Олтин сочларини таратиб солди
Ва ювинди оппоқ, сочма қорларда;
Сулув қиз кўзгуга боққан сингари,
Беғубор осмонга боқар, жилмаяр.
Нега, қирмизи тонг, уйғона қолдинг?
Қандай шодлик учун шошила қолдинг?

Азамат Москва баҳодирлари,
Мана, тайёрланар, тўпланиб бари
Москва-рекага, мушт жангларига.
Байрам сайилига, кўнгил очишга.
Подшоҳ ҳам келди ўз тўпи билан,
Ёнида боярлар, ясовуллари:
Халқасига тоза олтин қўйилган
Кумуш занжир тортинг, деб берди фармон.
Йигирма беш қулоч занжир тортилди —

Яккама-якка жанг талабгориға.
Иван Васильевич буюрган эди,
Баланд овоз билан чақирилди жар:
«Хой, қани бормисиз, танти ўғлонлар?
Қани, шохимизнинг кўнглин очингиз,
Қани, кенг даврага чиқа қолинг тез,
Зўр чиққан кишига шоҳ инъом берар,
Кимки юдруқ еса, тангри кечирар!»

Даврага тушди мард Кирибеевич,
Шоҳга таъзим қилди икки букилиб,
Кимхоб тўнни ташлаб зўр елкалардан,
Ўнг қўлини расо тираб белига,
Чап қўли-ла ростлаб қизил бўркини,
Шу тарзда талабгор кутди майдонда...
Уч қатла янгради баланд овоз жар,
Жойидан қўзғалмас биронта полвон,
Бир-бирин итарар, туртишар, холос.
Ясовул кезади майдон ичида,
Қўрқоқ полвонларни қилади мазах:
«Дамингиз чиқмайди, қўрқяпсиз-да!
Шу улуғ айёмда ваъда бераман,
Тавба қилган киши тирик қолади,
Шоҳимиз кўнглини очаман, холос».

Бирдан икки ёққа ажралди йигин,
Шу маҳал Степан Парамонович,
Савдогар боласи, азамат ботир —
Калашников чиқиб келди майдонга.
Аввал таъзим қилди даҳшатли шоҳга,
Кремлга, эзгу черковларга-ю,
Бутун рус халқига берди у салом...
Лочин кўзларидек кўзлари ёнар,
Қарашин узмайди ясовулдан ҳеч!

Ёвга у юзма-юз тўхтади келиб,
Ва жанг қўлқопларин кийди шайланиб,
Кенг кифтини ростлаб, ўзини чоглаб,
Қўнғир соқолини сийпаб турарди;

Шу маҳал сўз қотди Кирибеевич:
«Қани, баён қил-чи, ҳай, танги йигит,
Наслу насабингни билдиргин менга!
Хўш, номинг нима-ю, лақабинг нима?
Кимнинг жанозаси ўқилар, билай,
Мақтанмоқ учун ҳам билмоғим лозим».
Жавоб дер Степан Парамонович:
«Степан Калашников дейдилар мени»,
Туғилдим номусли ота пуштидан,
Кун кўрдим мен чиқмай тангрим амридан:
Ўзганинг хотинин бадном этмадим,
Тўсмадим қоронғи кечаларда йўл,
Бекиниб юрмадим кун ёруғидан...
Сен тўғри гапирдинг: ёинки сенга,
Ё менга ўқирлар сўзсиз жаноза;
Эрта туш пайтида ё сен, ёки мен —
Азамат дўстларнинг базмига кириб,
Мақтаниб сўзлашга олар бугун ҳақ;
Бир ҳазил, ё кўнгил очиш учунмас,
Юзма-юз келдим мен сенга, беимон,
Даҳшатли ва сўнгги оғир жанг учун!»

Бу сўзни эшитгач Кирибеевич,
Юзи куз қоридай оқариб кетди;
Уйноқи кўзларга чўкди бир туман,
Муз югурди унинг зўр елкасига,
Оғзи очилганча қотди сўзлари...
Икковлон ажралди бир нафас жимжит,
Баҳодирлар жанги бошланди шунда.

Аввал қўл кўтарди Кирибеевич,
Савдогар ўғлига рўбарў келиб,
Урди у астойдил қоқ кўкрагига,
Ботирнинг кўкраги қирсиллаб кетди,
Тебранди Степан Парамонович,
Мис хоч осиг эди кенг кўкрагида,
Муқаддас Киевдан келтирилган хоч
Зарбадан букилиб кўксига ботди.
Шудринг томчисидай томчиларди қон,
Ўйларди Степан Парамонович:
«Тақдир нима бўлса, шуни кўраман,

Ўлгунча жанг қилай ҳақиқат учун!»
Дарров ўнгланди-ю, рўбарў юрди,
Муштига тўплади бутун кучини,
Кўзлаб чап елка-ю бўйни аралаш
Роса келиштириб урди ёвини.
Навқирон ясовул инграб қўйди сал,
Совуқ қор устига гангиб-довдираб,
Чўзила тушди-ю, дарров берди жон.
Совуқ қор устига гўё қарағай,—
Гўёки қарағай намтоб тўқайда
Сермум томпридан қирқилиб тушди.
Иван Васильевич шоҳ буни кўргач,
Ғазаби ўт олди ва ер тепинди,
Қоп-қора қошларин чимириб олди,
Жасур савдогарни тутиб, олдига
Жадал келтиришга берди у фармон.
Православ шоҳи сўзин бошлади:
«Тўғрисини айтгил, ҳақ сўзла менга,
Менинг содиқ навкар — яхши ботирим —
Кирибеевични ўлдирдинг нега,
Ўз эркинг биланми, ёки ноилож?»

— Православ шоҳи, айтайин сенга:
Мен ўлдирдим уни ўз эрким билан,
Важи, сабабини сенга айтмайман,
Ёлғиз худойимга айтгайман фақат.
Майли, жазолагин, урилсин, майли,
Кундада гуноҳкор бошимга болта;
Фақат сен, бегуноҳ гўдакларимни,
Ҳам тул хотинимни, икки инимни —
Четда қолдирмагил марҳаматингдан...
«Сўзинг маъқул бўлди, азамат йигит,
Ҳей, эпчил баҳодир, савдогар ўғли,
Менга жавоб қилдинг, номусли, тўғри.
Ёш хотинингни ва гўдакларингни
Жазодан, ўлимдан озод қиламан,
Иккала инингга бугундан бошлаб
Бутун кенг Россия мамлакатимда —
Тўловсиз савдога бераман ёрлиқ.
Ўзинг эса ҳозир, азамат йигит,
Жазо минбарига томон олгил йўл,
Ғалвали бошингни кундага қўйгил.
Буюрай, ойболта тиги қайралсин,
Ва келсин ясаниб-тусаниб жаллод,
Катта қўнғироқни жаранглатсинлар,
Москвада фуқаро тамом билсинки,
Бебаҳра қолмадинг марҳаматимдан...»
Халойиқ тўпланар катта майдонга;
Ёйиб ҳар томонга совуқ хабарни,
Мунгли-мунгли садо берар қўнғироқ.
Жазо минбарининг устида шу пайт —
Ярқироқ тугмали алвон кўйлақда,
Қайралган каттакон ойболта тутган,
Яланғоч қўлини артиб, дам-бадам,
Жаллод қувнаб кезар у ёндан-бу ён,
Азамат ботирни кутмоқда жаллод.

У, абжир паҳлавон, савдогар ўғлон
Инилари билан хайрлашади:
— «Қани, қардошларим, укажонларим,
Энг сўнгги айрилиқ йўли устида,
Келинг, ўпишайлик-қучоқлашайлик.
Салом, денг Алёна Дмитриевнага,
Айтинг, қайғурмасин, кўп йиғламасин,
Ўдаклар билмасин менинг нақлимни;
Салом айтинг ўсиб-унган уйимга,
Бутун ёру дўстга айтинг кўп салом!
Менинг учун боринг черковга ҳам сиз,
Ўуноҳкор руҳимга ўқинг фотиҳа!»

Шундай қилиб, Степан Калашниковни
Қатл айладилар шармандаларча.
Қонларга бўялиб бахтсизнинг боши,
Жазо минбарида юмалаб кетди.

Москва-реканинг нари ёнида,
Кенг далада унга қазишди қабр,
Тулск, Рязанск, Владимирск —
Уч йўл ўртасига кўмдилар танин,
Устига тортдилар уйиб нам тупроқ
Ўўрига санчдилар ёғочдан бир хоч;
Ўувиллашиб кезар бетинч шамоллар
Ёзувсиз, номаълум қабр устида.
Шу ердан ўтади яхши одамлар;
Кексалар фотиҳа ўқиб кетади,
Йигитлар ўтганда қаддини ростлар,
Қизлар ўтганида уҳ тортар бир оз,
Гусарлар ўтганда — айтишар қўшиқ.

*

Ҳей, танти жўралар, танти жўралар,
Ўспирин куйчилар,

Гусляр ўғлонлар!
Яхши бошловдингиз, яхши тугатинг,
Ҳар кимга ҳақиқат ва чин сўз айтинг!
Сахий боярга балли!
Гўзал бекага балли!
Ва бутун христиан халқига балли!

1837.

ҚОЧҚИН

(Тоғлиқлар афсонаси)

Кийикдан тез югурар Гарун,
Бургут қувган қуёндай шошар;
Черкас қони оққан жанг майдонин
Ташлаб, даҳшат ичида қочар;
Отаси ҳам икки қондоши
Эрк ва шараф деб ўлиб кетди;
Ев оёғи остида боши
Чанг-чупроққа кўмилиб кетди.
Оқар, қасос тилар уларнинг қони,
Жанг ўтидан қочади Гарун;
Ташлади у қилич винтовкани,
Унутди у бурчин ва орин.
Қуёш ботди; туман тўлғанар,
Оқ либосга бурканди қирлар;
Шарқдан салқин шамол ғир-ғирлар,
Пайғамбар саҳроси тепасида ой
Жимирлайди қалқиб олтиндай!

Гарун ҳорғин, сувсаб энтикар,
Юздан артар қон ва терини.

Тоғ аро ой нури: кўз тикар
Таниб ўсган қардош ерини;
Пусиб кирар, кўзга кўринмас,
Атроф сокит, чиқмас бирор ун...
Қонли жангдан уйга бешикаст
Ёлғиз ўзи қайтганди Гарун.
Гарун ошно кулбага шошди,
Уйда одам пирпирайди шам;
Қалбга далда бериб, ўзини босди,
Остонага ташлади қадам;
У, Салимни бир вақт дўст дерди
Танимади ошнаси лекин;
У тўшакда, оғирдир дарди,
У ёлғиз жон бермоқда секин...
«Тангри улуг! У нур қанотли
Фариштага бергандир амрин:
Сени ёвуз ажал заҳридан
Шуҳрат учун сақлагай тангрим!»
Салим заиф кўзларин очиб,
— Не янгилик бор?— дея сўрди.
Қарашида умид нур сочиб
Ярқиради... ўрнидан турди,
Жангчи қони, жон берар чоғда
Бир дам ўйнаб, сўнгги мавж урди.
«Икки кеча жанг қилдик тоғда,
Оғаларим ва отам ўлди;
Овчи қувган жонвордай қочдим,
Саҳро менга паногоҳ бўлди,
Тоғу тошлар, чангаллар ошдим,
Оқёларим бўялди қонга;
Мен нотаниш йўлларни босдим,
Бўри изи йўл бўлди манга.
Черкас ўлар, душман ҳамма ёқ,
Қадрдон дўст, қабул эт мени;

Раҳм эт, ана пайғамбар гувоҳ,
Қабримгача унутмам сени!..»
Улаётиб жавоб айтди Салим:
«Сен таҳқирга лойиқ, қайт яна,
Менда қўрқоқ учун на раҳм,
На шафқат бор ва на бошпана!..»
Таънасига чидаб, бериб тан,
Яширин азоб билан дил тўлиб,
Қайтди, яхши қарши олмаган —
Остонадан, кўп мулзам бўлиб.
Яна ўтиб бир эшик, туси —
Ўзгарди-ю тек туриб қолди,
Ўтмиш кунлар ҳавойи туши
Кўз олдида намоён бўлди
Ва муз каби пешонасидан
Бўса олгансимон туюлди.
Бирдан дили ёришди, майин,
Қора тунга тикилган сайин,
Гуё ёрқин ҳамда ёқимли,
Ўтли кўзлар кўрингандайин;
«Бу қиз фақат мен билан ҳаёт,
Мени севар...» деб этди хаёл,
Кирмак бўлди — бир куй эшитди...
Эшитди-ю қотиб қолди лол,
Ғарун оппоқ оқариб кетди:

«Ой оҳиста сайр этиб,
Юзиб ўтади,
Навқирон ботир йигит
Жангга кетади.
Йигит милтиқ ўқлайди.
Қизи сўйлайди:
Тақдирингга тан бергин
Ва ибодат қил.

Пайғамбарга дил боғла,
Шаънингни оқла.
Ҳар ким ўз дўст-ёрига
Хиёнат этса,
Зарб бермай ағёрига,
Шарафсиз кетса,
Яраланган танини
Ёмғир ювмайди,
Ҳайвонлар суягини
Кўмиб қўймайди...
Ой оҳиста сайр этиб,
Сузиб ўтади.
Навқирон ботир йигит
Жангга кетади».

Бошин эгиб, ўз йўли сари
Гарун жадал ташлади қадам.
Кипригидан ёш томчилари
Кўкрагига томди дам-бадам...
Қаршисида довул қийшайган,
Азиз уйи оқариб турар.
Умид билан руҳланиб Гарун
Дарча чертиб ижозат сўрар.
У туфайли ҳужрада, албат,
Юксаларди осмонга дуо.
Жангдан кутар онаси ўғлин,
Лекин танҳо ўзинмас фақат...
«Оч, онажон! Мен мискин дарвеш,
Кенжа ўғлинг Гарунман, танҳо,
Рус ўқлари аро бешикаст
Қайтиб келдим» — Ёлғизмисан? — Ҳа.
— Оғаларинг, отанг қаерда?
— Фаришталар олдилар жонин,
Худо раҳмат қилар қабрда,

Пайғамбарлар берди ажалин».
— Уч олдингми?— Йўқ, ололмадим...
Тоққа ўқдай учдиму она,
Ёт ўлкада қолди шамширим,
Кўзларингни қувнатиб яна
Оби дийданг артайин дедим...»
— Бас, гапирма! Эй маккор кофир,
Шон-ла ҳалок бўла билмабсан.
Чекил кўздан, яшай бер якка,
Эрк қочқини, рози эмасман
Кекса умрим иснод этмакка!
Сен қўрқоқсан, сен қул, ташландиқ,
Менга ўғил эмассан ортиқ...
Тинди машъум қарғиш сўзлари,
Уйқу секин масканин қурди,
Қарғиш, инграш, ёлвориш бари
Деразадан эшитилиб турди.
Бир зарб билан ниҳоят, ханжар,
У бахтсизнинг кесди хўрлингин...
Она совуқ ташлади назар
Кўргач тонгда ўғли ўлигин.
Одамлар ҳам қувғин жасадин
На қабристон сари элтдилар,
Оғир жароҳатдан оққан қонин
Дайди итлар ялаб кетдилар;
Ёш болалар совуқ мурдани
Сўкиб-сўкиб хўб шовқин солди,
Шаримсорлик, қочқин ўлими
Эрк эртаги, куйида қолди.
Руҳи пайғамбар нигоҳидан
Қўрқув билан учди узоққа,
Кўланкаси шарқ тоғларида
Кечалари ҳамон кезмоқда.
Тонг отарда дарча тагида

Уй ичига ижозат сўрар
Ва эшитиб қуръон сўзларин
Яна туман ичра югурар.
Чопар, худди ўзи илгари —
Жангдан қўрқиб қочган сингари.

МҶИРИ*

Асалдан озгина тотиб,
Мазасига етмасданоқ, ўлаётирман.

1-нчи Шоҳлар Китоби.

1

Бир неча йил бундан илгари,
Худди опа-сингил сингари
Қучоқлашиб Арагва, Кура
Шовқин солиб қўшилган ерда
Бир монастирь бўлган. У ёқдан
Пиёдалар ўтсалар, тоғдан
Қўзга яққол ташланар ҳамон
Миноралар, черков гумбази;
Устунлари бутунлай вайрон
Ўша ернинг чўнг дарбозаси.
Аммо улар остида бу кун
Исриқдондан бурқимас тутун,
Бу оқшомги соатда, бу пас
Ҳаққимизга дуо қилган у
Роҳибларнинг товуши тўғри
Қулоқларга келиб урилмас.

* МҶири — грузин тилида «хизмат қилмайдиган монах», ёки «монах шогирди», демакдир.

Соч-соқоли оппоқ чол, нимжон,
Харобага қоровул бу он.

Ҳамма уни буткул унутган
Ва ўлим ҳам фаромуш этган.
Қабрлардан чанг супура у,
Тошлардаги ҳар битта ёзув
Нақл этар ўтмиш шавкатин
Ва бир шоҳнинг оғир кулфатин,
Тахту тождан айрилиб ҳамда
Россияга у ўз халқини
Топширгани фалон айёмда.

*

Шундан кейин худо ёрлақаб,
Ором бериб боғлар салқини
Грузия яшнаган экан,
Дўст найзаси ёвлардан сақлаб,
Қўрқувларни ташлаган экан.

2

У тоғлардан Тифлисга томон
Рус генерал келган бир замон;
У бир асир болани олиб —
Келган экан. У йўлда толиб,
Машаққатлар тортиб хориган.
Афтидан, у олтига кирган.
Оху каби ёввойи, хурков.
Ожизликда гўёки ғаров.
Аммо унда азоб кулфати
Боболарнинг зўр руҳиятин —

Чиниқтирган Оҳу-зор қилмай,
Гўдак тили фиғон чиқармай
Имо билан рад этиб нонни,
Аста, мағрур берарди жонни.
Бир раҳмдил монах у замон
Бола учун тилади омон.
Дўстлик меҳри сақлаган бемор
Шу муқаддас, азиз чордевор
Ичларида қолиб кетмишди.
Ешликдаги эрмакдан зинҳор
У ўзини йироқ тутмишди.
Авваллари ҳаммадан қочиб,
Беркинарди бурчак-бурчакка,
Кезар эди индамай, якка,
Шарққа боқар эди оҳ сочиб,
Юрти томон тикилар эди,
Юрагини ғам тилар эди.
Асоратга ўрганди ахир,
Ёт тилни ҳам англади бир-бир.
Чўқинтирди уни монах чол.
Роҳатлардан маҳрум бу ниҳол
Болалиги гуллаб турган дам
Ичмакчийди монахча қасам,
Ва лекин куз фаслида бир тун
Ғойиб бўлди. Тоғларни бутун
Қопламишди қоронғу ўрмон.
Уч кун тинмай излашлар у он
Бекор кетди. Ва лекин сўнг гал
Уни чўлдан топиб олдилар,
Беҳуш ётган болани жадал
Монастирга олиб келдилар.
У ғоятда озган ва туссиз,
Узоқ вақт оч қолган каби,
Ёки бемор бўлгандек ожиз.

Сўроқларга жим қолди лаби.
Сўлар эди кун ўтган сайин,
Яқин ўлим сезилди тайин.
Роҳиб келиб қилди насиҳат.
Сўзни мағрур эшитиб бемор,
Бор кучи-ла кўтариб қомат,
Узоқ этди шу гапни изҳор:

3

«Тавба тилаб келибсан мендан,
Миннатдорман, розиман сендан.
Сўзлар билан очайин дилни,
Бўшатайин энди кўнгилни.
Одамларга бермадим озор.
Шунинг учун ишларимни ҳам
Билмакликнинг манфаати кам,
Дилни қилиб бўлурми изҳор?
Оз яшадим ва асоратда,
Бундай икки умрни, албатта,
Ҳаяжонга лиқ тўла битта
Ҳаётга мен берардим ҳозир,
Агар шунга бўлсайдим қодир.
Мен билганман фақат, доимо
Орзуларнинг ҳукмини, холос.
Менга ошно биргина, аммо
Алангали, ўтли эҳтирос.
У қурт каби бағримда турган,
У куйдирган, жонни кемирган.
Ўйларимни шу туйғу доим
Ибодатдан, роҳибларнинг дим —
Ҳужрасидан — жонли ва дилбар
Жанг олами сари чақирар,

У ерларда баланд қоялар
Булулларнинг қўйнида ётар,
Ўзларини унда одамлар
Бургутлардек эркин ҳис этар.
Мен шу ҳисга кўз ёш ичириб,
Озуқ учун ғамимни бериб,
Улғайтирдим тун зулматида.
Уни осмон ва ер олдида
Энди қаттиқ этаман иқрор,
Иноятга ҳеч эмасман зор.

4

«Чол! Эшитдим мен кўп марта, рост,
Сен ўлимдан этибсан холос.
Ёлғизликда, мағрурона тек
Ўсдим баланд деворлар аро.
Руҳан бола, монаҳ-тақдирим,
Ота-она деган сўз аммо
Менга насиб бўлмай, ёш умрим —
Ўтди. Сен ҳам истар эдинг, чол,
Шу паноҳда мен гўёки бол —
Каби ширин сўзлардан кечсам.
Бекор савдо, бу товушлар ҳам
Туғилдилар мен билан бирга.
Ўзгаларда қавму қариндош,
Ватан, кулба ва дўсту йўлдош
Кўрган эдим. Аммоки ўзим
Етолмадим ҳаттоки гўрга.
Шунда бебурд ёш тўкмай кўзим,
Дилда ичдим шундай бир қасам:
Бир кун, майли, ақалли бир дам
Ўз сийнамни бирор жонажон

Сийнасига лоақал бир он
Боса олсам, ёзолсам қайғу,
Майли, қавмим бўлмаса ҳам у.
Эвоҳ энди у ширин хаёл
Ҳалоқ бўлди, қолмади хушҳол,
Аввалгича, қул, етим бўлиб,
Ёт тупроқда кетаман ўлиб.

5

«Қўрқитмайди мени қабристон;
Дейдиларки, совуқ зимистон —
Ерда ухлаб ётармиш кулфат,
Эсиз ширин ҳаётим фақат!
Мен ёшман, ёш... Бирор эрта-кеч
Шўх ёшликнинг орзуларини,
Эркинлиги, туйғуларини
Сезганмисан, билганмисан ҳеч?
Нафрат, севги сенга тамом ёт,
Ёки, унутгансан умрбод;
Бурчакдаги юксак минордан
Қўринганда қуёш, кенг водий,
Тоза ҳаво ва гоҳи-гоҳи
Қаршидаги тешик девордан
Нотаниш юрт боласи, жони
Ёш кабутар шоҳида увушиб,
Яшинлардан қўрқувга тушиб
Ўтирганда, дил ҳаяжони
Ошганмасми? Бу гўзал олам
Ҳаётидан тўйгансан бу дам:
Қариб қолдинг, ожизсан, тоқсан.
Орзулардан тамом узоқсан.
Сен яшадинг! Нима аҳтиёж?

Унутмакка бор сенда илож.
Сен яшадинг — мен ҳам бу айём
Сендай яшай олардим тамом!

6

«Мен ҳурликда кўрган нарсалар
Агар сенга даркор эрсалар,
Сўзлаб берай,— яшноқ далалар,
Дарахтлар-ла қопланган тепа
Ва уларнинг бутун атрофда
Оғайнилар рақси сингари
Тўдаларда шўх шовқунлари...
Қояларни ўпирар оқим.
Уйдум-уйдум қора тошлар жим;
Кўрарканман буларни у он
Ўйларини англадим аён:
О, бу менга бўлди иноят!
Тош қучоқлар фазода ғоят
Ёйилмишди узоқ ва узоқ,
Муштоқ эди висолга ҳарчоқ:
Аммо кунлар ўтар, йил ўтар,
Улар асло қовушмай кетар.
Орзулардек ажойиб, гўзал
Тизма тоғлар кўрдим у маҳал,
Улар тонгнинг шуъласи билан
Меҳроблардек ялтироқ экан,
Кўк осмонда уларнинг боши
Кўринаркан булутлар ошиб,
Тарк этишиб сирли маконни
Оқ булутлар тизма карвони
Шўх қушларнинг йироқ элдан тик
Келаётган карвонларидек

Чўзилишиб кўкда бепоён,
Йўл олади машриққа томон.
Узоқларга боқдим туманда
Нурли олмос қорлар оралаб
Кўринарди аста мўралаб
Кекса Кавказ ўша томонда:
Шунда кетди кўнглимдан ҳасрат,
Сабабини билмадим фақат,
Сен у ерда яшагансан деб,
Сирли овоз этарди баён.
Мен эсласам, ёдимда ҳадеб
Ўтмиш кунлар бўларди аён.

7.

«Мен туғилган у гўзал дара
Атрофдаги ажиб манзара:
Салқин ерда гуллаган овул
Хаёлимни қоплади буткул.
Кечки маҳал қайтучи пода,
Йилқиларнинг саси ҳавода,
Таниш итлар кўтарган сурон
Эшитилди менга ўша он.
Уйимизнинг нақ қаршисида
Кекса бошин босиб хаёллар,
Ўй ўйлашиб ўтирган чоллар
Жонландилар менинг эсимда,
Узун ханжар ғилофлари ҳам
Ярқ этгандай бўлди... Ҳаммаси
Худди тушдек ўйимни босиб.
Бир-бир ўтди олдимдан шу дам.
Отам бўлса, у худди тирик
Ва жанговар либосда тетик

Кўринди-ю, эсладим аён:
Совутларнинг сасин ногаҳон,
Қуролларнинг порлоқ нуруни,
Кўзлардаги эрк ғурурини.
Ёдга тушди нав-ниҳол қизлар.
Опаларим, у шаҳло кўзлар,
Бешигимнинг устида улар
Сўзлаган сўз ва ширин куйлар...
Югурарди дарада ирмоқ,
Сершовқин пайт эди у бироқ;
Мен у ерга қоқ ярим кунда,
Уйнаш учун тилла ранг қумда,
Дара бўйлаб ёлғиз борардим,
Қалдирғочлар томон қарардим.
Улар селни сезиб учарди,
Қанотлари мавжин қучарди.
Сокин кулбам ёдимга тушди,
Эсим оқшом бағрига учди.
Биз ўшанда гулхан олдида
Ҳашаматли ўтмиш ҳақида
Ҳикоялар тинглаб, бўлиб шод,
Ўтганларни қилар эдик ёд.

8

«Мен ҳурликда кўрган нарсалар,
Наҳот, сени қизиқтирсалар?
Мен яшадим, ҳаётим учун
Бўлмасайди шу бахтли уч кун,
Сенинг ожиз чоллигингдан ҳам
Менда ортиқ бўлар эди ғам.
Кўпдан бери орзуманд эрдим;
Қирларимни бир кўрсам дердим,

Билмакчийдим, эрк учунми ё
Эиндон учун яралган дунё.
У даҳшатли, тунги соатда,
Яшин сизни қўрқитган пайтда,
Тўпланишиб сизлар меҳробга,
Бош қўйганда ерга, тавобга,
Мен қочдим. О, ука сингари
Қулоқ ёйсам мен бўрон сари!
Булутларни кузатди қўзим,
Елдиримни ушладим ўзим...
Айтгил менга, у қисқа, жонли,
Бўрон билан хўб ҳаяжонли
Биродарлик, дўстлик ўрнига
Берар эдинг нимани менга?

9

«Узоқ чопдим... Қаерга? Қаерда?
Билолмайман! Ана шу пайтда
Бирор юлдуз заҳматли, оғир
Йўлларимга ҳеч тўкмади нур.
Азоб чекиб эзилган сийнам
Ўрмонларнинг кечасиги нам —
Ҳавосидан нафас оларди,
Шунда руҳим енгил бўларди!
Елиб қочдим мен неча соат,
Югурдимун толдим ниҳоят,
Ўсиқ ўтлар қўйнига ботдим,
Қулоқ солдим: сокинлик ҳоким.
Ҳеч ким мени қувламас эди,
Гулдурак ҳам тинмишди энди.
Тасма-тасма туссизгина нур
Чўзилмишди юксак осмондан

Тоғлар ошиб то ерга докур.
Ва пайқадим мен ўша онда
Узоқдаги тоғнинг тишлари
Тизилмишди маржон сингари.
Қимирламай ётардим сокин,
Гоҳо дара қўйнида локин
Олисларда шақал увларди,
Гоҳо бола каби йиғларди.
Тош оралаб силлиқ товланиб
Илон ўтар эди тўлғаниб.
Аммо қўрқув этмади таъсир,
Қилолмади қалбимни асир.
Одамлардан қочиб, ҳайвондек,
Беркинардим мен ҳам илондек.

10

«Пастда эса кўтариб нола,
Яшин билан авжли шалола
Бўкирарди, у солган шовқун
Юз даҳшатли овозга бутун —
Ухшар эди. Гапирмаса ҳам,
Қайсар тошлар гувиллаб қилган
Уша суҳбат, мангу баҳс у дам
Менга жуда ошно туюлган.
У гоҳ тинар, гоҳ авж оларди,
Сукунатда шовқун соларди.
Мана, тепа-туман томонда
Қушлар сайраб кетди шу онда,
Қанот ёйди шарқда олтин зар,
Ел қўзғалиб, шу маҳал барглар
Шудринг тўкиб кетди қимирлаб.
Ухлоқ гуллар аста очди лаб,

Ва шулардек нурдан топиб жон
Бош кўтардим мен ҳам у замон...
Алангладим: рост этсам агар,
Қўрқиб кетдим. Тубсиэ чуқур жар
Ёқасида танҳо ётардим,
Ўкирарди даҳшатли оқим,
Қоя тошлар — зинаси бунда,
Осмонидан мангу қувилган,
Ер тагига мангу йўл олган
Иблис фақат юрарди унда.

11

«Атрофимда яшнарди жаннат,
Гиёҳларда мавжуд латофат
Илоҳий кўз ёшлар изини
Сақлар эди, безаб ўзини,
Ишкомларнинг сўлим чиройи
Дарахтларга тиниқ нур ёйиб,
Ўша ерда сочилган эди,
Гўзал олам очилган эди:
Пишиб турган узумлар бош-бош
Худди тилла зиракка ўхшаш
Ҳашам билан осиқ турарди.
Хурков қушлар келиб қўнарди.
Шунда яна ерга ётдим-да,
Қулоқ солиб, ўйга ботдим-да,
Афсонавий ва жуда ғалат
Овозларни эшитдим шу вақт;
Чангалларда сайрарди қушлар,
Гўёки ер юзининг борин
Ва осмоннинг сиру асрорин
Буткул аён айларди қушлар.

Барча мавжуд бўлган овозлар
Қўшиларди шу ерда бирга.
Тантанага тўлган овозлар —
Шу мақтовлар ичида у дам
Мағрур товшин қўшмасдан жўрга
Фақат сукут сақларди одам.
Ўша маҳал кўнглим ҳис этган
Барча орзу йўқолиб кетган,
Аммо, истайманки, лоқал
Хаёл билан яшамоқ учун,
Ўша орзуларни бу маҳал
Бир-бир сўзлаб берайин бутун.
У субҳидам осмон гумбази
Тоза эди, малак парвози
Пайқаларди; саришта нигоҳ
У парвоздан бўларди огоҳ;
У шундайин тубсиз ва тиниқ,
Текис мовий чиройга тўлиқ!
Унда кўзим тинди қамашиб,
Унда руҳим қолди адашиб,
Ўйларимни қувди ҳарорат,
Ташналикдан толиқдим беҳад.

12

«Тепаликдан оқимга қараб,
Эгилувчан шохларни ушлаб,
Тошдан тошга узатиб оёқ,
Аста тушдим пастликка шу чоқ.
Оёқ тегиб гоҳ қулаган тош,
Жар тубига думалаган тош
Тўзитарди тупроқни бутун,
Юксаларди у гўё стун,

У гумбурлаб, сачраб, тушарди,
Мавжлар узра сувга чўкарди;
Баланд тошга осилиб қолдим,
Аммо кучли эркин, ёш қалбим,
Ўлим унга соломас қўрқув!
Тик тепадан тушишим билан
Тоғдан гурлаб тушган салқин сув
Шабадасин ҳис этдим бирдан,
Бир енгиллик сездим-да шунда
Ўзни урдим бароқ тўлқинга.
Ногаҳон сас... Қуш каби енгил
Оёқларнинг товшин эшитдим...
Ҳаяжонга лиқ тўлди кўнгил,
Қалин шохлар ичра беркиндим.
Ташладим-да чўчиб бир нигоҳ,
У томонга мен солдим қулоқ.
Гуржи қизи келарди яқин
Ва овози келарди яқин,
У овозга сунъийлик ётдир,
У ширин сас ўзи ҳаётдир,
У эркин сўз тоза, беғубор
Дўст номларни қиларди такрор.
Унинг содда куйи бор эди,
Зулмат ёяр экан пардасин,
Гуржи қизнинг шўх ашуласин
Номаълум руҳ такрор этарди.

13

«Кўзасини баланд кўтариб,
Сўқмоқ йўлдан нарига бориб,
Гуржи қизи соҳилга тушди.
Тошлар узра гоҳи сирғаниб.

Одимидан ҳайратда қолиб,
Лабларидан кулгиси учди.
Фақир эди унинг либоси;
Енгилгина у қадам босиб,
Чодрасининг ҳошиясини
Елкасига ташлаган эди.
Ёз қуёши бет, сийнасини
Тилла тусга қоплаган эди.
Лабларида, ёноқларида
Саратоннинг ўти ёнарди.
Тундай қора нигоҳларида
Ишқ сирлари лиммо-лим эди.
Улар мисли бир тилсим эди.
Юрагимни босиб ҳаяжон,
Қараб қолдим. Ёдимда ҳамон
Мис кўзанинг баланд жаранги,
Шилдираган сувнинг оҳанги,
Майин шарпа эсимда. Аммо,
Бошқасини билмайман асло...
Сўнг, ўзимга келиб ногаҳон
Кўзни очдим ва лекин бу он
Кетган эди қиз жуда йироқ;
Аста одим ташлаб кетарди,
Кўзасини енгил элтарди,
— Юк остида мунча ҳам тетик,
Далаларнинг шоҳи — сарвдек!
Нариоқда туманлар аро
Ўсган каби қоядан гўё
Икки кулба турар ёнма-ён
Ва бирининг тоmidан бу он
Тараларди кўкимтир тутун.
Ҳозиргидек ёдимда бутун
Очилди-да эшиги аста
Ва ёпилди яна бирпасда!..

— Мен биламан, юрак җасратим,
Менинг тинмай чеккан кулфатим
Сенга аён әмәслиги чин,
Истайманжи, аён бўлмасин.
У дамлардан қолган хотирот
Ўзим билан кетсин умрбод.

14

«Тунларда мен чеккан ғам, қайғу
Толиқтирди ва ширин уйқу
Беихтиёр кўзимни юмди...
Гуржи қизнинг гўзал сурати
Тушимда ҳам яна жонланди...
Дилнинг ширин ажиб җасрати —
Билан сийнам янгидан ёнди.
Мен қийналдим нафас ололмай,
Уйқум ўчди. Бу вақт нурли ой
Кўкдан шуъла сочарди. Танҳо
Қора булут тиниқ самода
Ўлжасини қўриқлаб гўё,
Суқ бағрини очиб ҳавода
Турад эди. Қоронғу жаҳон
Сукут сақлаб турарди бу он.
Кумуш уқа каби занжирбанд
Қорли тоғлар турарди баланд.
Йироқларда ярқирар улар,
Шалола ҳам тинмай гувиллар.
Таниш кулба ичида чироқ
Гоҳ титрарди, сўнар эди гоҳ...
Нурли юлдуз тунда осмонда
Худди шундай сўнар ҳар онда!
Менда истак уйғонди... фақат

Кирмак учун йўқ эди журъат,
Ватанимга етмак армони
Юрагимда яшарди фақат.
Очлик билан кетиб дармоним,
Мен толиққан эдим ниҳоят,
Бўлсам ҳамки жуда бемажол,
Бор кучимни тўплаб уриндим,
Чўчиб-чўчиб юрдим тамом лол,
Тўғри йўлга томон бурилдим,
Аммо, ўрмон ичида тездан
Баланд тоғлар йўқолди кўздан,
Қоронғулик ичра кирди йўл,
Мени буткул адаштирди йўл.

15

«Изтиробда беҳудага гоҳ
Печак гули чирмаб олган шох —
Новдаларни алам ичида
Чирт-чирт узар эдим учидан.
Чор атрофда қадимий ўрмон,
Ваҳимали, қуюқ, бепоён;
Дарахтларнинг ҳар новдасидан
Миллионларча қора кўз билан
Тикиларди тун зулмати жим...
Шунда гир-гир айланди бошим:
Дарахтларга осилиб кўрдим
Ва ўшанда ҳаттоки осмон
Четида ҳам сўнгсиз, бепоён
Тишдор қалин ўрмонни кўрдим.—
Ерга беҳуш йиқилдим шунда,
Аччиқ-аччиқ йиғладим тунда,
Кўзларимдан оқди чексиз ёш
Худди қайноқ шабнамга ўхшаш...

Бироқ, ишон менга, ўша кеч
Одамларнинг мададини ҳеч
Истамадим... Уларга бу он
Ётман, худди саҳройи ҳайвон.
Чол, қилайки, сенга қасамёд,
Бир лаҳзалик хаёл ёки дод —
Билан тилим қилса хиёнат,
Уни узиб ташлардим албат.

16

«Ёдингдами, бўлсам ҳамки ёш,
Кўзларимда кўринмасди ёш;
Аммо орсизларча мен бу чоқ
Йиғладим, ёш бўлмади адоқ.
Ким кўрарди? Қоронғу ўрмон,
Кўкдаги ой ва фақат осмон!
Ойнинг нури юм-юм қуйилган,
Майса гилам ва қум ёйилган,
Маҳкам девор билан ўралган
Дала ётар эди олдимда.
Кўриб қолдим, тўсатдан шунда
Бирдан шарпа кўринди тунда,
Икки чироқ ёнгандай бўлди,
Ва улардан учқун сочилди...
Чакалақдан қандайдир ҳайвон
Бир сакраш-ла чиқди-да шу он
Думалади текис қумлоққа,
Қараб қўйди у ёқ-бу ёққа...
У саҳронинг мангу меҳмони,
Яъни чўлнинг голиб қоплони.
Хом суякни кемирарди у,
Қувончидан ўкирарди у;
У думини жийиарди гоҳ

Ва ташларди қонли бир нигоҳ
Тўлин ойга; нур кўмиб уни,
Кумуш каби порлади жуни.
Қаттиқ шохни ушлаб қўлимда,
Жанг пайтини кутдим йўлимда.
Шунда менинг қалбим дафъатан
Кураш ва қон истаги билан
Ёниб кетди... Ҳа! Тақдир бу чоқ
Ўзга йўлга бошлади мутлақ...
Энди менда ишонч муқаррар:
Она юртда бўлсайдим агар,
Ҳеч шубҳасиз бўлардим ҳозир
Эл ичида машҳур баҳодир.

17

«Мен энтикиб кутдим. Шу замон
Зулматда ёв пайқагансимон
Қоплон бирдан бўкирди. Бу дод
Еру, кўкка ларза ташлади...
Жаҳли чиқиб, йиртқич шу заҳот
Қумни тирнаб қазий бошлади!
Бир ҳурпайди, сўнгра у ётди
Ва дастлабки кучли сакраши
Менда ўлим ваҳмин қўзгатди...
Аммо менинг келди-да гашим,
Тез ва тўғри бўлди тик зарбим,
Тошдек таёқ бир болта каби
Пешонасин ёриб ташлади...
У одамдек инграй бошлади
Ва йиқилди.— Аммоки шу он
Ярасидан дарё-дарё қон
Оқса, ҳоли бўлса ҳамки танг,
Қайнаб кетди ҳалокатли жанг!

«Кўкрагимга отилди ҳайвон,
 Бироқ, маҳкам шохни шу замон
 Томоғига санчиб ололдим,
 Икки марта мен қайиролдим...
 У ўкирди кўтарди фарёд,
 Бор куч билан ташланди азот,
 Шунда аста босиб келиб биз,
 Қўш илондек чирмашдик тигиз,
 Икки дўстдан кўра қаттиқроқ —
 Қучоқлашиб йиқилдик шу чоқ.
 Қоронғида давом этди жанг,
 Ерда яна қизиб кетди жанг.
 Мен ҳам ёмон эдим бу нафас,
 Худди даштий қутурган йўлбарс,
 Ёвуз бўлиб, ёввойи бўлиб
 Қоплон каби оташга тўлиб,
 Увлардим қон босиб кўзимни;
 Ўрмонларнинг пок сийнасида
 Қоплон бўри оиласида
 Туғилгандек сезиб ўзимни,
 Одамларнинг сўзини гўё
 Мен унутган эдим мутлақо,
 Кўкрагимда йиртқичларга хос
 Қўрқинчли дод туғилди беҳос,
 Гўё гўдак чоғимдан буён
 Менга одат бўлган шу фиғон...
 Аммо ёвим қувватдан толди,
 Базўр нафас олди, тўлғонди,
 Сўнгги марта мени бир сурди...
 Ҳаракатсиз кўзлари-ла у
 Даҳшатли бир боқди ва юмди,
 Уни қучди мангулик уйқу;

Аммо ғолиб душман билан у
Халокатга борди рўбарў.
Жанг чоғида асил паҳлавон
Жанг қилади шундай беомон!

19

«Мана менинг кўксимга қара,
Чуқур тирноқ изидан яра,
Улар ҳали битганлари йўқ
Ва йўқолиб кетганлари йўқ
Унга ажал беради барҳам,
Унга тупроқ бўлади малҳам.
Мен уларни унутдим у дам,
Яна йиғиб қолган дармонни,
Кездим сўнгсиэ, қуюқ ўрмонни...
Қисмат билан олишдим бекор,
Ва лекин у хўрлади такрор!

20

«Мен ўрмондан чиқдим. Бу маҳал
Кун кўринди, кўкда галма-гал
Унинг ёрқин нурида эриб
Сайёралар сўнди бу замон.
Кенг ёйилган туманга кириб
Шовуллади уйғонган ўрмон.
Узоқлардан кўринар овул,
Кўкка ўрлар бурқиган тутун.
Ва ел билан бўғиқ бир шовқун
Водий бўйлаб таралар буткул...
Мен ўтирдим ва солдим қулоқ,

Аммо шовқун, ел тинди шу чоқ.
Теваракка назар ташладим,
Бу ўлкани таний бошладим:
Қўрқиб кетдим мен, шу бошпана —
Ушбу зиндон бағрига яна
Қайтганимга ишонмай шу чоқ,
Ҳайронликда тикилдим узоқ;
Шунча кунлар бекордан-бекор
Эрка қилиб сирли ўйларни,
Сабр қилиб, чекибман озор...
Булар нега? Буларнинг бари,
Ун гулингдан очилмай бири,
Энди қараб ёруғ жаҳонга,
Юрак тўлиб эркин армонга,
Тинглаб барглар майин сасини,
Муқаддас юрт орзусини,
Алданган дил тилаklarини,
Шафқатингиз уятларини,
Юракларга солиб кетишми,
Гўрга бирга олиб кетишми!
Ҳали шубҳа қўлида маҳкум
Ўйлар эдим: бу ўнгмас, тушим.
Янграб қолди мудҳиш қўнғироқ,
Ҳаммасидан бўлдим мен огоҳ!
О! Танидим уни шу замон,
Гўдак кўзларимдан беомон:
Меҳрибонлар, ёру аждодлар,
Даштлардаги эрк ва жонимни,
Қушдай енгил ва учқур отлар,
Елғиз ғолиб келган чоғимни,
Хаёлиму тушларимни у
Олиб кетган йўқликка мангу.
Мен тинглардим беёш, бедармон.
Кимдир биров кўксимга бу он

Темир билан урди-ю гўё,
У қўнғироқ таратган нидо
Юрагимдан чиққандай туйдим,
Ғамгин ўйга кўмилдим, куйдим,
Куйдим, энди юртим ҳеч қачон —
Кўрмаслигим билиб бу замон.

21

«Шу ёзилган экан тақдирда.
Қудратли от бегона қирда
Ёмон чавандозни қолдириб,
Олис юрти сари қидириб
Топа олур тўғри, қисқа йўл...
Мендан минг бор афзалмасми ул?!
Орзу-истак билан қайғу-ғам
Беҳудага тўлдирган сийнам:
У ожиз ва бекор қизиқ қон,
Ақл дарди, ўйинчоқ армон.
Зиндон менга муҳрини босган.
Қоронғуда кўкариб ўсган —
Гул ҳам шундай: у мўғорли тош —
Орасидан кўтаради бош,
Ёлғизликда туссииз, бемадор.
Шуълаларга бўлиб интизор,
Барг ёзолмас. Шундай кўп кунлар —
Ўтиб кетар, меҳрибон бир қўл
Ўша гулнинг дардини англаб
Ва яшнаган чамандаги гул —
Қаторига олиб ўтқазар.
Ўша ердан гулнинг муаттар
Иси ҳарён анқиб ётади...
Ва лекин тонг отиши билан
Иссиқ уни хазон этади,
Зиндон гули куяди бирдан...

«Омонсиз кун оташи уни
 Куйдиргандек куйдирди мени.
 Хорғин бошим майсага шунда
 Яширмоқчи бўлдим беҳуда.
 Унинг қуруқ барги гултождай
 Қоплаб олган эди бошимни,
 Ернинг ўзи худди оташдай
 Ёндирарди ичу-тошимни.
 Чўққиларда кўзни тиндириб
 Айланарди учқунлар, тўлиб —
 Буғ чиқарди оқ қоялардан.
 Чуқур вазмин бир уйқу билан
 Ҳайронликда ётарди олам.
 Қизилоёқ чийилламасди,
 Чирилламас ниначилар ҳам!
 Болаларга ўхшаб хушчақчақ
 Чуғурламас ҳаттоки ирмоқ!..
 Фақатгина илон тўлганиб,
 Гўё олтин нақшлар ўйилган
 Узун кумуш қиличга ўхшаб,
 Унинг сариқ ёнбоши ёниб,
 Сап-сарғайган ўтлар оралаб,
 Қумни ёриб сургалар эди,
 Астагина ўралар эди
 Ва узукдай буралар эди:
 Гоҳ ҳарорат қилгандай асар,
 Кўтарилиб, қайрилиб қолар,
 Чакалакка кириб йўқолар...

23

«Нурли, сокин яшнарди осмон,
 Қўринарди буғ аро аён
 Узоқларда қорайиб қўш тоғ

Биттасининг ортидан шу чоғ
Тишдор девор ўраган макон —
Бир монастырь бўлди намоён.
Пастда эса, Арагва, Кура
Онда-сонда ороллар узра
Оппоқ кумуш мавжлар қолдириб,
Чакалаклар ичига кириб
Югурарди енгил ва иноқ...
Мен улардан эдим кўп йироқ!
Турмоқ бўлдим. Аммо шу замон
Ҳамма нарса айланур ёмон.
Дод дейишга тутилди тилим,
Ҳаракатсиз, товушсиз қолдим.
Жон берардим. Ҳиссиз абдираш
Азоб бериб, дилни қилди ғаш.
Мен ўзимни поёнсиз, тубсиз
Сув тагида каби этдим ҳис.
Атрофимни сирли бир зулмат
Буткул қоплаб олмишди фақат.
Шунда мангу чанқоқни босиб,
Муздек ирмоқ мамнун этарди,
Гўё менинг бағримга тошиб,
Шилдир-шилдир оқиб ётарди...
Ширин ва ҳуш эди ухламоқ,
Шу уйқудан қўрқардим бироқ...
Бошим узра мавжланиб бутун,
Уриларди тўлқинга тўлқин.
Тиниқ мавжлар оралаб офтоб
Боқар эди ойдан ҳам шаффоф.
Балиқларнинг рангдор галасин
Ювар эди қуёш шуъласи.
Хаёлимдан кетмайди бири,
Ҳузуримда у салом бериб,
Эркаланди менинг қаршимда,

Унинг нурли, оқ ёнбошида
Ярқирарди олтин тангалар.
Бошим узра жилпанглади у,
Толиб-толиб ташлади назар,
Яшил кўзларида бор қайгу...
Ҳайратимнинг йўқ ниҳояси,
Унинг майин қўнғироқ саси
Менга ажиб нақл сўйларди,
Гоҳ тинарди, гоҳи куйларди.

У дердики, «Эй ўғлон,
Шу ерда қол мен билан.
Сувда ҳаёт эркиндир,
Ҳам салқин, ҳам сокиндир.

*

Сингилларни йиғаман,
Давраларда ўйнаймиз.
Ғамдан халос бўласан,
Чарчоғингни қувлаймиз.

*

Ухла! Тўшагинг юмшоқ,
Кўрпанг бўлар ипакдан.
Умринг ўтади қувноқ
Ширин тушу эртақдан

*

Ростин айтсам, азизим,
Сенга кўнтил берганман,
Сени ирмоқдай таним,
Ҳаётимдай севганман...»

*

Узоқ-узоқ тингладим уни,
Тепадаги ирмоқ шовқуни

Балиқ билан жўр овоз бўлиб,
Унга ҳамдард, дилновоз бўлиб
Қуйлагандай туюлди у дам.
Ҳушим учди. Бу ёруғ олам
Қўзларимдан ғойиб бўлмишди.
Дармонидан айрилиб танам,
Телбаларча оғриқ турмишди...

24

«Мени топиб келдилар у он...
Қолганлари ўзингга аён.
Сўзим тамом. Ишон, ишонма,
Менга бирдек. Фақат бир нима
Юрагимга солмоқдадир ғам:
Менинг совуқ ва тилсиз танам
Чиримайди она юртимда,
Тунд деворлар ичра ҳеч бир жон
Менинг ҳасратимдан бирор он
Нақл этмас ҳеч вақт ҳеч кимга.

25

«Хайр, ота... Қўлингни бергил:
Менинг қўлим оташда... Билгил,
Бу аланга ёшликдан буён
Қўкрагимда яшаган ҳар он;
Аммо энди унга йўқ озиқ,
Зиндонини ёндирди тўлиқ,
Ҳаммага ҳам навбатма-навбат
Ҳақ йўлида азоб бергувчи
Ва ҳаловат берувчи қудрат

Уни яна қайтиб олгувси...
Бунинг учун менга не қайғу?
Кўк қаҳрига учиб борар у,
Арши аъло қучоғида жон
Ўзи учун топажак макон...
Эвоҳ!— Гўдак чоғим шод ўтган
Тик, қорамтир қоялардаги
Уч-тўрт оний эркинлик учун
Осмон менга иноят этган
Жаннати-ю, мангулигини
Жон-жон дея берардим бутун!..

26

«Баданимдан чиқар экан жон,
Тинар экан сийнамда нафас,
Кутмагайсан сен узоқ, ишон,—
Богимизга, бир туп оқ акас
Оппоқ гуллаб ётган у жойга
Мени олиб боришни буюр...
Унда майса тўлиб чиройга,
Теваракдан ёғиб турар нур.
Ўша ерда ёруғ офтоб
Шуъласида заррин барг шаффоф!
Мени ўша томонга қўйдир,
Ўша ерда нурлар мовийдир,
Сўнг бор тўйиб олайн нафас,
Ўша ердан кўринар Кавказ!
Юксакликдан балки у диёр
Видолашар мен-ла сўнгги бор.
Салом олиб келур шабада...
Таниш овоз таралар яна!
Шунда хаёл этурман: мана,

Дўстим, ёки оғам келди деб,
Бошим узра у, эгилди деб.
Манглайимда қотган теримни
Артиб, у пок қилади мени,
Ва жондан ҳам азиз мамлакат —
Ҳақида у куйлайди албат.
Мен шу куйни тинч эшитарман...
Ва шундайин ширин ўй билан
Ҳеч кимсани таҳқир этмасдан
Уша ерда ухлаб кетарман!»

1839

ДЕМОН¹

БИРИНЧИ БУЛИМ

I

Қувгинди руҳ, қайгули Демон
Гуноҳкор ер узра учарди.
Масъуд кунлар хаёли шу он
Кўз олдидан бир-бир кечарди:
Малак эди тоза ва маъсум,
Хандон эди арши аълода.
Ҳатто юлдуз мовий самода
Айлар эди унга табассум.
Ташна боқар эди ҳар замон
Олов сайёралар диёри,
Қуюқ туманларнинг қўйнидан
Аста кечган карвонлар сари.
У замонлар, даргоҳи улуг
Худовандин севар, инонар —
Эди. На кин, на шубҳаси бор
Бу бахтиёр ва тўнгич махлуқ!
Бекор, бебурд кечган асрлар

¹ Иблис,

Васвасага солмаган имон
Тоза эди. Тагин нималар...
Эслагани йўқ эди имкон!

II

Жаҳон дашти ичра беватан,
Кезар сарсон, қувилган каби.
Йиллар ўтар, яна йиллардан
Навбат кетар, минутлар каби.
Шод эмас у, то ерда хоқон
Фонани дер, истар фароғат,
Шунинг учун ҳар ерда, ҳамон
Завқ олмасдан, сочар шарорат.
Санъатининг чеки йўқ кўкдай,
Хоҳишига қаршилиқ кўрмай,
Ғазаб сочди омонсиз юрди...
Сўнгра булар кўнглига урди...

III

Гўзал Кавказ осмони шиша,
Қанот қоқар жаннат матруди.
Пастда Казбек. Унда ҳамиша
Қор ярқирай — олмос худуди.
Чуқур жарда илон инидек
Гирдоб ўраб кўринар Дарё.
Елкасида кўпик — бароқ ёл
Худди шердай сакрайди Терек.
Ўйноқи сув қўнғироқ чалар...
Тоғ тепада кезган жонивор,
Кўкда учган паррандаки бор,

Ҳаммаси ҳам ҳайратда қолар.
Елкан каби осмонда юзган
Енгил қанот, олтин булутлар
Уни бирга олис жанубдан
Шимол ёққа кузатиб борар...
Зумрад дарё оқар тўхтамай:
Тепасида буюк қоялар
Тўлқинлардан кўнгил узолмай
Бош солишиб мудраб қолалар.
Салқин Кавказ дарвозасида
Дев қоровул каби баланддан
Миноралар тоғ ёқасида
Чирой билан очилган эди?
Аммо, мағрур Иблис кўнгилсиз
Хаёллари сочилган эди:
Нафрат ёғар ҳар нигоҳидан,
Тилларида аччиқ ҳақорат,
Рози бўлмай ўз оллоҳидан
Ғазабланар эди у, фақат.

IV

Кўз ўнгини босди бир диёр:
Жаннат каби гўзал Гуржистон.
Майса-гилам ёзган водийлар
Гўё чаман-чаман гулистон.
Кумуш каби булоқлар жўшқин,
Жимирлайди тубида тоши...
Шалолалар сачратган учқун
Балки, гуржи қизининг ёши.
Қора сочи бамисли сунбул
Сулув қизлар муҳаббатини
Гул шоҳида ўқийди булбул

Мармар каби мусаффо туни.
Қуюқ соя ташлаган чинор,
Баргларини шаббода ўйнар...
Жин гул босган жарда гоҳилар
Қўрқиб-писиб ётар оҳулар...
Бунда севги, бунда шан ҳаёт,
Япроқларнинг сўнмас шовқуни.
Аммо, булар ҳаммаси, ҳайҳот
Қўзғатолмас Иблис завқини.
Бунда минг хил ям-яшил гилёҳ.
Нафас олар, ғуборсиэ ҳаво
Бунда тинчлик ўзи бир наво
Лекин, Иблис нафратли эвоҳ!
Ой нурида марварид каби
Гул баргида шабнам ялтирар,
Гуржи қизнинг кўзлари каби
Очиқ кўкда юлдузлар ёнар
Ана шундай гўзал табиат
Буни асти хурсанд қилмади
Қувғин, шайтон, бадарға хилқат
Бу борлиқни писанд қилмади.
Тошдай қаттиқ кўнгли юмшамай
Туёлмади на қувват, на ҳис
Неки кўрди, сира хушламай
Унга нафрат ёғдирди Иблис!

V

Қари Гудал ўзига атаб.
Кенг, муҳташам ҳовли солдирди.
Ҳар тошида минг ҳаста-бетоб
Қулла қонли кўз ёш қолдирди.
Қўшни тоққа саҳардан тортиб,

Кўлка ташлар баланд девори.
Қоядаги зинадан ўтиб
Йўл боради шўх дарё сари:
Бу йўллардан ҳар куни бир бор
Елкасига қўйиб кўзани,
Енгил кўчиб гўё сўзани.
Аравага чиқарди хумор
Еш Тамара — Гудал надраси
Ҳилпирарди шоҳи чодраси.

VI

У эўр қалъа тоғ қиррасидан
Сукут билан боқарди ҳар чоқ.
Бу кун бўлса, сурнай сасидан
Тўлиб-тошган ҳар тараф, ҳар ёқ.
Қадаҳларда тоза мусаллас
Акс этади қандили чироқ.
Жам бўлишган яқину йироқ
Катта базм: ҳамма маст-аласт...
Бу кун Гудал қизин тўй этар —
Гўзал Тамаранинг никоҳи
Тўрда келин, яшнаб нигоҳи.
Қизлар ичра ойни эслатар...
Узоқдаги ҳайбатли тоғлар
Беркитдилар қуёш ярмини,
Чапак чалиб, ўйнаб ўртоқлар
Руҳлантирар қизлар базмини.
Авжи ўйин қизиб турганда,
Чилдирмани олди келинчак —
Ўйнаб кетди... Ҳар зарб урганда
Ғунча ёзар эди бир чечак.
Пирпиратиб ҳилила енгин
Гоҳ учарди қушдан ҳам енгил.

Гоҳ тинарди, сузук боқарди.
Қошларини нозик қоқарди,
Гоҳо аста букиб тиззасин
Гилам узра йўргалаб кетар.
Илон каби ўйнаб гавдасин
Ҳар нигоҳни ўзга банд этар.
Сўнг, боладек кулади ўзи,—
Машъаладек ёнади кўзи.
Билмадимки баъзан кумуш ой
Ўйнагани ҳафиф, юмшоқ нур
Ҳаёт каби, ёшлик каби бой
Бу кулгига қандай тенглашур?..

VII

Онт ичаман, тундаги юлдуз,
Кун ботишу, шарқнинг ҳурмати
Бундай гўзал, бу каби қундуз
Фусункорни олам кўрмади,
На Эроннинг буюк султони,
На жаҳоннинг бирон хоқони
Бу хил қизни кўролмаган ҳеч
Бу хил кўзни сўролмаган ҳеч!
Ҳарамларнинг муздек чашмаси
Инжу каби сувлари билан
Ой баравар ноз-карашмаси
Гўзалларни жуда кўп кўрган
Аммо, бирон марта бўлса ҳам
Саратонда дим ва иссиқ кеч
Бундай қомат, бундайин санам
У сувларда ҳапинмаган ҳеч.
Дона-дона маржондек сувлар
Уни кўрмай ўтганларини,

Армон билан кетганларини
Эҳтимолки, асти билмайлар
Жаҳон ичра кимса бир марта
Сутдай ойдин хилват тунларда
Бундай сочни силай олмаган,
Бу хил лабга из сололмаган.
Онт ичаман, бу ёруғ жаҳон
Айрилгандан берли беҳишдан
Бундай чирой кўрмай, ҳеч
Оғмаганди ақлдан-ҳушдан.

VIII

Сўнгги сафар ўйнар эрка қиз...
Тоғлар! Гудал машъаласини,
Озодликнинг шўх боласини
Балки, кўролмассиз эрта сиз,
Тушининди қилиб эртага
Олиб кетар куёв бир умр.
Ҳайҳот! Кимга нозини қилур?
Қандай кўнар бегона уйга?
У билади. Равшан дийдасин
Номуайян шубҳа босади.
Кўтаролмай гоҳ сийнасин
Калта-калта нафас олади.
Унинг бутун ҳаракатлари
Ифодали, содда-тўпори
Ҳўп келишган эди ўзига.
Агар шу чоқ Иблис кўзига
Тушиб қолса, мабодо, бу қиз,
Тикилганча қотиб қоларди.
Эслаб кетиб ўтмишни, ёлғиз
Бир оҳ тортиб, нафас оларди.

IX

Еҳу! Иблис қизни пайқади,
Уша замон сизди ҳаяжон:
Ширин бир куй гўё биёбон —
Даштдай кўнгли ичра тарқади.
У, янгидан муҳаббат-севги
Чирой санамига йўлиқди.
Тўймай боқди. Хаёли эзгу
Кечган бахти билан тўлиқди.
Эс китоби варақ ёзаркан,
Саодатли кунлари бир-бир
Юлдуз каби тизилиб пир-пир
Занжир каби ўтди назардан.
Бир гезли куч боғлаб чамбарчас,
Янги ғамга ошна бўлди у.
Унда севги тилга кирди, бас
Қоплаб олди уфқни қайғу.
Туйди севги ҳаловатини:
Қайга яшаш аломатими?
Васвасага солгани қизни
Тополмади ақлида мадор.
Унутмоқми? Йўқ, парвардигор
Бундай кучни, бундайин ҳисни
Унга асли берганмас эди.
Берганда ҳам бу олмас эди.

X

Никоҳ учун ошиқар куёв;
Кун ботмасдан етиб бормоқчи.
Сабри тугаб кўнглида зўр дов,
Отга босар устма-уст қамчи.

Етиб келди беҳавфу хатар
Арагванинг соҳилларига.
Нортуялар соҳибларига
Занжир каби эргашиб қатор,
Дармон кетган каби тизидан
Битта-битта кўчар изидан
Юки оғир... Бу катта карвон
Олиб келар қайлиққа эҳсон
Жангур-жунгир ўйнар қўнғироқ
Ҳали манзил олис, қўп йироқ...
Сенадалнинг ҳокими ўзи,
Келар бўлиб карвоннинг кўзи
Белда камар, қилич ва ханжар
Жим-жим этар офтобнинг тиғи,
Елкасида осиглиқ ҳам зар,
Ҳам тилладан гулдор милтиғи,
Қиммат баҳо чакмон эғнида
Шамол ўйнар барин кейнида
Шоҳилардан тузалган эгар;
Гулдор юган той бўйнин эгар;
Тухум каби сағри гупурган,
Гўё, биров унга сув пуржкан
Тезоб, абжир, туси бебаҳо
Асил саман, гўёки тилло...
Қорабоғнинг шўх югурдаги
Қулоғини чимираб ҳамон,
Ваҳимага тўлиб юраги
Кўз ташлайди тўлқинлар томон:
Тор ва хавfli ингичка бу йўл
Ўнг томони чуқур дарё, жар,
Қирра тошли буюк қоя — сўл,
Ҳар минутда кутар бир хатар.
Ўзи ҳам кеч. Қорли чўққида
Шафақ ўчай-ўчай деб турар.

Туман босди. Тоғлар уйқуда...
Карвон пича тезлаб йўл юрар.

XI

Йўл устида кичик бир даҳма,
У даҳмада кўҳна бир мазор,
Душман қўли билан минг лахма
Бўлган номсиз бекзода ётар.
Уни энди авлиё дейлар,
Ҳақиға юз минг дуо дейлар,
У йўллардан биронта йўлчи
Ё ҳайит, ё жанг кетар бўлса,
Ўша ерда дам олиб пичиб
Унга ибодат ётар бўлса,
Сақланарди мусулмонлардан:
Ханжаридан, тўкар қонлардан.
Аммо ботир юракли куёв
Истамади бу ибодатни,
Бузди гўё ўчакишган ёв
Боболари қилган одатни
Чунки, Иблис алдади уни,
Хаёлини айнитди қўймай:
У ўйида, гўё тинч тун
Қайлиғини ўпарди тўймай.
Ёху! Кимнинг шарпаси бўлди,
Рўбарўдан, тоғ олди қирдан
Икки соя кўринди бирдан,
Ўқ чақнади. Ваҳима тўлди,
Жасур князь чурқ этмади ҳам,
Узангида тип-тикка турди.
Папағини бостирди, шу дам
Учар отга бир қамчи урди.

Қўлида турк қиличи ёнди,
Бургут каби олға ташланди.
Ёввойи дод, бўғиқ бир фиғон
Тутди бутун водийни шу чоқ.
Узоқ давом этмади. Бу он
Гуржи эрлар қочди тумтароқ.

XII

Яна тинчлик босди водийни
Ёлғиз, қонли мурдалар ётар.
Йўлчиларнинг айлаб ёдини,
Мўлдир-мўлдир туялар боқар.
Талон бўлган катта бой карвон
Молдан асар қолмаган сира
Исовийлар ўлиги узра
Қора қушлар уради жавлон
Шаҳид ўлган бечораларни
Оталари ётган мазори
Чорламайди. Беёраларнинг
Кимга етар фиғону зори?
Аза тутиб, узоқдан ўлиб
Оналари келмас бошига.
Олам тўлиб қонли ёшига,
Сингиллари турмас оқ уриб,
Қабрлари тепасида ҳеч
Шам ёқилмас саҳар, кундуз, кеч
Аммо, бирон мурувватпарвар
Ёдгор этиб ўтқизар бир бут.
Осмонида йиғлар оқ булут,
Атрофида гул ўсар пар-пар.
Сўнгра бундан юрар йўловчи
Бефотиҳа ўтиб кетолмас,

Узоқ йўлда бўлмай иложи,
Бу ерларда дам олур бирпас.

XIII

Буғу каби тез учар саман
Худди жангга ошиққан каби.
Кўзи соққа каби ўйнаган,
Пишқиради, титрайди лаби.
Тоғлар бўйи сакрайди гоҳо.
Туёғидан елдирим чақнар.
Шамол недир тинглайди. Гўё
Гув-гувида ваҳм сири бор.
Ёли чалкаш бўлиб пирпирар
Ҳушсиз, худди ўқдай югурар.
От устида чалқанча :ушиб,
Гўё, совуқ елдан увушиб
Йўлчи ётар оқарган ранги.
Оёғида маҳкам узанги .
Шилқ этади, отнинг ёлига
Бўйни тушар, боқмас ёнига.
Юган тушган унинг қўлидан
Жилов тортмас отнинг йўлидан.
Силан ёпғич шундай тўлиқ қон,
Ўнг қон, сўл қон, ҳатто уфқ қон.
Эй чопонғич, абжир, қуш қанот,
Камон ёйи каби учган от,
Баҳодирдек шарт ёриб жангни,
Омон сақлай дединг хўжангни
Аммо қандай ёзиқ бўлди бу,
Осетин ўқиға учди у!

XIV

Гудал уйи ботди азага,
Йиғи доди чиқди фазога,

Эшигида одам йиғилган.
Куйиб-пишиб бунда йиқилган
Кимнинг оти? Бу бечора ким?
Ҳатто, осмон жавоб бермас, жим!
Юзларида ваҳима-ваҳшат
Излари бор, қўрқинч ва даҳшат!
Усти боши, яроғлари қон...
Боши, кўзи оёқлари қон
От ёлини сиқимлаб қўли,
Беҳуш қотиб қолган бир йўли.
— Шўрпешона, бахтсиз келинчак,
Маътал бўлиб кутганинг келди,
Кўйида қон ютганинг келди.
Аммо сенга қандай кулажак
Бир умрга юмилган кўзлар?
Ахир, тақдир сенга не кўзлар?

XV

Беками-кўст тинч оилани
Чақмоқ каби босди бу кулфат
Кўнглини еб қайғу илони
Мусибатга бўлди қиз улфат.
Қонли ёшга айланиб қалби
Томчи-томчи оқди кўзидан.
Дами огир... кетди ўзидан...
Гўё, боши устида каби
Сочи тўзиб ётган ўрнида
Эшитилгандай бўлди бир нидо:
«Қўй, йиғлама! Бекор бу яхлит
Кошки, кўзнинг ёши соб бўлса
Кошки, ҳаёт шабнами тахлит
Ешинг мурда узра тўкилса.

Йўқ! У фақат равшан кўзингни
Туман каби қоплаб олажак.
Анор каби шу қиз юзингни
Мисдай қилиб ўтда ёқажак
Ёринг бўлса, узоқда, билмас
Сенинг чеккан оҳу-зорингни
Энди само нурлари тинмас
Ва эркаклар номизодингни,
У жаннатда қўшиқлар тинглар...
Бу — ҳаётнинг бачкана туши,
Бир ғарибнинг фиғон нолиши,
Беҳишт меҳмонига не денглар?
Йўқ, бу қазо асли қисматдир,
Инон менга, дунё малаги.
Арзимаиди, кўзингни арт, тур,
Йиғламоқнинг йўқдир кераги,
«Само худди бир денгиз,
Дарғаси йўқ, беелкан.
Учар ҳисобсиз юлдуз
Туманларнинг қўйнидан.
Чексиз кўм-кўк водийда
Парча-парча булутлар
Из қолдирмай ортида
Эркин қанот қоқурлар.
Уларга ҳижрон висол
На ғам, на севинч бермас.
Келажаги орзусиз,
Ўтмиш учун ачинмас,
Бебахт бўлган чоғингда
Уларни ёдингга сол,
Бенаиб ва қайдсиз
Яшашни ўрганиб ол!»
«Бахмал каби юмшоқ қора тун
Кавказ чўққисини олганда,

Ширин сўэли фусункор очун
Жимиб уйқусига толганда,
Шўх ва енгил ел юриб тоғда
Майсаларни ўйнаган чоғда,
Паррандалар безовта бўлиб,
Гур учганда ваҳимга тўлиб,
Ток тагида гуллар тўйгунча
Шабнам шимиб очганда ғунча,
Тоғ кетидан олтин ой секин
Кўзларга нур қуйса текин,
Учиб борар бўлдим олдингга
Саҳаргача меҳмон бўлгали,
Ипак каби киприкларингга
Жиндаккина ором бергали...»

XVI

Борган сари пасайиб аста
Узоқларда тинди бу товуш.
Ирғиб турди нигоҳи хаста,
Атрофига боқди қиз хомуш.
Кўкрагидан босди изтироб,
Қайғу билан қўрқув бирлашди.
Ўчиди-ю, бирдан қалтираб
Туйғулари гупурди, тошди.
Қафасидан чиқдими жони,
Вужудини ёндирди олов?
Унутолмай ажиб нидони,
Қийналади. Йўқмикан аёв?
Саҳар пайти чарчаган кўзлар
Ширингина ҳей... ухлаб кетди.
Аммо, пайғамбарона сўзлар
Хаёлини шарт қулфлаб кетди.

Чиройининг таърифи беҳад
Намуайян, соқов келгинди
Қиз олдида бошини эгди,
Янги ойдек бўлиб сарви қад.
Нигоҳида чунон ҳам вафо,
Чунон меҳр, чунон муҳаббат
Билан хафа боқарди, гўё
Қизни ачингандай у хилқат.
У на малак, на бошқа эди,
На бу қизни қўриқчи пари
Боши узра яшнамас эди —
Камон нурларидан чамбари.
У дўзахи руҳ эмас. Ёнур.
Қувғун шайтон эмас эди — йўқ!
Пок оқшомга ўхшарди тўлиқ,
На кун, на тун, на зулмат, на нур!..

И К К И Н Ч И Б У Л И М

I

«Қўй, отажон, мени қўрқитма;
Тамарангни уришмагин, бас.
Мен йиғлайман, кўргин... унутма,
Бу кўз ёшлар биринчи эмас.
Олислардан куёвлар бизга
Ошиқади беҳуда, бекор.
Бу эл тўлиб ётибди қизга!
Мен ҳеч кимга бўлолмайман ёр!
О, сўкмагин, сўкма, отажон:
Кўраяпсан, менинг кундан-кун
Кузги баргдек юзларим сўлгин;
Ёвуз оғу айлади қурбон.
Қарши туриб бўлмайдиган ваҳм —

Билан маккор бир руҳ қийнайди,
Мени ҳалок этади.. қил фаҳм,
Ачин! Наҳот, кўзинг қиймайди
Ақли айниб қолган қизингни?!
Ҳасратимни тўкай худога,
Ўзи сақлар бу юлдузингни.
Менинг учун бу дунё ичра
Вақтичоғлик қолмади сира.
Қўй, эртароқ бағрига олсин,
Тобут каби у қора ҳужра...»

II

Уни хилват бир монастырга
Элтиб қўйди қавми қариндош,
Қўпол қилдан бўлган усти бош
Ёш кўкракни ботирди терга.
Барибир, наф бермади бирор
Роҳибалик усти боши ҳам.
Яна ўша: хаёли — мубҳам,
Аввалгидек кўнгли беқарор.
Барибир, у ҳийлакор нидо
Ё, шам ёнган меҳроб ёнида,
Ё саждага қўйганида бет,
Эшитилар ҳамон кетма-кет...
Баъзан қора гумбаз устида
Беиз, товуш чиқармай сира,
Кўринарди у қиз қасдида
Енгил тутун қўйнида хира.
Юлдуз каби нурланар эди;
Алдаб, қайга имланар эди?

III

У монастырь, икки ёғи тоғ
Салқин ерда ўрнашган эди.

Терак, чинор — ғужум кўк япроқ
Атрофида ўйнашган эди...
Ўшаларнинг қўйнида гоҳи,
Ораликка инганда кеча,
Кўринарди то тонг отгунча
Ойнасидан танҳо ётоғин
Жимиллаган хаста нигоҳи
Ёш гуноҳкор қизнинг чироғин:
Тўрт атрофда, салқин сойларда
Тилсизликдан қуриган шўри,
Сағаналар қоровули бут,
Ўлик каби сақлаб бир сукут
Қагорлашиб ётган жойларда
Бошланарди қушларнинг жўри.
Тошдан тошга сакраб тўймаган,
Қўнғироқлар чалиб ўйнаган,
Оппоқ тўлқин урган булоқлар,
Пастга тушиб, гўё ўртоқлар
Ҳаммаси бир бўлишиб, гуллар —
Орасидан оқиб гувиллар...

IV

Шимол ёқдан кўринар тоғлар,
Эрталабки шафақ нурида
Водийларнинг қўйни-тўрида
Кўкиш туман эриган чоқлар;
Юзин қибла томон ўгириб
Чақирганда муаззин азон,
Қўнғироқнинг савти ўкириб,
Монастирни уйғотган замон,
Ёш гуржи қиз тикка тоғлардан
Кўза олиб сувга тушганда,

Гул гунчалар очган боғлардан
Паррандалар кўкка учганда,
Кумуш қорли юксак чўққилар
Акс этарди тиниқ осмонда,
Кечга яқин, қуёш ботганда
Қизил нурга чўмарди улар.
Ҳаммасидан баланд ва мағрур
Булутларни ёриб, тепадан
Оқ саллали, йўл-йўл тўн билан
Кавказ шоҳи — Казбек кўринур.

V

Аммо, бундай тоза масаррат
Кирмас эди қийналиб ётган
Гуноҳқорлик ўйига ботган
Тамаранинг кўнглига албат,
Олам унга бегона эди.
Ундаги бор нарсалар бутун
Азоб учун баҳона эди —
Ҳам оппоқ тонг, ҳам қоронғу тун.
Ер юзини босганда тинчлик,
Мизғимасдан кечалар бўйи,
Бут олдида йиқилган кўйи,
Ҳушдан кетиб йиғларди шўрлик.
Ҳўнгир-ҳўнгир юксалган йиғи
Гўё дайди ўғрининг тиғи
Қўрқитарди тунги йўлчини.
Ваҳим қилиб, билмай тинчини —
«Бу ғорларда боғлиқ алвасти
Чеккан фиғон!» — деб ўйларди у.
Қулоғини олмасдан асти
Ҳорган отни тезлар эди: чу!

VI

Ғам-ҳасратга ботган Тамара
 Деразанинг тагида танҳо,
 Хаёлларга чўмилиб гоҳо,
 Ўтиради йиғлаб бечора.
 Узоқларга ташлайди нигоҳ,
 Тун бўйи ҳеч тинмай кутади..
 Кимдир унга дейди: келади!
 Чидолмасдан тортади у оҳ.
 Қайғуларга тўлган кўз билан,
 Ажиб, ширин, юмшоқ сўз билан,
 Бекорларга кўринмаган у.
 Бекор эрка қилмаган уйқу.
 Кўпдан бери орзиқарди қиз.
 Авлиёлар учун чўкса тиз,
 Кўнгли ҳамон унга кетганин,
 Ўзи билмай нега эканин,
 Чарчаб, толиб оғир курашдан
 Ором олай деса бирон пас,
 Болиш ботар бўлиб оташдан
 Куйдиради, ололмай нафас.
 Сачраб туриб, қалтирайди қиз
 Гўё ишқи тундаги юлдуз,
 Кўкси, бутун тани ёнади,
 Нафас қисар, кўзида туман,
 Ташна қучоқ бирдан қонади,
 Лабда бўса эрийди шу он...

.

VII

Чойшаб ёзди шом қоронғуси
 Гуржистоннинг тоғу тошига,

Келди Иблис тошиб туйғуси
Монастирга — қизнинг қошига.
Лекин, унга халал бергали
Ботинолмай гангиди узоқ.
Тайёр эди у, гўё, шу чоқ
Ёвуз ниятидан кечгали.
Не қилишни билмай, тентираб
Кезди девор остида сокин.
Ҳаво тип-тинч. Шамол йўқ. Локин
Барглар ундан қўрқди дилдираб...
Кўз ташлади тепага аста;
Деразани лампа ёритар.
У англади шунда бирпасда:
Қиз кимгадир кўпдан кўз тутар!
Ана, чингар¹ жаранглаб кетди,
Эшитилди куйлаган овоз.
О, у, қандай ширин, латиф соз,
Зарби кўнгил тубига етди...
Худди тиниқ ёшдай бирма-бир
Тўкилди у товуш, тўкилди...
Мунча нотинч юрак қурмағур:
Бардош тугаб, чоки сўкилди.
У ашула шундай соз эди,
Шундай юмшоқ дилнавоз эди.
Ки ер учун аталиб, гўё
Кўкда тўқилган овоз эди.
Унутилган дўст билан яна
Кўришмакни ихтиёр этган,
Тунни хилват топгану, пана —
Йўллар билан бу ерга етган
Бирон малак эмасмикан бу?
Шунда Иблис энг биринчи бор

¹ Бир хил дутор.

Муҳаббатнинг дардини туйди...
Нола чекиб дили зору зор,
Ишқ ўтида ловиллаб куйди.
Қўрқиб, жилмоқ бўлди бу ердан...
Қанотини кўтаролмади!
Ажаб! Қуруқ кўзидан бирдан
Ёши оқди... Ҳеч чидолмади...
Ўша жойда ҳалига қадар
Одам ёши эмас, ўша ёш,
Ўша ўтдек ёш куйдирган тош,
Якка, қора, куйган тош ётар...

VIII

Қизни севар бўлиб кирар у
Марҳаматли дил билан шу чоқ;
Вақти етди, кутилган орзу
Ушалди деб ўйлаб, хуш димоғ,
Шу пайт унинг ғурурли қалби,
Биринчи бор учрашар каби,
Интизорлик қалтироғини,
Лол ва мажҳул сир қийноғини
Англади... Бу қўрқинч ҳол эди,
Ёмон тасодифга фол эди.
Тўғридан ҳам, кирсаки, унда
Нур кийинган жаннат элчиси,
Ул гуноҳкор қизнинг соқчиси
Малак яшнаб турарди тунда.
Шу чоқ қизни айлаб саришта,
Қанотига олиб фаришта,
Асрарди у ёвуз душмандан,
Пок илоҳий нурлар шу ондан —
Кир нигоҳни кўр қилди бутун;

Иблис кўзин қоплади тутун...
Шунда ширин салом ўрнига
Оғир итоб эшитилди унга:

IX

«Эй нияти бузуқ руҳ, тунда
Ким чақирди сени, айт менга!
Сенга мухлис киши йўқ бунда,
Кўп эркинлик берма ҳаддингга.
Ҳалигача бу ерда бирпас
Ёвузлик ҳеч олмамиш нафас.
Менинг ишқим, пок санамимга
Сола кўрма қора изингни.
Кет! Ўчиргим мен юлдузингни,
Сақланиб қол!»

Ва

Иблис унга

Таҳқир билан жилмайиб боқди;
Нигоҳини рашк ўти ёқди;
Қайталабдан ўтли дилидан
Эски нафрат заҳари оқди.
— У меники!— деди риёкор,—
Қиз меники! Уни қолдир, бас!
Кеч қолдинг сен эй, ҳимоякор
Мен ва унга сен ҳоким эмас!
Қизнинг ғурур тўла кўнглига
Ўз муҳримни босиб қўйганман:
Сен кет, бунда мен ўзим эга,
Мен ҳукмрон, уни севганман!
Шунда малак ғамгин кўз билан
У бечора қизга бир боқди;

Қанотини оҳиста қоқди,
Сўнгра гойиб бўлди кўзлардан...

.

Х

Т а м а р а

О! Сен кимсан, сўзларинг тубсиэ,
Дўзах юбордими, ё жаннат?
Не истайсан?

Д е м о н

Сен гўзалсан, қиз!

Т а м а р а

Гапир, кимсан? Жавоб бер, англат!

Д е м о н

Мен у менки, сен ярим туни
Қулоқ солиб тингладинг уни.
Унинг фикри олди ҳушингни,
Унинг дардин англаган бўлдинг.
Унинг ўйи билан лиқ тўлдинг.
У банд этди ўнгу тушингни.
Мен у менки, эй гўзал пари,
Кимса севмас, ачинмас уни.
Қулларимга мен ерда офат,
Озодлик ва идрок шоҳиман.
Мен -- малаклар, кўкларга душман,

Табиатга ёвуз касофат.
Лекин, мана, боқ: доғингда мен,
Тупроқ каби оёгингда мен!
Мен келтирдим эгиб бошимни
Ишқинг майин ибодати-ла,
Энг биринчи ер азоби-ла,
Энг биринчи тўккан ёшимни,
Қабул айла, ол, гўзал, буни,
Ёрит умрим саодатини.
Қулоқ солгил оҳу зоримга:
Биргина сўз билан мени сан
Яна кўкка қайтароласан,
Эй паризод, қизган ҳолимга;
Ишқинг эзгу либосин кийиб,
Ёвузликдан дилимни тийиб,
У даргоҳда порлоқ нур каби,
Янги малак, ёш бир ҳур каби
Қайта яшар эдим мен у чоғ,
Раҳминг келсин, аҳволимга боқ,
Ялинаман, тинглагил мени,
Асирингман, севаман сени!
Сени аввал бир йўл кўрдиму,
Ажалсизлик, ҳокимлигимга
Ўтли нафрат, қарши бир туйғу;
Чақмоқ каби тушди дилимга.
Беихтиёр ернинг ярми ғам
Шодлигига ҳасад қилдим мен:
Сендай яшаш истадим мен ҳам,
Сенсиз уни фано билдим мен.
Қонсиз қалбим жимирлаб кетди,
Умидли нур жонланди унда.
Бир дард эски яра тубида
Илон каби қимирлаб кетди.
Сенсиз нима бу абадиёт?

Сенсиз нима менга мулк, ният?
Қуруқ сўздир, тутмас асодир,
Худоси йўқ кенг калисодир.

Т а м а р а

Эй маккор руҳ, чекил, эй беор,
Инонмайман душманга, йўқол!
Парвардигор... ҳайҳот! Бу не ҳол!
Сиғингани йўқ менда мадор...
Ҳалокатли оғу бошимни
Ўраб олмиш, тўкар ёшимни!
Эй ҳийлакор, не керак сенга?
Тингла, мени хароб этасан!
Сўзинг оташ, заҳардир менга,
Гапир, нечун мени севасан?

Д е м о н

Эй гўзал қиз, нечунми?— Ҳайҳот,
Билмам!.. Янги ҳаётга тўлиб,
Янги ишқнинг асири бўлиб,
Сенда кўриб бахтимга нажот,
Жаҳаннамнинг оғир тошини
Жиноятли бошимдан отдим.
Ҳечга бутун ўтмишни сотдим.
Кел, дардимнинг қил иложини.
Шу қоп-қора кўзларинг малак
Ҳам дўзахим, ҳам жаннатимдир.
Қувгундини этма кўп ҳалак,
Олов тушган қалбини тиндир.
Тингла мени, ишон, рост билан
Бу ерда йўқ эҳтирос билан
Сени шундай севаманки мен,

Асти бундай севолмайсан сен;
Барча ўйим, барча ниятим,
Очиқ кўнглим ва ҳамиятим.
Шону шавкат, ҳукмдорлигим,
Бутун умрим, бутун бөрлигим —
Ҳаётим-ла севаман, гўзал!
Юрагимга суратинг азал
Ўрнатилмиш эди илгари.
Ажралмасдан мендан ҳеч қачон
Кўз олдимда яшнаб у ҳамон
Бирга юрган эди, эй пари!
Бу ширин ном азал бор эди:
Кўпдан менга ҳаяжон солиб,
Кеча-кундуз ҳушимни олиб,
Қулоғимда майин тор эди.
Масъуд кунларимда жаннатда
Сен билан мен эдим фурқатда.
Оҳ, агар сен билсайдингки, қиз,
Бутун умр — асрлар беиз,
Ҳузур қилиш ва азоб чекиш,
Ёвузликка мақтов кутмаслик,
Яхшиликка эҳсон кўрмаслик,
Ўзинг учун яшаш, энтикиш,
Бу абадий курашда яна
Бекелишув ва бетантана
Кун ўтказиш — қандай оғир иш!
Ҳам ачиниш, ҳам ачинмаслик,
Ҳар нарсани англаш ва сезиш,
Ҳеч нарсани кўёга илмаслик,
Ҳаммасидан таҳқир-ла беишғ..
Лаънатини ёғдириб худо,
Даргоҳидан айлагач жудо,
Табиатнинг қучоғи бутун
Муздай совуб қолди мен учун.

Кўз олдимда ястаниб шунда
Мовийланди коинот; унда
Кўпдан менга таниш, зийнатдор
Сайёралар тўпини кўрдим.
Олтин тож-ла учарди улар;
Оҳ, на хўрлик, баридан сўрдим,
Ҳеч биттаси назар солмади
Эски дўстни таний олмади.
Шунда қаҳрим келиб уларни,—
Ўзим каби қувғундиларни
Рўбарўга чақирдим. Бироқ,
У ёвуз юз, ёвуз кўзларни,
Эвоҳ! Таний олмадим у чоқ.
Бу аҳволдан қийналдим ёмон;
Ваҳимага тўлиб шу замон,
Қанотимни силкиб йўл олдим.
Қайга? Нечун? Ўзим билмасдан,
Эски дўстлар, кўзга илмасдан,
Унутдилар... Мен якка қолдим:
Шундан кейин жаҳон мен учун
Беҳишт каби тор ўлди бутун,
Оқимнинг ҳур истаги билан
Борар жойин манзилин билмай,
Бесукуну ҳамда беелкан
Оқиб кетаётган кемадай;
Гоҳи пайтлар саҳарда ёлғиз
Кўк гумбазда қорайиб юрган,
Тўрт тарафга ўзини урган,
Худо билсин, қайдан, қай сари
Тиним билмай бемақсад, беиз
Учган булут парча сингари
Мен ҳам учар эдим беқарор
Ҳамдам излаб ўзимга зор-зор!
Инсонга кўп ҳоким бўлмадим,

Ургатмадим гуноҳларга кўп.
Яхшилиқни тамом хўрладим.
Одиллиқни ерга урдим хўп,
Узоқ эмас... Тоза имоннинг
Алангасин ўчирдим осон...
Меҳнатимга арзирми ҳеч он
Аҳмоқ, мунофиқи инсоннинг?
Мен қийналдим, жаҳондан бездим,
Тоғлараро беркиниб кездим,
Худди кўкдан отилган юлдуз —
Тун қўйнида дайидим ёлғиз.
Танҳо йўлчи тунда йироқдан
Макрим билан бир ўт кўрарди,
Отини тез унга бурарди.
Бориб-бориб баланд қирғоқдан
Жаҳаннамга тўнтариларди,
О! Бекорга фарёд қиларди,
Жар тошлари ботарди қонга...
Парча-парча бўлган инсонга
Эътиборсиз кулиб боқардим,
Шодланардим, қанот қоқардим.
Аммо тездан ғазабнинг қора
Бу ўйини ёқмасдан қолди,
Қон сайридин кўзларим толди!
Мен исёнкор табиат аро
Дил зорини босмоқчи бўлиб,
Бузуқ ўйдан қочмоқчи бўлиб,
Унутилмас нарсаларни ҳам
Унутмоққа онт ичиб маҳкам,
Бор оламдан тамом жирканиб,
Кучли бўрон билан урушда
Чақмоқ, туман ичра бурканиб,
Қуюнларни ўйнаб буришда
Булутларнинг устида учдим,

Кенг фазонинг қўйинини қучдим,
Келиб кетган ҳамда келгуси
Одамларнинг барча қайғуси,
Барча меҳнат, барча кулфати,
Барча чеккан ғам, уқубати,
Ҳаммасини жам қил ўзингга;
Сўнгра менинг ҳали сўлмаган
Олам унга иқрор бўлмаган
Танилмаган эър азобимдан
Бир лаҳзани келтир кўзингга...
Улар нима бунга нисбатан?
Одам недир? Недир иш, умри?
Келиб кетган ва келиб кетар...
Умид борки, ҳукмдор тангри
Ҳукм этса ҳам, афв эта олар!
Менинг қайғум бўлса, муттасил
Шу ердадир, ҳеч қачон ўлмас,
У мен каби абадий, асл.
Мендек унинг охири бўлмас!
У ажралмас, мен билан яшар,
Гоҳ илондек ўйнар, тўлғанар,
Гоҳ оловдек куйдириб ёнар,
Гоҳ тош каби фикримни босар,—
Ўлган умид, ўлган эҳтирос
Қабридир у. Асти бузилмас!..

Т а м а р а

Қайғуларинг не керак менга?
Бас қил дедим, бас дедим сенга.
Гуноҳқорсан...

И б л и с

Сенгами, ҳур қиз?

Т а м а р а

Эшитарлар...

И б л и с

Танҳомасми биз?

Т а м а р а

Худойим-чи?

И б л и с

Бизни кўрмас у,
Кўк билан банд, ерни сўрмас у.

Т а м а р а

Жазолар-чи, дўзах ўти-чи?

И б л и с

Ҳеч гап эмас, тинглагин пича,
Сен сазомни урмасанг ергә
Дўзахда ҳам бўлармиз бирга.

Т а м а р а

Эй туйқусдан йўлиққан дўстим.
Ким бўлсанг бўл, барибир жўшдим.
Роҳатимни мангу йўқотиб.
Ажаб мажҳул фараҳга ботиб,
Ихтиёрсиз тинглайман сени.

Агар борди алдасанг мени,
Сўзинг ёлгон бўлса мабодо...
Бу на шараф! Раҳм эт эй худо.
Менинг кўнглим сенга не керак?
Сен кўрмаган барча қизлардан.
Чирой шоҳи у юлдузлардан
Наҳот, кўкка мен қимматлироқ?
Улар, ҳаёт! Ҳаммадан гўзал,
Таърифи йўқ гул чиройларин
Ердагидек қизлик жойларин
Ўлим қўли бузмаган азал.
Йўқ! Сен менга қасамёд айла.
Ўйларингдан кеч, барбод айла.
Кўрасанми, ғам чекаман мен;
Хотин ҳиссин кўрмоқдасан сен!
Юрагимда шубҳа бор сенга...
Аммоки сен барчасин туйдинг,
Ҳаммасини биласан, суйдинг,
Раҳминг келар албатта менга!
Онт ич... ёвуз бисотингдан кеч,
Ваъда бергин, инонтир, уқдир.
Наҳот, бўлак бузилмаган ҳеч
На бир қасам, на ваъда йўқдир?

И б л и с

Онт ичаман хилқатнинг боши
Ҳамда унинг сўнг нафаси-ла,
Жинойатнинг уятли тоши,
Ҳақиқатнинг тантанаси-ла!
Онт ичаман зафар орзуси,
Инқирознинг қайғуси билан,
Васлинг билан ҳамда бўлғуси
Дардли ҳижрон кўрқувси билан;

Онт ичаман муте руҳлару,
Дўстларимнинг тақдирлари-ла,
Менга душман малакларнинг у
Қонсираган шамширлари-ла;
Онт ичаман кўк-ла, дўзах-ла;
Ер санами санла ва ҳақ-ла;
Сенинг сўнгги бир нигоҳингу,
Энг биринчи ёшинг, оҳингу,
Лабларингнинг гул дамлари-ла,
Ипак сочинг бурамлари-ла,
Онт ичаман айш-ла, кулфат-ла
Онт ичаман бор муҳаббат-ла,
Эски ўчдан тамом воз кечдим,
Кечдим мағрур ўйлар баҳридан.
Бундан буёқ макрим заҳридан
Йўлдан озиб қийналмас ҳеч ким!
Энди осмон билан келишмоқ,
Севмоқ, сиғинмоқни истайман,
Энди эзгуликка эришмоқ,
Унга инонмоқни истайман,
Энди бутун бу оламдаги
Қасофати руҳимни қувай:
Кўз ёшим-ла пешонамдаги
Кўк оташин изларин ювай;
Қўй, бу дунё тинч ва воқифсиз
Чечаклансин, гулласин менсиз!
О! Ишонгил: шу замонгача
Висолингга етишиб, сени
Англай олган фақат менгина.
Оёғингга ҳокимлигимни,
Эрку, ишқу то имонгача
Тўкиб солган фақат менгина.
Ишқингни қиз, ҳадядек букун
Мен кутаман; айла ҳамият:

Бир марҳамат, бир онинг учун
Қурбон сенга бу абадият.
Йўлларингда эй тоза санам,
Овораман, қалби куюкман.
Ғараздаги каби ишқда ҳам
Вафодосман, инон, буюкман.
Фалакларнинг озод ўғлиман,
Сени кўкка олиб кетаман.
Бу жаҳонга хоқон этаман,
Энг биринчи ёрим бўлурсен.
Уша ердан, эй гўзал пари,
Гўзаллиги умрсиз бўлган,
Жинойтга, ўлимга тўлган,
На севгида ва на нафратда
Бетаҳлика яшолмайдиган,
Ўз нафсидан ошолмайдиган,
Майда эҳтирос-ла ғафлатда
Қолганларнинг макони — ерга,
Разолату, ғам кони — ерга
Қизғанмасдан назар соларсан.
Нафрат билан ўйга тўларсан.
Билмайсанми ҳалига довур
Одамларнинг ишқи нелигин?
Қон мавжидир, билмасанг билгин,
Лекин, кунлар ўтар, қон совур.
Эй гўзал ёр, жавоб бер менга,
Айрилиққа, кўз ёшларингга,
Янги чирой алдашларингга,
Хаёлларнинг хоҳиш, эркига,
Хорғинликка, хафаликка, ким —
Жиндек қарши туралар? — Ҳеч ким!
Йўқ! Сен учун, эй, севимли ёр,
Тор доира ичра лолу зор
Кундош дағалликка қул бўлиб,

Қайғу билан ҳасратга тўлиб,
Юраксиз ва совуқ инсонлар,
Муғамбир дўст, ёвуз душманлар,
Самарасиз тилак, қўрқувлар
Бўш ва оғир меҳнат, қайғулар
Орасида гулдай сўлишни,
Бекорларга хароб бўлишни
Тақдир азал ёзмаган асло,
Бундай лаҳад қазмаган асло.
Баланд девор остида ғамгин,
Одамлардан, худодан нари
Ибодат-ла ахтариб таскин
Безҳтирос сўнмайсан пари.
Йўқ! Йўқ! Сени, ажойиб хилқат,
Бошқа олам, бошқа бир қисмат,
Бошқа азоб, бошқа ҳаяжон —
Кутмакдадир, сен менга инон.
Ташла эски орзуларни сен:
Унут унинг ҳар нарсасини,
Эвазига очиб берай мен
Мағрур идрок дарвозасини
Менга тобе руҳларни бутун.
Оёғингга чўктирайин тиз,
Сеҳр тўла малаклардан, қиз,
Жориялар берай сен учун,
Сенга атаб Шарқ Юлдузидан
Олтин жиға узиб берайин,
Шабнам териб гуллар юзидан,
У жиғага тизиб берайин.
Кун ботишнинг лаъли нуридан
Бўйларингга ленталар ўрай,
Атрофингда ҳаволарни ман
Хушбўй нафас билан тўлдирай.
Қулоғингни ажиб куй билан

Сира тинмай эркалатай мен,
Фирузадан, қаҳраболардан
Кошоналар тайёрлатай мен
Денгизларнинг тубларин қучай,
Булутлардан баландга учай,
Ер неъматин сенга тутай, қиз,
Фармонингга йиғлаб чўкай тиз,
Севгин мени!..

XI

Ва у оҳиста
Утдай ёнган лаблари билан
Қизнинг худди хандони pista
Лабларига ёпишди бирдан.
Қиз ялинди. Ёлғон сўз билан
Алдади у, ишонтирди у;
Ёниб турган кучли кўз билан
Тикка боқди ва ёндирди у.
Ханжар каби қоп-қора тунда
Ҳеч давосиз чақнади шунда.
Ҳайҳот! Ҳайҳот! Ёвуз руҳ яна,
Яна бир йўл қурди тантана!
Қиз кўксига унинг бўсаси
Ҳайҳот! Ўлим заҳарин қуйди.
Қизнинг дод деб чинқирган саси
Тун тинчлигин ташвишга қўйди.
У товушда муҳаббат, азоб,
Ёлворишу, гина, изтироб,
Ёш умр-ла алвидолашиш,
Олам билан сўнг жудолашиш —
Ўлим деган хабар бор эди,
Бу энг сўнгги оҳу зор эди.

Шу вақтда тун қоровули
 Тақиллатиб тақилдоғини,
 Ҳар ён тутиб динг қулоғини
 Одат қилган ҳар кунги йўли —
 Тикка девор айланасида
 Ёлғиз кезиб юрар эди тек.
 Бирдан чўчиб, шарпа сезгандек
 Қиз ойнасин шунда пастида
 Ҳайрон бўлиб тўхтади қолди,
 Атрофига тинч қулоқ солди.
 Боқар экан у жимжит тунга
 Икки лабнинг чўлп-чўлп бўсаси.
 Заифона қийқириқ саси
 Эшитилгандай туюлди унга.
 Чол чўчиди, дили увишди,
 Юрагига кир шубҳа тушди.
 Лекин, тинди ҳаммаси шу чоқ...
 Фақат майин шабада йироқ
 Япроқларнинг зорин бу ёққа
 Келтирарди узоқ ерлардан.
 Тоғ дарёси қора қирғоққа
 Сўйлар эди ўтмиш сирлардан.
 Ваҳим босди, у чол қўрқарди,
 Ичдан алланелар ўқирди.
 Ёвуз руҳни, қора арвоҳни
 Хаёллардан қувиб ташлай деб,
 Уйларидан ёмон гуноҳни
 Дуолар-ла ювиб ташлай деб,
 Дир-дир титраб, ўнг қўли билан
 Чўқиниб у илтижо этди,
 Индамасдан, ўз йўли билан
 Шошилганча тез юриб кетди.

XIII

Ухлоқ пари каби беозор,
 Тобутида ётар эди қиз,
 Оппоқ юзи, у гулдай узор,
 Кафандан ҳам оқ эди... Эсиз
 Юмилмишди киприги мангу...
 Лекин киприк остидаги у
 Мудраб ётган кўзлар уйғоқ деб
 Ё ўпиш, ё кунга илҳақ деб
 Ким ўйламас эди боққанда
 Жигари ёш бўлиб оққанда?
 Амокки, у кўзларга қуёш
 Олтин нурын қуярди бекор,
 Ўйглаб ўпиб қавми қариндош,
 Дил-дилидан куярди бекор.
 Ўйўқ! Қаттиқдир ўлимнинг дасти,
 Уни ҳеч ким бузолмас асти!

XIV

Тамарани хуррам кунлари
 Байрамда ҳам ҳеч қачон бир хил
 Ясан билан кўрмаганди эл.
 Ўсган ерин сарин гуллари
 Эски урф-одат бўйича
 Қиз устида ҳид сочишарди,
 Ўлик қўлда қолган кўйича
 Гўё ер-ла хайрлашарди.
 Эҳтиросга тўла юзида
 Ўлимдан ҳеч асар йўқ эди.
 Унга боққан киши ўзида
 У тирик деб кўнгли тўқ эди.

Унда мармар каби ҳам сезги,
Ҳам ақлдан, ҳисдан бегона,
Ўлим каби сирли ва эзгу
Бир чиройдан борди нишона.
Лабларида ажаб бир кулги
Қотиб қолмиш эди беозор,
Диққат билан боққан кўзга у
Талай ғамдан берарди ахбор:
У кулгида ҳаётдан жудо —
Бўлаётган дилнинг нафрати,
Энг сўнгги ўй, сўнгги нияти
Ҳамда ерга сассиз алвидо,
Деган каби бир ҳол бор эди;
Қайғусига олам тор эди.
У бурунги ҳаёт кулгиси
Беҳудага қолдирмишди из,
Энди уни не қиларди қиз,
Ҳоким экан ўлим уйқуси?
Бир кулгининг бир ўхшари бор
Кеч тушганда, қуёш ботганда,
Денгизда зар эриб ўтганда,
Казбек узра кумуш каби қор
Бирпас асраб шафақ нуруни
Йилтиллайди узоқдан қиё.
Аммо ярим жонли бу зиё
Ёритмайди кимса йўлини!..

XV

Қўни-қўшни, қавм-қариндош
Ғамли сафар учун йиғилган.
Кўкси қисиб дами тикилган
Қари Гудал кўзларида ёш,

Фарёд қилиб йиглаб зору зор,
Сочларини юлиб, сўнгги бор
Оқ отига минди, қўзғалди —
Барча мазор сари йўл олди.
Йўл олисдир, тинмай бирма-бир
Уч кеча-уч кундуз чўзилар:
Бсболарин ёнида улар
Тамарага қазмишлар қабр.
Қишлоқларни ўт қўйиб босган,
Ғарибларни талаган, 'осган
Гудалнинг бир ўтмиш авлоди
Кўкка чиқиб фиғони-доди
Қасал бўлиб ётиб қолганда,
Гуноҳларга ботиб қолганда
Айбларини ювмоқ қасдида
Фақат бўрон ўйнаган, учган,
Қарчиғайлар зирвасин қучган
Қоя узра, булут пастида
Уруғига айлаб нишона
Солмоқ бўлган эди бутхона.
Тезда Қазбек қорлари аро
Бир калисо ясалди танҳо,
Суяклари унда бўлди жо.
Ўша баланд қоя сал ўтмай
Гўристонга айланди базўр,
Кўкка қанча яқин бўлса гўр,
Гўё бир оз иссиқ бўлгандай?
Одамлардан нарида ҳар дам
Гўё сўнгги уйқу бузилмас...

Бекор! Ўтган севинч, ўтган ғам
Ўлганларнинг тушига кирмас...

Бир фаришта мовий самодан
 Олтин қанот қоқиб ўтарди:
 Ул гуноҳкор жонни дунёдан
 Қучоғида олиб кетарди.
 У юпатиб гуноҳ қизини,
 Шубҳаларин қуварди ундан,
 Гуноҳ билан азоб изини
 Кўз ёши-ла юварди ундан:
 Жаннат саси олисроқ ердан
 Эшитиларкан уларга бирдан
 Уларнинг ҳур йўлларин кесиб,
 Худди кучли шамолдек эсиб
 Дўзахи руҳ гувиллаб учди,
 Қуюн каби самони қучди.
 У довулдек кучли эди-ю,
 Чақмоқ каби ялтирар эди,
 Ғурурланиб тентакларча у.
 «Қиз меники! Йўқол сен!» деди.
 Тамаранинг гуноҳкор жони,
 Ваҳм билан тўлиб ҳар ёни
 Фариштага ўзини урди,
 Дуо ўқиб қалтираб турди.
 Келажакнинг тақдири шу чоқ
 Ҳал бўларди: чунки у тагин
 Ғазаб билан солиб қовоғин
 Қиз олдида ёймишди қучоқ.
 Аммо уни, эй парвардигор,
 Шу чоқда ким таний олурди?
 Қандай ғазаб билан у ғаддор
 Аччиғланиб назар солурди,
 Тўлмиш эди буткул сўнгги йўқ —
 Душманликнинг ўлим заҳри-ла,

Юзларидан гўрга хос совуқ
Ёғар эди ёвузлик, ҳийла.
«Кет шубҳалар қора руҳи, кет!»
Деди осмон элчиси унга:
«Кет эй беор, чекил эй безбет,
Энди сенинг ҳаддинг йўқ бунга!
Етар, шунча тантана қурдинг,
Етар, шунча сен йўлдан урдинг,
Энди ҳукм соати етди,
Парвардигор қатъий амр этди!
Ўтди унга синов кунлари,
Ўтди унга азоб тунлари,
Ернинг фоний кийими билан
Шар занжири ечилди ундан.
Билгил! Уни кўпдан кутардик,
Кўпдан унга биз кўз тутардик.
У шундайин руҳлардандики,
Улар учун ҳаёт — бир дамдир,
Бетасалли, бир онли ғамдир.
У шундайин руҳлардандики,
Раб уларнинг жонли торини
Яратмишдир сарфлаб борини.
Улар асли дунё учунмас,
Ва дунё ҳам улар учунмас!
Қаттиқ баҳо билан сермеҳнат
Шубҳаларин ювди у бутун.
У қийналди, севди. У учун
Энди ишққа очилди жаннат!
Ёвуз руҳга ҳўмрайиб боқиб,
Ул фаришта кенг нафас олди,
Севинч билан қанотин қоқиб,
Кўк денгизи ичра йўқолди.
Мағлуб бўлган Иблис шу замон
Тентакона тилакларини,

Орзулару истакларини
Ҳаммасини қарғаб беомон
Яна мағрур, бир ўзи якка
Бурунгидек беишқ, бепакка
Мулзам бўлиб, қайғуга толди,
Бу жаҳонда тентираб қолди!
Ҳалигача тоғ ён бағрида
Қойишаур водийси узра
Қуюқ булут, туман бағрида
Узоқлардан кўриниб хира
Ғамгин назар ташлаб тўрт томон
У хароба туради ҳамон.
Ўша ҳақда болалар учун
Ҳикоялар сақламиш кучин...
Рўё каби у тилсиз ҳайкал,
У сеҳрли кунлар гувоҳи,
Қоп-қорайиб кўринар сал-пал
Дарахтларнинг ичидан гоҳи.
Пастда овул чечак отади:
Ер ям-яшил гуллаб ётади;
Гувиллаган товушлар пастда
Тоғдан тоққа урилар аста,
Пастда майин шабада елар,
Узоқлардан карвонлар кедар,
Кўпикланиб ярқираб ирмоқ
Қуйи тушмай, сакрайди ҳар ёқ.
Беғам бола каби табиат
Ҳамиша ёш; шўх ҳаёт билан
Қуёш, баҳор наботот билан
Кўнгил очиб ўйнар ҳар соат.
Бир замонлар навбати билан
Ўз даврини кечирган сарой,
Худди дўсту оиласидан
Жудо бўлган, айрилган гадой

Ранги ўчган, ғамгин боқади.
Кўнгиларни ўтда ёқади.
Унинг янги яшовчилари
Ой чиқишин кутиб туралар;
Бу уларнинг ҳур байрамлари,
Чирқиллашиб ўйнаб юралар.
Янги роҳиб, қари ўргумчак
Уя тўқир, сайрлашиб чик-чик.
Зангори, кўк калтакесаклар
Майда тошлар ҳамда кесаклар
Орасидан чиқишиб шомда,
Гиз-гизлашиб ўйнашар томда.
Астагина инидан илон
Зинапоя устига чиқар;
Гоҳ кулажак бўлиб бир замон
Калласини пинжига тикар;
Гоҳ узайиб, ўтган замонда
Катта уруш пайти майдонда
Эсдан чиқиб қолган қиличдек
Қимирламай ётиб олар тек...
Бари ваҳшат; ўтган йиллардан
Ҳеч бир ерда из йўқдир, беном:
Асрларнинг қўли булардан
Секин-секин ўчирмиш тамом.
Тили йўқдир, сўзлай олмайди,
Ҳеч нарсани эслатолмайди
На шуҳратли Гудал отидан,
На севимли қизи зотидан.
Аммо улар кўмилган мазор
Зирвадаги бутхона омон,
Оллоҳ паноҳида беозор,
Булут ичра кўринар ҳамон.
Эшигида қоровул бўлиб,
Бошдан-оёқ қорга кўмилиб,

Темир совут ўрнига мангу
Муз кийиниб қотиб турган у
Сақлагувчи гранит тошлар
Атрофига совуқ кўз ташлар...
Кўчай деган кўчкилар мудраб
Совуқ уриб, музлашиб, титраб
Тўрт атрофда шалолалардек
Осилишиб турадилар тек!
Бўрон соқчи бўлиб юради,
Деворларнинг чангин суради.
Қўшиқ айтиб бақирар гоҳо,
Соқчиларни чақирар гоҳо.
Бир ажойиб калисо бор деб,
Кавказ тоғларида турар деб,
Оқ булутлар шарқдан елишар:
Сажда қилмоқ учун келишар.
Аммо, кўпдан бу гўрлар узра
Ҳеч ким келиб йиғламас сира.
Тунд Казбекнинг баланд қояси
У ўлжани сақлар, кўз узмас.
Одамларнинг мангу ноласи
Уларнинг тинч уйқусин бузмас.

МУНДАРИЖА

Рус поэзиясининг ифтихори	3
Кавказ асири. (М. Шайхвода таржимаси)	9
Корсар. (Шунқор таржимаси)	32
Жиноятчи. (Эргаш таржимаси)	48
Икки асира. (Эргаш таржимаси).	56
Калли. (Эргаш таржимаси)	60
Эркинликнинг сўнгги фарзанди. (Шунқор таржимаси)	66
Бостунчи овули (М. Шайхвода таржимаси).	102
Ҳожи Абрек. (Ғафур Ғулом таржимаси)	130
Боярини Орша. (Рама Бобожон таржимаси).	146
Денгизчи. (Азиз Абдураззоқ таржимаси)	183
Олег. (Азиз Абдураззоқ таржимаси)	188
Икки қардош. (Азиз Абдураззоқ таржимаси)	193
Ўлим фариштаси. (Ю. Шомансур таржимаси)	196
Сашка. (Ж. Ҳабборов таржимаси)	214
Шоҳ Иван Васильевич, навжувон ясовул ва азамат савдогар	
Калашников ҳақида қисса. (Миртемир таржимаси)	279
Қочқин. (Асқад Мухтор таржимаси)	297
Мцири. (Ҳамид Ғулом таржимаси)	303
Демон. (Усмон Носир таржимаси)	332

На узбекском языке

Михаил Юрьевич Лермонтов

П О Э М Ы

Перевод с издания издательства
Академии Наук СССР 1962 года

Редактор Сайёв

Рассом Е. Владимиров

Расмлар редактори В. В. Поротиков

Техн. редактор В. Н. Шуклимова

Корректор А. Ҳасанов

Босмахонага берилади 30/VII 1964 йил. Босишга рухсат
этилади. 7/X 1964 йил. Формати 70×108¹/₈ Босма л.
11,875. Шартли босма л. 16,27. Нашр л. 15,6.
Тиражи 10 000. Индекс поэзия.

«Тошкент» бадиний адабиёт нашриёти. Тошкент.
Навоний кўчаси, 30. Шартнома № 90—64.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот
Давлат Комитетининг Ихтисослаштирилган ҳарф терув
фабрикасида тайёрланган матрицадан 1-босмахонасида
босилди. Тошкент. Ҳамза кўчаси, 21 1964. Заказ № 308.
Баҳоси 91 т.

Лермонтов М. Ю.
Поэмалар. «Тошкент» бадний адабиёт нашриёти.
1964. 380 бет.
Лермонтов М. Ю, Поэмы